

РУНО

алт

# ШАРК ЮЛДУЗИ

---

---



2  
2013



## Маҳмудхўжа Беҳбудий

Мажалла ва жаридаларнинг катта бир хосијати танқид, яъни сараламоқдур. Саррофлар ақчани, түжсқорлар матоъни саралаганидек, муҳаррирлар ҳам умумий ҳол ва машшатга тааллук нимарсаларни саралайдурки, бошқа сўз ила «танқид» аталур...

Жаридаларга мақола ва шиорлар ўқулуб турубдор. Аммо ҳануз танқид даврига етүшиганимиз йўқ. Иттифоқо, танқид шаклинда бир нимарса ёзиша, бизларга қаттиғ тегар. Ёзганларимизни бузуқлиги ва фикримизни хатолиги, шишимизни ноқислигини бирор киши кўрсатса, ачигимиз чиқур. Ва ул одамини душман кўруб, шахсидан нафрат ва фикрига норозилик, баён этармизки, бул бизни янгидан ишга бошлаганимиздан, бошқа тил ила ноқислигимизданур. Биз эскиларни айблаймизки, аларга ислоҳдан сўзласак, чидай олмайдурлар. Аммо ўзимизнинг мактаб, рисола, таҳрир ва маслакимизни бир киши танқид этдими, чидай олмаймиз, дикқат ила мунаққид сўзини тингламаймиз...

Такроран айтармиз: биз ҳануз танқидга лаё-қат пайдо этганимиз йўқ. Яна қадима касалларимиздан – «норизо», «хотири қолмасуну...» ишлатлари ҳануз кетган йўқ...

Агарда, «хотири қолмасун» қоидаси маслак тутулса, матбуотдан қалам тортмоқ керак. Чунки ҳакиқий матбуот ҳеч кимни хотирига қарамас...



SHARQ YULDUZI



Alisher Navoiy  
nomidagi  
Ozbekiston MK

# ШАРҚ ЎЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Мухаммад Али	Абдуваҳоб Нурматов
Эркин Вохидов	Бахамдулло Нурабуллаев
Кенесбай Каримов	Абдулла Орипов
Наим Каримов	Тўра Саидов
Тўра Мирзаев	Сирожиддин Сайид
Иқбол Мирзо	Энахон Сиддикова
Минҳоҗиддин Мирзо	Йўлдош Солиқонов
Ғулом Мирзо	Хайриddин Султонов
Сувон Нажбиддинов	Рустам Косимов

Бош муҳаррир — Улугбек Ҳамдам  
 Назм бўлими мудири — Икром Отамурод  
 Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш  
 Адабиётшунослик бўлими мудири — Олим Тўлабоев  
 Масъул котиб — Сайдулло Қуронов



## УШБУ СОНДА:

Дурдона

Юсуф Хос ҲОЖИБ



### ҚУТАДҒУ БИЛИГ (САОДАТГА ЭЛТУВЧИ БИЛИМ)



Парча

Билимни буюк бил, заковатни йўл,  
Улугдир икковин тута билган қўл.

Сўз дедим, исботи шундай келди мос,  
Мендан эшиш уни, қулогингга ос.



Наср

Аҳмад АЪЗАМ



### «ҲИКОЯ БЎЛМАЙДИГАН ВОҚЕАЛАР» туркумидан

Ростдан, ҳалигача ҳам ишонмайман. Фисабилло бегараз яхшилик қилишга ўрганмаган одам, қандай ҳам ишонай!

Майли, сиз ҳам ишонманг, ўхшатиб айтолмагандирман, лекин бир оғиз ҳам ёлғони йўқ – шундай бўлган, нимага бу одам шундай қилди, деб ўзим ҳам қирқ йилдан бери ўйлайман.

Шеърият

Саъдулла ҲАКИМ



*Бола Ботиф*

*Достон*



Неки ярагмиши, бари  
Сўзнинг жисму танидири.  
Сўз – чиганоқ гавҳари,  
Кўнгил сўз ватанидири.



Наср

### ЭРКАК Ҳикоя

Гулноза ЭРНАЗАРОВА



Туш кўрипти. Йигирма йилча аввал Зулфия деган бир қиз амалиёт ўтагани ишхоналарига келганди. Ўша қизни кўлидан ушлаб кетаётганмиш. Бутунлай унутиб юборган эди. Нега тушига кирди? Ёдига тушди: юзида кулгичлари бор эди. Кеча музозамат кўрсатган аёлнинг кулгичларидаи чиройли кулгичлари бор эди...



## ҚОРАҚУЮН

Романдан парча

Қалайбек гулда ит тарбиялашнинг нозик сир-асрорларини баён қилаётган иинисининг гап-сўзларини ҳазм қилолмай, сенга гул ити не даркор, ҳатто нотинч замонларда ҳам ота-боболаримиз гулда ит сақлашмаган, дея унинг орзу ўйларига сув сепишга уриниб кўрди. Бирок тутган жойини кесмай қўймайдиган ииниси унинг барча гап-сўзларини қулоги ёнидан ўтказиб юборди.

Нормурод НОРҚОБИЛОВ



## Адабиётшунослик

Йўлдош СОЛИЖНОНОВ



## РУҲИЯТНИ ЁРИТГАН ШЕЪРИЯТ

(Атоқли шоир Эркин Воҳидов  
портретига чизгилар)



Маълумки, Эркин Воҳидов тенгдош бўлган авлод адабиётта ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келди ва ўзбек шеъриятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тубдан янгилади. Айнан шу йилларда қўлига қалам олган шоиру ёзувчилар юраги озодлик, эрк туйғуси билан тўлиб-тошган эди.



## Ўзбек адабиёти дунё бўйлаб

Клавдия ПАНЧЕНКО



## ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИ РУС ТИЛИДА

Янги бадиий тузилма, модель ва шаклларда янги мазмун-моҳият, руҳият қирралари, анъанавий маънавий қадрияларни баҳолаш, янги шахс концепцияси (бутунлиги, қарашлари, фикрлари) йўлида самара-ли изланишлар ўзбек замонавий ҳикоячилигининг бадиий тузилмаси, жанр кўламини безайди.

## Мулоҳаза

Зухриддин  
ИСОМИДДИНОВ



## АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ

“КАРТИНА” ҲИКОЯСИ,

## “МАФТУНИНГМАН” КИНОКАРТИНАСИ ВА КОНФЛІКТСИЗЛИК “НАЗАРИЯ”СИ



Ижодкор эркинлиги деганда, мен асар яратиш жараённада адабининг ўзини тўла эркин ҳис қилиши, турли мавзуда, турли тарзда бемалол экспериментлар ўтказиш эркинлигини тушунаман. Ана шундай шароитда, адабиётда янги бадиий гоялар, янги оқимлар, янги жанрлар юзага келади ва миллий бадиий тафаккур даражаси юксакка кўтарилади.

# МУНДАРИЖА

## ПУБЛИЦИСТИКА

Энхаон Сиддиқова. Эзгуликлар рамзисан, Ватан!. .... 5

## ШЕЪРИЯТ

Саъдулла Ҳаким. Бола Ботир. Достон. ....	10
Абдулла Орипов. Мўъказ достон таассуротлари. ....	10
Ибодат Ражабова. Кўзин очар саноқсиз хилқат. Шеърлар. ....	37
Турсун Али. Сени излар соғинич тўла кўзларни. Шеърлар. ....	40
Олим Набизода. Ой... сочларимни кумушга бўяр. Шеърлар. ....	43
Вафо Файзулоҳ. Исминг билан маъноли дардим. Шеърлар. ....	103
Шодмонкул Салом. Шамопнай чапаяти. Шеърлар. ....	106

## НАСР

Нормурод Норқобилов. Қоракуюн. Романдан парча. ....	23
Назар Эшонкул. Роман ҳақида икки оғиз сўз. ....	23
Ғафур Шермуҳаммад. Кудук. Қисса. ....	45
Аҳмад Аъзам. Ҳикоя бўлмайдиган воқеалар. Туркум ҳикоялар. ....	74
Гулноза Эрназарова. Эркак. Ҳикоя. ....	81
Шукур Жаббор. Олтин гишт. Синергетик ҳикоя. ....	111

## ДРАМАТУРГИЯ

Шодмон Отабек. Сен учун яшайман. .... 63

## ТИЛИМИЗ – ХАЗИНАМИЗ

Фаррух Атаев. Дунё ва туркий тил. ....	85
Қозоқбой Маҳмудов. Ҳавас ва интилиш. ....	85

## ДУРДОНА

Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билиг. Парча. .... 95

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАҲХИЛ КЎЗГУСИДА

Пошшажон Қенжаева. Турк ҳикоячилигининг даврлаштириш масаласи. ....	99
---	----

## ЖАРАЁН

Янги авлод овози. Сухбат. Дилмурод Куронов. Раҳимжон Раҳмат. .... 116

## МУЛОҲАЗА

Зухриддин Исимиддинов. Абдулла Қаҳхорнинг "Картина" ҳикояси, "Мафтунингман" кинокартинаси ва конфликтсизлик "назария"си. ....	127
---	-----

## БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Фаргона ёшлари ижодидан. .... 131

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДУНЁ БЎЙЛАБ

Клавдия Панченко. Ўзбек ҳикоялари рус тилида. .... 141

## МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Дилнавоз Юсупова. Алишер Навоий тахмислари. .... 143

## ТАХМИСЛАР

Соҳиб Музаффар. Оғаҳий ғазалига тахмис. .... 148

Акром Малик. Навоий ғазалига тахмис. .... 150

## ҒАЗАЛ БЎСТОНИ

Эрмамат Нурматов. Сен табассум айлагач. Ғазаллар. .... 152

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Йўлдош Солижонов. Руҳиятни ёритган шеърият. .... 154

Яшар Қосимов. "Мени шеър bogiga etaklagan kim?" .... 159

Доно Бекчанова. Иккى ҳикояя бир назар. .... 166

Жалил Ҳазраткулов. Адібнинг муҳташам "Улуғ салтанат"и. .... 170

## ГУЛҚАЙЧИ

Турсунбой Боймиров. Ошқовоқ. Ҳажвия. .... 174

# ШАРҚ ЙОЛДУЗИ

2013

2-сон

## Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР ЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб кабул килинмасин.

Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга кайтарилмайди.

\* Обуна монелик кўрсатилса,  
Тошкент – 100000,  
"Амир Темур" тор кўчаси, 2. Республика  
"Матбуот тарқатувчи"  
акциядорлик компаниясига мурожаат  
килинсин.  
Обуна индекси — 911

## Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,  
"Ўзбекистон" кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
[www.sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)  
e-mail: [sharqyulduzi1931@mail.ru](mailto:sharqyulduzi1931@mail.ru)

Босиша руҳсат этилди  
10.04.2013 йил.

Қозоқ бичими 70x108 1/<sub>16</sub>"  
Офсет босма усулида тип.  
№ 1-коғозга босилди.

Босма тобоги 11.

Шартли босма тобоги 15.4.  
Нашриёт хисоб тобоги 17.2.

Адади 3375 нусха.

Буюртма № 101-13

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0562-рекам билан рўйхатга олинган.  
"Ўқитувчи" НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
Янгишҳар кўчаси, 1-уй.  
Журнал иккى ойда бир марта чоп этилади.

Саҳифаловчи ва дизайнер:

Хуришид Иброҳимов

Мусаҳихлар:

Дилғузә Маҳмудова,

Раъно Ҳакимжонсона

Рассом:

Шомирза Турдимов

Copyright © "Шарқ ўлдузи"



## ЭЗГУЛИКЛАР РАМЗИСАН, ВАТАН!

Қишининг айни чилласида фарзандларим билан отанамнинг қабрини зиёрат қылғани Олтиариқа шошяпмиз. Қор босган далаларга маҳлиё бўлиб эътибор бермабманми, ўғлимнинг ҳайратомуз хитоби хаёлимни бўлди:

— Вой-бўй, лайлакларни! Қаранглар! Шундай совуқда ҳам иссик юртларга учиб кетишмабди! Совқотишмасмикин?!

Ўғлим симёочларга қурган инлари атрофида тўдатуда бўлиб учиб юрган лайлакларга завқланиб боқди. Мен: булар мўъжизакор қушлар, улар файзу баракотли юртлардан кетишмайди, демоқчи эдим, менга жилмайгансча термилиб турган кенж қизимнинг бир нимага оғиз жуфтлаб турганини сезиб гапирақол, дегандек қарадим. Унча-мунча шеър тўқиб юрадиган Моҳинур қизим акасига шоирона жавоб қилди:

— Билмайсизми, қачондан буён лайлаклар бошқа ўлкаларга кетмай қўйишганини? Улар ҳам бизга ўхшаб эркинликни, осойишталиктни, озодликни, шундай гўзал манзилларни яхши кўришади.

Болаларимнинг покиза, ёруғ туйғуларидан, оддий ҳақиқатни англаб, тушунаётганларидан томогим ачишди, кўзларимга ёш қўйилди.

Пойтахтимиз азим Тошкентга борсам, бунёд этилган Мустақиллик тимсоллари, ўзбек тафаккурининг ҳайкалларидаид қад ростлаган Эзгулик аркаси, Мустақиллик майдони, Бахтиёр она сиймоси, Анжуманлар саройи, Маънавият саройи, Навоий кўчаси (бу рўйхатни узоқ давом этириш мумкин)ни кўриб кўзинг қувнайди. Бу — муқаддас, ватан каби азиз тимсоллар кўнглимиз, қаддимизни юксак-юксакларга кўтаради. Қувончлиси, бу каби тимсоллар ҳар бир шаҳар, ҳар бир туман, ҳар бир қишлоқда куриляпти. Булар — бағрикенг, тинчликпарвар, фидойи ўзбек халқининг эзгу орзулари рамзи. Ташириф буюрганлар бу ерда ватанинг англайдилар, келажакларини аён кўрадилар.

Ўтган йили гувоҳ бўлғаним, Фаргона шаҳрида бунёд этилаётган минг ўринли Санъат саройи пойдеворига гишт қўймоқчи бўлаётган ишчиларни бosh уста тўхтатди. Кейин кўчанинг нариги юзида бобоси билан етаклашиб бораётган уч ёшлар чамасидаги болакай олдига борди. Уни курилиш майдонига олиб ўтиб, азот кўтардию хитоб қилди:



Энахон  
СИДДИКОВА

1954 йилда туғилган.

Фаргона Давлат институтининг филология факультетида ўқиган. Ижодкорнинг “Қоракўз турналар”, “Суманбар насим”, “Кўнгил уфқлари”, “Ишқ ифори” номли шеърий, “Сирли тун фарёди” номли насрый ҳамда бир қатор бадиий-публицистик китоблари нашр этилган. Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фаргона вилоят бўлими масъул котиби. “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари савриндори.

– Рухсат берсаларинг, биринчи гиштни шу полвон қўйиб берсин! Ишчилар қарсак чалиб юборишиди. Биринчи гиштни бобоси ёрдамида пойдеворга қўйган жажоқи болакайнинг кувончи, ҳайрати ва беғубор туйғулари кўзларида чақнаб кетди. Айтмоқчи бўлганим, бу улкан бунёдкорликларга гувоҳ бўлиб улгаяётган янги авлод қурадиган муҳташам тимсолларнинг бўй-бастини нечоглиқ улуғвор бўлишини тасаввур этиши қийин эмас.

Йигирма икки йил!. Бу – мангупик олдида оний лаҳзалар, лекин ана шу қисқа солнома ниҳоятда буюк воқеаларга бой бўлди. Дунё Ўзбекистонга юз тутди, буни бутун жаҳон ҳамжамияти тан олиб, ҳайрат кўзи билан бокиб турибди.

Одамлар билан сұхбатлашиб, кўрку таровати файзиёб бўлаётган Кўкон, Фарона, Марғilonнигина эмас, ҳар бир шаҳар қишлоқларни кезиб, шуни англадимки, мамлакатимиз йигирма икки йил мобайнида олдинги ҳолатига мутлақо ўхшамайди. Энг улкан ўзгаришлар халқимиз тафаккурида, қалбида рўй бераятти. Одамларимизнинг кўнглида эртанги кунига ишонч, ифтихор, ватанпарварлик туйғулари юксалганини кўраман. Бугун юртимиз дунёда ўзининг ўрнини топган, ўзининг мустақил сиёсати билан ҳеч қайси давлатнинг этагини ушламасдан, мағнам деб туриб, ўз сўзини айтаётган мамлакат.

Президентимиз ҳар бир нутқларида эл ризолиги, унга муносиб турмуш шароти яратиш масаласига устувор вазифа сифатида қарайдилар. Бу ҳазрат Навоий бобомиз орзулари, умумбашарий ғояларига ҳамоҳанг. "Эл шод эрмас, мамлакат обод эрмас", дейдилар Навоий ҳазрат бир байтларида. Яъни қачон мамлакат обод бўлади – қачонки эл шод, турмуш фаровон бўлса. Бугун мамлакатимиз иқтисодиёт, халқ таълими, тиббиёт каби соҳаларда дунёнинг энг кучли, ривожланган давлатлари қаторида юксак обрў-эътиборга эга бўлиб турганилиги унинг ЯНГИ АСРИ бошланаётганилигиша шаҳодатdir...

Яқинда ўзим туғилиб ўсан маҳалламга тўйга бориб, болалигим ўтган кўчалардаги ўртоғим хонадонини топа олмай қолдим. Кўчанинг бошидан-охири гача барча хонадонлар янгитдан миллӣ, шарқона ва замонавий услубда қуриб битказилган.

Дарҳақиқат, вилоятда ўтган бир йил ичидаги Президентимизнинг "Фарона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт коммунал инфратузилмаси обьектларини куриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ти Қарори шаҳарда мисли кўрилмаган ўзгаришларга асос солди. Бош режага мувофиқ, Фарона шаҳрининг архитектуравий-режалаштириш қиёфасини миллӣ анъаналар ва замонавий шаҳарсозлик меъёр ва талаблари асосида тубдан яхшилаш, аҳоли турар-жойлари ва ижтимоий соҳа обьектлари, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янгитдан қуриш, экологик вазиятни тубдан яхшилаш ва шунинг асосида аҳолининг яшashi учун муносиб ҳамда сифатли шароитлар яратиш мақсадида, жами 1,3 триллион сўмдан зиёд бунёдкорлик, ободончилик ишлари жадал суръатлар билан олиб борилапти.

Вилоятда биргина янги лойиҳадаги намунавий ўйлар ўтган йили 840 та курилган бўлса, 2013 йилда 1200 та қуришга жадал киришилди. Янгитдан қуриладиган 150 та беш қаватли замонавий ўйлар йигирма мингта оиласнинг турмуш тарзига янгича ҳаёт, саодатмандлик бағишлиши – икки карра иккiday аён.

Бугунги янги давр кишилари, қаҳрамонларининг тез ўзгариб бораётган воқелик қайновларида ўз ўрнини топиш, меҳнат билан ўз баҳт-иқболини яратиш, изланиш-интилишларини ҳақоний ёритиш, уни бадиий адабиётга олиб кириш ижодкорлар олдида турган энг долзарб вазифа деб ўллайман. Кейинги уч-тўрт ой мобайнида бормаган одам Фарона, Кўкон шаҳарларини кўриб танимай қолиши, қисқа вақтда бунёд этилган архитектура ансамбллари, халқимизнинг бунёдкорлик, ижодкорлик салоҳиятидан ҳайратга тушмасдан иложи йўқ. Бунинг учун халқнинг ичига ки-

риш, етти яшардан етмиш яшаргача бўлган одамларнинг интилишлари, ватанга муҳаббати, шеъриятга, санъатга бўлган ихлосу иштиёқини қалбан ҳис этиб, эл юрт орасида юриб қанчадан-қанча истеъдод эгалари, ихлосу эътиборли кишилар билан сұхбатлашсангиз, маънавий сарчашмаларимиз эзгу уммонга айлананаётганига ишонч ҳосил қиласиз ва халқимиз олдида қанчалик қарздорларигинизни теранроқ англайсиз.

Бир сўз билан айтсан, бугун ҳамма соҳалар қатори миллий адабиётимизда ҳам гуркираш, юксалиш, эврилишлар содир бўлаяпти. Буни кўрмаслик, ҳис этмаслик мумкин эмас. Айниқса, Президентимизнинг Ўзбекистон Ёзувчиларига йўллаган му- рожаати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисидаги Қарори, унинг замиридаги чексиз ғамхўрликлари ўзбек адабиётини юксалиш йўлига олиб чиқди, ҳар бир ижодкорни учкур илҳом тулпорига миниди, десам айни ҳақиқат бўлади. Бу борада вилоятимизда катта ташкилий ишлар амалга оширилганини фахр билан айтгим келади.

Вилоятимиз ҳокимининг қарорига кўра, вилоят Ёзувчилар уюшмаси автома- шина, зарур ташкилий-техник, маишӣ жиҳозлар, янги бино билан таъминлан- ди, уюшма қошида китоб маркази ташкил этилди. Ўзбек мумтоз адабиётининг таникли вакиллари: Ҳувайдо, Увайсий, Муқимиy, Фурқат, Ҳазиний, Чархийнинг уй-музейлари, мақбаралари таъмирдан чиқарилди, ободонлаштирилди. Кейинги уч-тўрт йилнинг ўзида улуғ сўз санъаткорлари: Ҳувайдонинг девони, Фурқатнинг "Муҳаббат йўлида", Увайсийнинг "Мазмун маъдани", Муқимиyнинг "Бог аро", Ҳазинийнинг девони, Чархийнинг "Қиёлаб ўтди", Рожий Марғilonийнинг девони, Умарали Норматовнинг Худойберди Тўхтабоев тўғрисидаги "Саргузаштлар сардори", "Увайсий издошлари", "Марғilonнома", "Марғilon гулшани", "Ҳазиний юртида", "Фарғона – истиқлол солномаси", Сиддиқ Мўминнинг "Оиласдан бошланар ватан" китоблари Тошкентдаги нуфузли нашриётларда чоп этилди. Шунингдек, вилоятдаги 62 нафар ёш истеъдодларнинг ижод намуналаридан ташкил топ- ган "Ҳайрат булоқлари" китоби нашр қилингани ва асар тақдимоти Тошкентда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилиб, адабиётимизнинг таникли намоян- далари, таникли адабиётшунос олимлар томонидан ёшлар ижодига юксак баҳо берилгандарига Президентимизнинг ёш истеъдодларни камол топтириш бораси- даги ғамхўрликларининг амалий натижасидир. 62 нафар таникли шоирлар- нинг ижод намуналари жамланган "Фарғона оҳанглари" антологияси ҳам адабий ҳаётимизда катта воқелик бўлди.

Ҳар сафар адабиёт байрамларида ижодкорлар ўзларининг шеърлари, ҳароратли сўzlари билан халқимизни руҳлантириб, шундай улуғ юрт фарзанди эканлигимизга, тинч ва фаровон ҳаётимизга шукроналик, фахр-ифтихор туйгуси билан бориб, улар олдида ҳисобот берадилар. Ҳуррият, мустақиллик бизга нима берди? Буни халқ билан бўлган қизғин учрашувлар, сұхбатларда теран англаш мумкинлигини, қалбан ҳис этиш, кўз билан кўриш мумкин.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилаётган "Истеъдод мактаби" танловида эътироф этилаётган ўнлаб ёш ижодкорларнинг асарлари "Адіб" на- шриёти томонидан йигирма минг нусхада чоп этилиб, мамлакатдаги барча ўқув юртларига белуп тарқатилаётганлиги истеъдодлар сафини кенгайтириш, ўзбек адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқиш учун пойдевор қўймоқда. Вилоятимизда ҳар йили ёш истеъдодлар ўртасида мустақиллигимиз олдидан "Энг яхши шеърий асар", "Энг яхши насрый асар", "Энг яхши таржима асар" номинациялари бўйича ижодий танловлар ташкил этилмоқда ва танлов ғолиблари бўлган ёш ижодкор- ларнинг асарлари китоб ҳолида нашр этилиб, улар компьютер тўпламлари би- лан мукофотланмоқда. Шунингдек, водий вилоятлари ўртасида анъанавий тарзда ўтказил келинаётган минтақавий "Марғilon мушоираси" танлови ҳам ҳар йили янги истеъдодларни кашф этмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири, устозимиз Эркин Воҳидовнинг бир гаплари бор: "Шундай даврлар бўладики, ижодкорнинг ижтимоий ҳаётга, воқеаликка муносабати, ижтимоий фаоллиги баъзан ёзган асаридан кўра ҳам муҳим аҳамият касб этади". Ҳақиқатан ҳам, бугун ниҳоятда мураккаб, таҳликали даврда, ҳатто энг кучли мамлакатлар ҳам иқтисодий таназзуллар исканжасида, турли хавф-хатарлар гирдобида турган бир даврда яшаяпмиз. Президентимизнинг таъбири билан айтганда, дунёдаги ёвуз кучлар маънавиятизим илдизларига болта урмоқ, ёшларимиз тарбиясини издан чиқармоқ учун мағкуравий курашин турли йўллар билан ғоят кучайтираётган пайтада ёзувчи, шоир факат асар ёзишим керак, деб хилватта чекиниши мумкинми? Президентимиз ижодкорлар олдига ўзбек адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, бадиий сўз қудратини, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёзувчининг ижтимоий фаоллиги, фуқаролик позициясини оширишдек масъулиятли вазифани долзарб қилиб қўймоқда. Шунинг учун ҳам вилоят ижодкорлари халқимизнинг барча қатламлари ичига киришга, айниқса, ёшлар билан ўтказилаётган сұхбат ва учрашувларнинг ғоят таъсирчанлигини ошириш, улар онги-шуурига "оммавий маданият" орқали худди наркотиклар каби кириб келаётган, миллый маҳдудлик, ёвузлик, диний экстремизм каби ёт ғояларнинг заҳри қотил, алдов-тузоқ эканлигини нафақат бадиий сўз қудрати, балки юзма-юз туриб ҳароратли сўз билан ҳам тушунтиришимиз бугунги кунда жуда муҳим.

Қаранг, дунё олимларининг хуласасига кўра, иқтисодий инқирозлар маънавий инқирозлар илдизидан ўсиб чиқаркан. Бугун дунёдаги энг кучли мамлакатларнинг ҳам илдизига болта ураётган иқтисодий бўхронларнинг бош сабабчиси – маънавий ҳалокат, таназзул экан. Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асрларида огоҳликка чорловчи иборалари ҳикматдай жаранглайди. "Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир ҳалқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилмоқчи бўлса, аввалимбор, уни қуролсизлантиришга, ягона энг буок бойлиги бўлмиш миллый қадриялари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади". Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манбаатларини, соғлом авлод келажагини хавф-хатарга қўяди ва жамиятни инқирозга олиб келади.

Оммавий маданиятнинг ҳалокатли таъсири аллақачон оммавий ахборот воситалари, интернет орқали вабодай ёпирилиб келмоқда. Оммавий ахборот воситаларида дунёнинг тараққий этган давлатларида турмуш қуриш ёшидагиларнинг 80 фоизи" оила қуришни, оила қурганларнинг 70 фоизи эса фарзанд қуришни истамаётгани, ит, мушук боқиб олишни афзал қўришаётгани, оила муқаддаслигига дарз кетаётгани, дунёнинг 12 та мамлакатида бир жинслилар никоҳига расман рухсат берилгани ҳақида бонг урилмоқда. Шундай хабарларнинг бирида, американлик Роберт исмли бир бойвачча йигитнинг ўз жонига қасд қилгани ёзилади. Йигит бор мол-мulkини ўз кўпмагига васият қилиб қолдиради. Унинг миллионларига умид қилиб юрган маъшуқаси Анжелика бу фожиадан талвасага тушади ва адвокати билан маслаҳатлашиб, Робертнинг кўпмагига турмушга чиқади ва бор бойлигига эга бўлади. Мана Farb мағкурасининг бир манзараси. Бизда, афсуски, баъзан машхур спектаклда айтилганидек, "чет элнинг хўрозқанди бўлса, ётиб ялаш" кусури бор. Куну тун интернетлар қаршисида ўтирган, ҳали ҳаёт ҳақиқатини, турли муғамбirona тузоқ, ахлоқсизликларнинг моҳиятини англаб улгурмаган, тажрибасиз ўсмир ёшларимизнинг бу каби "ўргимчак тўр"ларига тушиб қолмаслигига ким кафолат беради?!

Үйимизу ҳовлимиизни ҳамиша озода, сарышта тутамиз, чанг губорлардан тозалаймиз. Темир буюм бўлган компютеримизни турли микроб, вируслардан асраш учун антивирус ўрнатамиз. Лекин болаларимиз қалбини-чи? Бегубор қалбларни бало-қазодай, вабодай ёпирилиб келаётган оммавий маданиятнинг вирусларидан асраш учун нима қиласяпмиз? Кўзга кўринмас, лекин атом куролидан ҳам қудратли

бұлған бу вируслар фарзандларимиз иймон-эътиқоди, номус-ҳәсесини емириб бораётганидан ҳамма ҳам огоҳми?

Донишманд боболаримиздан бирининг неча аср муқаддам: "Қалбинг деразасини дунёга очиб күй. Токи ундан зэгуликлар, тоза ҳаволар, суманбар насимлар, қүш нурлари кирсін. Лекин унұтмагилки, огох бўлгилки, ундан кираётган бўрону шамоллар, довуллар қалбинг Ўйини вайрон этмасин", деган сўзлари худди бугунги кун учун, огоҳлик қўнғирогидай айтилганда. Бугун интернетлар эшигини ёпиб кўйиб бўлмайди. Чунки замонавий тараққиёт қисмидан четда қолишнинг мутлақо иложи йўқ. Ахборот жадал айланмайдиган жамиятда тафаккур суст бўлади, шу боисдан ҳам ахборот эркинлигига эришиш учун барча омиллар сафарбар этилмоқда. Ақл-идрок, фикр глобаллашуви жуда зарур. Майли, ёшларимиз интернет орқали дунёга ўз сўзларини айтсин. Лекин у орқали ёшларимиз онгига ёпирилиб кираётган, илдизларимизга болта ураётган ёвуз кулфатларнинг йўлини тўсадиган курдатли куч борми? Бор! Маърифат, маънавият ва миллий одобимиз. Бу – фарзандларимиз иймон-эътиқодини бутун қилиб тарбиялаш, уларда миллий руҳоният, ватанпарварлик, шукроналик туйгусини юксалтириш. Бу долзарб масалада курдати "атомдан кучли бўлган адабиёт"нинг ўрни фоят беқиёс, деб ўйлайман.

Яқинда вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилла Тешабоев бир воқеани жуда ташвишланиб айтиб берди:

– Болалар ўртасида ўтказилган расм чизиш танловида бошлангич синф ўқувчисининг чизган расми эътиборимни торти. Ўқувчи ўз расмини "Бизнинг оила" деб атабди. Расмда онаси, aka-опалари күёшли айвонда жамулжам бўлиб дастурхон устида нонушта қилиб ўтиришибди. Лекин расмда отаси кўринмайди. Отаси вафот этганмикин? Менимча, ҳаёт бўлганида, албатта, тасвирлаган бўларди. Минг бир истиҳола билан боладан секин сўрадим: "Даданг қаерда, нега уни чизмадинг?"

Бола бамайлихотир жавоб берди:

– Дадам уйда, телевизор кўриб ётгандилар.

Ўқувчимнинг жавобидан ўйланиб қолдим. Бугун оталарнинг оиласида фарзанд тарбиясидаги ўрнининг йўқолиб бораётганини педагогларни фоят ташвишга соляпти.

Фикримни Президентимизнинг "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" номли рисолаларидаги пурхикмат сўзлари билан мухтасар қилмоқчиман. "Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни зэгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам мухим аҳамият касб этмоқда". Қўлга қалам олишдан олдин шу эзгу каломни унұтмасак, бас!

# Достон



## Саъдулла ҲАКИМ

1951 йилда туғилган.  
ТошДунинг журналистика  
факультетини туғатган.

Шу кунга қадар унинг  
“Ҳамал тонглари”,  
“Сен кутган баҳор”,  
“Ёз оқшоми”, “Она  
сўз”, “Сайламма”,  
“Кўнгил юзи”, “Кўхна  
нақл” каби шеърий  
тўпламлари нашр  
этилган.

*Нурота тизма тогларию  
Оқтов ва Қоратов оралигида  
Бола Ботирдек шоир ўтмаган.  
Эргаш Жуманбулбулдан кўп ишллар олдин.  
Султон камтиридан кўп ишллар бурун.  
Тилла камтиридан кўп ишллар аввал.  
Бошиқа туғилмайдиям. Бошиқа туғилмас ҳам.*

У жуда кўп ёзган. Қуёшни патқалам,  
осмонни қозог қилиб ёсанг ҳам  
унинг ёзганлари сизмайди.  
Ойнинг ҳошиялари ҳам шеърга тўлиб кетар,  
дог бўлмаган жоий қолмайди ойнинг.  
Булулларга ортсанг ёзганларини  
ер багирлаб эмаклайди бели майнишиб.  
Шамолларга айтсанг увлаб юборар,  
дунёни кўчирар.  
Шамоллар шоир бўлиб кетар,  
Бу дунёда кўрганини шеърга солар,  
дунёсини шеър қилар.  
Денгизларга айтсанг ичи қизиб,  
қиргоқларни емириб ташлар.  
Бола Ботир шунча кўб ва хўб ёзган.

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Халқ шоури

## МЎЊКАЗ ДОСТОН ТААССУРОТЛАРИ

Ҳай, болалик йилларим-а!

Унинг сехрлари, ҳайратга тўла катта-катта кўзлари қаёкларда қолиб кетди экан? Юлдузлар ўлдуз эмас, жаннат томошаси эди-ку! Тоғлар оралаб чиқаётган қуёшнинг илк нурлари биз билан гўёки ўйнашар, ботаётган офтоб рухсори эса паҳлавон бобомизнинг юзлари янглиғ қизариб турарди. Қишининг узун ва совуқ кечаларида оғилхона қорамоллар нафаси билан исиб кетар, биз бола-бакралар эса бирон чечан амаки атрофида тўпланиб, хира мойчироқ ёруғида эртак тинглаганимиз-тинглаган эди. Эртак ичиди бўри ҳам, тулки ҳам, арслон ҳам бор. Курбақага айланган маликаю йигитга айланган шер ҳам. Улар бизга қадрдан бўлиб кетгандилар. Айниқса, тулки. Бу сатанг, олифта жонивор гоҳ тавияга, гоҳ паривашга айланар эди. Унинг нозларини эсланг... У ҳатто кечалари дарича ёнига келиб гап ҳам пойлайди, дейишарди. Бўлса бордир.

Воҳ, доз-ей! Бола Ботир барини күнглида ёзган.  
 Айтуб қолдирмаган.  
 Шундай бўлса-да, манов шеърни унга нисбат беришади.  
 Айтмай туриб, айтди, дейдилар:

Тил – лиқ тўла хазина,  
 Гўё қўр – қийғоч ўчоқ  
 Бир баҳра олсанг яна  
 Ортаверар ишитиёқ,

Тингла, Бола Ботирни,  
 Айтар ўла-ўлгунча:  
 Киндаги пичоқ дамин  
 Қайдан билар келинчак?

Канча меҳр берсанг кўп,  
 Шунча чирой очар ер.  
 Бола эмас, аёлни  
 Қаритар лаллайган эр.

Эшиитмаганимидинг ҳеч  
 Ўстирсанг тувакда гул,  
 Оби шарбатни доим  
 Остидан кўйган матъкул.

Томирига етса бол -  
 Танига қон югуриб -  
 Кўрсатур гунча жамол.  
 Оддийдир бунинг сири:

Сутни солиб кувига  
 Ҳоқсати барор кези,  
 Канча пишисанг, шунча  
 Қаймоқли бўлар юзи.

Тонг отар, ер кўкарап, боғлар гуллаб, ҳосилга кирап, зардолию олмалар пишар:

“Олманинг нозиклигидан  
 Кўринадир донаси.  
 Баргига шабнам қўнибдир,  
 Мен унинг девонаси”.

Олманинг ичидаги доналариники илғаган кўз эгаси, унинг баргига қўнган шабнамга боқсанда, девона бўлмасми? Қайда қолди ўша мўъжизалар, қайда қолди ўша шикаста ва тоза хаёллар?!.

Одамларимизнинг кўллари қадоқ, ғадир-будур, товоңлари қорайиб тарс ёрилиб кетган. Ўша замонларнинг меҳнату муҳити шунаقا эди-да! Лекин уларнинг ўйчан кўзларида афсоналар, ривоятлар яшарди. Афсоналарда эса – рамзлар.

Яхшиям, бу дунёда кўнгил қатидаги мудроқ ҳисларни қайтадан уйғотадиган, эзгу хотираларни ёдга соладиган китоблар бор. Чингиз Айтматов асарларини эслайман. Буюк муаллифнинг талқинича, одамларнинг бир қавми қачонлардир Шоҳдор Она Буғудан ўриган, беозор болакай денгиздан паноҳ излаб, балиққа айлангиси келади, мангу айрилиққа маҳкум баҳтиқаро келинчакнинг руҳи эса тогу тошлар аро дарба-

**Бола Ботир айтгани  
Хирмонга дон кўшиади.  
Бошидан кечирса ким  
Асил донии ўшадир!**

\*\*\*

Сўзни анбиё айтса ярашар,  
Сўзни Мұхаммад пайғамбар кироий айтган.  
У ҳам, асли, бир сўзни айтган.  
Бошақа айтилгандар бари ўша битта сўзга шарҳ.  
Ҳазрат Навоий айтганлари ҳам  
ўша битта сўзга битилган гўзал шарҳлар.  
Сўз ўзи битта!  
Бола Ботир шуну айтшидан кўркқан.  
Оғизни ҳар куни уч мартадан беш бора чаймай,  
нечук ул табаррук сўзни тилга оласан?  
Билагингни тирсагинггача пок қилиб ювмай,  
нечук қаламга кўл чўзасан?  
Кўнглингни эътиқод нурига чаймай,  
нечук сўзга зеб берасан?  
Сўз қадрланса азиз!

\*\*\*

**Эл ичра номи баланд,  
Ҳар ишида фазли аён  
Яшар эди Донишманд –  
Тоза тийнат, покдомон.**

*Кимдир: “Оlam иборат, –  
Деса, – молекуладан”,  
“Йўқ, сўздан бу иморат”, –  
Дерди сирли куларкан.*

*Сўз унинг кўз ўнгига  
Оқар эди жислдираб.  
Гоҳ қоронги осмонда  
Чакнар эди гулдираб.*

дар кезиб юради. Булар – аччиқ тақдирлар, булар юксак ва сирли поэзиядир. Одам боласи китоб ўқиётганда, уни ёзувчи ёзганини унутса дейман. Асарнинг ичидаги тобхоннинг ўзи ҳам яшаса дейман.

Шоир Саъдулла Ҳакимнинг “Бола Ботир” достонини ўқий туриб, мен шундоқ хаёлларга бордим. Дарҳақиқат, Бедил ҳазратлари айтганидек, асл шеърият ўзига хос бир оламдир, у учинчи дунёдир. Шоиримиз ажаб бир ҳикоят битибди. Достонда чукур фалсафий-мажозий маънога эга шундай сатрлар бор:

*“Неки, ярапмиш, бари  
Сўзнинг жисму танидир.  
Сўз – чиганоқ гавҳари,  
Кўнгил сўз ватанидир”.*

Асарнинг шаклу шамойли унинг умумий руҳига тоятда мос, халқона. Саъдулла Ҳаким ўз қаҳрамони Бола Ботир (бахши)ни бир ўринда қўйидагича таърифлайди:

*У қўшиқ айттаётганда, отлиқ отидан тушган,  
Ўтирган одам ўрнидан туриб кетган,  
Тик турган одам ўтириб қолган.*

*Бола жөнүлдүү Бу дүнёни ёритиб  
 Түрган ҳам сүз, дерди у.  
 Да бердиктап Иисон дардин аритиб  
 Түрган ҳам сүз, дерди у.*

*Сүз айниса, диёнат  
 Бир сүз – Негизги Үлгани шу, дер эди.  
 Сүз қайнаса, қиёмат  
 Хар түшүнгүлдүү Бүлгани шу, дер эди.*

*Неки яралмииш, бари  
 Сүзининг жисиму танидир.  
 Сүз – чиганоқ гавҳари,  
 Күнгил сүз ватанидир.*

*Бир сүз бор – сүз аввали,  
 Жой олган дил түридан.  
 Қолган барча сүз, асли,  
 Ўша сүздан ўриган.*

*Юрса ҳам, ўтирса ҳам  
 Фақат ўша ўйида,  
 Яшар эди Донишман  
 Шу танхço сүз күйида.*

*Жон каби эди ализ  
 Ўша сүзнинг дийдори.  
 Охир ииқилди ҳолсиз,  
 Кетди тандан мадори.*

*Үңгимиidi, туши ё,  
 Билмас, – ҳарчанд уринди –  
 Сүз жамоли күзига  
 Элас-элас күринди.*

*Күвончидан күксини  
 Үртаб кетди ҳаяжон.  
 Чорлади шогирдларин  
 Ҳузурига ўша он.*

Хуллас, шоиришим үз услубини азалий шарқона қиссагүйлик билан вобаста қила билган. Достонда бахшиёна руҳ устувор.

Бола Ботир образи – мақсад ва эътиқод йўлида сўзни англаш орқали моҳиятга эришиш тимсоли. Сўз жамолида Яратган жамолини кўриш иштиёқида бир умр зору нигорон ўтган Донишманд чол каби. Пари қиёфасида ошиқлик тимсолини кўриб, маству беҳуд бўлган Бола Ботирнинг ўзи каби. Ҳар икки ҳолда ҳам жонфидолик мақсад сари етаклайди. Достонда айтилганидек: “Ўзини унумтмай Ўзини таниган борми?”. Қадим ва юксак кўз қарашнинг янгича талқинлари эмасми бу фикрлар? Ана шу хусусиятларига кўра, “Бола Ботир” ҳам шаклан, ҳам мазмунан оҳорли достон бўлибди, дейишга асосимиз бор.

Бадиий ижодни тараққиётсиз, янгича ёндашувларсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Лекин у қадимиий, мустаҳкам пойdevорларимиз устида қад кўтарса, яна ҳам яхшироқ. Менга ушбу мўъжаз достон ўша кўргонлар узра бўй кўрсатган нафис чечакка ўхшаб кўринди.

Дупур-дупур жон қүши  
Депсиоди қанот қоқиб.  
Бошидан учиб хуши,  
Тилдан қолди, боёкиш.

Ёш айланди күзіда  
Севинч ёши, гам ёши.  
Үкрап әди Донишман  
Үпкасі тұлғиб-тошиб.

Сүзга қовунимай лаби  
Еїлдиради, сүнг сұлғын:  
“Ана, у!”, деган каби  
Осмонга چүзді күлин.

...Устознинг очиқ күзин  
Шогирд аста ёпаркан,  
Аҳд қылды: “Үша сүзни  
Бир күн сүzsиз топаман!”

\*\*\*

Бола Ботир ўзи Ҳудо берған йығыт бұлған.  
Айтшиларича, құшиқни маромига етказиб  
шүндай хиргойи қылғанки,  
әшиятгандар дүнёни унуган.

Нимани айтған экан деб, кексалардан сұраиса,  
сүзи әсемнізда ійк деганлар.  
Әсда қолган құшиқ құшиқми?  
Бир хил күйлак кийганинг сари тұзийверганидең,  
ҳадеб айтлауерған құшиқда ҳузур қолмасди.  
Бошка бирөвларнинг айтшичика,  
сүзи ўзи умуман бұлмаган.  
Лекин бүндай таъсирчан құшиқтарни  
кеин боаша ҳеч ким айтмаган.  
У құшиқ айттаётганды,  
қүеш ҳам бир муддат тұхтаб турған.  
Үшанды, у қиёмга келған пайт бұлған.  
У құшиқ айттаётганды, отлиқ отидан тушған.  
Үтирган одам ўрнидан туриб кетған.  
Тик турған одам ўтириб қолған.

У құшиқ айттаётганды,  
шамоллар болғлар устига ястаныб олиб,  
чайқалиб-чайқалиб әшиятған.  
Күшілар үнга ўшаб құшиқ айттамыз деб,  
сүзини ійкотиб қўйған.  
Шу-шу сайдайдио бирор нима деяётганини тушунмас.  
Тушунмаганы учун роҳатланар.  
Сүз ўзи ортиқа.

Ибн Сино билан Шаих сүzsиз сұзлашған-ку.  
Тақво билан Ҳудони таниған – обид.  
Ақәл билан таниған – ориф.  
Қалб билан таниған – сұфий.

Яна мана бундай:  
 Йўл гардига айланган – мусофири,  
 Эл дардига айланган – шиори,  
 Гул рангига айланган – мусаввири.

Бир улуг Шайх Ибн Сино довругини эшиитиб, уни қўргани,  
 у билан суҳбат қургани келар.  
 Ҳар иккови бир муддат сукут сақлаб,  
 бир-бирларига тикилиб туришар.  
 Сўзсиз суҳбат охирида ҳар икки улуг зот  
 ўта иззат-икром билан хайрлашар.  
 Кейинчалик, Шайх муридларига сўзсиз суҳбат ҳақида гапириб,  
 Ибн Сино тўғрисида: “Мен Оллоҳни қалб билан таниган бўлсанам,  
 у ақл билан таниган экан”, деб айтар.  
 Худди шундай,  
 Ибн Сино ўз шогирдларига Шайх тўғрисида:  
 “Мен Оллоҳни ақл билан таниган бўлсанам,  
 у қалб билан таниган экан”, деб айтар.  
 Бир пас сўзламай, кўнгилга қулоқ солиб ўтириши,  
 сўзсиз суҳбат қуриши нақадар яхши!  
 Одамлар энг нозик сирларини сўзлашмас,  
 кўнгилдан ўтказишар.  
 Ҳамма фикрни кўнгилдан ўтказши мумкин,  
 лекин ҳамма кўнгилдан ўтганини сўзлаб бўлмас.  
 У ҳолда, хотин эридан юз ўғирар,  
 дўст биродари билан юз кўрмас бўлиб кетар.  
 Кўз сўзга айлангани қандай яхши!  
 Сўзни эшиити сўзни бекадр қилиб қўяр.  
 Сўзни, яхшиси, англаган маъқул.  
 Сўзни ўқиши – маънога,  
 Сўзни англаши – моҳиятга етаклар.  
 Сўз кўзга айлангани қандай яхши!  
 Румий ҳазратлари айтган эдилар-ку:  
 кўзга айлансин кўнгил.

\*\*\*

Бамисли жавҳару зар тог ичинда,  
 Моҳият нарсанинг андоқ ичинда.

Тафаккур дур каби ноёблигидан  
 Мудом тутмиши макон чаноқ ичинда.

Ясаబ тоштахтадан мўъжаз иморат,  
 Магиз қадри баланд ёнгоқ ичинда.

Очар япроқ ичинда лола рухсор,  
 Муҳаббат лаззати ардоқ ичинда.

Сенинг асли тилинг, ай ёр, шириндор,  
 Садафдан қўргони дудоқ ичинда.

Қабоқ устида қолмиши қоши, сабабким  
 Қароғ – кўз гавҳари қабоқ ичинда.

Азал ҳүкмин, аё, ҳар лаҳза ёд эт,  
Азиздир жсон қазо – сиртмоқ ичинда.

Үниши бордир, яшаши бор, яшнариши бор,  
Сүлиши бордир гүзәл шу болған ичинда.

Мурод шу, қолдириб бир майса яшинок,  
Мохият касб этмоқ тупроқ ичинда.

\*\*\*

Хұллас, Бола Ботирдек ҳофиз бошқа дүнёга келмаган.  
Үңға бир гал қиёмат күпкари бўлиб ётгандада  
чортокда қўшиқ айтдиришар.

Чавандозлар қўшиқ селига маст бўлиб  
Отларини совутишар.

Шу асно

Кўндаланегига от ўйнатиб ўтар  
тулки тумоқ кийган чавандоз.

Чавандоз қорашибергай, кўзлари кўк бўлиб кўк эмас,  
Мовий бўлиб мовий эмас, яшил бўлар.

Боққанда Бола Ботир кўзларини гўё тигдек кесиб ўтар.  
Кулоқлари чиппа битар.

Худди туш кўраётгандек, кўзлари қоронгулашии  
ўзидан кетар.

Бола Ботир уйга келгач қаттиқ иситмалаб ётиб қолар.  
Кечалари тубсиз қудуққа шўнгиб кетар.

У жуда чуқур бўлар.

Додлаб кўз очар.

Охир уни “Чилёсин”га солишар.

Бола Ботир дармонсиз бўлиб ётар.

Кутимаганда меҳмонлар келиб қолишар.

Отасининг ошнолари.

Улардан бири “Хофиз ўғлингиз қани?”, деб сўрап.

У қорачадан келган, нигоҳи аллақандай яшил, тигдек ўткир бўлар.  
Отасининг иродаси билан хонага Бола Ботир кириб келар.

Остона ҳаттаб “Ассаломуалайкум!” демоқчи бўлар.

Лекин қўлларини кўксига қўйиб, салом оҳангидан  
“Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”, дер.

Ҳа, айнан шундай дер:

“Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” ...

Ва тиз чўкиб ўтирап. Кутимаганда

Нигоҳ ўткир меҳмоннинг кўзларидан нур қочар.

Шашти пасайиб, юзи сўлгинглашар.

Аммо буни кўпчилик пайқамас.

Бир муддат ўтгач, меҳмонлар омин қилиб ўринларидан туришар.

Шундан сўнг Бола Ботир қаттиқ ва узоқ ухлар.

Тушиди яна ўша қудуқни кўрар.

Аммо у энди тўнтарилиб қолар.

Юксалган қудуқ тубидан хира-майин сарғии нур тўқилиб турар.

Ана шу воқеадан кейин

Бола Ботир кўнглида шоирлик уйгонар.

Тўнкарилган қудуқ,  
Тўнтарилган осмон.

*Нажыт – ёргулук,  
Зиндонбанда – инсон!*

*Шоирлик уни ошиқлик сары етаклар:*

*Бола Ботир ёш бола,  
Оlam сирли күзига:  
“Үйланаман,- дер эди,-  
Оймоманинг қизига”.*

*Баҳор келиб боғларда  
Гуллар очилса чаман,  
Айтарди: “Шу баҳорнинг  
Кизига уйланаман”.*

*Кора қишида изгирип  
Жон-жондан ўтган кези,  
“Менга муносиб,- дерди,-  
Ёзниң жазира қизи”.*

*Ёзда эса тонарди:  
“Үйлансам-ку бисёр қиз.  
Айтар йигитнинг марди,  
Кайлигим бўлар корқиз”.*

*Кузда ҳамма эди лол:  
“Шу Ботирнинг ўзими?  
Тилидан тушибас алҳол  
Куз қизининг узуми!”*

\*\*\*

*Ана ўша пайтларда Бола Ботир  
Гараша этагидаги Чоштепа дашибларида  
Парига дуч келар.  
Мен буни илгари айтиб эдим.  
Оғиздан-оғизга ўтиб келаётган гапларга қараганда,  
Бола Ботир ўша парини чиндан яхши кўриб қолар.  
Жинни бўлиб севиб қолар.  
Пари Бола Ботирни телба инсондай яхши кўриб қолар.  
Онтоқ-ойдин кечада бўлар.  
Бундай пайтлар тоққа туташ қир-адирларда  
гуркираб ўсган митти читиргуллар,  
нафармон нўхатаклар,  
бинафша ва чучномалар,  
ёвшан, шувоқ, бўзтикан, янтоқ,  
кийик ўти ва ёввойи бедалар  
ой ёргугида янаям жозибали бўлиб кетар.  
Келинчакнинг уйидай тузсанган бўлар.  
Ўтлар орасидан қушлар сайроги жаранглар.  
Майин шабада бу ёқимли наволарни  
ялтиз, какра, шувоқ ва яна аллақандай гиёҳларнинг  
хуш, тахир бўйига ўраб, димоқларни маст қилар.  
Мана, ўша ёзганларим:*

\*\*\*

Бағор ўрталарида Гарашаниң тоққа тұтаси,  
 күттә-кичик харсанглар чүнқайған  
 құм-тошли томонларида ҳам,  
 бүз тұпроқлу қыр-адирларда ҳам  
 мінг хил гиёх ял-ял очилиб, яшнаб кетар.  
 Хушибүй ҳавони симириб түймайсан.  
 Ҳар қадамда түрли жониворга дүч келасан.  
 Тошбағалар гимирлаб қолар.  
 Юмронқозықтар юрар чопқыллаб.  
 Паррандаю даррандалар, ҳашоратлар тиним билмас.  
 Ёш бир бола әшак миниб, қыр оралаб,  
 ёлеизөёт үйлдан илгерилаб борар.  
 Күтилмаганда, ундан беш-үн қадам нарида  
 майсалар шитирлаб, чиройлы тұлки боши күтәрар.  
 Бола чүчиб тушар. Қийқириб юборар.  
 Тұлки эса күттә одамларға юзма-юз келгандай  
 урра қочиб қолмас.  
 Боладан сал үзоклашиб,  
 чиройлы, узун дұмларини ўйнаташиб,  
 соx олдинға, соx орқага қараб үмбалақ ошар.  
 Бола яқинроқ келса, яна үзокроққа югурғиб кетиб,  
 бояғы құлиқларини тақрорлар.  
 Боланиң қызықшы ошиб, әшагини теззатар.  
 Буни сезған тұлки ўтлар орасида дұмалаб,  
 күздан гойиб бұлар бир зұмда.  
 Ү болаларни әрмак құлишини хүш күрар,  
 Ҳылватда дүч келса, қитиқлаб ўйнашишини ёқтирадар,  
 деган ғаплар юради әл ичидә.

\*\*\*

Болалигимда әшиштігінман.  
 Бир йигит әз ёндирган қоқ түш пайтты  
 хилват қыр оралаб кетиб бораётіб,  
 жар әңқасидагы қоратош ёнида  
 қип-яланғоч аәлни күриб қолар.  
 У, нықоят, келишган бўлиб,  
 тилларанғ сочлари ёйшилиб,  
 бутун қоматини ёмғирдай ёниб турар.  
 У сочларини силаб, ишва қилар.  
 Йигит қулогига: “Хой йигит, бері кел!”  
 деган овоз чалингандай бўлар.  
 Йигит олазарак, бор овозича бақириб юборар.  
 Қўзларига ишонмай яна қарап.  
 Аммо бояғы жойда ҳеч ким кўринмас.  
 У даг-даг титраб уйига келса, оғзи қийишайиб қолар...  
 Париға дүч келиб қўрқиб кетган, дейишар одамлар.

\*\*\*

Ой тұлыштан пайтларда қыру адирлар  
 кечалари ҳам күндүздең қарогон бўлиб кетар.  
 Ойбетгай томонлар ярқираб,  
 терскай жойлар гира-шира қоронгилек ичра  
 ажисиб бир сирли, афсонавий,  
 хийла хавотирли тус олар.

Чигирткалар чирилдоги оламни тұттар.  
 Аллақандаи қышлар дапқыр-дапқыр сайдраб қолар.  
 Каердадир бұлық үтлар шитирлар,  
 нимадир "сурс" этиб үйкүлиб тушиғандай бұлар.  
 Күйилиб ёмгер ёққандек ой нури оқар.  
 Ерда оттоқ бұлутдек ёйилиб ётған шувоқзордан тарапган  
 тахир ва ёқимли ис димоқтарни қитиқлар.  
 Чинданам сирли-синоатлы кечә.

\*\*\*

Отлик үйловчи үт босған тупрок үйлдан  
 дуптур-дуптур жасада интилар.  
 Ойбетгай қырдағы құврайзорға күзи тушиғач,  
 сесканиб кетар.  
 Ёпираі, бу не мұжъжиса?!

Құврайзор ичіда қадди-қомати келишіган  
 сұлуғ бир жұвон тұтара солланиб.  
 Ой нуридан ёғилған,  
 тұпигига тушиған сочларини силаб-сийталар.  
 Бу қандай жұвон?  
 Ярим кечада бу ерларда ярим-яланғоч не қылғиб юрап?  
 Йүйловчи ўз күзларига ишонмас.  
 Күзлари адашар.  
 Тикшлиб қарап.  
 Жұвоннинг қиёфаси ўзғарар.  
 Яқынроқ келған үйловчининг ҳайрати янаам ошар:  
 сарғаш-күнгір дұмларини чиройлы ўйнатыб турған  
 тулкини күрар.  
 Шундай кечада ўша үйлардан  
 мен ҳам от миниб ўтғанман.  
 Юқоридаги воқеани эшиңтеганым боис,  
 қырдан ныгоҳимни узмай,  
 не бир хавотыр ичра отни қичаб ўтғанман.

\*\*\*

Қиши охирлаб қолған күнлар.  
 Қор эриб ерлар юмишаган.  
 Кечкүргүнлари ер яхлаб,  
 қатқалоқ бұлыб қолған пайтлар.  
 У замонларда қишилогимизде токчироқ бұлмаган.  
 Шу боис, бутун оила бир үйда,  
 битта чироқ остида,  
 сандал атрофида гүрунглассиб ўтирадар.  
 Бола-бакралар түннинг бир маҳали  
 оғылхонадагы мол-холдан хабар олиб,  
 ем-хашик беріб келар.  
 Ўшанды, мен оғылхонада әдім.  
 Ташиқарига чиққанымда,  
 аввалига майин ёға бошлаган ёмгер зұрайиб,  
 шитир-шитир садо кучайған бұлар.  
 Үй томон юриб, чироқ нуридан ёришиб турған  
 пастак дераза ёргугида  
 кимдир деразага қулоқ түтиб турғанини күриб қолдим.  
 · Аввалига ажасбландым.  
 "Үгрими?", деган хаёлга бордим.

Сөздірмай яқынлашиб, ҳайратта тушидим.  
 Чиройлар бир түлкі деразага қулоқ тутиб,  
 ичкаридан эшишталаётган гүнгір-гүнгір овозларни  
 худди ғап пойлаган одамдек тинглар.  
 Яқын боришига ҳаддим сиғмади-ю:  
 "Хайт!!!" деге қарсак чалдым.  
 Түлкі шу захоти шартта қайрилди-ю,  
 ўқдай отилиб, одамбүйін дөвөрдан осонгина сакраб  
 күздан гойиб бўлди.  
 Воқеани уйдагиларга ғатириб бердим.  
 "Кургур түлкилар худди тиљни биладигандай ғап пойлар.  
 Бўнинг сири нимада, билмаймиз,  
 лекин шундай галати одатлари бор", дейишар улар.

\*\*\*

Бу воқеаларнинг бари олис болаликда бўлиб ўтган.  
 Дала-даштга ўзгача чирой баҳси этувчи  
 ойдин кечаларни яхши кўрганим учун  
 уларни ахён-ахён эслаб юраман.  
 Шу воқеалар сабаб бўлибми,  
 Бола Ботир қисмати ҳақида ёзгим келар.  
 Тулкига айланган пари.  
 Парига ошиқ бола.  
 Ошиқлик туфайли тулкига айланган бола.  
 Курбақага айланган маликадай.  
 Йигитга айланган шердай.  
 Бу бўлиши мумкинми?  
 Бу бизнинг, то шу пайтгача англаған эътиқодимизга  
 қанчалик тўёри келар?  
 Одам қиёфасидаги мана бу зот  
 балки ростдан ҳам түлкидир.  
 Тулки қиёфасидаги мана бу жонивор  
 мўъжиза рўй бериб,  
 ростданам маликага айланаб қолса-я?  
 Ёки бу ҳол ҳақиқатан чин ошиқлар қисматига хос  
 сиру синоатми?  
 Биз ўзи, асли, чин ошиқ деганда нимани тушунамиз?  
 Ўзимиздан кеча биламиزمи?  
 Ишиқ учун курбон бўла оламиزمи?  
 Ўзини унутмай Ўзини таниган борми?  
 Бу чиндан-да сирли.  
 Эҳтимол, ишақ ўзи ҳеч қачон ечилмайдиган буюк бир сирдир.  
 Балки шунинг учун ҳам ҳамма бирдек унга интилар.  
 Лекин, етолмас. Етганлар бормикан?  
 Мажнун етганмиди?  
 Фарҳод-чи?

\*\*\*

Олам-олам бўлиб тирик  
 Неча аср, неча йил  
 Кўрмаганди бундай тиник,  
 Нур ёғилган кечани.

Майин еллар қанотида  
 Тўлқин-тўлқин оқар нур.  
 Чигирткалар чирилдоги  
 Жаранглайди мисли дур.

*Маст қылгувчи шувок иси  
Димоқтарни ёради.  
Бола Ботир дала йүлдә  
От ўйнатиб боради.*

*Ногоҳ күзи тушар, шундоқ  
Йүл бүйіда бир пари  
Имо қылар, тақимини  
Үпіб тилю сочлари.*

*Каптар сийна, чумоли бел,  
Күза күймич, оқбадан.  
Күрсатса шу Лайли дея  
Мажнун кечар сахродан.*

*Чүмич-чүмич мой симирган  
Бойбичанинг бой қизи.  
Бу дунёдан эмас, чиндан  
Асли ойнинг ой қизи.*

*Пишиқар от юраги-ю  
Юрмасини билмайин.  
Хайратидан хониш қылар  
Ойга қарааб жислмайиб.*

*Отдан тушар Бола Ботир  
Ой нурига осилиб.  
Ойпарининг сийнасига  
Аста қўяр бошини.*

*Эҳтиросдан ихтиёри  
Кетар тамом илкидан.  
Тангачалик эҳсон тилар  
Нозаниннинг мулкидан.*

*“ – Бўлди, энди ўзингни тий,  
Қўлингни торт, шўх йигит.  
Мен тулкиман, бу шини қўй,  
Унум мени, бас, унум!”*

*Ойпарининг нолишлари  
Кулогига кирмайди.  
Қаҳ-қаҳ урап Бола Ботир,  
Аҳдидан юз бурмайди:*

*“ – Хийла қилиб аврама, бас,  
Мендай йигит мардини.  
Ишқ тимсоли бўлиб, ўзинг  
Билмасмисан шартини?!*

*Майли, агар тулки бўлсанг,  
Мен ҳам тулки бўлайин.*

*Гул юзингдан фақат яна  
Битта муччи олайин”.*

*“ – Бола Ботир, ўзингдан кўр,  
Ёш жонингга қасд қилдинг.  
Мен тулкиман, ахир, мени  
Нега мунча маст қилдинг? ”.*

*Битта бўлар еру осмон  
Жону тан бир, руҳу қалб.  
Ой булоги тошар ногоҳ  
Шаршарадек шарқираб.*

*Санчид тушар эгасиз от  
Билмай бу ҳол сирини.  
Теграсида икки тулки  
Кувлашар бир-бирини.*

*...Оlam олам бўлиб тирик  
Неча аср, неча йил  
Кўрмаганди бундай тиниқ  
Нур ёғилган кечани.*

\*\*\*

*Ай, Бола Ботир,  
Нур қўйилган кечада  
нурга айланган Ботир.  
Пари билан севишид  
сирга айланган Ботир.  
Шоирдан сўз қолади, дейшишар,  
Олимдан сўз қолмайдими,  
Муаррихдан-чи?  
Сўздан сўз туғилар чақалоқ каби,  
сўз яшар, сўз қарир, сўз оламдан ўтар,  
Сўз – бу Афандининг чопони, яъни  
сўз – либос, моҳият унда яширин.  
Муҳими – сўз эмас, моҳият!  
Шоирдан сўз эмас,  
ривоят қолшини керак.  
Бола Ботирдан ривоят қолди.  
Моҳият шу!*

\*\*\*

*Бу bog абадийдир, ҳар яшил япроқ  
Илоҳий чашимадан сафолар ичар.  
Изтироб уйида дард ёқсан чироқ  
Шифо этигинида парнираб ўчар.*

*Тақдир шамоллари бу тоза боғни  
Заъфар хазонлардан айлагай фориг.  
Сориг яшил бўлур ҳидоят чоги,  
Неки зумураддир оқибат сориг.*

*Фақат тафаккурнинг ўчмас излари,  
Теран туйгулардан кўнгил музайян.  
Бизни азиз қилар изҳор сўзлари  
Ва айтимай қолган қалималар ҳам.*



# ҚОРАҚУЮН

(Романдан парча)

Күшкүнмас гори Түякүз водийсининг асосий дарвозаларидан бири ҳисобланса-да, бу томондан кирди-чиқди жуда кам, деярли йўқ деса ҳам бўлади. Қавм ахли, улар таъбири билан айтганда, кенг дунё билан Оқтўш довони орқали боғланган. Қавм довон ортидаги Каттасой водийсини макон тутган Уймавут ҳамда Сариёт қавмлари билан азалдан куда-андачилик қилиб келгани боис, у томонда ўзларини фоятда эркин ҳис этгандари ҳолда кунчиқищдаги Күшкүнмасга ҳадик ва хавотирили нигоҳ билан боқадилар. Нега деганда, қадимдан ҳар неки кутилмаган бало-қазо фақат ўша томондан келади. Шунинг учун ўтган қавм оқсоқоллари Түякүз водийсини сарҳадсиз тоглар салтанати билан боғловчи Күшкүнмас горини беркитишга доимо уринни келишган. Бироқ овулнинг ўт-олов йигитлари ҳамиша бу қарорга қарши чиқишган: “Қачонки қавмда йигит уруғи қирилиб битсагина, гор оғзини ёпасизлар!” дейишган. Умуман олганда, бу тогли худудда турли тўқнашувлар ҳамда катта-кичик низолар одатий ҳол ҳисобланса-да, шу дамгача бу қавмдан ўзга қавмга бирон киши банди тушмаганди.

Биринчи банди Эрман бўлди.

Бироқ у бирон-бир тўполон важидан эмас, балки тинч ва сокин кунлардан бирида водийдан унчалик ҳам олис бўлмаган Чоҳлидарада кўлга тушган ва тогнинг одам топмас овлоқ буржига олиб кетилган.

Бошда қавм ахли уни бирор зов-повдан ийқилиб нобуд бўлган, деган гумонга боришиди. Сўнг ҳафта-үн кун сарсон қидиришлар ҳеч бир натижа бермагач, жасадини биронта



**Нормурод  
НОРҚОБИЛОВ**

1953 йилда тугилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини тугатган. “Зангори кўл”, “Унучилган қўшиқ”, “Юзма-юз”, “Сариғул”, “Пахмоқ”, “Темур гори”, “Аразчи чумчук”, “Бекатдаги оқ уйча”, “Оув орагалаган бўри”, “Жўшқин дарё”, “Бўрон кўпган кун”, “Тогдаги ёлгиз одам” каби қисса ва ҳикоялари, “Даштудалаларда” романни нашир этилган.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган

## РОМАН ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СҮЗ

“Коракуюн” романининг журнал вариантини кизникиш билан ўқиб чиқдим. Журнал варианти дейишимга сабаб шуки, муаллифнинг айтишича, асарнинг ҳали ишиланиши ва тўлдирилиши лозим бўлган жойлари бор экан. Бу табиий ҳол. Ўзини хурмат килган адаб асар битди дея анча пайт ташлаб, яна бирон сабаб билан қайта кўлга олганда, кўнгли тўлмай, яна пишиштилиши кепрак экан деган хulosага келаверади. Бу унинг адабиёт олдидаги масъулиятини кўрсатади. Журналда эълон килинаётган парча роман ҳакида тўлақонли тасаввур уйғотмаса ҳам, бугунги насримизда воқеа бўлишга ва жиддий таҳлилларга арзийдиган асар дунёга келаётгани ҳакида хулоса бераолади, деб ўйлайман. Нормурод ака дашт одамларини, уларнинг турмуш гарзи, ички дунёси, ҳайвонот оламини яхши билишини олдинги асарлари билан

одамхүр айиқ камар-памарга тортиб кетган чиқар, шу боис, энди унга аза очсаям бўлар, деган тўхтамга келишган. Лекин аза очмоқча ройиш бермаган онанинг кўзёшлари куриб ултурмай, Эрман булатдек оппоқ туппорда овулга кириб келди. Эл-улус шундагина уни куллик балосига гирифтор этилганидан огоҳ бўлди.

**Қуллик!**

Бу сўз овулга сиғмай, тоғларда акс-садо берди.

Бу сўз кексалар юрагини тилкалаб, овул йигитлари вужудини оловлантириди.

Уларнинг дилидан ўтгани шу бўлди:

“О, қавм шаънига яхши гап бўлмайди энди!”

“Қавм шаъни ер билан яксон бўлти!”

“Бошқалар энди кети билан кулишади, “қуллар”, деб!”

“Кўлга тушунча, курашиб ўлмайсанми, ярамас!”

“Бундан кўра, ўзингни чавақлаб ташламайсанми!”

“Жардан йиқилиб ўлганинг минг карра тузук эди!”

Хуллас, қавм тарихида бу хил воқеа илгари юз бермаган.

Хўш, бунга энди қандай чора кўрмоқ керак?

Овул оқсоқоли Оқбута оғир ўйловда қолди.

У эртаси тонгда, елкасида кенг ва залворли қорамтири пўстин, қўлида бўйи баробар оғир оқсоқоллик ҳассаси, овул марказидаги тиззадан баландроқ, белдан пастроқ, ярми кўкиш, ярми қўнгиртоб тусда, супага ўхшаш силлиқ харсангтош – оқсоқоллик тошсупасига маҳзун ва ўйчан бир ҳолатда кўтарилиди.

Оқбута тошсупада қора бериши билан аввал овул кексалари, сўнг йигитлар, охиди хотин-халажлар харсангтоши тевараклаб кела бошлишди. Йигитлганлар оралик масофа сақлаб, оқсоқолнинг оғзига тикилишиди. Одатда, бунақа пайтда одам боласи тугул, овул итларининг ҳам уни учади. Негаки, қавмбоши тошсупага бежиз кўтарилимайди. У тошсупада пайдо бўлдими, демак, жиддий нимадир содир бўлган ёхуд нимадир рўй беради. Ва қадимдан шакл топган таомилга кўра, токи оқсоқол оғиз очмагунча, теваракдагилар чурқ этмаслиги лозим.

Оқбута ўзидан бурун ўтган оқсоқоллардан қай бирининг хоҳиш-истагига кўра, тошсупанинг қоқ ўртасига жойлаштирилган кучоқча сиғмас жигарранг тош – оқсоқоллик курсисига жойлашиб ўтиаркан, кўлидаги ҳассаси учини харсанг сиртига дўй-дўй урганича, ниманидир қидиргандай ёхуд фикрини жам этмоқчидай, аввалига теваракдаги қояларга ўйчан-ўйчан бўкси, сўнг ниҳохини овул этагидан бошланиб, наридаги тик ва юксак қоялар пойига тирмашган куюқ арчазорга қадади. Кўзи курий бошлаган баҳайбат арчага тушгач эса, бу йил ўтилишка шуни кестириш керак экан, деган ўйга борди ва хаёл билан бўлиб, ушбу ўйини сўзда ифода этмоқча бир баҳя қолди.

Яхшиямки, вақтида тилини тийди.

Акс ҳолда...

исботлаб берган. “Қоракуюн”да ҳам мен дашт одамларининг жозибали, қайнок ҳиссиёт ва кечинмаларга тўла қисмати, чигал тақдирлари, ҳайвонот оламининг синчковлик ва билим-донлик билан яратилган тасвирига дуч келаман, деб ўйлагандим. Бироқ Нормурод акага хос бўлган анъянага мос тарзда, асосий юк яна Қоракуюн – итта тушган бўлса-да, бу сафар асар руҳи, сюжети фалсафий тус олган. Асар ғояси одамлар ўртасидаги адоварат, кин, табиятдан узоклашиш, худбинлик ва нафс балосига ружу кўйиш инсониятни ҳам ва уни ўраб турган оламни ҳам ҳалок этади деган хикматга курилган. Эрман ва Итолмаснинг адоварати туфайли табият тимсоли бўлган Қоракуюн ҳалок бўлади. Чунки Эрман итни ҳам адоваратининг бир қисми, қасос воситаси сифатида занжирга боғлаб тарбиялайди. Авлоди бўри бўлган ит астасекин занжирида бани оламга кин ва ғазаб билан қарайдиган маҳлукка айланади. У ўз эгасидан бошқа барча нарсани тилка-пора қиласидаги мавжудот қиёфасига киради. Охири-оқибат у Итолмаснинг бўғзини узиб олади, аммо шу билан биргага, ўзи ҳам ҳалок бўлади. Бошқача айтганда, табиятни ўз нафси йўлида курол килиб олиш, уни пароканда килиш, ўлдириш билан баробардир, деган хулоса келиб чиқади. Табиятни бўйсундирдим, деб мактаниш, табиятни ўз қиёфаси ва моҳиятидан айириш бани оламни вайрон қилиш билан баробардир.

Воқеа сюжети оддий. Ҳаммаси тоғда, тоғ одамлари ва қавмлари орасида содир бўлади. Ўз акаси билан амал ва мулк талашган (худди Бойбўри ва Бойсари каби) Итолмас ўз

Ахир, тошсупага қандайдир қуриган арчани мухокама этиш ниятида чиқмаган-ку. Оқбұта қуриган арчадан никохини узиб, чукур хұрсинаркан, бугунғи ўта ёқимсиз йигіннинг сабабчиси эрміш Эрманни йигитлар орасыдан қидира туриб, тирик қайтганингдан күра, қайтмаганнинг дурустроқ эди, деган бадбин хаёлга борди. Аммо йигитнинг ағбор афт-антогираға күзи түшгач эса, бу үйідан хижолат тортиб, манглайини қашлади. Ва шундагина ҳассаси учи нүқул қандайдир чукурчага тушиб чиқаётганини пайқаб қолди. Бундан ажабланды. Етгінде түкілиб турған пүстіни барини аста қайириб, чоти орасига на-зар ташлади ва ҳассаси учини аңғышвона янглиғ тор көвакда күрди. Тошдаги көвак таби-ий эмас, ўздан олдин ўтган ўнлаб қавм оқсоқолларининг ҳассаси зарбидан пайдо бўлган бир энлик чукурча. Оқбұта гирди лойланган көвакка ўйчан термиларкан, қавмбошилик ҳавас қиласпари юмуш эмаслигини гўё энди англаб етгандек, бот хұрсинди.

У бугун ғоятда танг ахволда эди.

Қани энди, шу тобда чумолига айлансао манави тошлар орасига биқиниб олса ёхуд күш бўлиб осмону фалакка кўтарилао қайтиб ерга тушмаса! Агар инон-ихтиёри ўзида бўлганида борми, ўлақолса-да, бугун жамоага кўриниш бермасди – ўтиради кулбаси-да тинчгина. Бироқ кутимаганда юз берган бу ҳолат – аллақачон ўлдига чиқарилган Эрманнинг тўсатдан оувуда пайдо бўлиши Оқбұтанинг олдига ғоятда мушкул муаммо-ни кўндаланг қўйғанди – Эрманни кул этиб, оуву йигитлари таъбири билан айтганда, қавм шаъни ва ор-номусини бадном этган ғаним қавмнинг бу ярамас қилмиши ҳақида ўт-оташли сўзлар айтиб, аниқ ва тайинли бир қарорга келмоғи лозим эди.

Аммо...

Яхшиямки, ўзидан билиб, вақтироқ кўриниш бергани – акс ҳолда, оуву йигитлари кулбаси олдида тўпланишиб: “Қани, оқсоқол, қолган гапни энди сиздан эшитамиз”, дей-ишаарди тагдор-тагдор оҳангда. Оқбұтанинг элбурутдан тошсупада пайдо бўлишининг асл боиси шунда эди.

Оуву йигитларининг гувранишидан уларнинг босқин ва қонга ташналиги аниқ сези-либ турарди. Бироқ қонли қасосдан ҳеч бир наф йўклиги ва бундан ҳар иккала томон ҳам катта талафот кўриши мумкинлигини бу хумгазакларга қандай қилиб тушунтиrsa экан? Боз устига, Эрман ҳәт, ғаним кўлида ўлим топмаган, хунини талаб қилай дессанг. Аммо, кўриб турибдики, йигитлар ҳозир гап уқадиган ахволда эмас, уларни одатдаги ҳашаки панд-насиҳатлар билан эмас, курдатли нутқ ила жиловламоқ лозим.

Бироқ қани ўша қурдатли нутқ?

Оқбұта, ҳарчанд уринса-да, миясига жўяли бирор фикр келмаганидан гижиниб, шу бугунги кунга мингдан-минг лаънатлар ўқиди. Кейин, одатдаги деқ, кўмак истаб, оуву улуғлари тўпига кўз қирини ташлади. Кўрдик, улар иззатини қилиб, оғзини пойлаб туришибди. Бунга сари эса йигитларнинг юраги тошмоқда эди.

Энди ортиқ сукут сақлаб бўлмасди.

Лекин нимаям десин?!

Қавмидан кетиб, тилла конига дуч келади. Уни ишлатиш учун тогдаги қавмлардан йи-гитларни тутиб келтиради, туткунликда ушлаб, тилла қаздиради. Ана шу туткунлар ичида Эрман ҳам бор эди. Эрман Итолмаснинг хотини Ойбекач ёрдамида туткунликдан қочади. Озод бўлган Эрман энди Итолмасдан ўч олишини режа қиласди ва шу мақсадда овлоқда, Итолмаснинг йўли тушадиган довонда ғул ити – одамни ғажиб ташлаш учун маҳсус бокиладиган итни тарбиялай бошлайди ва роман охирида ит Итолмасни ғажиб ташлайди. Вокеа бор-йўғи шу. Лекин бу шунчаки курилма. Аслида Нормурод ака одам, олам, табиат, буларнинг ўзаро уйғунлиги, табиий мувозанат ва бу мувозанат бузилиши-нинг оқибатлари ҳақида ўкувчини фалсафий хулосаларга ундейди. Тоштарош бўлган гўзаллик ва бани олам уйғунлиги тарафдори бўлган Қалайбекнинг кечинмалари ва карашлари орқали бу фикр асарда янада ойдинлашади ва залворли тус олади. Асар ана шу жихатлари билан бугунғи адабий жараённинг жиlldий намунаси сифатида таҳсинга сазовордир. Албатта, адилнинг ўзи айтганидек, асар журнал вариантида колиб кетмайди, қайта ишланади ва кайта сайкалланади. Бироқ ҳозирдан жиlldий таҳлилларга им-кон берадиган яна бир ўзбек романни пайдо бўлгани ҳақида бемалол гапирсак бўлади.

Назар Эшонкул

У оёклари остидаги чукурчага қайта разм соглан күйи, гүё шундан бўлак юмуши йўқдек, унинг четидаги нам туроқларни ҳассаси учи билан турткилаб қайта ковакка тушираркан, тўйусдан миясига келган ўйдан бутун тани яйраб кетди.

— Оқсоқоллар! — деди кутилмагандаги дадил ва ўқтам овозда, табиийки, овлу улуғларининг кўллашига тўла ишонган ҳолда. — Бу... ҳаммамиз... Эрман инимиз тортган азобдан тўла бохабармиз! Бу нохушликдан... шу... баримизнинг боворимиз тутаб, ёна-япти! Аммо худоймнинг берган куни кўп экан, инимизнинг ризқи бутун экан, мана, согомон овулга қайтиб келди! Агар бу инимизга бирор гап бўлганида борми... у қавмнинг қилимишини сирайсан кечирмаган бўлардик! Бахтимизга, бу йигит тирик! Демоқчиманки, йўқ ердан гаво чиқариб юрмайлик-да, энг маъкули, Кушкўнмас горини ёпайлик, пашша учуб киролмайдиган қилиб ташлайлик! Хўш, нима дейсизлар, оқсоқоллар?

Овлу оқсоқолининг бу гапи йигитларга малол келган эса-да, катталарга майдай ёки тушди. Ана, улардан бири норозилик билдиришга тушган ўгининг ярининга калтак билан тушириб қолди. Бошқа бирининг ўдағайлаши овлуни тутди. Қавм эркаклари зумда иккига бўлиниб, оқсоқол тарафдорлари кўпчиликни ташкил этди.

Оқбўтага айни шу нарса керак эди.

У елкасидан ботмон тош ағдарилгандай, ўзини жуда енгил ҳис этди. Бироздан сўнг эса бир-бирига гап бермай, ҳануз овлуни бошига кўтараётган оломондан нари қочгиси, сокин арчазор кўйиндан паноҳ топгиси кела бошлади. Кейинги пайтда у бу хил фавғолардан жуда безган, яъни қавмнинг туганмас майда-чўйда ташвишларидан фоятда чарчаган эди. Боз устига, сўнгги кезларда ботаётган офтобга термилиб, ҳаёт шоми ҳақида ўй суришни одат қилган. Боз устига, танҳо қолди дегунча, қаршисида умри поёнига етганда соз чалмоқни ихтиёр этган Бардам чолнинг нуроний сиймоси гавдаланиб, қулоғи остида ингроқ куйлар сас берадиган бўлиб қолган. Бардам чол, ҳар сафар, унинг ҳаёлот дунёсига худди тириклик устидан кулгандек, сирли табассум ила кириб келади. Унинг чехрасидаги ўша сирли табассуми истеҳзоли бир ифода билан коришгач эса, киприксиз қовоқларини чирт юмганича, кўлидаги соズни оҳиста чалмоқча тушади. Чолнинг сози созга ўҳшамайди – боши тўмтоқ, кўйи томони эса косадек ўйилган гаройиб бир оғоч курилма. Бу курилмага икки қатор от кили тортилган бўлиб, эгма камони ҳам от қилидан эди. Бардам чол бу беўхшов чолгуни “соз”, камонни эса “чўп” дерди. Ўша чўп сознинг қорнига ишқаланса, ундан мунгли ва ингроқ садо тарааларди.

Бардам чол қавмнинг аввалги жаги бақувват, тутуми қаттиқ оқсоқолларидан бири эди. У бирор ўн йилча қавмни бошқариб, ўзининг айрим қараш ва эътиқодларини овлу ахли онгига сингдиришга беҳуда уриниб келди, келди-да, сўнг кексалик сарҳадига етиши ҳамон, бирдан ҳалим тортиб, ўзига соズни ошна тутди ва мунгли куйлар ижро этмоқни одат қилди. У ингроқ куйларни шунчаки кўнгил майли учун чалмасди, Оқбўтанинг назарида, ўша куйлари орқали ҳануз кишиларга нима ва нималарнидир ўқтиришга уриниб келарди. Собиқ оқсоқолининг ибраторумуз феъли – ҳар неки ҳолатда ҳам кўнши қавмлар билан хусуматга бормасликка тиришарди. Ўз навбатида, овлу ахлининг гашига тегадиган гаройиб бир одати – кўклав турган дов-дараҳтга болта урдирмасди, дердики: “Ётиб егана төғ чидамайди, куриган шоҳ-шаббаларни сарисиша қилишни ҳам ўрганинглар!” Унинг бу қароридан аксарият кимсаларнинг қаттиқ хуноби ошарди, ахир, шундоқ эшиги олдида қучокқа сигмас арча бошқа дов-дараҳтлар кўклав турганида, қайси ахмоқ олис ўрмондан куриган дараҳт шоҳларини судраб юради?

Бардам чолнинг кўп масалада ҳақ эканлигини англаб етмоқ учун эса – қолгандарнику кўяверасиз – Оқбўтадек хийла зуккотоб одамга ҳам чорак асрдан мўлроқ вақт керак бўлди. Хуллас, Оқбўта кексалик бўсагасига етиб, яна шуни фаҳмлаб етдики, табиий осойишталик деганлари бир неча қунлаб тинмай куядиган жала ёхуд даҳшатли тарзда кечадиган қор кўчкиласидан эмас, шунингдек, дараларда гоҳ якка, гоҳ тўдалашиб юрадиган тантик айикларнинг айрим бекоҳ хатти-ҳарақатлари ҳамда баъзи тунлари ўта фаоллашадиган бўриларнинг қонли тажовузидан ҳам эмас, балки инсон қавмнинг бир-бирига, шу жумладан, борликка нисбатан аҳмоқона муносабатидан бузиларкен ва заволга юз тутаркан. Оқбўтанинг бугун куриган баҳайбат арчага айрича эътибори ушбу англаб етилган идрок важидан эди. Биладики, агар кишилар оқил бўлса, бир дунё ўтинга айланиши мумкин бўлган ушбу куриган арча ўзга дов-дараҳтларнинг яшаси ва кўклав туришига замин яратади. Дарвоқе, бошда Оқбўта ҳам аксарият овулдошлари каби Бардам чолнинг айрим талаб ва тартибларидан норози бўлиб юради, итга ўхшаб намунча ирилламаса деб. Боиси, у пайтда шифти паст тошкулбасидаги тўрт

жоннинг томогини ўйлашдан ўзга ташвиши йўқ эди унинг. Ўшаларни дея, қандайдир тоғу тош экан, агар лозим топса, бутун ёргу олами қора қозонга ташлашга ҳозир эди у. Қисқаси, барча қавмдошлари каби тирикликни қурсоғи орқали кўргани сабабли ҳам, кулбасидан наридаги олам унга ёт ва бегона эди. У бугунги кун ғами билан яшар, эртаниг кун билан деярли иши йўқ эди. Аммо, фалакнинг гардиши билан, оқсоқоллик тошсупасига кўтарили-ю, унинг тириклик ҳақидаги тушунчаси тор кулбасига сигмай, секин-аста ташқарига сирғалиб чиқди-да, аввалига қавмга қарашли худудни, сўнг эса бутун тогу тошни қамраб опди. Табийки, бошда зиммасига юклатилган бу лавозимдан ўзида йўқ масрурланди, ахир, куни кечагина тошўчоқ гирдиаги тўрт қоракўзининг ташвишидан бошқасини ўйламаган Оқбўта отлиғ банда кутилмаганда катта бир қавмга бош бўлади-ю, бундан қувонмай бўладими. Бироқ кўнглидан мамнунлик ҳисси арип ултурмай, оқсоқоллик мансаб эмас, гирт даҳмаза эканни фаҳмлаб етди. Илгари дунёни сув босса тўлиғига чиқмайдиган бу кимсса энди куриб қолган булоқ ёхуд тупроғи кўчиш ҳавфи мавжуд ёнбагирлик ёнидан лоқайд ўтиб кетолмайдиган, қуриган дараҳт турган ерда яшил арчага болта урилганини сезиб қолса, фифони кўкка ўрлайдиган, тунлари эса овлу тинчидан ўзгасини ўйламайдиган бедор бир одамга айланганди-да. Аслида масъуллик, жонкуярлик ва бошқа ноёб ҳусусиятлар унинг қонида бор эди. Фақат ундаги бу фазилатлар поқайдлик ва бошқа гирди балолар гарди остида кўмилиб ётарди. Агар бу банда тийраклатилса, қавмнинг ютуғи бўлиши мумкинлигини олдиндан кўра билган Бардам чол уни ўз ўрнига тавсия этиши билан Оқбўтанинг юрагида тўнгигб ётган корлик ҳиссини қайта жонлантирганди. Қатъият бобида, у баъзан Бардам чолдан ҳам ўтиб тушарди. Оқбўта қавмни кўнгилдагидек бошқарби келаётган эса-да, гоҳида баланд чўққилардан бирига чиқиб, негадир бор овозда ҳайқиргиси келарди.

Нега энди чўққига чиқиб?

Айрим овулдошларининг гумроҳлиги ҳиқилдогига келган кезлари Оқбўтанинг кўнгли яккаш шуни истар ва бундан ўзи ҳам ажабланарди. Қалби тўрида мавжланадиган ушбу ички тўфонлар боис, умри якунида Бардам чол нечун қўлига соз тутганини оҳири англаб етгандай бўлди. Бироқ ҳалигача бир нарсани тўла идрок этолмайди, собиқ оқсоқол бу қадар гўзал, бу қадар мунгли куйларни ижро этишини қаҷон ва қай тарзда ўргана қолди экан? Оқбўта оддий, ўз навбатида, муҳим бир нарсанинг фаҳмига етмасди – Бардам чолда тугал куйнинг ўзи йўқ эди. У туйғу ва кечинмаларини оҳангта сола биларди, холос.

У Бардам чолдек сўзга чечан эмаса-да, аммо ақл ва тадбир борасида ҳар қандай одамни бир чўқиша қочиради. Мана бугун ҳам ўзини ортиқча койитиб ўтирамди, қабул қилган қарорини қавм оқсоқоллари ҳукмига ҳавола этиши билан нокулай вазиятдан осонгина чиқиб кета олди. Энди, манави ўлкаси йўқ йигитлар ҳар қанча чиринашмасин, ҳар қанча иргишламасин – бари бефойда, овлу катталари иродасига қарши улар ҳеч бир иш қила олишмайди.

Бахснинг рафтторига қараб, ниҳоят йиғинни яқунлаш вақти етганини сезган Оқбўта аста тарапдудга тушди. Мана, ҳозир этак силтаб ўрнидан туради-да, аввалига хасса тутган қўлини хиёл юқорига кўтариб, бас, дейди, сўнг эса, бехуда тортишманглар, деган оҳангда: “Қарорим шу – горни ёпамиз!” деба қайта таъкидлайди-да, тезгина тошупани тарп этади. Бунаقا гала-ғовур пайтида оқсоқол кулбасига бош сукиб ўтирамайди, кишилар кўзини шамғалат қилганча, куюқ арчазорлар бағрига шўнгийди. Боиси, сўнгти кезларда негадир танҳолини ёқтирадиган бўлиб қолган – Бардам чолнинг куйларини шуурида жонлантириб, сирли оҳанглар огушида тебраниб ўтиришни одат қилган.

Оқбўта шу ўй, шу умидда секин ўрнидан қўзғалди.

Бироқ туришга улгуролмади.

Қаршисида, гўё осмондан тушгандай, лоп этиб Эрман пайдо бўлди.

Бу ҳолдан Оқбўта бир сапчиб тушди, сўнг қулоқларига ишонгиси келмай, тошсупадан ярим одим нарида ўзига умидвор бокиб турган йигитга бақрайганча тикилиб қолди. Кейин ақл-хүшини зўр-базўр жиловлаб, ирод этгани шу биргина сўз бўлди.

– Ни-и-ма?

– Горни ёптираманг, оқсоқол! – Эрман бу сафар айтган гапини баланд овозда қайта тақрор этди. – Мана мени ғор оғзига ит ўрнида боғланг! Аҳдим шу – ит бўлиб, ғаним йўлтини пойлай! Ит бўлиб, овлу тинчини кўрий! Бу.. йигитлар... айтиётган босқин эса керак эмас, оқсоқол!

Оувул улуғлари билан тортишаётган йигитлар энди Эрманга ёпишиб кетишид:

- Нима деганинг бу?!
- Нега, босқын керак эмас, дейсан?
- Қуллар қавми, деб бир умр устимиздан кулишларини истайсанми, а?!
- Сен бизга уларнинг макон ва манзилини айт!
- Ҳа, кейин ит бўласанми – бит бўласанми, бу сенинг ишин!
- Агар айтмасанг, ўзингдан ўпкала!..
- Биз сен эмас, қавм шаънига доф тушириб қўядиган!
- Бешикдаги боласигача тиғдан ўтказамиш!
- Овулини ер юзидан супуриб ташлаймиз!
- Ҳақ гап, бугун индамасак, эрта бир кун яна биримизни кул қиласди улар!
- Хотин-қизларимизга кўз олайтиришади!
- И-и, бу... аввалги... Эрманга умуман ўхшамай қопти!
- Чинданам, аввалгисига ўхшамайди бу!
- Демак, аввалги Эрман ўлибди-да!
- Ҳа, ўлибди!
- Энасига айтинглар, азасини очаверсинг!
- Эсиз, аввалги Эрман қанчалар яхши йигит эди-я...

Овлу йигитлари ҳақ – чиндан-да аввалги Эрман энди йўқ эди. Агар бурунги Эрман бўлганида борми, йигитлар назарида, йўқ ердаги гапларни қилмай, худди ўзларидек, босқынга изн беринг, оқсоқол, дея Оқбутага тиргалган, тоғларни шовқинга тўлдириб, овлу катталари билан айтишган бўларди. Бироқ қулликнинг барча аламу ситамларини керагидан ортиқ даражада тотган бу Эрман овлу йигитларининг бутунлай акси – босик, кам-гап ва ўта мулоҳазали кимсага айланган эди. Шу боис, йигитларнинг бу шовқи-сурони сайҳоннига “улок-улок” ўйнаётган болалар тўйполонидек туюлиб, қаттиқ ғашига тегмоқда эди. Эрман “босқин” ҳақида эшитишни истамагандек, бу ибора ҳар тилга олинганида, юраги бир қалқиб тушар ва кўз ўнгидаги даҳшатли манзара гавдаланарди: ана бўридай кутиришаётган қавмдошларининг хужумидан хўл-қуруқ баравар ёнмоқда. Аёлу болалар тутаётган ўтовлар оралаб, турли томонга тўзгиб қоммоқда. Эрман эса бош қўнагла – оқ ўтов эшигини тўсib чиқсан Қоракулнинг кенг кўксига пичоқ саншиб, асосий фаними бўлмиш Итолмасни мавҳ этиш ниятида ичкарига интилади. Бироқ ичкарида фанимига эмас, ўтов ўртасида газабнок туриб қолган Ойбекачга рўбарў келади.

Жувоннинг чарос кўзлари қаҳрга лиммо-лим тўла эди:

- Нималар қип кўйдинг?! – дейди унинг ўткир нигоҳи.

Кутилмаган бу учрашуудан саросимада қолган Эрман бирон сўз айтгунча бўлмай, аёл тилга кириб дейди:

- Бу овлу йўлини бир умрга унут демаганимидим сенга?! Ахир, унтишга сўз бергандинг-ку, номард!

Эрман жувоннинг кўлидаги ўткир тиғдан эмас, балки барча тутқунларга бирдай сүюкли бўлган аёлнинг ўти нафрати ҳамда оловли қарашларидан даҳшатга тушади. Бундан кўра, кўлидаги тифни тезроққина қоқ юрагимга санчгани минг бора дуруст эди, деган ўйга боради. У шу хаёлда теварагида ҳануз вагиллашаётган овулдошларига бир сира боқаркан, бу даврада Ойбекачнинг номини тутиш ножоизлигини, агар у ҳақда оғиз очар бўлса, аёлнинг азиз номи ҳамда нурли сиймоси овулдошлари оғёси остида топталишини кўз олдига келтиаркан, ўз вақтида тилини тишлайди. Ва ўзи сезмаган ҳолда, беихтиёр, қадимий муқаддас таомилни бузади, яъни тошсупага сакраб чиқади.

Оқибат, овлу оқсоқоли Оқбута унинг пойида қолади.

Бу синоатдан барча лол туриб қолади.

Аммо овлу улуғларидан бири тезда ўзини кўлга олиб, кўлидаги узун калтак билан Эрманнинг кўймичига боллаб бир туширади.

- Пастга туш-ей, нодон!

Бироқ Эрман дашном эшитадиган ёхуд бандасига итоат этадиган аҳволда эмасди. У кўйига сакраш ўрнига, қайтамга Оқбутага янада бақамти келиб, унинг ўнг ёнига тик туриб олди-да, халойикка юзланиб дейди:

- Агар гапнинг ростини айтар бўлсам, мен тутқунликда, бандиликда ёмон қасам ичганман! Тўғри, қасамнинг яхшиси бўлмайди! Аммо мен ичган қасамни асло тилга олиб бўлмайди! Тил куриб тушади! Қисқаси, гапим шу, Күшкўнмасни менга беринглар! Күшкўнмасни ити бўлай! Фаним йўлига кўндаланг бўлай! У оқ тулпорини дараклаб келади, уни кўзи қиймай келади! Шунда мен ит бўлиб бўғизга ёпиша-

ман! Гапнинг калтаси, овул томонга ғаним зотини доритмайман! Мен шунга онт ичганман! Агар онтимда турмасам, элга күшиладиган сиёгим қолмагай менинг!

Эрманнынг бу ўтли хитоби ва ёзиришидан тоғлар сукутта толди, жилғалар оқищдан тұтхаб, күкдеги дайди оппоқ булултар чок-чокидан сүкилиб кетди. Аммо ўта овлоқ маңда кечеёттан турғун турмуш тарзи туфайли онг ҳамда идроклари мөгорлаб кетган овул йигитларининг пинағы ҳам бузилмади. Қайтамга баттар бақыр-чақыр қилишга тушиши. Оқбұтанинг ибораси билан айтганда, табиий осойишталиктин бузиш нияти ва қасдида баттар кутура бошлаши.

- Нега энди уни Күшкүнмасда кутишинг керак?!
- Ҳадеб ичган қасамингни рұқач қылаверма!
- Ҳозир қасамға қараб ўтирадиган вакт эмас!
- Ҳа, бу күтір дүнёда не бир қасамлар бузилмаган!
- Масалан, мен ҳар куни юз бора қасам ичиб, юз бора уни бузаман!
- Ййк, бу бизни алдаяпты.
- Ҳа, қасам – бу бир баҳона!
- Түгри айтасан.
- Үнда келинглар, биз ҳам қасам ичайлик.
- Нима деб?
- Агар шу бугун ғаним овулуга ўт күймасак ва уни ағдар-тұнтар қылмасак, Донишоттанинг арвохи урсип бизни деб!
- И-и, қасамга бало борми!
- Бизга манзилини айтса бўлармиди.
- Айтмаса, айтқизами!
- Оҳ, ёмон қўлим қичиб кетаяпти лекин!
- Ўзгалар билан қирпичоқ бўлмаганимизга минг йиллар бўлди-ёв ўзиям, а?!
- Барибир, оқсоқоллар изн беришмайди.
- Ҳа, уларга овулнинг ор-номуси керак эмас!

Овул йигитларининг бу қадар ўр, бу қадар гумроҳлигидан Эрманнынг ғазаби қайнаб кетди.

– Силарга қон керакми?! – дея ҳайқирди у бор овозда, қўксини ялангочлаб. – Агар жудам қонсираган бўлсаларинг, мана, аввалига менинг қонимни ичинглар! Қонхўрлар!..

Ўзини тутолмай қолган Эрман, оташ ва ҳаяжон оғушида, шундай бир ибораларни тилга олдики, шусиз ҳам қони қайнаб турған йигитларининг ғазаби кўкка ўрлади. Уни калтаклаш ниятида бир нечаси тошсупага интилди. Йигитлар оёғи остида қолиб, кимнингдир турткисидан тошкурсидан думалаб тушган Оқбұта хушёр тортди. Оқсоқоллиги энди эсига тушгандай, қони қизиб, қаҳри қўзиди. Қўлидаги залворли ҳассаси билан муқаддас тошсупага ҳурматсизлик қылган йигитларни ёпласига савалашга тушиб кетди. Унга бошқа овул улуғлари кўмакка келди. Оқбұта йигитларни аямай савалар экан, унинг калтаги ҳар сафар Эрманни четлаб ўтарди. Бунинг сабаби, Оқбұта ундан беҳад миннатдор эди. Негаки, Эрман минг аламзода бўлмасин, бошқалар каби жон ва қон талаб қилмаяпти, бор-йўғи, Күшкүнмасни сўрайапти. Бундан чиқди, йигитнинг онти жуда жиддий. Акс ҳолда, бу қадар зор қақшамасди у. Ва энг муҳими, Эрман ўзининг бу талаби билан юз бериши эҳтимоли бўлган қирғин-баротнинг олдини олишда овул оқсоқолига зўр важ топиб берганди. Ана энди, бо-плаб сопини ўзидан чиқаради. Айтганча, Оқбұта деганлари, юқорида бирров таъкидланганидек, табиатан ўта тадбирли, кўлига тушган қылдан арқон эшишга қодир кишилар хилидан эди.

– Йигит қасами ҳали кўчада қолганми?! – дея дағдага қилди, йигитларни тошсупадан ҳайдаб туширгач, бу сафар ўзгача бир кўтаринки рухда. – Қачондан бери?! Муқаддас тошсупани топтаганларинг етмагандек, энди йигит кишининг онтини оёқости қилмоқчимисанлар!

– Қасам ичган у, биз эмас! – дея тұнғилади йигитлардан бири зарб еган ягринини сийпалаб.

– Азобниям тортган у, сен эмас! – дея янада авж пардасига кўтарили Оқбұта. – Йигит одам, аввало, қасам ичмасин, қасам ичдими, тамом, онтида маҳкам турмоги лозим! Бу – бир. Иккинчидан эса, бировнинг онтига аралашмоққа ким хуқуқ берди силарга, а?!. Кейин у... биздан кўмак эмас, айролик сўрайапти! Силарга ўхшаб қон эмас, танҳолик сўрайапти! Агар мени шу юртнинг оқсоқоли деб билсаларинг, эндиги қарорим шу,

бүгундан бошлаб Қүшкүнмас Эрманники! Горни ёладими, ё туну күн унинг оғзини күриқлаб ётадими, бу энди унинг иши! Боя, босилиб қолар, дея индамовдим. Аммо энди бирортанг ғинг деб күр-чи, қыблага қараб шундай бир дуюй бад қылайки, етти пуштингни боши ғамдан чиқмасин!

Оқбұта пўписа билан чекланиб қолмай, қибла томонга үгирилиб, кафтларини очди. Биладики, бу овулда қарғышдан күркмайдыган одамнинг ўзи йўқ. Худди кутганидек, кексалардан бири овози қалтираброқ деди:

– Бир сафар кечиринг буларни, оқсоқол!

– Биз овул шаънини ўйладик-да, оқсоқол! – деди йигитлар тўпидан кимдир норози тўнгиллаб.

– Йўқ, силяр хун олмоқчи бўлдиларинг! – деди Оқбұта ўша дарғазаб оҳангда. – Тирик одамнинг хунини олмоқчи бўлдиларинг! Ахир, у ўлмаган-ку, қаранглар, лоақал бирор жойи тирналмаган ҳам!

Ўша куни кутилмаганда қудратли нутқ ирод қилиш баҳтига мұяссар бўлган Оқбұта ҳар бир сўзини чертиб-чертиси гапирди, овул улуғлари таъбири билан айтганда, кизиқон йигитларнинг пўстагини обдан қоқди. Ва сўзи якунида Күшкүнмас ҳудудини Эрманга тантанавор йўсунда ҳадя этаркан, унинг иродаси ва қатъиятига ҳамду сано-лар ўқиди. Бошқаларни ундан ибрат олишига чорлади. Сўнг бу қадар сўзамол бўлиб қолганидан ўзи ҳам гоятда ажабланди. Бу борада овул кексалари ҳам хайратларини яшириб ўтиришмади, кундан-кунга очилиб кетаяпсиз, оқсоқол, дейишиди.

Эрманнинг овулдан айро тушиб, ёлғиз бошига ўтов тикиб ўтириши, барибир, бошда кўпчиликка жуда эриш туюнди. Кейин, одатдагидек, ҳамма бунга кўниди. У гўё азалдан шу йўсунда яшаб келаётгандек, овулдошлари унинг танҳолигига ортиқ эътибор бермай қўйишиди, ҳатто у бошидан кечирган машъум кунлар ҳам унтутилган-дек, бу ҳақда бирор ортиқ эсламайдыган бўлди. Бироқ Эрман, овулдошларининг акси ўлароқ, на ўтган кунлари, на ичган онтини ёдидан мосуво этганди. Агар бошқалар каби тириклиникнинг қувонч ва ташвишларига кўмилиб, кечаги кунини унтар бўлса, ўша заҳотиёқ тириклайн ўлишини, яънким бутунлай одамлик сиёқидан чиқишини яхши билади. Негаки, туткунликда жисмидан ташқари, шаъни, нозик ҳис-туйғулари ҳам обдан топталган ва ҳароб этилганди-да. Шу боис, ўтган қора кунларни унтутилган кўра, ер қаърида совуқ тупроқ кучиб ётмоқ минг чандон афзалигини яхши билади! Ахир, кулликка қадар у ўзини осмон бағирлаб сузиб юрган бургутга киёсларди. Қанот қоқишилари Туяқўздеқ гўзal водий кўксига симай, ўзини юксак осмону фалақда ҳис этиб юрган шукуҳли онлардан бирида, инсон жисмидан ҳам кўра, руҳини абгор этувчи куллик балосига гирифтор этилганди-да. Ҳолбуки, шундай экан, бу хил ноҳуш савдоларни бошига соглан Итолмас отлиқ ғанимни унтиб бўларканми.

\*\*\*

Эрман қоронгилик қўйнига тикилиб, бирор шубҳали шарпани илғамаган эсада, нигоҳини теваракдан узмаган кўйи, кети билан тисарилиб ўтовга кирди-да, ҳар эҳтимолга қарши, негадир эндиғина эсига тушган, оғиздан ўқланадиган оғир пилта мильтигини кўтариб чиқди.

У ҳалқда “қорамилтиқ” деб аталувчи бу яроққа ҳалигача тузукроқ қўнишиб кетолмаган, ундан кўра, белидаги тифга кўпроқ ишонарди.

Эрман бу яроқни бандиликдан қочиб келган куннинг эртасиёқ қўшни Уймавут қавмининг олди полвонларидан бири бўлмиш Надим мергандан беш кўчкорга алмаштириб олган, яъни юраги тўла қасос эмасми, келиши билан тўла-тўқис қуроллана бошлаганди.

У нафақат бебаҳо тулпори изидан, балки ўзининг олтин конига боғлиқ сирасорларидан боҳабарлиги важидан водийга бosh сўмокқа мажбур бўладиган Итолмасни, аниқроғи, унинг кичик чапдаст тўдасини ушбу ўтсоchar қурол билан қаршилаш ниятида эди. Ўзича – ҳозир ўйласа, қанчалик нодон экан – ғанимими бир ўқ билан ерпарчин қилиб, ичган онтига кўра, уни овул итларига едирмоқчи эди. Бироқ кейин маълум бўлдики, “қорамилтиқ” деганлари хийла инжиқ матоҳ экан – ҳали пилиги панд берса, ҳали дориси нам тортиб қоладими-ей. Бу камдек, дори ва кўроғошин питраларни меъерида сола билмасанг ҳам, бир бало экан. Боз устига, у ишонган овул итлари бир чақага қиммат чиқиб қолди.

Бандилигига, соғинч ҳисси туфайлими, Туяқўз водийси жонзоти ошиб киролмай-

диган мустаҳкам қалъа, овули итлари эса Итолмаснинг ғул итлари каби ўта ёвкур, ўта йирткич туюларди. Назариди, овул итлари хиёл сасданоқ күмакка етиб келадигандек эди. Ва кейин аёнлашдики, „қалъа“ дегани эшик-тешиги очиқ бир худуд, хаттоки отликини йиқишига чоги етадиган итларнинг бор журъати эса овулда экан, муюлишдаги арчазордан берига уларнинг юраги бетламас экан.

Эрман, турган гап, кўра четига қўйилган қўриқидай бекор ўтиради. Орадан кунлар ўтса-да, негадир ҳалигача қорасини кўрсатмаётган Итолмасни ортиқ кутишга сабри чидамай – тузган бу режаси ичган онтининг асосий бандига сира тўғри келмаслигини билса-да – хом сут ичган банда эмасми, қасос ҳиссига бўйсуниди, тоғнинг овлоқ пучмогига жойлашган ганим овулуга бамисоли қоплондай писиб бормоқни неча-неча бор ўйламади дейсиз. Бироқ унинг бу ҳаракатлари ўз жонига қасд қильмоқдан ўзга нарса эмасди. Негаки, овул итлари ўта сезигир – манзилга шарпа янглиг писиб бормогига ҳеч вақт изн бермайди, вовиллаб оламни бузади. Агар шундан сўнг ғулда маҳсус сақланаётган итлар бўшатиб юборилса борми, Эрманинг чивиндек жонига Яратгандан ўзгаси асло ора киролмайди. Бурунгилар бекорга, овул итидан қочиб, ғул итидан ўлиб қутуласан, дейишмаган. Боз устига, Ойбекачга берган ваъдаси-чи? Айтган сўзини беҳудага ҳавога совурмайдиган жувоннинг ўзи ғул итига айланмасмикан кейин? Эрман кунлардан бирида чўнг қоялардан бирига кўтарилиб, ганим овули жойлашган худудсиз тоғлар томонга тикилиб ўтиарarkan, юрагини қасос туйғуси қаторида соғинч ҳисси ҳам кўйдираётганини дафъатан пайқаб қолиб, ҳайратдан думалаб тушай деган.

Наҳотки, Ойбекачни соғинаётган бўлса?

Бўлиши мумкин эмас!

Ана шунда аёлга нисбатан соғинч ҳисси қалбидаги қасос туйғусини бутунлай супуриб ташлаши мумкинлигидан кўркандай, кўз ўнгида бўй ростлаган Ойбекачнинг уқтам ва гўзал сиймосини жон-жади билан нари қувлашга тиришган. Аёл саркашлик қилмай, йигитга итоат этаркан – тоғлар бошига кўнган кўкиш губор оғушига оҳиста сингиб кетакета, кўйидаги хитобни қайта тақорот этмоқни унутмаган: „Шарти шу – бу овул йўлини бутунлай унутасан!“

Эрман жувоннин унутолмай ғамнок юрган кунлардан бирида ўтов тикилган дўнглилка Оқбўта чиқиб келди.

У овул оқсоқоли сифатида шарқий дарвоза Эрман томонидан ихтиёрий тарзда кўриқланаётганидан ўзида йўқ мамнун эди. Нега деганда, юрт тинч – у тинч-да. Фақат оқсоқонни жиддий ташвишга солаётган бир муаммо шу эдикни, келиши гумонланаётган ёвни даф этмоққа ёлғиз Эрманинг чоги етармикан? Бундан ташҳари, унинг йигитга айтадиган яна бир муҳим гапи бор эдикни, бу ҳақда вақтида шипшиб қўймаса, Эрманинг додга қолиши аниқ эди.

Оқбўта шу дилгир ўйлар оғушида дўнглилка кўтариларкан, одатига хос тарзда, гапни хиёл узокроқдан бошлаб, сўнг кўргонга ишора қилиб деди:

- Ўтov тикиб юрмай, манову кўргонга эгалик қилсанг ҳам бўларди-ку, Эрманбой?
- Момо қўймади, оқсоқол, – деди Эрман шикоятомуз оҳангда.
- Ҳа-а... у қўймайди.
- Итни ҳайдагандай, ҳайдаб чиқарди.
- Ишқилиб, момони сўқиб-нетиб юрмадингми?
- Ҳали эсимни еганимча йўқ, оқсоқол.
- Бу ишинг дуруст! – Оқбўта унинг елкаси оша ўтовга разм соларкан, деди: – Ўтovинг анча эскирибди.

– Топилгани шу-да, оқсоқол.

– Оқбошнинг ўтovими дейман?

– Оқбошнингиз қишида қор сўрасангиз бермайди-ю, менга ўтов берармиди.

– Ҳа, у бермайди.

– Бирорвга нарса берган куни ўлади у.

– Аммо ўтovни жуда кулай ерга тикибсан, – деди Оқбўта унинг гапига ортиқ эътибор бермай.

– Етти ўлчаб, бир кесдик-да...

Оқбўта ўтов гирдини айланиб, уни кўздан кечирапкан, ҳеч сабабсиз арқонларни тортқилаб кўра бошлади.

– Бу... ганим деганинг қора бермадими ҳали? – деди бир муддатдан сўнг ўтов арқонидан қўли ва кўзини олмаган қўйни. – Шовур-повури йўқми?

– Агар ғаним қора берар бўлса, – Эрманнинг андак ғаши келди, – биринчи бўп сиз хабар топасиз-ку, оқсоқол.

– Балки... қора бермас, а, Эрманбой? – Оқбўта шундай дея ўтов ортига ўтиб кетди.

– Йўқ, қора беради у! – Эрманнинг туси ўзгариб, бармоқлари мушт бўлиб тугилди. – Кўнглим айтиб турибди, қора беради! Ғаним бўрондай қутуриб келмайди, қоплондайин писигина келади! Ахир, дуру гавҳардан зиёда бўлмиш тулпоридан осонгина кечиб кетолмайди-ку у! Иккинчидан эса...

– Дуру гавҳардан зиёда ҳисобланмиш тулпорини бош-кўзидан садақа қилиб юборган бўлса-чи? – дея унинг галини бўлди Оқбўта, ўтов ортидан туриб.

– Унда менинг бошимни ейиш учун келади! – деди Эрман беларво оҳангда. – Мен эса уни овул итларига едираман!

– Овул итлари одам емайди, нодон бола! – Оқбўта ўтов ортидан ошиқмай чиқиб келди. – Овул итлари одам еганини қачон кўрувдинг?

– Овул итлари емаса, унинг этини ўзим ейман! – деди Эрман бўш келмай.

– Сен отанга эмас, амакинг Эштўрага тортибсан.

– Қон бир-да, оқсоқол.

– Лекин ўтовингда ит кўринмайди, Эрманбой.

– Мен бу манзилда муваққат одамман, – деди Эрман энсасини қашлаб. – Шунинг учун ит не даркор, деган ўйдаман.

– Бу ўнинг жуда хато бўлти, Эрманбой! – Оқбўта таассуф-ла бош чайқади. – Темир яроққа инониб, итга нописанд қарадингми, ҳали жуда фўр экансан! Ё кеча-кундуз мижона қоқмасликка қасам ичғанмисан? Қаватингда итинг йўқ экан, яхшиси, овулга қайтганинг маъқул! Аммо бу томондан Эштўрага тортмабсан. Эштўра одамдан кўра, итга кўпроқ ишонарди. Сен эса қайси гўрдаги овул итларига орқа қилиб ўтирибсан. Биласанми, овул итларининг бор ботирилги овулда. Бу томонларга ўлақолса доримайди улар. Ано-ву дўнгдан берига ўтишмайди. Сенга эса хавф-хатардан огоҳ этадиган, керак бўлса, ғаним билан тенгма-тенг олишиадиган ит керак!

Бироздан сўнг Оқбўта худди чакак уришдан ҳоригандай, наридаги чогроқ силлик тошга бориб чўкаркан, аввал қоя ёнбағрига, сўнг унинг пойидаги тошкулбага хаёлчан разм солди. Ўзича ниманидир ўйлаб, ниманидир чўтлади, кейин бармоғи учи билан қошлари ўртасини қашлай-қашлай, қўл сирмаб, Эрманни қаватига чорлади.

– Қани, берман кел-чи, Эштўранинг томири! – деди бу сафар оқсоқолларга хос жиддий тарзда. – Тунов куни мавруди эмасди, индамадим. Энди айтмасам бўлмас. Ўзи бу ёққа шу ниятда келувдим. Шу десанг, йигитлигимда у қавмга мениям бир ишим тушган. У пайтда уларнинг овули икки довон наридаги Сувқайтмас дарасида эди. Кейин Қорақавм билан созлари чиқишмай қолиб, қайси гўргадир кўчиб кетишиди. Үнда сен отангни белида эдинг. У қавм ҳақида билганим шу, улар жуда бадир элат – ўзларини аҳмоқ қилган бандони икки дунёдаям кечиришмайди. Ўта сабрли, қирқ йилдан сўнг ҳам қасдини оладиган элат у. Боя тўғри айтдинг, бўрондай бостириб келишимайди, қоплондай пусиб келишиади. Шунинг учун ҳам сенга бир ит керак. Тағин бир гап, бу макон энди сеники – бир кун турасанми, минг кун турасанми, ё бир умр яшайсанми, ихтиёр сенда. Бу билан демоқчиманки, бу маконда ўзингни кетарман одамдай тутма, маҳкам томир от! Ҳадеб ғаним йўлига кўз тикавермай, бирор юмушнинг бошини тут. Ана, ўтов орти жуда кўрабоп жой экан... Овлунинг тинчини ўйлаб, элдан айро тушдинги, бу борада Тошполвондан улгу олсанг бўларди. Қара, Тошполвон бу манзилда ҳафта яшадими-йўқми, ўзидан нима қолдириб кетди. Қўргон! Қушкўнмасни сенгача унинг қўргони кўриқлаб келди. Бу томонга бош суқкан ёт одам борки, қўргонда кимдир бор, деб ҳайсиқиб келди. Гапнинг калтаси, бир кун турсанг-да, маҳкам томир от! Бошқа гапим йўқ сенга!

Оқбўтанинг гапи жиддий таъсир қилдими ё ҳанузгача тўла ўзига келолмаган мажруҳ руҳида жониворларга нисбатан азалдан мавжуд бўлган туғма муҳаббат ҳамда иштиёқ фавкулодда қайта бош кўтардими, ҳар ҳолда, Эрман ит асрашга қарор қилди. Бироқ уни ҳашаки итлар қониқтирмасди, у ғул итини орзулай бошлади. Бироқ бор муаммо шунда эдики, ғул ити бошқа итлар каби бирор жойдан етаклаб келинмайди, у маҳсус равища тарбияланади. Ғул итининг тарбияси азалдан машаққатли бўлиб, бу юмуш тарбиясидан, муҳаббат ҳамда иштиёқдан ташқари, ўта юксак сабру тоқат, ўзига хос билим ва тажриба талаб этади. Буни қарангки, буларнинг барси, андак тажриба камлигини ҳисобга олинмаса, Эрманда керагидан ортиқ даражада эди.

У беихтиёр тизгисиз хаёлларга берилиб, Итолмасни ўзи тарбиялаб, ўзи вояга етказган ғул ити чангалыда тасаввур этаркан, бирдан унда ғул ити боқишиштиёки пайдо бўлди.

Бу орада Оқбўта ўтов қошидаги айри оғочда осиғлиқ турган пўстин ёнидаги оқиш чакмонга қизиқиб қолганди. Оқсоқол чакмонни тутиб, силаб-сийпалаб, ҳидлаб-ҳидлаб кўраркан, о, тўкуви тифиз, жуни жуда тоза экан, дея ҳавасини ошкор этди. Агар боя Оқбўта, бирорта ит-пит асрарин демаганида, Эрман олиб қочилган от эгари устида келиб қолган бу чакмонни Оқбўтага совга қилиб юбориши аниқ эди. Аммо энди чакмонни ҳеч кимга бермайди, уни ғулга, тарбиялажак итининг оёқлари тагига тўшайди. Бундан кутилган мақсад – ғаними Итолмаснинг жирканч иси тарбиялажак итининг димомига михланиб қолсин. Ярамас Итолмасни ўзидан бўлак яна бир жон – ити ҳам ёмон кўрсин!

Бу фикр тунлари хушёр, кундузлари эса бекорчиликдан ўзини кўярга жой тополмай юрган Эрманга шу қадар ёқиб тушдики, аввалроқ бирор юмушнинг бошини тутишни ўйламаганидан роса ажабланди. Ғулдан сўнг, ҳаял ўтмай, ўтовнинг кунботиш томонига чогороқ кўра эгири. Отасининг чорвасидан улуш олиб, кўрасини молга тўлдириди. Хуллас, айрим ғаразгўй овулдошларининг таъбири билан айтганда, ғаним баҳона, Күшкўнмасни бутунлай ўзиники қилиб олди. Отаси Эшбўри қарамогидаги чорванинг маълум бир қисмини унга ҳадя этган эса-да, аммо чорвага эгалик ҳуқуқи хануз ўзида эканини эслатиб туриш учун ўтогва тез-тез келиб туришга ҳаракат қиласди. Ғаним йўлига кўз тиккан Эрман бора-бора ёлғизлиқка тамомила қўниди. Итолмасни ўзи тарбиялаетган ити – Қоракуюн чангалыда кўриш эса ҳаётининг асосий мазмунига айланди. Бу борада йигитнинг юраги алдамас, Итолмас қора бериши тайинлигини кўнгли айтиб турарди. Боз устига, Бибисоранинг бош-кети йўқ башоратлари...

– Бунда отишини ўрганиб олдингми, ишқилиб? – Оқбўта чакмондан юз ўғириб, ўтов эшигига яқинроқ жойга суяб кўйилган милтиқа ишора қилди.

– Бир амаллаб ўргандим, оқсоқол, – деди Эрман, яроқни кўздан нарида сақлаш лозим экан, деган ўйда.

– Бу ишинг дуруст, – Оқбўта яроққа қизиқсиниб назар тикиларкан, деди: – Буни отиб кўриш тугул, ҳатто кўлимгаям тутиб кўрмаганман. Э, укасининг қорнига дея, бир пақиллатмайсанми буни, Эрмандой?

– Овлунинг тинчини бузади-да, оқсоқол.

– Бир сафар бузса бузар, қани бир варанглат!

– Ё ўзингиз...

– Йўқ-йўқ, буни менга яқинлаштирма! – Оқбўта беихтиёр кетига тисланади. – Турқиданок кўркиб турибман ўзи, буни отиш бизга йўл бўсун!

Эрман милтиқни тош устига ўрнатиб, ошиқмай наридаги арча новдасини нишонга олди-да, пилигига ўт туташтириди.

Милтиқ гумбурлаб, арча новдаси чирт узилиб тушди.

– Қалай, дурустми? – Эрман мамнун кулимсираб, қаватида ранг-кути ўчиб турган оқсоқолга юзланди.

– Дуруст-дуруст! – Оқбўта унинг кўлидаги оғир яроққа чўчиғина боқаркан, муюлишдаги арчазор дўйнгликка югуриб келиб, бу ёғига ўтишга ботинолмай, ақиллаб турган овлу итларига ишора қилиб деди: – Айтмадимми, дўнгдан бу ёғига ўтмайди улар деб...

Эрман милтиқни шай туттанича, коронгилек кўйнига синчков тикилишида давом этаркан, тунов кунги мол ўғрилари тағин бўйладимикан, деган ўйга борди. Сўнг ярим тунда ғаними Итолмас эмас, қандайдир мол ўғрилари эсига тушганидан ажабланди: “Наҳотки, Итолмасга нисбатан ғазабим сўнаётган бўлса?” Йўқ, юрагидаги ғазаб ва нафроти сўнадиган ва ўчадиган эмас – ўша-ўша алангланиб туриби. Шу тобда Эрман коронгилек кўйнидан мол ўғрилари эмас, Итолмас чиқиб келишини шу қадар истардики, бунинг учун жонини ҳам тикишга ҳозир эди.

У тун коронгисида итининг безовталиги сабабини англаётмай, боши қотиб тураркан, дафъатан ғанимидан хаёлан ўч оғлиси келди. Бу истакка қитмирлик – дўнгдан бेरига ўтишга чоғи етмайдиган овлу итларининг тинчини бузиш хоҳиши ҳам кўшилди. Ой булултлар орасидан кўриниш бериши билан у нарида қорайиб турган чўзиқ харсангни Итолмас дея тасаввур килди. Кўлидаги милтиқ милини ўша томонга тўғриларкан, пиликка ўт туташтиришдан аввал чўзиқ харсанг, яъни хаёлидаги ғаним кўксини яхшилаб нишонга олди. Кейин дарров бу фикридан отар бўлсан, киприк

қоқмай жон беради! Менга унинг ўлиги эмас, тириги керак, деб ўйлади. Тирик ҳолида Қоракуюнга рўпара қилиб, кел, бир хуморимдан чиқай, деди.

Эрман шу ўй, шу истақда Итолмасни – харсангни қуи қисмини ошиқмай мўлжалга олди. Салдан сўнг милтиқ қарсиллаб, тош сиртига теккан кўроғшин парчалари чийилаб кетди.

Ана энди, Қоракуюнни бўшатса ҳам бўлади!

Эрман шу ўйда гул томонга интилган жойида, бирдан ҳушёр тортиб, қаттиқ кулиб юборди: “Тавба, менга нима бўляпти ўзи?”

У оувл итларининг жигига тегишини ўйлаб, қавм аҳлини бутунлай хаёлидан мосуво қилганини, бироз ўтиб, ўзи томон тапир-тупур югуриб келаётган йигитлар шарпасидан пайқади. Аммо уларни безовта қилганидан зифирча хижолат тортмади. Қайтага, худди катта бир ишни тиндириб кўйгандай, йигитларни иддао билан қаршилади. Орада ўтовга бош сукиб, қорачироқни ёкиб кўйишияни унутмади.

– Нима гап, яна мол ўғирисими? – дея сўради биринчи бўлиб етиб келган йигитлардан бири, ҳаллослаб.

– Билмадим, лекин қуида қандайдир қораларни илғаганим рост... – дея ёлғонлади Эрман гор тарафдан кўз узмай.

– Бирортасини... қуллатдингми?

– Йўқ, қочиб кетишиди.

– Нима экан, одамми ё ҳайвонми?

– Тик қоматли жониворга ўхшатдим.

– Нима деганинг бу?

– Нима десам экан, – Эрман, тўқиётган ёлғони ўзига хуш ёкиб, гапни чувалатиша давом этди: – Гавдасининг тикилигига қараганда, айиқа ўхшаброқ кетади. Ким билади дейсан, балки тепа горларда яшайдиган ёввойи одамлардир.

– И-и, ёввойи одамларинг бобойлар тўқиган чўпчақдан ўзга нарса эмас! Шу пайтгача ким кўрибди уларни? Ҳеч ким. Демак, бу томонга айиқ ўрлаган.

– Балки чинданам ёввойи одамдир.

– Бўлса бордир...

– Бу кўхна тоғларда нималар йўқ дейсан...

– Хай, йигитлардан қолдирайликми?

– Ҳожати йўқ.

– Үнда ўзинг биласан.

Шу тун дўнгда одам кўп йигилган эса-да, гулда ўз майлида ўқтин-ўқтин ирилаб қўяётган Қоракуюнга эътибор берувчи бўлмади. Фақат яқин жўраси Омонтойгина коронгида қоқилиб-сукилиб қўйига эниб бораётган овулдошларидан ортда қолиб, сенинга сўргани шу бўлди:

– Нега итни бўшатмадинг, бирорад?

– Ҳожати йўқ эди... – деди Эрман сирли тарзда.

– Зерикканингдан... милтиқ отдингми дейман?

– Аспло йўқ! – деди Эрман ўта жиддий оҳангда. – Фаним деганини хаёлимда бўйлатиб, нақ оёгини мўлжаллаб отдим!

– Ие, шунақаси ҳам бўларканми?

– Мана, бўлди-ку!

\* \* \*

Одамлар шовури адоклагач, Қоракуюн бирдан тинчланди.

У фул оғочларини қисирлатиб-шиқирлатиб, ўнгайланиб ётишга ҳозирланаркан, гўё истагига эришолмаганидан норозилангандай, тағин бир-икки ириллаб қўйди.

Қоракуюн бу сафар, Эрман ўйлаганчалик, бирор хавф важидан эмас, балки нелигини ҳали ўзи англаб етишга қодир бўлмаган эрк истаги туфайли безовталанганди. Бу истак ярим тунда пинакка кетган жониворнинг тушига саҳро бўронидек кутилмаганда бостириб кирди-да, чек-чегарасиз дашт ҳолида намоён бўлди. Қоракуюн тушида сирли ва фусункор оқшом ёғдусига чулғангандай ҳамда шувоқнинг ўткир бўйига тўйинган адоқсиз кенглик бағрида, дўппидек дўлпайган тепалик устида енгил ва оромбахш эпкинга юзланиб ётгани ҳолида кўрди ўзини. У ўзи туғилиб ўсган тог мұхитига бутунлай ёт бўлган хидни – шувоқ бўйини дарров таниди. Тўғри, табиатда

шувокларнинг икки юзга яқин хили учрайди. Ва уларнинг айримлари қути тогларга хос ўсимлик тури ҳисобланади. Аммо чексиз кенгликларда бу ўсимликнинг шундай бир хиллари мавжудки, уларнинг ўткир бўйисиз дашт тароватини асло тасаввур этиб бўлмайди.

Шувок ҳидисиз дашт ўлиқдек туюлади.

Қоракуюн уйғониши ҳамон шувок бўйини йўқотди. Ўткинчи ел қанотига илашиб, адашиб келиб қолган бу ҳид ўрнини арча ва бошқа ўт-ўланлар иси эгаллади. Шунингдек, жонивор тушдагидек ўзини кенг даштда эмас, балки тангу тор гулда кўргач эса, умрида илк бора, эри истагида, яъни шувок бўйига тўйинган сарҳадсиз дашт бўйлаб беармон югуриш истагида, беихтиёр, ириллашга тушганди.

Бу тун Қоракуюнда – камдан-кам жониворларда юз берадиган гаройиб бир ҳолат – аждодлар хотираси уйғонганди. Унинг жисми ҳамда шуурида юз йилнинг нарисида тоқقا туташ чексиз Бўззанг даштида яшаб ўтган, Оларит отлиғ зулукдек қоп-кора итнинг руҳи бosh кўтарганди.

Оларит гул нелигини билмаган.

У кенг даштда шамол билан баҳсласиб, қувлашиб яшаб ўтган жониворлардан бири эди. Агар Эрманда гулда ит боқиш истаги пайдо бўлмаганида эди, Оларитнинг олис авлоди ҳисобланмиш Қоракуюн гулга тушмаган, бошқа овул итлари каби эркинлида юрган бўларди.

Тақдир ишини қарангки, Эрман тутқуниликдан қайтган куни Қалайбекнинг Кўкиш лақабли ити болалаган эди. Бу жонивор бошқа итлар каби қиши адоги ёхуд кўклим босида эмас, ҳамиша баҳорнинг ўрталаридан ўтиброк болалайди. Кўкиш ўта ҳайбатли ва келбатли бўлишига қарамай, негадир ҳар сафар, бор-йўғи, икки-чута, тоҳида эса биттадан ортиқ болаламайди.

Бу йил у учта болалаганди.

Эрман ўша куни ўтовига ташриф буюрган Оқбўта оқсоқолни кузатиб қўйиши билан акасининг ҳовлисига уриб борган. Салом-аликни паққос унугиб, бостирма тагида болаларини эмизиб ётган Кўкишга олисроқдан разм соларкан, сўнг ҳеч бир эътиrozга ўрин қолдирмайдиган бир оҳангда деди:

– Ака, анову кучуклардан бирини менга берасиз энди!

Қалайбек ҳафта бурун бандиликдан қайтиб, етти малақда топилмайдиган ажойиб оқ тулпорини ҳадр этган укасининг раъйига қарши бораолармиди. Шунинг учун тантлиги қўзиб деди:

– Бирини эмас, менга деса, барини олмайсанми, укам!

– Йўқ, менга фақат бири керак.

– Унда истаганингни танла-да, ҳозирдан эн солиб кўявер, – деди Қалайбек. – Сўнг олиб кетаверасан. Ё зум танлаб берайми?

– Йўқ, ўзим танлайман, – Эрман кўзлари оловланиб турган Кўкишга хавотирли боқиб деди: – Бу.. қанжикини қарashi жуда ёмон-ку, а, ака?

– Не мақсадда келганингни сезиб турибида.

– Буни боғламасангиз бўлмайди, ака, – деди Эрман итга хавотирли боқиб. – Тағин ташланиб қолмасин-а.

– Ташланиши тайин, ука.

– Унда тезроқ боғланг, ака!

– Ҳозир қантарамиз...

Эрман табиатан фоятда дилкаш бўлса-да, бироқ жониворлар бобида, айниқса, отва ит борасида анчайин хасис бўлган акасига қарши йўл-йўлакай ўзини обдан қайраб келганди. Агар Қалайбек қизганчилик қиласа бўлса, берган тулпорини миннат қилиб бўлса-да, мақсадига етиш ниятида эди. Баҳтига, Қалайбек ортиқча эътиrozсиз, осонгина кўна қолди.

Кўкишни кўздан панага қантариб қайтган Қалайбек унинг оёқлари тагига деярли бир тусдаги қоп-кора кучукларни қатор қилиб қўйди.

– Мана, хоҳлаганингни энлаб кетавер.

Эрман, худди тажрибали синчилардек, ингишлаганча, турли томонга пайпасланашётган митти жониворларни синчков кузатаркан, акасининг, униси яхши-буниси яхши, деган гапларини ёқтирамай, манглайини тириштириди, кейин эса кучукларни бирин-сирин кўлига олиб, наридаги сандалсимон харсанг томон юрди. Уларни ўша тош устига қатор териб қўйди-да, ўзи ортга тисланиб, жониворлар ҳаракатини зимдан кузатиша

давом этди. Илиқ она бағридан ажратилған, ҳали тұла күз очиб улгурмаган жониворлар бошда пича инг-синг қилип туришди-да, сұнг тошбағирлаб чор тарафға тарқалиши. Аввалига сүл тумшуғыда жимитдек оқи бор күчүк, сұнг ўңг қулоғи атрофи маллатоброғи тошдан пастта құлаб түшди. Тепада ёлғыз қолған күмірдек қол-қораси йиқилиш хавфи-ни сезиб, изига қайтди. Уннинг бу әхтиёткорона хатты-харакати бир неча бор тақрорланғач, Қалайбек деді:

- Мана шунисини энла!
- Энлаб ўтیرмайман, үзім билан обкетаман! – деді Эрманның тунд чехраси бирден ёришиб.
- Ҳали күз очмаган, буни қандай боқасан? – Қалайбек ажабланади.
- Боласи қатори энасиям берасиз-да, ақа!
- Эя, энасина берадиган бўлсан, – Қалайбек тош пойида бир-бирининг пинжига сүқилган кўйи, баттар ингиллашаётган кучукларга ишора қилди, – буларни нима билан боқаман, эчки сути биланими?
- Буларни боқмайсиз, йўқотасиз! – деді Эрман ўта совуқон оҳангда.
- Ўйлаб гапирайсанми, ука? – деді Қалайбек оғриниб. – Увол-ку, ахир!
- Биламан, – деді Эрман хиёл ачинган оҳангда. – Лекин... бўлак илож йўқ.
- Нечун?
- Чунки мен ит асраромочи эмасман, – деді Эрман андак тоқатсизланиб. – Гулда ит тарбиялашмоқчиман! Бу ишнинг биричини шарти, эна итнинг меҳри бўлинмаслиги учун уннинг бошқа болалари йўқотилади. Яна бир шарти...

Қалайбек гулда ит тарбиялашнинг нозик сир-асрорларини баён қилаётган иниси-нинг гап-сўзларини ҳазм қилолмай, сенга гул ити не даркор, ҳатто нотинч замонларда ҳам ота-боболаримиз гулда ит сақлашмаган, дея уннинг орзу ўйларига сув сепишга ури-ниб кўрди. Бироқ тутган жойини кесмай кўймайдиган иниси уннинг барча гап-сўзларини қулоғи ёндан ўтказиб юборди. Эрманның азалдан феъли шу – бирор нарсага қарор қилдими, тамом – ниҳояламай кўймайди. Ҳозир ҳам зарурият важидан эмас, балки фавқуллода миисига келиб, сұнг аниқ мақсадга айланган бадкир ўйини амалга оширишдан ўзгасини ўйламасди.

Инисиның бу хил ахмокона феълидан жини кўзиган Қалайбек, гап билан узиб-узиб олиш қасдида, у томон кескин ўғириларкан, ўғирилган жойида даҳшатдан донг қотиб қолди. Қаршисида ўзи билган аввалги Эрман эмас, кўзлари тубида ададсиз қаҳр ва нафрат тўнгигб қолған ўта аламзада бир кимса совуқдан-совуқ нигоҳини ўқдек қадаб турарди.

- Ака укадан илк бор ҳайиқди.
- Бу Эрман унга бутунлай бегона эди.
- У билан айтишмоқ бефойда эди.

Уни насиҳатдан йироқ тувиш лозимлигини англаган Қалайбек жониворлар жонига зомин бўлишни истамади. Кўй, кўрмайин ҳам, кўймайн ҳам, дея дўнглик орти-даги энсиз дарага тушиб кетди. Бу даранинг кунботишига чўзилган қисми бирор икки чақирилмлардан сұнг қўшни дара ўзанига бориб туташар, кунчикиш қисми эса шимолий қоялар туби бўйлаб бориб, Кушкўнмас пойида тугарди. Оувол оралаб юргиси келмаган кезлари Эрман акасининг уйига ушбу дара орқали келиб кетарди. Ҳозир ҳам у акаси изиздан дарага энаркан, оқшомга қолмай Кўкишни оптимдан етказинг, дея икки кучукни йўл-йўлакай чукурлардан бирига кўмиб, учинчисини ўзи билан олиб кетди.

Эрманның бу ишига оувол ахли эътиборсиз бўлди. У гулда ит сақладидими, бит сақладидими, кимнинг неча пуллук иши бор денг. Билганлари шу – гулда ит тарбиялаш осон иш эмас, у кишидан қунт, билим ва тажрибадан ташқари, аниқ ва жиддий бир мақсадни талаб этади. Акс ҳолда, у ҳавас қиласи юмуш эмас. Эрманга келсак, уннинг мақсади аниқ – ёвуз итга эга бўлиши ниятида бу ишга кўл урган. У гулга солинган кучукни ранг-туси ҳамда келажакда ўта йиртқич маҳлукқа айланишини орзулаб, уни Қорақуюн деб атади. Бу ном қулликда не бир кўргиликларни бошига солған Қорақул деган ким-сани эслатса-да, барибир, ушбу атамадан воз кечмади. Ният қилдики, Қорақуюн тезда улғайсин-у, ўзи кўзлари тўрт бўлиб кутаётган ғаними – Итолмасга кўшиб Қорақулниям итга едирсин!



## Шеърият

### Күзин олаф саноқсyz хилкапт

**Болалик**

Сувялтизга тушимни айтдим,  
Соҳилларга чалиб бердим най.  
Томга чиңсан шабада чорлар:  
“Кел, сочингни мен ўзим тара!”.

Кўзигуллар кулишини билар,  
Чумолилар киймайди кавуш.  
Кишилоқдаги кишиими ишкомлар  
Саноқларин аниқ билар қуш.

Ниначилар кўзлари коса,  
Кўзгуларга сигмайди боши.  
Сузма халта тешар ҳакканинг  
Менга ёқмас ўғри қароши.

Варрагимни бузиб кетди дўл,  
Ипларини излайди каптар.  
Саҳро қизил қабо кийганин  
Кизгалдоқлар берганда хабар.

Ялтири-юлтири тилла қўнгизлар  
Кўз ўйнатиб учса тўрт томон.  
Ҳайрон, улар ортидан кетдим...  
Ҳамон уйга қайтишим гумон...

**Бешиксоз**

Кундузларни сийлаб ишлайди,  
Оқ тунлардан кияди пўстин.  
Ховлиларнинг тўри-тўридан  
Тушида ҳам излайди дўстин.

Дараҳтларнинг пўстлогин ҳидлаб,  
Ёғочларнинг қаричлаб белин,  
Теракзорга совчидаи бориб,  
Дўконига туширап “келин”.



**Ибодат  
РАЖАБОВА**

1956 йилда туғилган.  
Самарқанд

Давлат педагогика  
институтининг  
филология ҳамда  
Тошкент Давлат  
университетининг  
журналистика  
факультетларида  
յўқиган. Унинг  
“Осмондаги  
фаришта”, “Бухорода  
гужумлар гуллади”,  
“Кути киприги” сингари  
шевьрий ҳамда бир  
қатор насрор-тарихий  
асарлари чоп этилган.  
Айни пайтда, “Бухоро  
оқишиоми” газетасида  
фаолият юритмоқда.

Гулкосалар тебранишилари  
Намозидай бўлиб кетган ёд.  
Қоратоллар иккинччи умрин  
Бешик қилиб айлади обод.

Кўзмунчоқдан танлаб қоровул,  
Боларидан чорлаб харидор,  
Богисириқ тутатиб оқшиом  
Тол бешикка суртади оҳор.

Сачратқигул сакраб кетади,  
Жуфтин чорлаб сайрап ҳумоюн.  
Лайти довча еганин кўриб,  
Борар бешикбозорга Мажнун.

### “Гуллаётган ўрик” сурати

Туякашдай шамол жонсарак,  
Боларилар “ноханда” меҳмон.  
Юлдуз қулай дейди осмондан,  
Ой лабини тишлар ҳаяжсон.

Сўзсиз қўшиқ янграп. Новдалар  
Гулоб ютган каби шайдойи.  
Ховуч-ҳовуч куртакчаларниң  
Кенг бағрида юракнинг жоийи.

Тебранишига тушар гулчанглар,  
Куёши доя каби кўп диққат.  
Ўқ илдиз бир тебраниб кетгач,  
Кўзин очар саноқсиз хилқат.

Дараҳт бошдан илдизигача,  
Чотиб борар яшил фарогат.  
Мўъжаз багин мушкборон қулар,  
Бир оёқда турган гулсават...



### Муганний

Кумсоатдай тўкилиб турар,  
Манқал мисол борлиги оташ.  
Ҳатто узоқ-узоқ йўл босиб,  
Суҳбатига келар түякаши.

Карвонсарой лутфиға маңтас,  
Шоҳдарборда жоиий-дилбайроқ.  
Ҳамма қамиши мисол терлагач,  
У пойгакда чиқарар чарчоқ.

Күлин чұзса сувялтис ҳам уд,  
Пуф-пуф деса, сурнай-сандувоч.  
Соз пардасин атрофида тун  
Ҳалқа бўлиб ухлар қайрагоч.

Лайливашлар гардипои у,  
Оҳанг бўлар кўнгил яраси.  
Баъзан танбур юзига оғзин  
Кўйиб куйлар юрак пардаси.

“Савти ажсам” авжисида қишилаб,  
“Сарахбор”дан чиқиб келса шом.  
Уд мизробин кафтини ҳидлаб,  
Чангланишга улгурап бодом...

### Онам хотираси

Учар гилам энди учмайди,  
Ёрилтош ҳам ёрилмас тақрор.  
Онам кўзин юмгандан бери  
Менга эртак айтмайди баҳор.

Сувпарилар сув билан кетди,  
Қайнархумча энди чиганоқ.  
Кўзиқорин қалтогин кийиб,  
Токзорларда юрар шамчироқ.

Қалдиргоч ҳам илонга ошна,  
Очилмасдан ётар дастурхон.  
Бақатерак бакрайиб қолди.  
(Хўрак излаб юрар палахмон.)

Боларилар ёввойи йўрга,  
Гавҳар эмас, шамишод япроги.  
Жала куни кўптирик бўлмайди  
Мисқол пари кумуш тароги.

Кураши тушмас қуюн-ла ботир,  
Бешик ясад, семирмас лайлак.  
Олтин тухум қўяр товуқ ҳам,  
Излаб юрар ҳовлида катак.

Бухоро



### Тұрсун АЛИ

1952 йылда туғылған.  
ҮзМУнинг филология  
факультетини  
тамомлаган. “Зангори  
овоза”, “Юракдаги  
сүзлар”, “Ерүг  
күнлар”, “Изтироб  
остонаси”, “Елгизим”,  
“Тұн товуші”,  
“Ұйғоқ сұкунат”,  
“Түйгүлар ранги”,  
“Сокин ҳайқуриқ”,  
“Ой япргы”, “Кор  
шұғласи”, “Сайлланма”  
каби шеърий китоблари  
нашр этилған.

## Сени иэләр соғынға тұлға құзлағым

\* \* \*

Оқшом сокин қанот ёймоқда,  
Борлық тун сиёхига чўқаяпти.  
Шукур, осмон бағридан  
Нур ёғилмоқда  
Олтин каби сап-сариқ.

\* \* \*

Овозинг нақадар сұлув,  
Баҳорга бағишилар тароват.  
Ҳаттоқи,  
Малаклар қошингда  
Товуш чиқаролмас,  
Хей, какку.

\* \* \*

Шивалаган ёмғир остида йүловчи,  
Дараҳт мисол ивиб қайга кетмоқда?!?  
Ёмғирдай ичимга ёғилар ўқрик,  
Яхшиямыки,  
Дараҳт әмас у...

\* \* \*

Ташқарида юракдек дүкіллар оёқ товуші,  
Қарасам,  
Қайгадир шошиб  
Кетиб бормоқдадир бир жуыт этигім.

### Ёмғир

Шаҳарни қиличдай кессан анҳор күпргиgi,  
Темир панжара – бармоқларга сұяниб,  
Ёмғир остида сувға чұмайдың одам каби  
Шамол қүйнідаги дараҳтдек тебрана-тебрана  
Тикиласман шовқинзор сувға – үзимни ёлғиз ҳис эта.

Ёмғир ёғаётір, руҳимда аланга,  
Қандайдир исмсиз күй ўрттар бағримни.

Шояд, эсон-омон етолсам тоңгга,  
Зиёртәт этгайман онам қабрини.  
Ёмғир ёғаётір, рұхимда аланга.

Шовиллаб ёғаятған ёмғир оралаб,  
Бормоқдаман ёмғир симларига илиниб-илинмай.  
Үфқдаги камалак янглиг нур тарағ,  
Ёмғирзор сұнгыда  
Жұнжықтар рұхимда оху мисол фаришта.

Оқшом. Ёмғир қорға айланар шаксиз,  
Хали манзил сомон иүлидай узок.  
Йүл юраяпман ортимдан қолдириб из,  
Жилдираган сувға бөкіб тинка тинмокда, бирок  
Бу ҳолат мусаввир сувратидан үирок...

\*\*\*

Гулға құнған капалакдек  
Нигоҳимиз түкнашиди.  
Күлдинг ой шуғласидек майнин,  
Жаранғеги юрак чиннисига урылды бүрондайдай.  
Мен суқунат уммонида  
Күлочим кенг Ѽйолмай,  
Тұлқиңлар қаърида қалқидим, суздим узок,  
Эй, нотаниш соҳибжамол!

\*\*\*

Мени тушиунмадинг, билмадинг, сен,  
Вүжудимда гүриллар олов.  
Совқотған құлларинг иситиб ол, гулым!

Мен жисимгина ёнингдан кетдим,  
Юрагимда ийглади ўқинч.  
Мен сени йүқотдим, қайдасан, энди?

Сен кечә бормидинг, бугун йүқсан-ку,  
Наҳотки, қишидаги дараҳтөек карахтман?  
Мен ўзимни тергайман, ўзим!  
Бир сүз айтдинг, ўзинг әшитмай,  
Менинг қүлогимда гүлдуради момақалдироқ.  
Оппоқ дүнёимни қоплади чипор булутлар!..

\*\*\*

Зах тортған хонада ўлтирдим рұхсиз,  
Осмон күз ёшларин түкди шашқатор.  
Сен ҳам сүз очмадинг ҳатто бир оғиз,  
Гарчанд атрофингда кезса-да, баҳор,  
Мен эса дардлашибим қиши билан ёлғиз.

\*\*\*

Ёмғириң ҳам тинмади узун күн...  
Рауф Парфи.

Куни билан тинмади ёмғир,  
Эзилгап очундек эзилди бағрим.  
Фамгин садо таралди үтгап күнлар қаъридан.  
Күнгіл бўлса куйлаб,  
Куйлай олмади.

\*\*\*

Күнпә-кундуз ўзимни адаштирудим, мен,  
Йұлым чалкаш.  
Олдинда ҳадикли күча.  
Кипригимга күнмоқда юлдүzsиз кеча.  
Хайқираман овозсиз: "Ким бор?  
Ким бор?.."  
Чирмашаман  
Ўз товушимга ўзим.

\*\*\*

Тилимни тишилайман, сүз ийк, сүз.  
Күзимни юмаман, күз ийк, күз.  
Қайды қолдим, ўзим ийк, ўз.

\*\*\*

Воажсаб, ичимда изиллар шамол.

\*\*\*

Ёлғизлик уйида ёлғизман тагин.

## Ой... соңлағымни құмушта бұяғ

\* \* \*

Мусоғири –  
шілдізлари чуқур,  
шохлари ҳаволарда  
адаишган дарахт...

\* \* \*

Ярим түн.  
Қитирлған овоздан чүчидим.  
Күлоқ тұтдым:  
тирикчилігім  
сичқоннинг тилида күларди...

\* \* \*

Коронеги ҳовли.  
Сиз билан кечған  
ҳәёттдан  
бір овоз келди:  
калтакесак нағмаси экан.

\* \* \*

Ойнада  
күйёшім раксга тушарди.  
Деразамни  
күйклемнинг  
вахимаси босди.

\* \* \*

У күнлар ҳам ўтди.  
Хотирада  
шохдаги гипосдек  
дона-дона ёдлар қолди.  
Күзларда  
намозшомгулларнинг  
төнгги қарчогидек  
фарёдлар қолди.  
У күнлар ҳам ўтди...  
Худога шукр.



**Оlima  
НАБИЗОДА**

1974 йилда туғилған.  
ҮзМУНИҢ филология  
факультетини  
тамомлаган.

Шоураның “Нигоҳ  
садоси” номлы тұлпами  
нашр қылған.  
Шунингдек, шеърлари  
инглиз, француз ва  
олмон тілларида ҳам  
чоп этилған.

## Юртдан узокда

Бу шаҳарнинг  
балки  
деворлари тош,  
йўллари шагал.  
Бу шаҳарда  
балки  
чинорлар талош,  
одамлар дагал.  
Бу шаҳарнинг  
балки  
тунлари сирли,  
қўллари кирли.  
Эҳтимол,  
кўзлари ёшли,  
кўнгли талошлидир...  
Ҳа,  
бир эҳтимол яна бор:  
бу шаҳарда  
бир шаҳарни  
согиниб ўлмоқ  
мумкин.

\*\*\*

Йилларки,  
ой эринмай  
соchlаримни кумушга бўяр,  
догларин эса аллалар  
юрагимда тунлаган қуёши.  
Офтобшувоқ ҳовлига  
ой нурларин  
сувдек сепмоқ,  
деворларга  
қуёшли юракларни  
чизмоқ истайман...  
Аслида...  
Аслида,  
давримдан қочмоқ истайман.

\*\*\*

Сен менга замондоши,  
даврдоши,  
даврадоишсан, балки.  
Шукрки,  
тупроқдоши эмассан...

\*\*\*

Юзи заъфарон,  
гулқулоклари қирмизи  
қишики атиргул –  
менга  
нозик ватандоши.

\*\*\*

Яна қор ёғди.  
Қайларгадир кетгим келди.  
Қорни гижирлатиб,  
қайлардадир юргим келди...  
Бўлди. Етар. Бас.  
Кетаман.  
Хаёлимда гужсон қор – сўзлар.  
Пальто  
жимгина илинди елкамга.  
Шляпа  
ювоши қуичадек беозор  
қўнди бошга.

Кўлқопларнинг  
қўлларда ажинлари  
билинмай кетди.  
Остонада этигим ётарди:  
асабий.  
Кимдир ё нимадир шивирлади:  
кетгиси йўқ  
этикнинг.

\*\*\*

Онам булоқ бўлгин, дерди,  
Денгиздек тошаман, дердим.  
Болам, бир сомеъ қулоқ бўл, дерди,  
Ҳайқуриб тоглар ошаман, дердим.  
Денгизларнинг кўз кўрмас  
наҳанглари бор экан.  
Пўртанаалар ичинда адаидим.  
Ҳайқуриқнинг ҳеч тинмас  
оҳанглари кўп экан,  
чин (жин) қириқлар ила талаидим.  
Энди,  
булоқ бўлгим,  
бир сомеъ қулоқ бўлгим  
келади, она!..  
Сен йўқсан, йўқ!



## Наср

# ҚУДУҚ

**Қисса**

Күлпам күрғоқ келган. Савр чиқиб ултурмаган бўлса-да, атрофда ястаниб ётган кир-адирларнинг майсаси қовжира, борлик сарғиши тусга кириб ултурган. Тиккага келган офтоб қовжироқ хас-хашакни ёндиришга қасд қылгандек дала-даштга тинимисиз олов пуркайди. Адоқ тарафдаги тепалиқда кўзга ташланиб турган чўпон кулбаси ва каттагина кўтонни ҳисобга олмаланди, кўз илгамас кенгликларда тирик жон асари сезилмайди.

Янги қазилган қудукнинг теварагида куруқ тупроқ төгдай уюлиб кетган. Бир маромда тувлуллаб эсаёттанд қайнок гармсеп унинг чангини учирив ўйнайди. Қудукнинг ёнида Қобил чўпон билан икки ўғли ҳорғин қиёфада чўнқайб ўтиришибди.

Калта согли кетменини белбогига қистириб олган Лаллай қудукдан чиқиб келди. Унинг жомакор кийимлари тупроқка беланиб, юз-кўзи чанг ва тер қоришмасидан қўнгир тусга кирган эди.

Қобил чўпон Лаллайга савол назари билан қаради.

— Сув йўқ, амаки, — деди Лаллай гўё бунга ўзи айбордек ўнгайсизланиб.

Бўз йигитлар хомуш тортиб қолишиди.

— Шунча меҳнатимиз бекор кетадими? — деди Қобил чўпон атрофдаги тупроқ уюмига алам билан тикилиб. Лаллай унинг саволига жавоб бермай, атрофа синчилаб разм солди. Бир қарорга келиб, қудукнинг кўйи тарафига энди.

Лаллай кўлпам ёмғирлари ҳосил қилган торгина ўзан бўйлаб ўқотган нарсасини излагандек ер сингилаб ўнгу сўлга юрди. Ниҳоят якка ўсган янтоқнинг ёнида тўхтаб, метиндек қотиб кетган ерга кетмон урди.

— Чигирикни бузинглар! — деди Қобил чўпон ўғилларига. Бўз йигитлар сувсиз қудукнинг чигиригини бузишга тушишиди. Қобил чўпон арқон боғланган челакни олиб Лаллай томон юрди.

\*\*\*

Тепадан тушаётган заифгина нур қудукнинг тубини гиравшира ёритган. Лаллай кетмон билан қудук ковляпти. Эгнидаги жомакор кийими тупроқ ва терга қоришган. Пешонасидан қуйилаётган терни енги билан артиб қўяди.

Қудук анча чукур ковланган, чамаси ўн беш кулочча келади. Қаламтарош билан ўйнилгандек сип-сиплиқ деворининг икки тарафиди бошдан-охир сидиргасига пиллапоялар ўйиб чиқилган. Пастдан қараганда кенг-мўл саҳнли қудукнинг девори қуйидан юқорига томон торайиб бориб, охирда тангадеккина тўйнукка айланниб қолгандек туюлади. Ана шу тўйнук ёпиб қўйилса бас, қудук тубини ҳаёт билан боғлаб турган оқизигина ришта ҳам узилиб, ҳаммаси зулматга, йўқликка юз тутадигандек. Умрида биринчи бор қудукқа тушган одам бундай ваҳимали ҳиссиётларни бошдан кечириши,



**ҒАФУР  
ШЕРМУҲАММАД**

1973 йилда туғилган.

ТошҶУнинг журналистика факультетини тамомлаган. “Қудук тубидаги фарёд”,

“Париқишилоқ афсонаси” пъесалари саўналаштирилган.

Унинг адабий сценарийлари асосида “Чавандоз”, “Аросат”, “Таъзиядаги тўй”, “Алданган аёл” бадиий фильмлари, қатор мультиликацион ва ҳужжасатли фильмлар суратга олинган.

“Саман той” китоби чоп этилган. Айни пайтда “Ўзбеккино” Миллий агентлигига боши муҳаррир бўлиб ишилади.

кудук тубидаги аллақандай сирли, нотаниш мұхиттега дос беролмай тезда юқорига қочиб чиқиши тайин. Аммо Лаллайнинг ярим умри күдуқта көчган, шу бойс бунақа ҳиссиётлар унга бегона...

Лаллай зўриқиб ишляпти. Бот-бот ер ковлашдан тұхтаб, үпкасини тұлдириб нафас олады – кудук анча чуқур бүлгани бойс ҳаво сийраклашиб қолған.

Юқорида чигирик чириллаб айланып, қалин резинадан тикилиб, бақувват арқонға бояланған қовға попиллаб пастта тушиб келди. Лаллай уни тупроққа тұлдириб, арқонни силкитди:

– Қовға!

Арқон таранглашиб, зип-замбидай қовға ердан зўрга узилди. Чигирик аянчли ғижирлади.

Лаллай қаддини ростлаб, чайқала-чайқала юқориленбап бораёттан қовғани кузатиб қолди. Қовға чигирикқа бориб тақалғач, Қобил чўпон уни зарб билан тортиб олди. Қовғадан тўкилган тупроқ Лаллайнинг уст-бошига келиб тушди.

\*\*\*

Эски ўзан бўйида ковланған күдуқдан сув чиқкан. Чигирикнинг теварагида аввалгисидан ҳам мўлроқ тупроқ ва лой чиқариб ташланған. Қобил чўпоннинг ўғиллари янги күдуқдан чепаклаб сув тортиб, сурув сугоришашапти. Кўй-кўзилар тунуқадан ясалған кўлбода новга тўклилаётган лойқа сувни талашиб-тортишиб ичади.

Чеккароқда ерга гилам-кўрпачалар тўшалиб, дастурхон ёзилған. Тўкин дастурхон атрофида Эрат, Қобил чўпон ва Лаллай овқатланиб ўтиришарди.

– Лаллай қурғур бизнисиям роса овора қилди, – деди Қобил чўпон Эратга чой узатиб. – Бунисидан ҳам сув чиқаролмайдими деб қўркувдим.

Каттагина корсон товоқдаги овқатта нон бўктириб еяётган Лаллай хижолатомуз илжайди. Зимдан уни синовчан кузатиб ўтирган Эратдан садо чиқмади.

– Шунча заҳмат чекканимизга яраша, қудуғингиз баракали чиқди, – деди Лаллай Қобил чўпонга. – Сувини ичиб аддо қилолмайдисиз, амаки.

– Сувиям чучук экан, – деди Эрат ҳам тилга кириб. – Одатда, даштнинг күдуқлари тахирроқ келарди.

– Шу чоққача Лаллай ковлаган күдуқ ёмон чиқмаган дейишади, – деди бу гап майдай ёкиб тушган Қобил чўпон илжайиб. – Орқаваротдан Лаллайнинг довругини эшитиб юрадим. Сувсизлик жондан ўтгандан кейин азза-базза суриштириб, топдим.

– Ҳа, йил қуруқ келиб, чорвага жабр бўлди, – деди Эрат новнинг атрофида уймалашаётган кўйларга ўйчан тикилиб. – Саратон кирмасдан қудуқлар тортилиб, ҷашмалар қуриб қолапти. Емишини-ку, амалласа бўлар, лекин сув бўлмаса ёмон.

– Сизнинг сувлогингиз баракали эди-ку? – деди Қобил чўпон ажабланиб.

– Чашмадан жилдираб чиқаётган сув ҳовузга етмай куриб қолаяпти.

– Сув берган савоб бўлар, сув бермаган кабоб бўлар" дейишган, – деди Қобил чўпон мугомбirona илжайиб. – Сиз ҳам отарингизни бизнинг күдуқдан сугориб кетаверинг, Эрат ака. Бизнинг бирорларга ўхшаб кўлмақдаги сувни қизғонадиган одатимиз ийк!

Негадир бу гап Эратга оғир ботди, чехраси тундлашиб, Қобил чўпонга олақараш қилди. Аммо Қобил чўпон ҳеч нарса бўлмагандек бамайлихотир ўрнидан туриб, Лаллайнинг елкасига бекасам тўн ёпди.

– Сенга атаганимиз бор эди, Лаллай.

– Шарт эмас эди, амаки, – деди Лаллай хижолатли илжайиб.

– Хизматингга рози бўл.

– Розиман, амаки, розиман, – деди Лаллай ундан кўзларини олиб қочиб.

– Сарпо муборак бўлсин, Лаллай! – деди Эрат кулиб.

– Куллук, амаки...

Лаллай елкасигадаги янги тўн уриниброқ қолган кийимларига ярашмаганини сезгандай ўнгайсиз ҳолга тушган эди.

– Бу дейман, ҳар бир қазған қудуқнинг ҳақига биттадан тўн кияверсанг, уйинг чопонга тўлиб кеттган бўлса керак? – деди Эрат илмоқли оҳанғда. – Бозорга чиқариб сотсанг пул бўлади!

Лаллай кулиб қўя қолди. Бу гал Эратнинг ўқи нишонга теккан эди. Лекин шу топда Қобил чўпоннинг кайфияти чоғ эди, шу бойс унинг пичингига эътибор беришини ўзига эп кўрмади. "Ишим битди, эшагим сувдан ўтди. Оғизга кучи етмаганлар гапираверсин!"

\*\*\*

Дашт оралаб ўтган ёлғизоёқ сўқмоқда Эрат отлиқ, Лаллай пиёда кетишарди. Лаллай жомакор кийимлари жойланған халтани калта сопли кетмөнининг сопига илдириб, елкасига ташлаб олган.

— Отар ташналиқдан қирилиб кетсаям Қобилга ялинмайман! – деди Эрат тунд қиёфада. Лаллай зимдан унга ажабланып қаради. – Қайси куни ўғиллари сурувини бизнинг сувлокқа ҳайдаб борганида қайтариб юборувдим. Боя шуни юзимга солди, бетиқора!

— Кудук қазишдан қочмайман, амаки, – деди Лаллай. – Лекин яқин орада құлым тегмайди. Бир жойға бориб келишиш керак...

— Билиб қүй, мен Қобилга ўхшаб сени битта жулдур чопон билан алдаб юбормайман, – деди Эрат Лаллайга зингил солиб тикилиби. – Ишни битиришиң билан пулингни санаб бераман. Нима, сенға пул керак эмасми?

— Гап пулда эмас, амаки...

— Ўзингни тарозига солмай құя қол, Лаллай! – деди Эрат энсаси қотганини яширмай. – Еки менға кудук қазиб бергинг келмаяптыми? Күнглингдагини очиқ айтавер.

— Үндай хаёлга борманг, амаки... – Лаллай нима дейишни билмай бироз иккиланди. Нихоят бир қарорға келиб, Эратта յозланди. – Бориб уйдагилардан хабар олай, уч-түрт күнда қайтарман.

Эрат бу гапдан сүнг хотиржам тортиб, отининг жиловини тортди.

— Демак, келаси душанба куни кутаман. Унгача бир-иккита бўз йигитларни ҳашарга айтиб, жонлик сўйидириб қўяман. Ишни битиргунингча еганинг кўйруқ-еф бўлади. Хўв, анави қўргон – бизниги. – Эрат кўлидаги қамчи билан кун ботишдаги кирда кўзгаташланиб турган якка уйга ишора қилди. – Тағин мени уялтириб қўймагин, Лаллай. Мен лафзиз одамларни ёқтиримайман!

Эрат отининг жиловини якка уй томонга бурди. Лаллай бир муддат унинг ортидан қараб туради-да, йўлида давом этди.

\* \* \*

Кун намозгарга оғиб, офтобнинг шашти пасайған маҳалда Лаллай дашт тарафдаги тупроқ йўлдан қишлоққа кириб келиб, йўл чеккасидаги одмигина почтахонага бурилди. Шу пайт олтмиш ёшлар атрофидаги Қувват амаки оқсоқланган кўйи ичкаридан чиқиб келди.

— Ассалому алайкум, амаки, – деди Лаллай елкасидағи тугун осиглиқ кетмөнини қўлига ола туриб.

— Ие, бормисан, Лаллай? Ваалайкум ассалом. Қани, ичкарига.

Қувват амаки Лаллайни газета-журналлар қалашиб ётган чоғроқ хонага бошлаб кирди.

— Нимага шунчак пайт йўқ бўлиб кетдинг? – сўради Қувват амаки эски столнинг тортмасини титкилашга тутиниб.

— Даشتбодда қудук қаздим.

— Боя аёлинг келиб кетувди. Боякиш ҳар куни канды қилмай келади. – Қувват амаки тортмадаги қоғозлар орасидан конверт олди. – Мана. Бир ҳафтадан бери яшириб ўтирибман.

Лаллай Қувват амаки узатган хатнинг жилдини авайлаб очди. Конвертнинг ичиндан чиққан бир варақ қоғознинг ўнгу сўлуни айлантириб кўрди-да, яна Қувват амакига қайтарбай берди.

— Сизнинг кўзойнагингиз бор, амаки...

Қувват амаки столнинг устида турган йўғон гардишли кўзойнагини қаншарига қўндириб, хатни ўқишига тушди:

“Ассалому алайкум, Элмурод ака. Мен яна Шодмоннинг номидан хат ёзаяпман. Бугун сизлардан хат келди. Уни Шодмонга ўқиб бердим. Сизнинг яқин орада Тошкентга келишинизни ўшитиб, жудаем хурсанд бўлди: “Отам келгунича тузалиб, юриб кетишим керак, кейин ўзим уларга шаҳарни томоша қилдираман”, деди. Элмурод ака! Ўғлингиз мендан “Шодмон анча тузалиб қолди” деб ёзишишим илтимос қилган эди. Шу ахволидаям сизларни ўйлаяпти. Лекин сизларни алдашга виждоним йўл қўймаяти. Очигини айтсам, ахволи унчалик яхши эмас. Ҳалигача оёғ босишига қийналади. У сизларни қаттиқ соғинган. Кечалари яширинча йиглаб чиқади. Иложи бўлса, тезроқ келсангиз яхши бўларди. Хайр, омон бўлинг. Тез-тез хат ёзиб туринг. Шифохона ҳамшираси Давлатова Махфузা”.

Қувват амаки хатни ўқиб бўлиб, Лаллайга қаради. Лаллай муштумини иягига тираганча ўйга чўмиб ўтиради.

— Ишқилиб, ўғлингнинг олдига бормасанг бўлмайди, Лаллай.

— Даشتда яна беш-олти кунлик ишим бор... Шуни тугатишим билан йўлга тушаман.

— Иш бўлса қочиб кетмас! – деди Қувват амакининг энсаси қотиб.

— Лафз қилиб қўювдим, амаки. Бормасам бўлмайди.

Қувват амаки маъноли бosh чайқади.

- Қаюм амаки ҳам "шу күнларда ишларим күп" деяпти, – деди Лаллай ўзига-ўзи гапи-рәттандек. – Ўзим йўлни билмасам...
- Сен Қаюм шўрога кўпам ишонаверма. У бир тутуриқсиз одам.
- Лаллай индамади.
- Бу... Хатни нима қилмоқчисан?
- Келинингиз бу гапни кўтаролмайди.
- Эрта-бир кун билиб қолса нима қиласан?
- Худо хохласа, Шодмонжон тузалиб кетади! – деди Лаллай алланечук ишонч билан.
- Сиз ўйланмай ёзаверинг, амаки.
- Яна ўзинг биласан.
- Кувват амаки ноилож қўлига қоғоз-қалам олиб, хат ёзишга тушди.

\*\*\*

### Лаллайнинг ҳовлиси.

Оила аъзолари супадаги дастурхон атрофида жам бўлишган. Бўйи етиб қолган Зулфия супанинг чеккасида омонатгини ўтириб, "акасидан келган хат"ни ўқияпти. Тўрда чордана қуриб, болишни бувлаб бағрига босган Лаллай мубҳам кайфиятда кўзларини юмиб олган, елкасига оғир юк ортилгандек чакка томирлари бўртиб чиқиб, пешонасини реза тер қоплаган эди. Қўшалоқ қувончдан ҳалигача ўзига кеполмаган Тошбуви анчадан бери озиқиб кутилган номанинг ҳар бир сатрини кулоғига жойлаб олмоқчилик қизининг оғизга термилиб ўтиради.

"... Мендан сўрасангизлар, соғ-саломат юрибман. Бу ернинг дўхтирлари жуда яхши экан. Ҳозир анча тузалиб қолдим. Ҳамма нарса бор. Ҳар куни уч маҳал иссиқ овқат беради. Онам ҳам мени кўп ўйлаб ётмасин. Насиб этса, ҳадемай уйга ўз оёғим билан кириб бораман. Тез-тез хат ёзиб туринглар. Салом билан, ўғлингиз Шодмон".

Лаллай ўтирган жойида безовта қимирлаб олиб, кўзларини очди. Зулфия хатни онасиға узатиб, зимдан отасига савол назари билан қаради. Лаллай унинг нигоҳига дош беролмай, нигоҳини ерга тикиди.

– Хат ёзган қўлларингдан айланай, болам! – Тошбуви кўзларида ёш билан мактубни ҳидлади. – Шодмонжонимнинг иси келиб туриби.

Зулфия аста ўрнидан туриб, уйга кириб кетди. Лаллай аста томоқ қирди.

– Акам "онам ийгламасин" деб ёзсаным сиз, барибир, ийглайверасиз, – деди кенжа ўғил Дилмурод ўқапланган оҳангда. – Акам билса, хафа бўлади.

– Йиғласам, қувонганимдан ийглайман-да, болам, – деди Тошбуви кўзларида ёш билан жилмайиб. – Ўзи, отаңнинг бир шарофати бор. Доим бир жойдан қайтса, ўзи билан акангнинг хатиниям олиб келади. Мен бўлсан, ҳар куни почтахонага қатнайвериб, Кувват амакини ҳам безор қилиб юбордим. Мени кўрди дегунча, қовогини осиптириб олади. Бормай дейман-у, сабрим чидамайди. – Тошбуви эрига қараб, дафъатан безовталанди. – Сал хафароқ кўринади? Тинчлики?

Лаллай ҳушёр тортиб, ёстиқдан ўмганини кўтарди.

– Тинчлик, хотин. Бироз чарчабман...

– Чарчаган бўлса, ётиб дамини олспин.

– Ота, елкангизни уқалаб кўяйми? – деди Дилмурод ғамхўрлик билан.

– Майли, ўглим, – деди Лаллай ҳам жилмайиб.

Дилмурод чақон ўрнидан туриб, отасининг елкасини уқалашга тушди.

– Энди бу ишни ийгиштирасям бўларди, – деди Тошбуви эрига ачиниш билан қараб. – Шу ёшида кудуқ ковлаш осонми?

– Шодмон тузалиб келсин, уйимизнинг ёнидан унга атаб битта қудуқ қазаман, – деди кенжа ўғлининг меҳрибонлигидан кўнгли ёришиб, ҳузурланиб ўтирган Лаллай орзумандлик билан. – Шу билан бу касбни ийгиштираман. Кейин сен ҳам беланги бўлиб бирорларнинг қудуғидан сув ташиб юрмайсан.

– Кудугимиз бўлмаса ҳам майли, факат Шодмоним тузалиб кетсин! – деди Тошбуви кўнгли бузилиб. – Болаларим билан бу киши соғ-омон юришса, менга шунинг ўзи катта давлат.

– Худо хохласа, албатта тузалади! – деди Лаллай вазмин оҳангда. – Яхши ният қил, хотин. "Яхши ният – ёрти давлат" деб бекорга айтишганми эскилар.

– Илойим, иломим...

Эр-хотин жимим қолишиди. Отасининг елкасини уқалаётган Дилмурод ҳам шу топда катта одамлардек ўйчан тортиб қолган эди.

\*\*\*

Эртаси куни Лаллай барвақт туреб, Қаюм шүрөнүкига йўл олди. Хўп деса, Эратнинг кудугини қазиб бўлиши билан иккаласи шаҳарга, Шодмоннинг олдига жўнамоқчи эди. Бироқ ҳашамдор ҳовлига қадам кўйиши билан Қаюм шўро уни таъна-маломат билан қарши олди.

— Қаёкларда сангуб юрибсан, Лаллай? — деди у бароқ қошларини чимириб. — Оғилхонанинг деворини суваб бераман, деб ваъда қилганинг қачон эди! Бўл тез, шу ишни тутгатмагунча ҳеч қаёққа кетмайсан.

Лаллай ноилож оғилхона олдиаги тунука хандақда лой қоришга тушди. Бироздан сўнг Қаюм шўро хандақ ёнига курси келтириб ўтириди-да, терлаб-пишиб чой ича бошлади. У ёши элликларни чамалаган гирдиғум битишли, тепакал киши эди.

Лаллай юрак ютиб, ўғли ҳақида гап очди, бироқ Қаюм шўро бепарво қиёфада кўл силтади.

— Яна бирон ой сабр қилиб турсанг, менам ишларимни бирёкли қилиб оламан, — деди у афласига ташлаб олган рўмол билан пешонасининг терини арта туреб. — Кейин икковимиз қайдасан Тошкент, деб йўлга тушамиз... Сомондан яна кўш. Лойинг ҳали пишмади.

— Шу кунларда кўнглим фаш, амаки, — деди Лаллай қопдаги сомонни лойнинг устига соча туреб. — Иложи бўлса, тезроқ борсан дегандим!

— Мен давлатнинг одамиман, эрким кўлимда эмас. Билсанг, катталардан берухсат ҳатто, ҳожатгаям боролмайман!

Лаллай тасодифан кўлидаги кетмонни тунука хандақнинг тубига уриб олди.

— Кўзингга қара, Лаллай, хандақнинг тагини тешасан! — дея дашном берди Қаюм шўро афтини буришириб. Сўнг бўшаб қолган пиёласига чойнақдан чой қўйди. — Тошкент деганлари — жуда катта шаҳар. У ерга бориб-келишининг ўзи бўлмайди. Белни бақувват қилишинг керак!

— Сиз пулуни ўйламанг, амаки, — деди Лаллай юзига сараган лойни қўли билан сидириб. — Шодмон тузалиб келса, шукронасига элга чоғроқ тўй берарман деган ниятда уч-тўрт танга жамғарип қўйган эдим...

— Уч-тўрт танга деганинг қанча? — Қаюм шўро Лаллайга синовчан тикилди.

— Ҳа, энди...

— Яширмай айтавер!

— Шу... икки юз сўмча чиқиб қолар.

— Икки юз сўм?! — Қаюм шўро истеҳзоли илжайди. — Содда бўлмай кет, Лаллай!

Лаллай лой қоришдан тўхтаб, Қаюм шўргага савол назари билан қаради.

— Икковимизнинг Тошкентга бориб-келишимиз учун кам деганда минг сўм даркор, билдингми!

Лаллай Қаюм шўргага нимадир дейишга чоғланди-ю, лекин фикридан қайтиб, тайёр бўлган лойни кетмон билан челакка сола бошлади.

— Бу замонда мушук ҳам текинга офтобга чиқмайди, Лаллай! — деди Қаюм шўро жиддий тортиб. — Биринчидан, у ердаги дўхтирларнинг оғзини мойлашимиз керак. Шунда улар ўғлингни яхшироқ даволайди. Анави хотин ҳам бекорга “тезроқ келинг” деб хат ёзмagan. Дарди пул уларнинг!

— Ўйлашимча, у аёл ёмон одам эмас, — ўзича эътиroz билдириди Лаллай. — Барака топсин, дам-бадам ўглимнинг номидан хат ёзиб туриби.

— Дўхтир зотининг бари — бир гўр! — дея қўл силтади Қаюм шўро. — Қолаверса, озиб ёзиб Тошкентга борганимизга яраша, ўзимиз ҳам яйраб келишимиз керакми-йўкми? Тошкентга боргач, “Москва” гастиносининг нақ йигирманчи қаватидаги люкс номерга жойлашамиз! У ердан бутун шаҳар кафтадигидек кўриниб туради. Пастда шикарний ресторон! Кечкурун оппоқ қўйруқдеккина жононлар... Ҳай, жонидан!

Қаюм шўро пихиллаб кулди. Лаллай унинг гапларига эътибор бермай, оғилхона деворига лой чаплаб, андава тортишга тушди.

— Бўлти, мен ишга боришим керак, — деб Қаюм шўро ўрнидан турди. — Сен бир-икки кунда шу ишни тутгатиб кўй. Кўнглинг тўй бўлсинг, Тошкентга борамиз!

— Душанба куни Даётбодга бормоқчи эдим, амаки. Ўша ерлик бир чўпонга қудук қазиб беришим керак...

— Аввал бизнинг ишни битир, ўша чўпоннинг кудуги қочиб кетмас! — дея Қаюм шўро аччиқланган қиёфада унинг гапини кесди. — Бир файрат қилсанг, икки-уч кунда тутгатасан.

— У кишига лафз қилиб келувдим, — деди Лаллай ялинчоқлик билан. — Вақтида бормасам уят бўлади.

– Гапни күпайтирма, Лаллай! – деди Қаюм шўро пешонасини тириштириб. – Тезроқ қимирла, лой қотиб қолади.

Қаюм шўро уйига томон юрди. Лаллай оғилхона ёнида нима қилишини билмай, гаранг-сиган қиёфада туриб қолди.

\*\*\*

Лаллай ўлиб-тирилиб ишлаб, Қаюм шўронинг оғилхонасини уч кун деганда зўрға сувоқдан чиқарди. Бу орада Эрат билан ваъдалашилган кун ҳам ўтиб кетди. Лаллай шу чоққача бирон марта лафзига хилоф иш тутмаган эди. Шу боис кечга яқин ишни тугатиб уйига қайтгач, эрталабгача кўзига уйку келмади.

Тонг бўзарар-бўзармас ўринидан туриб, калта сопли кетмони билан жомакор кийимларини олди-да, йўлга отланди.

– Мен беш-олти кунларда қайтаман, – деди хотинига. – Унгача Қаюм амакининг ҳам кўли ишдан бўшаб қолар. Келишим билан Тошкентга жўнайман.

Лаллай даштга элтувчи тупрок йўлга чиқиб олиб, шошилинч йўлга тушди. Бу орада тонг ҳам ёришиб қолди. Қишлоқ тарафдан чиқиб келган сариқ тусли "Москвич" машинаси унинг ёнида тўхтади.

– Йўл бўлсин, Лаллай ака? – деди ҳамкишлого Чори машинадан бошини чиқариб.

– Дашибодага, амаки...

– Дашибодага пиёда кетяпизми? Авлиёга икки дунё бир қадам экан-да, – кулди Чори.

– Чиқинг мошинга. Наймансаройнинг чорраҳасига ташлаб ўтаман.

Лаллай кетмонини авайлаб ушлаган кўни машинага ўтириди. Орка ўриндиқда куюқ соқоли қордек оқарган, нуроний қиёфали Дониёр бува ўтиради. Салом-алиқдан сўнг улар бир муддат жим кетишиди.

– Отам замонидан бери кудук казасиз, Лаллай ака, – деди Чори қаршисидаги кўзгу оша Лаллайга қараб қўйиб. – Ҳаммасини кўшиб ҳисобласа, бирон мингталардан ошиб кетгандир-ов?

– Билмасам, амаки. Санамаган эканман.

– Лаллайнинг кетмонига дуо кетган, – деди Дониёр бува. – Шу пайтгача у ковлаган кудукларнинг биронтаси куримаган. Бизнинг кудукни кирчиллама йигит вақтида қази бе-рудви. Шундан бери сувини хузур қилиб ичиб ётибмиз.

– Лаллай ака қағзан қудукларнинг суви ширин чиқади, – деди Чори Дониёр буванинг гапини қувватлаб.

Жомакор халтаси билан кетмонини бағрига босиб ўтирган Лаллай бу мақтовлардан ўнғайсизланди. Машина бир-бирига уланиб кетган кимсасиз, ялангоч адирлар оралаб боради.

– Бир пайтлар отам раҳматли Каттақир тарафдаги томорқамиздан қирқ қулочлик кудук ковлаган эди, – деди Дониёр бува ўйчан қиёфада. – Ана унинг суви бошқача эди. Ичиб тўймасди одам. Бир йилча бутун кишлоқ шу кудукдан сув ичди. Одамлар унга "ширинқудук" деб ном беришиди. Бир куни Сарман чўпоннинг бўй қизи қовға тортаётуб, кудуқка тушиб кетибди...

Дониёр бува дафъатан жимиб қолди.

– Қиз тирик қолдими, ишқилиб? – сўради Чори бетоқатланиб.

– Бечоранинг жасадини топишолмади, – деди Дониёр бува ҳикоясини давом эттириб.

– Ўша кудук ер ости дарёсининг устидан тушган экан. Айтишларича, ернинг тубидаги сувлар ҳам киши билмас дарё бўлиб оқиб ётармиш... Қизни оқим олиб кетган экан.

– Вой, бечора! – Чори надомат билан бош чайқаб қўйди.

Лаллай ҳам маъюс тортиб қолди.

– Отам раҳматли, "бехосият чиқди" деб ширинқудукни кўмиб ташлади. Кейинги иили биз бошқа жойдан уй қуриб, кўчдик. Сарман чўпон қудукнинг ўринда қизига мозор тиклаб, атрофини девор билан ўради.

– Бу гапдан кейин қудукқа яқинлашишгаям кўркиб қолади одам, – деди Чори чукур тин олиб. – Ўлмаган Лаллайнинг жони!

– Шу ёшга кириб ширинқудукнинг сувидай сувни бошқа ичмадим, – деди Дониёр бува.

– Кўнгил қургур ҳалигача унинг таъмини тусайди.

– Вақти келип Лаллай ака ўша сувни топса, ажаб эмас, – деди Чори Лаллайга юзланиб. – Нима дедингиз, Лаллай ака?

– Билмасам, амаки, – деди ўйга толиб ўтирган Лаллай.

Күш тиккага келиб, даштни тандирдек қыздира бошлаган вақтда Лаллай Эратнинг уйига етиб борди. Куйироқдаги оғилхона атрофида сандироқлаб юрган иккита баҳайбат күппак важоҳат билан унга ташланди. Эсанкираб қолган Лаллай қўлидаги калта сопли кетменини ўнгу сўлға сермаб ўзини ҳимоя қиласарди. Бу аҳволда Лаллайнинг қаршилиги узоқка бормаслиги аниқ эди.

Ўй олдидаги сада қайроғоч соясида тўшалган кўрпачада ёнбошлаб ётган Эрат бу манзарани жимгина кузатарди.

Шу пайт Эратнинг хотини шошиб ошхонадан чиқди.

– Ҳа, ер юткурлар! Тур, кет!

Аёл итларни бир амаллаб Лаллайдан ажратиб олиб, нари ҳайдади. Чопонининг этағи йирилиб, бошидан теплаги учиб кетган Лаллай қўрқув ва ҳаяжондан қалтириб ерга ўтириб қолди.

Эрат норози қиёфада ўрнидан туриб ўша томонга юрди.

– Бор, сув олиб кеп! – деди у ҳамон атрофда ириллаб айланиб юрган кўплакларни ҳайдайтган хотинига ўқрайиб.

Аёл ошхонага кириб кетди. Эрат абгор қиёфада чўнқайиб ўтирган Лаллайга зингил солиб тикилди.

– Кечиқдинг-ку, Лаллай!?

Аммо Лаллай унинг саволига жавоб берадиган аҳволда эмас эди. Шу пайт Эратнинг хотини косада сув кептирди. Лаллай аёл узатган сувни тўкиб-сочиб ичди.

Бироздан сўнг Лаллай сада қайрагочдан қуириқда ерни синчилкаб кўздан кечира бошлади. Эрат бир чеккада гўддайиб турар, хозиргина даштдан кўй ҳайдаб қайтган ўн икки ёшлар чамасидаги ўспирин – Жонибек қийик кўзларини баттар қисганча Лаллайнинг ҳаракатларини қизиқиш билан кузатарди. Ниҳоят, Лаллай юришдан тўхтаб, Эратга юзланди.

– Шу ердан ковласак бўлар, амаки?

– Бошла! – деди Эрат дагал овозда.

Лаллай кетмени билан чоғроқ айланна чизиб олди-да, ер ковлашга тушди.

– Ота, мен қишлоққа бориб, ҳашарчиларни айтуб келайми? – сўради Жонибек.

– Шарт эмас, – деди Эрат ўғлига қарамай. – Ўзимиз эплаймиз!

\*\*\*

Шу куни Лаллай гайрат билан ишлаб, кечгача чамаси беш-олти газ чукурлиқда кудук ковлади. Эрат қудукқа чигириқ ўрнатди, Жонибек эшақда қовға торта бошлади.

Офтоб аллақачон адирлар ортига ботиб, поёнсиз даштта аста тун чўка бошлаган бўлса-да, Эрат ишни тугатишни хаёлига келтирмасди. Кудук туви баттар қоронгилашиб, Лаллай қудукнинг девори билан сахнини ажратолмай қолди.

Лаллай қаддини ростлаб, юқорига қаради. Қудукнинг оғзига ўрнатилган чигириқ шомғира-ширасида қорайиб туради.

– Амаки! – деди овоз берди у. Юқорида Эратнинг кўланкаси пайдо бўлди.

– Нима дейсан?

– Кеч тушиб қолди. Бугунча етар?

Эрат дарров жавоб бермади.

– Кудукдан сув чиқмагунча ташқарига чиқмайсан! – деди у бироздан сўнг эътиrozга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

– Ҳазиллашманг-еј, амаки, – деди Лаллай кулиб. – Кудукдаям ётиб бўларканми?

Лаллай қудукнинг икки четидаги пиллапояларга тусмоллаб оёқ қўйиб юқорилай бошлади. Кутипмагандо қудукнинг оғзи ёпилиб, тепадан тушаётган гира-шира ёруглик ҳам гойиб бўлди. Лаллай буткул зулмат қоплаган қудуқда гўё муаллақ осилиб қолди.

\*\*\*

Кунботарда боягина ёлқинланиб турган шом шафаги ҳам буткул сўнганд, тунги осмонда сон-саноқсиз юлдузлар жилва қиласарди. Шомдан сўнг кўриниш берган ой борлиқни хира-гина ёрита бошлади.

Үйдан тугун кўтариб чиқкан Эрат қоронгидаги тусмоллаб қадам ташлаганча қудуқка яқинлашди. Чигирикнинг ёнида қўлидаги тугунни ерга қўйиб, қудукнинг қопқонини очди-да, чигириқка суюнган кўйи зим-зиё чоҳга мўралади. Кудук ичига теран сукунат чўккан, “тиқ” этган овоз эшитилмасди.

– Лаллай! – деда чақырди Эрат, аммо жавоб бўлмади. Эрат овозини бир парда кўтарди.

– Лаллай дейман!

Нихоят, ичкаридан Лаллайнинг сокин овози эшилтиди:

– Нима дейсиз, амаки?

– Ўлиб-нетиб қолганинг йўкми, ишқилиб? Нимага сасинг чиқмайди?

Зим-зиё қудук тубида ўтирган Лаллай юқорига қаради. Эратнинг элас-элас кўзга ташланеётган кўланкаси узра осмонда юлдузлар чарақлаб туради.

– Ма, манавини еб ол!

Эрат тугунни қовгага жойлаб, қудукка туширди. Чиририк чириплаб айланиб, қовга юронгиллик қаърига сингиб кетди.

\* \* \*

Эрат эрталаб қудукнинг қопқофини очди.

– Яхши ётиб турдингми, Лаллай? – деди илжайиб. Лаллайдан жавоб бўлмагач, ёнида турган Жонибекка имо қилди, ўспирин шу заҳоти арқонга боғланган қовгани қудукка тушириди. – Идиш-товоқларни узатиб, ўзинг ҳам юқорига чиқ. Нонушта қилиб, ишни бошлаймиз.

Жонибек арқонни юқорига тортиди. Бироздан сўнг тугун солинган қовга қудуқдан чиқиб келди. Бироқ унга кўл ҳам урилмаган эди. Жонибек тугунни кўлига олиб, отасига савол назари билан қаради. Эратнинг чагир қўзлари газабдан қисилиб кетди.

– Ҳали шунақами? – деди у тишларини фижирлатди. – Менга деса, очингдан ўлиб кет! Кечаги гапим-гап. Қудук битмагунча ташқарига чиқмайсан. Жонибек, эшакни олиб кел!

Жонибек отасига кўрқа-писа қараб қўйиб, оғилхона томонга кетди.

\* \* \*

Тиккага келган қуёш борлиққа беаёв олов пуркайди. Чор атрофда ястаниб ётган бепоён даштда тирик жон асари сезилмайди. Боягина кўқда муаллақ осилиб нағма қилаётган якка бўйтўргай ҳам жазираманинг забтига дош беролмай, янтоқзор орасидаги уясига ўзини урган. Факатгина унда-бунда жизловуқларнинг бир маромдаги мунгли овози эшилтилади. Жайдари итлар оғилхонанинг соясида тилини осилтирганча ҳансираб ётиби. Сим тўр билан ўралган кўрага қамалган қўйлар бир-бирининг пинжига суқилиб олган.

Чиририк бир маромда чириллаб айланади. Жонибек терлаб-пишиб эшақда қовга тортаяти. Юз-кўзи чанг ва терга қоришиган Эрат қудуқдан чиқиб келган қовгадаги тупроқни бир чеккага олиб бориб тўқади.

Тобора забтига олаётган гармсел қудукнинг теварагида уйилиб ётган қуруқ чангни учириб ўйнайди.

Эрат қовгадаги тупроқни бўшатиб, қудукка энгашди:

– Лаллай!

– Нима дейсиз, амаки?

– Қачон сувга етамиз?

– Оз қолди.

– Оз қолганниш! Ўн беш қулоч қазидик-ку, тупроқ нам тортгани йўқ!

Шу пайт қажавали мотоцикл тупроқ йўлни чангитиб, Эратнинг уйига шитоб билан яқинлашиб кела бошлади. Оғилхона соясида мудраётган жайдари итлар ваҳимали во-виллаганча ўша томонга отилди. Мотоциклиниг орқа ўриндиғида ўтирган одам қўлидаги таёқни ўнга сўлга сермаб итларни ҳайдашга уринарди. Эрат чагир қўзларини қисган кўйи нотаниш кишиларга дикқат билан тикилди.

Кажавали мотоцикл Эратнинг кўргонига яқинлашгач, қудук томонга бурилди. Мотоциклда милиция либосидаги нотаниш киши ва Ўлжабой ўтиришарди.

– Бор, итларни қайтар! – деди Эрат ўзига хавотир билан қараб турган ўғлига. Жонибек шу заҳоти эшақдан тушиб, ўша томонга юргурди. Эрат иккиланган қиёфада чиририкка суюниб турарди.

Мотоцикл қудуқдан беш-ўн қадам нарида тўхтади. Жонибек итларни кувиб солгач, милиция ходими билан Ўлжабой чўпон мотоциклидан тушишди. Нотаниш лейтенант норози тўнгиллаганча уст-бошининг чангини қоқди. Ўлжабой чўпон қўлидаги калтакни мотоциклга суюб қўйиб, қудукка қараб юрди.

– Ассалому алайкум, Эрат ака.

– Ваалайкум ассалом, – деда алик олди Эрат унга зимдан синчков тикилиб. – Келинг, Ўлжабой.

Эрат билан күл олиб саломлашишди.  
 – Кудук қазаяпсизми? – деди Ўлжабой атрофда уйилиб ётган тупроқни күздан кечириб.  
 – Шундай.  
 – Сув чиқай деб қолдими?  
 – Чиқиб қолар, – деди Эрат лейтенантдан күз узмай.

Ўлжабой билан лейтенант бирин-кетин чигириққа суюниб, эхтиёткорлик билан қудуққа әнгашашишди.

– Хорманг, уста, – дәя овоз берди Ўлжабой.  
 – Саломат бўлинг, амаки, – қудуқдан Лаллайнинг бўғиқ овози эшитилди.  
 – Чарчамаяпсизми?  
 – Йўғ-еъ, амаки. Ҳамишаги қилиб юрган ишимиз-да.  
 – Файрат қилинг, уста! – деди лейтенант негадир жилмайиб.  
 – Раҳмат, амаки.

Лейтенант қудуқдан четланиб, бош чайқади.  
 – Қудуқ ҳам шунақа чукур бўладими? Қараб туриб бошим айланиб кетди-я.  
 – Ҳа, “даштнинг қудуғи қирқ қулоч” деб бекорга айтишмаган, – деди Ўлжабой. – Бу ерлардан сув чиқариш осон эмас.

Шундан сўнг улар қудуқдан узоқлашишди.  
 – Тинчликми, чўпон? – деди бироз хотиржам тортган Эрат Ўлжабоидан.  
 – Тинчлик бўлса, шундай сарсон бўлиб юрармидик, Эрат ака? – Ўлжабой чукур тин олди.

– Кеча тунда Ўлжабой аканинг отаридан ўн бештача кўй йўқолган, – дәя изоҳ берди лейтенант пешонасининг терини артиб. – Ўгриларни излаб юрибмиз.

– Чатоқ бўлти-ку, – деди Эрат таассуф билан бош чайқаб.  
 – Оқшом бу атрофда бегона одамларга кўзингиз тушмадими? – сўради лейтенант Эратдан.

– Йўқ, кўзим тушмади. Кечакун бўйи қудук қазиб, чарчаган эдик. Шунга эртароқ ётувдик.  
 – Салим буванинг айтишича, ярим оқшом икки отлиқ шу томонга бир гала кўй ҳайдаб ўтган эмиш, – деди Ўлжабой.  
 – Бегона ўтса, итлар пайқаган бўларди... – Ўлжабой чўпоннинг ўзига синовчан тикилиб турганини кўриб, Эратнинг авзойи ўзгарди. – Мабодо, мендан гумон қилаётган бўлсанг, кўрани бориб кўр.

– Йўғ-еъ... Ўлибмизми сиздан гумон қилиб, – деди Ўлжабой чўпон ўнгайсизланиб.  
 – Кун ҳам роса қиздирди-ку, – мингирлади лейтенант кепкаси билан юзини елпилиб.

Гуллоланинг иссиги шунақа бўлса, саратонники қанақа бўларкин.  
 – Бўлмаса, биз борайллик, Эрат ака.  
 – Ўлжабой чўпон ортига бурилди.

– Ўйга кириб, чой-пой ичib кетинглар. Ҳашар оши пишиб турибди.  
 – Лейтенант Ўлжабоига умидвор қаради.

– Шу топда томоқдан овқат ўтармиди, Эрат ака? – дәя Ўлжабой чўпон мотоцикл томон юрди. – Кўйларни топмасам, раис уйимни кўйдиради.

Лейтенант ҳам ноилож унинг ортидан эргашди.  
 – Кажавали мотоцикл тупроқ йўлдан дашт ичкарисига қараб кетгач, Эрат қудуққа әнгашди.

– Лаллай!  
 – Нима дейсиз, амаки?  
 – Кўрдик, жўмард экансан, – деди Эрат ноаён кайфиятда. – Лекин мен ҳам туфлаган тупугимни қайтариб оғзимга олмайман. Қудуқдан чиққинг келса, тезроқ ишни тутат!

Эрат қаддини ростлаб, уйига томон кетди.  
 – Бир муддатдан сўнг Жонибек қўлида дастурхон билан чумагидан буғ чиқиб турган кўмғон кўтариб, қудук томон эниб келди.

– Лаллай амаки! – дәя овоз берди у қудуққа мўралаб.  
 – Нима дейсиз, амаки?

– Овқат ейсизми?  
 – Сиз берсангиз, ейман.

Жонибек хурсанд қиёфада дастурхон билан кўмғонни қовғага солиб, қудуққа туширди.

Шундан сўнг Лаллай нимқоронги қудук тубида олдига дастурхон ёзил, овқат ейишга тушди. Жонибек қудук лабида чигириққа суюнган кўйи Лаллай билан гаплашиб ўтиради.

– Боя мелиса амаки келганда кўркиб кетдим, – деди Жонибек соддадиллик билан.

- Нега құрқасиз, амаки?
- Үнга отам сизни қудукқа қамаб қўйганини айтib берасиз деб ўйловдим.
- Чакимчилик эркак кишига ярашмайды, амаки, – деди Лаллай сокин овозда.
- Кудук лабида ўтирган Жонибек бу гапдан сўнг бир муддат жимиб қолди.
- Нимага ҳамма сизни Лаллай деб чақиради?
- Лаллайган одам бўлганим учун бўлса керак-да, амаки, – деди Лаллай кулиб.
- Бу исмни ким қўйган?
- Ёдимда йўқ. Эсимни таниганимдан бери ҳамма мени Лаллай деб чақиради.
- Бошқа исмингиз йўқми?
- Бор, амаки. Ҳужжатларда отим Элмурод деб ёзилган. Чақалоқлигимда раҳматли мулла Қодир бува шу исм билан қулогимга азон чақирган экан.
- Унда менам сизни Элмурод амаки деб чақираман.
- Нега?
- Чунки сиз Лаллай эмассиз! Ёмон одамлар сизни Лаллай деб чақиради.
- Қўяверинг, амаки, – деди Лаллай кулиб. – Эл берган исм... Бизга шуниси дуруст.
- Нимага сиз ҳаммани "амаки" дейсиз? – сўради Жонибек бироздан сўнг.
- Чунки ҳамма одамлар менга амаки бўлади-да.
- Мен ҳамми?
- Сиз ҳам.
- Лекин мен сиздан кичкинаман-ку?
- Кичкина бўлсангиз нима қипти?

Жонибек қудук тубида фир-шира кўзга ташланиб турган Лаллайнинг кўланкасига ажабланиб тикилди.

Лаллай олдиаги дастурхонни йигиштириб, қумғондан пиёлага чой қуиди.

- Айтгандай, ёшингиз нечада, амаки? – дея сўради у тепага юзланиб.

- Ўн тўртда.

- Дилмуроджондан икки ёш катта экансиз, – деди Лаллай чой ҳўплаб.

- Дилмуроджон ким?

- Кенжака ўғлим.

- Ҳа...

- Катта ўғлим ҳозир Тошкентда, – деди Лаллай ўзи гапираётгандек сокин овозда.

Кетганигаям уч ойдан ошди. Эрта-ю кеч шуни ўйлайман, амаки. Бу ёқда онаси қаттиқ согинган...

- Тошкентда дейсизми? – ажабланди Жонибек. – Ўғлингиз у ерда ўқийдими?

– Йўқ, Шодмонжоннинг сал мазаси йўқ эди. Ҳозир Тошкентда даволанаяпти. Насиб этса, яқин орада кўргани бораман. Үнгача Шодмонжон ҳам тузалиб қолса керак. Кейин ота-бона уйга бирга қайтамиз-да, амаки.

Лаллай дастурхон билан қумғонни қовғага жойлаб, юқорига қаради.

- Қовғани тортинг, амаки.

Жонибек қовғани қудукдан тортиб олди. Шу пайт Эрат ҳам қудук бўйига зниб келиб, енг шимарди.

Тушдан сўнг уқубатга тўла, зерикарли юмуш бир маромда давом этди. Лаллай ер қаърига янада чукурроқ кириб боргани сайин қудук теварагидаги тупроқ хирмони юксалиб борар, лекин интиқиб кутилган сувдан дарак йўқ эди.

Эрат қовгадаги тупроқни чанглаб кўрди. Қуруқ, майнин тупроқ кафтлари орасидан шувиллаб ерга тўкилди. Эрат қудук бўйида чўнқайиб ўтирганча жазирама офтоб тигида ҳансисраб ётган кимсасиз даштга ноумид тикилиб қолди. Қорамагиз чехраси иссиқда баттар қорайиб, кўзлари киртайиб қолган Жонибек эринчоқлик билан қовга тортаётган эшакни тўхтатиб, отасига қаради.

Кутилмаганда Эрат шахт билан ўрнидан туриб, тупроқ тўла қовғани жон-жаҳди билан бир чеккага улоқтириди. Бироқ қовғанинг арқони оёқларига ўралашиб қолиб, ўзи ҳам тупроқ уюми устига йиқилди. Бошдан-оёқ оппоқ чангга беланди.

- Йўқ сув! Ер ютиб кетган сувни! Бу нима кўргилик!

Эрат телбавор қиёфада ер муштлаб, бошидан тупроқ сочиб йиглашга тушди.

\*\*\*

Ярим тун. Тўлин ой нурларига ғарқ бўлиб ётган тупроқ тўла қовғани жон-жаҳди билан бир чеккага улоқтириди. Бироқ қовғанинг арқони оёқларига ўралашиб қолиб, ўзи ҳам тупроқ уюми устига йиқилди. Бошдан-оёқ оппоқ чангга беланди.

чироқлар мильтиллайди. Қақроқ яйловнинг олис пучмогида заиф бир шуъла гоҳ ёниб, гоҳ учыб туриди.

Одатда, эрталабгача бетоқат хуриб чиқадиган жайдари итларнинг ҳам уни ўчган. Борлиққа теран сукунат чүккан. Гүё жазирама оташида силласи куриган замин салқын оқшом күйніда ором олмокда.

Жонибек шарпасыз қудукқа яқынлашиб, эхтиёткорлик билан унинг қопқогини очди.

— Лаллай амаки!

— Ким у? – зим-зиө қудукдан Лаллайнинг овози эшитилди.

— Мен, Жонибекман.

— Нима гап, амаки?

— Отам ухляяпти. Тезроқ қудукдан чиқиб, уйнингизга кетинг! Онам итларни оғилхонага қамаб туриди.

Қудук тубидан Лаллайнинг оғир хұрсинган овози эшитилди.

— Құяверинг, амаки, – деди у бироздан сұнг. – Ишимни чала ташлаб кетолмайман.

— Барибир, бу қудукдан сув чиқмайди! – деди Жонибек алам билан.

— Чиқади, амаки, күнглім сезиб туриди, – деди Лаллай хотиржам охангда. – Сиз бориб, дамнингизни олаверинг. Эртага ишимиздың янаям оғирлашади.

Жонибек қудукнинг қопқогини очық қолдириб, истар-истмас уй томон юрди.

Лаллай шундокқина қудукнинг устида балқиб турған тұлғын ойга тикилиб қолди.

\* \* \*

Қудукнинг чуқурулғы қарийб йигирма күлочни чамалаб қолған. Лаллай ҳамон терлаб-пишиб ер ковлаяпти. Чигириқ бир маромдаған гүйгірлаб айланади. Чармдан тикилған қовға гоҳ тепага, гоҳ пастта қараб ҳаракат қылади.

Лаллай қоюқидан тушиб келған қовғани бир четта қўйиб, қўлидаги кетмонни күч билан ерга ботириди. Күтилмаганда кетмонга қуруқ тупроқ арапаш бир парча лой илашиб чиқди. Лаллай кўзларига ишонмагандек, титроқ қўллари билан лойни сиқимлаб кўрди. Нима ҳодиса юз берәётганини англолмай, бир муддат серрайб турив қолди. Эс-хушини йиғиб олиб, жонхолатда қўллари билан тупроқ ковлашга тушди. Қудукнинг ўртасида ҳосил бўлган чуқурчадан файритабиий тарзда сув сизиб чиқа бошлади. Лойқа сув шиддат билан қоюқира кўтарилиб, куз очиб-юмгунча қудук саҳнини бир текисда қоплаб олди.

— Ё, қудратингдан, Эгам! – деде шивирлади Лаллай ҳовуцида эртилған симбодек ялтираб турған сувга тикилиб.

Чигириққа сяяниб турған Эрат қовға кечикиб қолганидан бетоқатланиб, қудукқа энгашди.

— Ухлаб қолдингми дейман, Лаллай? Нега қовғани узатмаяспсан?

— Кудугингиздан сув чиқди, амаки!

— Нима?.. Тентак-пентак бўлғаннинг йўқми, мабодо! – деди Эратнинг энсаси қотиб. –

Хали тупроқ нам тортгани йўқ-ку, сувга бало борми?

Нарироқда эшакни ушлаб турған Жонибек югуриб келиб, қудук тубига тикилди.

— Қаранг, ота! Сув! – деде чинқирди у ҳаяжон билан.

Эрат чағир кўзларини қисиб, қудукқа қаттиқроқ тикилди.

Фира-шира қудук тубида қорамтири тусли суюқлик жимирилаб турарди.

\* \* \*

Саратон жазирамаси борлиққа ҳұмнни ўтказа бошлаган, дашт узра қайноқ гармсеп эсияпти.

Қирнинг устидаги якка уйдан Эрат билан Лаллай чиқиб келишиди.

Лаллай сада қайрагоч тагидан кетмени билан жомакор кийимлари солинган халтани олди. Эрат бефайз даштга ўйчан тикилди. Қирнинг этагида Жонибек билан онаси янги қудукдан қўйларни сугормоқда эди.

— Манавини олиб кўй, Лаллай, – Эрат унга қоғозга ўралған пулни узатди.

— Шарт змас эди, амаки, – деди Лаллай ўнгайсиз жилмайиб.

— Ол, ол! – Эрат пулни Лаллайнинг халтасига солиб кўйди.

Шундан сұнг иккаласи қўйига томон энишди.

— Мендан хафа бўлма, Лаллай, – деди Эрат ўзига-ўзи гапираётгандек паст овозда.

— Үндай деманг, амаки... Хафа эмасман.

Эрат илкис юришдан тұхтаб, Лаллайга ажабланиб тикилди: “шунча таҳқири зуғумларни жимгина ичига ютиб кетаверса... ўзини хасдек ҳақиқ тутса... бу қандай одам ўзи?”

Күнглидан кечган саволларга жавоб топмоқчидек Лаллайнинг кўзларига қаттиқ тикилди. Лаллай унинг ўзига наштардек қадалиб турган нигохига дош беролмай, кўзларини олиб қочди. Дафъатан Эратнинг кўнгли равшан тортиб, мийигида жилмайди.

– Бора қол, Лаллай, – деди Эрат унинг елкасига беозор қошиб қўйиб. – Болаларинг йўлнинга кўз тикиб ўтиргандир.

Лаллай қудуқ тепасида ўзига тикилиб турган Жонибекка илжайиб қараб қўйиб, йўлга тушди.

Ўспирин дашт оралаб кетган тупроқ йўлда тобора узоқлашиб бораётган Лаллайнинг кулатиб қолди.

\* \* \*

Тонг отиб, уфқда қўёш бош қўтараётган маҳал. Ҳовли этагидаги йўл бўйида Лаллай ҳамкишлогоғи Турдиқул билан гаплашиб турарди. Турдиқул деганлари – эллик ёшлардан ошган, зиёлиномо кийинган, бақалок битишили бир кимса. У кўлларини силтаганча зўр бериб нималарнидир уқтирар, Лаллай ерга кўз тиккан кўйи сукут саклаб турарди.

– Бошқа пайт бўлганида йўқ демасдим, амаки, – деди ниҳоят Лаллай ҳам тилга кириб.  
– Лекин шу кунларда иложим йўқ...

– Ўзингни тарозига солма энди, Лаллай! – деди Турдиқул жиғибириён бўлиб. – Сен пахсанинг лойини тайёрлаб бериб турсанг, усталар иморатни бир ҳафтада битиради!

– Шу ишни сал кейинроқ қилсанк? – Иложи йўқ! – деди Турдиқул афтини буриштириб. – Мен Амир билан шу ҳафтага көлишиб қўйғанман.

Лаллай қўрада боғланган ола қўзига емиш бераётган хотинига қараб қўйиб, овозини пасайтириди:

– Тўғрисини айтсам, ўғлимнинг аҳволи унча яхши эмас эмиш...  
– Бир ҳафтада осмон узилип ерга тушмас! – деди Турдиқул унинг гапига эътибор бермай. – Ҳақингниям олдиндан бериб қўяман. Мана!

Турдиқул чўнтағидан бир даста пул олиб, Лаллайнинг кўйнига тиқди.

– Нима қиласиз, амаки? – шошиб қолган Лаллай унинг қўлини қайтаришга уринди.  
– Керак эмас...

– Бу сенинг ҳақинг, – деди Турдиқул бўш келмай. – Барибир, қайтариб олмайман. Буёги ўзингга ҳавола.

Турдиқул хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, тупроқ йўлдан шитоб билан жўнаб қолди. Лаллай гарангсиган қиёфада уйга томон юрди.

\* \* \*

Шу куни Амир бошлиқ ҳашарчилар Турдиқулнинг қишлоқ чеккасидаги янги иморатини бошлаб юборишиди. Амир ёшина йигит узатाइтган лойдан пахса урар, икки нафар бўз йигит файрат билан лой пишитишарди. Лаллай чуқурлиги одам бўйи келадиган хандақдан ташқарига тупроқ отиш билан банд.

– Бўшашманглар, йигитлар, – Амир лой пишитаётган йигитларга далда берди. – Файрат қилсанк, кечгача учинчи пахсани ҳам битирамиз.

– Удалалаймиз, Амир ака! – деди лой пишитаётган Санжар ишонч билан.  
– Лойни яхшироқ пишигинлар, – деди Анвар шерикларига. – Белга ёпишиб қолаяпти.  
– Пишиштаямиз-ку! – эътиroz билдириди Баҳтиёр. – Нима, сен бу лойдан зувала ясаб, нон ёпмоқчимисан?

Шу пайт Лаллай хандақдан бошини чиқарди.

– Буёққа қараб юборинг, амаки.

Йигитларга нимадир демоққа қоғланган Амирнинг хаёли бўлинниб, Лаллайга юзланди. Лаллай бесаранжом қиёфада унга мўлтираб қараб турарди.

– Нима гап, Лаллай ака?  
– Тезроқ келинг.

Амир девордан тушиб, хандақ томон юрди. Йигитлар ҳам унинг ортидан эргашишди.

– Тинчликлими? – сўради Амир Лаллайга синовчан тикилиб.

– Манавинга қаранг...

Лаллай кўз қири билан пастга имо қилди. Хандақнинг бир чеккасида сарғайиб кетган бош чаноги тупроққа қоришиб ётар, қуйироқда болдир суклари ҳам кўзга ташланиб турарди.

— Одамнинг калла суюги-ку! – деди Анвар ваҳима билан. Шериклари ҳам бесаранжом қиёфада бош чаноғига анграйиб қараб қолишиди.

— Худо урди! – Амир күтилмаганда дами чиққан пуфақдек бўшашиб, хандақнинг бўйида чўнқайиб ўтириб қолди. Ногаҳоний воқеадан ҳамон ўзига келолмаган ҳашарчилар унга юзланишиди. – Палакат босиб, эски қўйиндида дуч келдик. Кўз тегди бизга! Ишимиз чаппасига кетади энди.

— Нимага ундан деяпсиз, Амир ака? – деди Бахтиёр ажабланиб.

— Ақли бор одам яккамозорнинг устида яшамайди... Турдиқул ака деворни буздириб, хандақни кўмдириб ташлайди!

— Шунча меҳнатимизга қўйиб қоламизми?

Санжар чала тикланган иморатга алам билан кўз югуртириди.

— Сен тез бориб, Турдиқул акани ҷақириб кел! – деди Амир ёнида серрайиб турган Бахтиёрга.

Бахтиёр истар-истамас қишлоқ томон йўл олди...

Бирордан сўнг Турдиқул ҳам шошилинч келиб қолди.

— Нима бўлди? Қани суяк? – деди Турдиқул бесаранжом қиёфада хандаққа эгилиб. – Йўқ-ку ҳеч нарса!

Турдиқул хандақнинг бир бурчида тупроққа қоришиб ётган бош чаноғини кўриб, дафъатан сесканиб тушди. Кўркувдан ранги бўздай оқариб, беихтиёр бир-икки қадам ортга тисарилди.

— Тезроқ кўзимдан йўқотинглар буни! – деди у суяклардан ҳазар қилгандек бурнини жийириб. – Кўрмайин ҳам, куймайн ҳам.

— Қаёққа йўқотамиз? – деди Амирнинг энсаси қотиб.

— Бирор холироқ жойга олиб бориб, кўмидиб ташланглар! Бу гап орамизда қолсин.

Санжар Амирга умидвор тикилди. Амир эса “сиз нима дейсиз?” дегандек Лаллайга юзланди.

— Ундан деманг, амаки, – деди Лаллай вазмин оҳсангда. – Буям бир пайтлар сиз билан менга ўхшаган одам бўлган...

— Нима, шу чирик суякларнинг тинчини ўйлаб, бошлаган уйимни буздириб ташлайми? – деди Турдиқул Лаллайга ўқрайиб. – Ёки шу яккамозорнинг устида яшашим керакми? Бу гап элга овоза бўлиб кетса, мен нима деган одам бўламан?

— Бу одам қиёматда даъво қилса, нима деб жавоб берасиз, амаки?

— Отам замонида ўлиб кетган одам ҳам қайта тирилармишми? – деди Турдиқулнинг энсаси қотиб. – Шу гапга ишонганинг ўзи аҳмоқ!

Лаллай Турдиқулга озорланиб қараб қўйиб, хандаққа тушди. Белбоғини ерга ёзиб, тупроқ орасидаги суякларни унинг устига таҳлай бошлади.

— Нима қилмоқчисан? – сўради Турдиқул ажабланиб.

— Қабристонга олиб борамиз.

— Эсингни еб қўйибсан, Лаллай! – деди Турдиқул истехゾ билан кулиб. – Бир каминг гўрковлик қилиш қолувди.

— Сиз аралашманг! – Амир Турдиқулни жеркиб бериб, Лаллайга кўмаклашиш учун хандаққа тушди.

\*\*\*

Куюқ ўсган хас-ҳашаклари сарғайган қабристон.

Бир-бири билан туташиб кетган саноқсиз қабрлар ёнида гўдакникидек мўъжазигина турбат пайдо бўлган. Лаллай билан Амир қабр бошида чўнқайиб ўтиришибди. Лаллай пичирлаб дуо ўқийди. Уларнинг ёнида қаққайиб турган Турдиқул ҳам алланечук ўйчан тортиб қолган эди.

Лаллай билан Амир юзига фотиҳа тортишиди. Турдиқул ҳам беихтиёр кўлларини юзига сийпаб қўйди. Шундан сўнг Амир ерда ётган белкуракни олиб, қаддини ростлади.

— Туринг энди, Лаллай ака. Тезроқ бормасак, лой қотиб қолади.

Бироқ Лаллайдан садо чиқмади.

— Суякларни кўмдинг, яна нима каминг қолди? – деди Турдиқул пешанасини тиришиб. Амир унга “Лаллайни ўз ҳолига кўйинг” дегандек имо қилиб, қабристон дарвозаси томон юрди. Турдиқул ҳам ноилож унга эргашди. Лаллай бир муддат сукут сақлаб ўтириди.

— Шундай қилиб, сизни тупроқдан олиб яна тупроққа топширдик, амаки, – дэя тилга кирди у қаршисидаги ихчам қабрга тикилиб. – Ҳар бандани бу дунёдаям, у дунёдаям

күпдан айрмасын... Одам ўлганидан кейин қиёматгача қабри унинг уйи бўлади дейишади. Уй бўлганидан кейин томиям бўлгани яхши-да, тириклар билиб-бilmай босиб ўтмайди. – Лаллай ўзича қабрнинг чимларини текислаган бўлди. – Анчадан бери кўнглим фаш, амаки. Ўйласам, кечалари уйкум қочади. Айтай десам, эшитадиган одам йўқ. Ўзидан ортиб, сенинг дардингта кулоқ соладиган мард топилмайди.

Эсимни таниганимдан бери элнинг кудугини қазаман. Илгари кудуқларнинг суви мўл бўларди. Беш-ўн кулоч ковлашим билан ернинг тагидан чашмадай қайнаб чиқаверарди. Суви тошиб чиққудай қалқиб турган қудуқларга қараган одамнинг ваҳми келарди. Суви новвот солиб эритилгандай totли эди, ичган одамнинг танироҳат қиласади.

Ҳозир негадир ернинг авзойи ўзгарган. Кун сайин суви тортилиб, кудуқлардан барака кўтарилаяпти. Отам замонидан бери тупроқнинг тагида тиним билмай оқиб ётган дарёлар ҳам қуриб бораётганга ўхшайди. Кудуқдан сув чиқариш ҳам маҳол бўлиб қолди. Шўр қудуқлар кўпайган. Одамлар бунинг сабабини осмондан қидиради. Кудуғидан сув чиқмаса, булутлардан доманнинг бўлади.

Шу қоқчача ҳам курғоқчиликнинг кўпини кўрдим. Осмоннинг суви ўзини азиз қилиб, ҳамал чиқмай ўт-ўланлар қояжира қолган пайтлар бўлди. Лекин ўша вақтларда ҳам қудуқлар бунчалик тортилиб кетмаган эди. Ишқилиб, ерга нимадир бўлаяпти. Эрта-бир кун қудуқлар буткул қуриб қолса нима бўлади? Одамларнинг ҳоли нима кечади? Ҳаёт деганлари остин-устун бўлиб кетмайдими? Ўйласам, ваҳмим келади...

Дардларимни дастурхон қилиб, сизниям музтар қилдим, амаки. Сизни ўзимга яқин олиб, юрагимнинг чигилини ёзгим келди. Шуам кўнгилга таскин-да. Сиз гапларимни ўзингизга олиб, кўп ўйлаб ётманг.

Энди мен қайтсан... Лекин сиз "шу билан Лаллайнинг ҳам дараги ўчди" деган хаёлга борманг. Оқибатсизлик бизга ярашмайди. Ҳали яна олдингизга келаман. Икковимиз яна тўйиб-тўйиб гурунглашамиз. Ўшанда фақат яхши гаплардан гаплашамиз. Лаллайдан рози бўлинг, амаки!

Лаллай оғир қадамлар билан қабристондан чиқди. Пастаккина турбатни бағрига олган кўхна қабристон сукутга толди.

\*\*\*

...Зимистон тун эмиш. Лаллай ноаён бир манзилда адашиб юрганмий. У сўқир каби кўлларини олдинга чўзганча тусмоллаб қадам ташлайди. Дам-бадам тўхтаб, зулмат қаърига тикилади. Ногаҳон узоқда ялт-юлт аланталанаётган гулханга кўзи тушди. Йиқилиб-суриниб ўша томонга интилди.

Лаллай бир-бирига тўш бериб ётган қабрларни оралаб ўтиб, гулханга яқинлашди. Яқинда ўзи қазиган мўъжаз қабр ёнида икки киши олов ёкиб ўтиради. Бири кенг елкали, барваста қоматли киши, иккинчиси ёш, озғин бир йигит. Иккаласи ҳам жимгина оловга тикилиб ўтиришибди.

Йигит гулхандан кўз узиб, Лаллайга қаради.

– Шодмонжон? – деди Лаллай ҳайрон бўлиб. – Бу ерда нима қиласапсан, ўглим?

Шодмон унинг саволига жавоб бермай, яна оловга юзланди.

Лаллай ўғлидан кўз узиб, қаватида ўтирган одамга қаради. Олтмиш ёшлардан ошган, мөш-гуруч соқоили ўзига ярашган, мўмин қиёфали бир киши. Чехраси жудаям таниш. Келбати Лаллайга ўхшаброқ кетади. Ажабо, ким бўлдийкин бу одам?

Шу пайт қабристоннинг аллакайси бурчидан аёл кишининг фуссали ноласи эшитилди. Лаллай жонсарап қиёфада теваракка алланглади. Шу заҳоти кўз ўнгидаги манзара изсиз гойиб бўлиб, атрофни яна қуюқ зулмат қоплади.

Лаллай чўчиб ўйғонди. У туш кўраётган эди...

Лаллай калима қайтариб, аста ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди.

Ҳали тонг ёришмаган, борлиққа қуюқ зулмат чўккан эди.

Лаллай ҳовли ўртасидаги супага бориб ўтириди. Кўнглида алланечук алағдалик пайдо бўлган эди. Ўзича кўрган тушининг мағзини чақишига уринди. Бироқ шуури қотиб қолгандек, хаёли ўзига бўйсунмасди.

Шу пайт хотини ҳам уйдан чиқди.

– Алламаҳалда ташқариди нима қилиб ўтирибди? – деди Тошбуви унга хавотир билан тикилиб.

– Уйкум қочди. Сен боравер...

– Бу кишига нима бўлаяпти? – деди Тошбуви зорланиб. – Шу кунларда хаёли ўзида эмас. Аҳволини қуриб юрагим эзилади. Дардини менга айтмаса, кимга айтади?

Лаллай хотинига нима дейишни билмай иккиланди.

– Күнглим нотинч, хотин, – деди ниҳоят оғир тин олиб. – Юрсам ҳам, турсам ҳам шу воқеа күз олдидан кетмаяпты. Рухи озорланғанми, оқшом тушимга кирибди.

– Түшгана ҳар нарса кираверади, – деди Тошбуви унга таскин беришта уриниби. – Күнглигә олмасин. Үндән күра, ола құзини сүйиб, худойи қилиб юборсун. Үзигаям, Шодмонжонғаям еңгиллик бўлади.

– Уни ўғлимизнинг келишига сўямиз деб ният қилиб қўйган эдим, – деди Лаллай иккиланиб.

– Жонлиқ бўлса топилади. Бахтимизга бу киши омон бўлсин.

Лаллай ўйланиб қолди.

– Ўйлаб қарасам, умрим қудуқда кечган экан, – деди у паст овозда. – Тупроқ ковлаш билан андармон бўлиб, дунёнинг ўзгарғанини сезмай қолибман. Одамлар ҳам аввалгидай эмас. Уларнинг кўксидаги кудук курй бошлагандай. Мен шу қудуқлардан сув чиқараман деб беҳуда уринаёттанга ўхшайман... Кейинги вақтларда кудуқдан чиққим ҳам келмай қолди.

Тошбуви бир бурдагина бўлиб ўтирган эрига маъюс тикилди...

\* \* \*

Шу куни Лаллай хотинининг маслаҳати билан худойи тадоригини бошлаб юборди. Эрталаб Тўлан қассобни айтиб келиб, бисотидаги биттаю битта ола құзини сўйирди.

Тошбуви ўчоққа қозон осиб, шўрва қайнатишга тушди. Дилмурод одамларни худойига айтиб келиш учун жўнатилди.

– Бу ишингни эшитса, одамлар устингдан кулади, – деди сўрида шўрвага сабзи арчиётган Тўлан қассоб. – “Лаллай бир уюм суякларга аза очиби” деган маломатга қолиб кетишини мумкин.

– Элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди, амаки, – деди Лаллай пинагини бузмай. – Ким нима деса дёяверсин.

– Қараб туриб сенга раҳмим келади, Лаллай. Бола десам бола эмассан, катта десам катта эмассан...

– Бандага банданинг раҳми келса, худонинг қаҳри келармиш, – деди Лаллай ўйланиб.

– Нима қиласай, менинг бўлганим шу, амаки.

Шу пайт Турдикул важоҳатли қиёфада келиб қолди. Лаллай ўрнидан туриб, унга пешвоз юрди.

– Келинг, амаки.

– Нега ҳашарга бормадинг? – дея ўшқирди у Лаллайга важоҳатли тикилиб. – Усталарга лойни катта холанг тайёрлаб берадими?

– Шаштингиздан тушинг, амаки. Аввал бундоқ гапни эшитинг...

– Пулингни олдиндан қуртдай санаб олган бўлсанг, яна нима каминг қолди? – деди Турдикул баттар авжланиб.

– Ўзингни бос, Турдикул, – деди Тўлан қассоб оғринган қиёфада. – Бояқишини ҳеч бўлмаса бугунча тинч қўй.

– Бу нима деганингиз? – Турдикул унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Лаллай сенинг ўйингдан чиқсан марҳумга бағишлиб худойи қиласайти.

– Нима?! – ногаҳон Турдикул чаён чакқандек сапчиб тушди. Фазабдан ранги гезариб, кўзларига қон тепчиди. – Бу гапни дарров элга овоза қилдингми, бетиқора?

– Сиз ундан ҳаёлга борманг, амаки...

– Ўлдираман сени!

Турдикул Лаллайга ташланиб, унинг ўзига шапалоқ туширди. Тўлан қассоб Турдикулни бир амаллаб Лаллайдан ажратиб олди-да, четга судради.

– Сен бола кутурганинг йўкми, мабодо! Бу нима қилганинг?

Лаллай ўчоқбошида ҳайкалдек қотиб қолган хотинига қараб аянчли илжайди.

– Кўйиб юборинг мени! – дея бақирди Турдикул Тўлан қассобнинг қучоғидан чиқишга уриниби. – Бу овсарни ўша чирик суякларнинг қаватига жойлаб келаман!

– Ўзингни бос! – деди Тўлан қассоб уни маҳкам қучоқлаб. – Бирорвинг маъракасида жанжал кўтаришга уялмайсанми?

– Қанақа маърака?..

Турдикул дағъияттан ховуридан тушиб, ҳовлига олазарак аланглади. Ўчоқка тезак қалаётган Тошбувига кўзи тушиб, бир муддат унга тикилиб қолди. Сўнг Турдикулнинг

күчогидан юлқиниб чиқиб, ўчоқбошига югурди. Тошбувини итариб юбориб, эски тогорадаги тезакни қайнаб турган дошқозонга ағдарди.

Тошбуви жон аччиғида чинқириб юборди.

– Мана сенларга маъррака! – деда Турдиқул телбавор қиёфада чўмич билан дошқозондаги шўрвани шопира бошлади. – Ўзим сенларга тезак шўрва пишириб бераман! Тезроқ косаларингни олиб келинглар!

– Уйинг куйгур Турдиқул! Кўзинг кўр бўлгур Турдиқул! – деда Тошбуви ер муштлаб қарғашга тушди. – Иломий, сени шу таомнинг уволи тутсин.

– Овозингиң ўчир, сассиқ кампир! – деда ўшқирди Турдиқул унга. – Йўқса, сениям тезак шўрвага қўшиб қайнатаман.

Лаллай хотинига яқинлашиб, уни сувя ўрнидан турғазди. Сўнг дошқозоннинг бошида чўмич тутганча тиржайб турган Турдиқул томонга юрди.

– Ўзимни бехурмат қилдинг, индамадим, – деди у ғазабга келиб. – Лекин бир бегуноҳ ўликнинг руҳини таҳқирлашга қандай ҳаддинг сиғди, нокас?

– Тилинг чиқиб қолибдими, энагар?

Турдиқул чўмич ўқталганча Лаллайга ташланди. Бироқ Лаллай унинг кўлидан чўмични тортиб олиб, бир чеккага улоқтириди.

– Сен ҳали менинг ўйимда одамларга тезак шўрва ичирадиган бўлдингми? – деда Лаллай Турдиқулнинг ёқасидан бўғиб, дошқозон томонга судроқлашга тушди. – Аввал ўзинг ичасан!

– Ёқамни кўйиб юбор деяпман! – деди Лаллайнинг важоҳатидан кўркиб кетган Турдиқул кўзларини олайтириб.

Эс-хушини йигиб олган Тўлан қассоб ҳай-ҳайлаб орага тушди.

– Ўзингни бос, Лаллай. Бу ит билан тенг бўлма!

Лаллай шу топда гап уқадиган аҳволда эмас эди. У Тўлан қассобни четга суреб, Турдиқулни бикирлаб қайнаётган дошқозонга боса бошлади. Нафаси қайтиб, юзи бўғрикб кетган Турдиқул аянчли гингшиганича зўр бериб Лаллайнинг чангалидан холос бўлишга уринарди.

Тошбуви ҳам келиб Лаллайнинг кўлига ёпишиди.

– Үндай қилмасин! – деди у зорланиб. – Бу шўртумшуқни ўлдириб қўйса балога қоламиш.

Бироқ шу топда Лаллайнинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, у гап уқадиган аҳволда эмас эди.

Турдиқул кўлларини ўчоқнинг қиррасига тираганча жон-жаҳди билан қозондан бошини олиб қочишига уринарди. Қайноқ шўрванинг ҳовури юз-кўзларини кўйдира бошлагач, у гайритабиий овозда ўқириб юборди.

Шу пайт Қувват амаки ҳаллослаб келиб қолди.

– Тошкентдан хабар келди, Лаллай! – деди у кўлидаги бир парча қоғозни силкитиб шоша-пиша. – Ўғлинг оғирлашиб қопти. Тез етиб боришинг керак экан!

Лаллайнинг теварагида гиргиттон бўлиб юрган Тошбуви бу хабарни эшитгач оғир ух тортиб, ерга ўтириб қолди. Лаллай Турдиқулни қўйиб юбориб, бу гапнинг маъносини тушунолмагандек Қувват амакига анграйиб тикилди. Муқаррар фалокатдан қутилиб қолган Турдиқул қоқиниб-суриниб дарвоза томон қочди.

\* \* \*

РАФ русумли эскигина машина тоғ-тошлар оралаб ўтган асфальт йўлдан елиб борарди. Ҳайдовчининг қаватидан жой олган Қувват амаки теваракдаги манзарапларга ўйчан тикилади.

Машина салонида сариқ тусли чойшаб билан ўралиб, устидан чопон ташлаб қўйилган жасадни бағрига босиб ўтирган Лаллайнинг хаёлидан ўғли билан боғлиқ хотиралар бирин-кетин липиллаб ўтарди.

Кунлардан бирида Лаллайнинг уйи ёнига трактор келиб тўхтади. Рўзгор лаш-лушлари уйиб ортилган прицепда юзига рўмол ёпилган аёл билан беш ёшлар чамасидаги гўдак ўтиришарди. Уй олдида пойлаб турган хотинлар шу заҳоти аёлни трактордан тушириб, ичкарига етаклаб кетишиди. Тракторчи гўдакни азот кўтариб, уйнинг панасида хижолатли илжайиб турган Лаллай томон юрди.

– Энди мана бу одам сенга ота бўлади, – деди у болакайни Лаллайнинг ёнида ерга қўйиб. – Бора қол, Шодмонбой.

Гүдак оқсокланган күйи итоаткорлик билан Лаллай томон юрди. Лаллай ҳам жилмайиб унинг бошини силади...

Хөвлида ўрмак куриб, гилам түқиётгән Тошбуви ёнида ўтирган Лаллайга мақтанаради:

– Шодмонимнинг сарполярини таxт қилип күйгәнман. Худо хохласа, келиши билан уйлантирамиз. Ўғлима қышлоқнинг энг сұлуғ қызини келін қыламан!..

Шодмоннинг жасадини бағрига босиб ўтирган Лаллай оғир тин олиб, ҳасратли овозда шивирлади:

– Онанг сенга қызлар сайлаб юрган эди-ку, ўғлим! Энди унинг күзига қандай қарайман...

\*\*\*

Тез орада қабристондаги гүдак турбатини эсплатувчи таниш мозор ёнида янги қабр пайдо бўлди. Лаллай титроқ кўллари билан ўғлиниң мозорини силаб-сийпалаб, мўъжаз қабрга юзланди.

– Шодмонжоним сизга омонат, амаки. Ўғлим бу дунёда рўшнолик кўрмади. Энди у ёқларда кўнгли ўксимасин.

\*\*\*

Орадан бир ойча вақт ўтди.

Чошоғ маҳали Лаллай сўрида чой ичиб ўтиради. Азадорлик белгиси сифатида бошига оқ рўмол ўраган Тошбуви ошхонадан кўшалоқ челак кўтариб чиқиб, пастига эниб кетди.

Лаллай қышлоқ оралаб ўтган тупроқ йўлда кетиб бораётган хотинини кузатиб ўтириди. Тошбуви муоялишда бурилиб, кўздан гойиб бўлгач, аста ўрнидан турди.

Сада қайраоч шохига осилган калта сопли кетменини қўлига олиб, куйига томон юрди.

Уйининг рўпарасидан ўтган тупроқ йўл бўйидаги сайдонликни дикқат билан кўздан кешириди. Бир қарорга келиб, шахт билан ерга кетмон урди. Бўз ер метиндек қаттиқ эди, кетмон гўё тошга урилгандек сапчиб кетиб, Лаллайнинг суякларини зирқиратиб юборди. Лаллай эгнидаги камзулини ечиб, енгларини тирсагигача шимарди-да, жаҳд билан ишга киришди. У ҳар гал кетмон урганида ердан танкиллаган овоз чиқар, зўрга уваланган кесак парчалари юз-кўзига сачаради. Лаллай гўё қасдлашгандек ерга янаем қаттиқроқ кетмон уради.

Лаллай терга ботиб, жон-жаҳди билан ишларди. Қудуқнинг чуқурлиги тиззага етгач, метин қатлам тугаб, тупроқ анча юмшаб қолди.

Катта йўл бўйидаги қудук одатдагидан анча кенгроқ олинган, унча-мунча одамнинг куличи етмасди.

Даладан бир қучоқ ўт кўтариб қайтган Дилмурод отасига кўзи тушиб, унинг олдига югуруди.

– Нима қиласяпсиз, ота? – сўради у қизиқиш билан.

– Қудук қазаяпман, ўғлим.

– Ўзимизгами? – деди Дилмурод қувониб.

Лаллай ўғлига илжайиб қараб кўйиб, ишини давом эттириди.

– Нега қудукни йўлнинг бўйидан ковляяпсиз?

– Чунки бу қудуқдан бошқалар ҳам сув ичиши керак-да.

Қўши nilарнинг қудуғидан сув олиб қайтган Тошбуви супа лабига омонтагина чўкиб, йўл бўйидаги манзарага бир муддат ўйчан тикилиб қолди.

Қудук аста-секин чуқурлаб, гўё Лаллай ер қаърига сингиб бораётгандек эди. Ниҳоят, Лаллай қудук ичида кўздан гойиб бўлди. Қудуқдан отилаётгтан лахта-лахта тупроқ чеккароқдаги уюмнинг устига бориб тушарди. Дилмурод қудук бўйида чўнқайиб ўтиради.

\*\*\*

Кун пешинга чамалаб, жазирама забтига олган паллада Лаллай хотини ва болала-ри билан бирга қудук ковларди. Дилмурод эшақда қовға тортар, Тошбуви билан Зулфия қудуқдан пайдар-пайчиқиб келаётгандек тупроқ тўла қовғани чириқидан олиб, бир чеккага олиб бориб тўкишарди. Қудук анчагина чуқурлаб, тупроқ уюми катталашиб қолган эди.

Шу пайт Қувват амаки билан Амир уч-тўрт нафар йигитларни эргаштириб келиб қолишиди.

– Ҳорманглар-ов! – деди Қувват амаки қудукқа яқинлашиб.

– Саломат бўлинг, келинг, Қувват амаки...

Тошбуви бошидаги рўймолини тўғрилаб, ўзини четга олди.

Ҳашарчилар бирин-кетин кудуққа мўралашди.

– Кудуқнинг суви тотли бўлсун, Лаллай ака! – деди Амир жилмайиб.

– Айтганингиз келсин, амаки, – деди кудук ковлаётган Лаллай тепага юзланниб.

– Кудук бошлаб кўйганингизни эшитиб, айтмасангиз ҳам ҳашарга келавердик.

– Раҳмат, амаки.

Тупроқ йўлда эшак минган Дониёр бува, улардан орқароқда кетмон-белкурак кўтарган беш-олти йигит кўзга ташланди.

– "Лаллай ўзиға атаб қудук ковлаётган эмиш" деган гапни эшитиб одамларнинг тинчи бузилган, – деди Кувват амаки кулиб. – Ҳашарга бораман деганингсаноги йўқ. Ўзиям бутун кишлоп кўчиб келадиганга ўхшайди.

– Кудуқдан чикинг, Лаллай ака, – деди Амир эгнидаги камзулини еча туриб.

– Шарт эмас, амаки...

– Бўлинг энди! – деб Амир Тошбувига юзланди. – Сиз бораверинг, янга.

Тошбуви билан Зулфия уйга томон кетишиди.

Бироздан сўнг Лаллай ҳам кетмонини белига қистириб, кудуқдан чиқди.

Кўз очиб-юмгунча кудуқнинг бўйи анча гавжумлашиб қолди. Ёш-яланг гангир-гунгир сухбатлашиб галма-гал қовға тортишар, даврада бот-бот кулги янграрди.

Бу орада Тошбуви билан Зулфия бир чеккага кўрпача-гилам ёзиб, жой ҳозирлашди. Кувват амаки билан Дониёр бува ўша ерга ўтишиди.

– Сен ҳам ўтири, – деди Дониёр бува қудук ёнида нима қилишни билмай иккиланиб турган Лаллайга. – Бўёғини ёшларнинг ўзлари эплайди.

Лаллай ҳам ноилож уларнинг ёнидан жой олди.

\*\*\*

Кўпдан қуён қочиб кутулмас, деб бекорга айтишмаган экан. Ҳашарчилар эртадан-кеч-гача тинимсиз ишлаб, ниҳоят учинчи кун кечга яқин кудуқдан сув чиқаришиди...

Дониёр бува билан Кувват амаки чигириққа суюниб кудуққа мўралашди. Кенг-мўл, чуқур қудук тубидаги сув гира-шира ёруғда симобдай ялтираб турарди.

– Астағфирулло! – деди Дониёр бува ўзини четга олиб. – Қудук ҳам шунаقا ваҳимали бўлладими? Қараган одамнинг ваҳми келади.

– Девкудук бу, Дониёр ака, – дея кулди Кувват амаки.

– Чинданам девкудук бўлти.

Бир чеккада калта сопли кетмоннинг лойини тозалаётган Лаллай ўзича илжайди.

Иигитлардан бири челакда тиндириб кўйилган сувни олиб келди.

– Девкудуқнинг сувидан татиб кўринг, Дониёр бува.

Дониёр бува шошилмасдан ерга чордона куриб ўтириди-да:

– Бисмиллоҳир роҳманир роҳим! – дея чеълакдаги сувни ҳўплади. Мазасини билмоқчидең кўзларини юмби, тамшанди. Ҳашарчилар унинг ҳаракатларини қизиқиши билан кузатиб туршиарди. Лаллай ҳам кетмон тозалашни ѹигиштириб, Дониёр бувага термилиб қолган эди.

Ниҳоят, Дониёр бува кўзларини очиб, Лаллайга юзланди.

– Бу ўша сув, – деди у алланечук шикаста товушда. – Охири топдинг-а, Лаллай!

Дафъатан Лаллайнинг ҳам кўнгли бузилди. Томоғига нимадир қадалгандек ютиниб кўйиб, ёш ҳалқаланганган кўзларини ерга тикиди.

\*\*\*

Лаллай қабристон оралаб келиб, Шодмоннинг қабри тепасида чўккалади.

– Кудуғингнинг суви ширин чиқди, ўғлим, – деди у жилмайиб. – Қишлоқда ҳамма сенинг кудуғингдан сув ичаяпти. У ҳеч қаҷон куримайди. Чунки тубидаги чашмаларнинг ҳисоби йўқ. Мен умр бўйи шу сувни ахтариб яшаган эдим. Ниҳоят, уни топдим. Энди буёғига кўнглим хотиржам...

Шу пайт енгил шабада туриб, қабр устидаги қовжираган ўтлар оҳиста чайқала бошлади.



## Драматургия

# СЕН УЧУН ЯШАЙМАН

**Икки пардали пьеса**

Иштирокчилар

**Рауф** – ота, 30-35 ёшларда.

**Рахима** – она, 30 ёшларда.

**Умида** – қызы, 7-8 ёшларда.

**Рустам** – мәхмөн, оиласынг дүсты, 30-35 ёшларда.



### БИРИНЧИ ПАРДА

(Оддийгина жиҳозланған, мұйжаз хона. Рахима үй ишлари билан банд. Умида күйирчогини ҳафсала билан йүргакламоқда. Эшик күнгірігі кетма-кет жириңглайди. Умида күйирчогини дархол бир четта күйіб, эшик томон ошиқади).

**УМИДА:** Отам келди! Отам келди! Отам! Отам!

**РАХИМА:** Ошиқма, үзім очаман! Намунча эшикка осиластан, нари тур, ҳозир, ҳозир!

(Рахима эшик тиркишидан ташқарига бир зум тикилиб турғач, эшикни очади. Остонада новча, хүшрүй үйгіт – Рауф күринади. У ичкарига кириб ултурмай қысалоқ бўйнига осилади. Ота-бала шу кўйи бир муддат туриб қолишиади. Кейин ота қизини ўпиб-эркалайди, соchlарини силайди. Бу манзарани хомуш кузатиб турган она хўрсиниб, нигохини четга ўғиради. Беихтиёр елкалари титрайди. Ниҳоят, кўзларини артиб, уларга яқинлашади).

**РАХИМА:** Умида, бўлди энди қизим, пастга туш. Отанг кийимларини очиб олсин.

**УМИДА:** Йўқ, йўқ! Отам яна кетиб қолади!

(Ота-она нигохлари беихтиёр тўқнашади. Рауф қизини оҳиста пастга туширади).

**РАУФ:** Ў-хў-ў-ў, кап-кatta қиз бўп қолибсан-ку! Сочларинг ҳам узун бўлиб кетибди. Ўзимни асал қизим, шакар қизим! Қани яна битта ўпид кўяй-чи, энди бу томонидан ҳам...

**УМИДА:** Энди мен ўлпаман.

**РАХИМА:** Бўлди, қизим, тушақол энди. Отанг йўлдан толиқиб келган. Қани энди, ичкарига кирамиз.

**УМИДА:** Йўқ, йўқ! Отам яна кетиб қолади!

**РАУФ:** Кетмайман, қизим, кетмайман. Тушақол энди.

**УМИДА:** Йўқ! Йўқ! Йўқ!

**РАУФ:** Аканг кўринмаяпти, қизим?

**УМИДА:** Азиз тогамларнинг ҳовлисига кетган. Улар қишки таътилга чиқишиди.

**РАУФ:** Сен бормадингми?

**УМИДА:** Мен кетсам, ойим ёлғиз қолади-ку!

**РАУФ:** Баракалло, қизим! Эсли қизим! Ойингни ёлғиз қолдирмаганинг яхши бўпти.

### Шодмон ОТАБЕК

1946 йилда туғилган.

Тошкент Давлат университетида таҳсил олган.

Ёзувчининг турли ишларда “Мирзакалон Исломий”, “Япроқдаги нур”, “Одамийлик синовлари”, “Энг баҳтили кун”, “Корбўрон”, “Шахмат абадийдир”,

“Ширмонбулоқ оқшомлари”,

“Тўқиљмаган латифалар ёхуд

Дўрмон ҳангомалари”, “Мирзакалон Исломий сабоқлари” каби китоблари, “Яхи кунларда кўришишлик”, “Биркам дунё” қиссалари нашр этилган.

(Ота қизидан күз узмай, кийимларини өча бошлайди. Она унинг кийимларига құл узатади).

РАУФ: Күявер, мен үзим...

(Ота кийимларини илиб қүйгіч, диван четига омонаттегінә үтиради. Бир четда бошини қүйі солинтириб, хомуш турған Умидага қарайди).

РАУФ: Ие, ие, аразлаяпсанми, она қызим? Энди сен кичкина эмассан. Эсли, ақлли қизсан! Қани энди, ёнимга үтири-чи!

УМИДА: Сиз... ёлғончисиз!

РАУФ: Э, нега энди... ёлғончи бұларканман?

УМИДА: Алифбо байрамига келаман, деб келмадингиз. Азизнинг синф мажлисига ҳам келмадингиз. Азиз роса йиглади, энди таътилдан кейин мактабга бормайдын деяпти. Үша ёқда тогамларға ўғил бўлиб қоларкан.

РАУФ: Ҳмм... Ҳалиги... мажлисига ойинг бормадими?

УМИДА: Ойим касал бўлиб қолдилар. "Тез ёрдам" чақирик. Дўхтир укол қилиб кетди. Мен дори ичириб турдим. Сиз... сиз... яна келмадингиз.

РАУФ: Иложим бўлмади-да, қызим. Ишим кўпайиб кетди... Келаси сафар албатта бораман.

УМИДА: Ҳар доим ваъда бериб, бажармайсиз. Синфимиздаги болалар айтишидик, сиз бизни...

РАХИМА: (жаҳл билан) Умидада! Қани, тезда ошхонадан конфетларни олиб кел-чи!

УМИДА: Хўп бўлади, ойижон.

(Умидада ошхонага чиқиб кетади. Она диван ёнидаги мўъжазгина журнал столига дастурхон ёза бошлайди).

РАУФ: Овора бўлма! Қорним тўқ!

РАХИМА: (қўлини белига кўйиб) Э-э, шундайми? Мен сизни очмикинсиз, деб ўйлабман.

РАУФ: Рост айтаяпман, келаётib...

РАХИМА: Ҳа, сиз энди эркин құшсиз! Хоҳлаган жойингизда, хоҳлаган одамингиз билан овқатланасиз. Атрофингизда онаси ўпмаган фаришталар парвона! Бу ёққа ҳам ўшалар тўйғазиб юборишгандир...

(Умидада қўлида конфетлар тўла ваза, хона ўртасида гоҳ отасига, гоҳ онасига мўлтираб қараганча туриб қолади. Онаси қўлидан вазани олади ва қулогига бир нималар дея ши-виirlайди. Қизалоқ кетгиси келмай, ноилож, оҳиста чиқиб кетади).

РАУФ: Сен... нималар деяпсан ўзи?

РАХИМА: Ҳо-о!.. Мени ҳеч нима билмайди деб ўйлаяпсизми? Сиз шохидা юрсангиз, мен баргида юраман. Ўз кўзим билан кўрдим.

РАУФ: Хўш, нимани кўрдинг?

РАХИМА: Кўрдим. Эски ишхонангиз олдида ўйнашингиз билан қаймоқлашиб ўтирганингизни ўз кўзим билан кўрдим.

РАУФ: Тентак, у билан бирга ишлаймиз-ку. Ҳамкасбим. Иш юзасидан...

РАХИМА: Ҳмм! Иш баҳона, дийдор ганимат! Бунақа чўпчагингизни бошқага айтинг!

РАУФ: (жаҳл билан) Ҳой, менга қара, нима сенга ҳисоб беришим керакми? Ажрашиб ҳам кутуполмайманмени сендан? Кимсан ўзи? А? Кимсан?

РАХИМА: (хўрсинади) Ҳа, тўғри айтасиз. Мен.. кимман энди? Эри икки боласи билан ташлаб кетган бир бечора, муштипар... (йигламсирайди)

РАУФ: (шошиб қолади) Қўйсанг-чи энди. Ахир... ахир, мендан нима истайсан яна?

РАХИМА: (бирдан үзгариб, ўзини қўлга олади) Ҳеч нима! Ҳеч нима истамайман. Ҳеч нима керак эмас менга! Рашқ қиляпти, демак, яна бир илинжи бор экан деб ўйламан! Лекин битта нарсани унутманд – сиз, барибири, отасиз! Умидага отасиз! Ёмон йўлга кириб кетсангиз, биронта суюқоёқка илакишиб қолсангиз, касофатингиз болага урмасин дейман, холос.

РАУФ: Ўзинг яхши биласан, мен бу ерга фақат Умидани деб келаман. уни қанчалар яхши кўришимни, қанчалар согинишимни билсанг эди. Тушларимда кўриб, уйғониб кетаман. Жинни бўлиб қолмасам эди деб кўрқаман. Ҳафтада бир марта насиб этадиган мана шу кунни орзиқиб кутаман. Сен бўлсанг... Ҳеч бўлмаса... (кўл силтайди) Тушуман, сен кизимнинг, суюмли қизимнинг онаси сифатида хурмат қилишим керак. Сен бўлсанг, ҳар гал бир ишқал чиқарасан, асабимни зевлайсан.

РАХИМА: Ҳа, ҳаммасига яна мен айборман! Мен!!

РАУФ: Сени айблаётганим йўқ, тушунгин. (пауза) Биласанми, статистика маълумотларига қараганда, бизда ўрта ҳисобда ҳар ўнта оиладан биттаси кўйди-чиқди бўларкан.

РАХИМА: Хўш, ўрта ҳисобда бунга ким айбор дикан?

РАУФ: (личинги эътибор бермай) Энди бу ёғини эшиш. Ана ўша ажрашганларнинг тўқсан фоизи кейинчалик болалари туфайли бир-бiri билан ўзаро борди-келди қиларкан. Қолган ўн фоизи юз кўрмас бўлиб кетаркан.

РАХИМА: Демак, биз ана шу... кейинги тоифага киарканмиз-да!

РАУФ: Мен, ҳарқалай, буни хоҳламасдим. Бизнинг ҳаётимиз нима бўлса бўлди. Энди... болаларни ўйлашимиз керак. Сен бўлсанг, шуни ҳам тушунгинг келмайди.

РАХИМА: Тушунмай нима қилдим?

РАУФ: Арзимаган нарсадан жанжал чиқарасан, киноя-пичинг қиласан.

РАХИМА: Олдингизга лоақал дастурхон ёзишим ҳам малол келса!.. Овора бўлма деб кесатсангиз...

РАУФ: Уфф!.. Ростдан ҳам сени овора қўлгим келмади. Нега тушунмайсан? Нега?

РАХИМА: Қўрқманг, дастурхон ёзиб, сизни иситма-совутма қўлмоқчи эмасман. Биз энди собиқ эр-хотинлармиз, холос!.. Собиқ!.. Аммо болаларга собиқ ота-она эмасмиз! Шуни тушунасизми?

РАУФ: Қизиқ, нега энди бу ҳақда менга сен гапиряпсан? Сен? Бу билан нима демоқчисан? Бурчимни эслатмоқчимисан? Буни ўзим ҳам яхши биламан. Лекин сен шуни билиб қўйи, болалар олдида ҳар иккимиз баб-баробар жавобгармиз! Йўқ-йўқ, баб-баробар... гуноҳкормиз! Болаларда гуноҳ йўқлиги учун ҳам гуноҳкормиз!

(Хонага Умидга чопиб киради ва отасига эркаланиб, сўйкалади).

УМИДА: Отажон! Нега сизни узоққа ишга юборвориши? Айб иш қилиб қўювдингизми?

РАУФ: Қанақа ишга? Нималар деяпсан? (Онага саволомуз қарайди).

РАХИМА: Қўйм... Мен... вақтинча бошқа ёққа ишга кетганингизни айтудивм.

УМИДА: Ҳамма болаларнинг отаси ҳар куни ишдан кейин уйига келади. Сиз нега келмайсиз, отажон? Мактабда болалар айтадики, сиз бизни...

РАХИМА: Бас қил! Сенга минг марта айтганман – отанг вақтинча узоққа ишга кетган! Тўтикушга ўхшаб ҳадеб бижиллайверма!

УМИДА: (отасининг кўзларига жавдираб тикилади) Отажон! Сиз бир кунга ишингиздан жавоб сўраб кела оласизми? Атиги бир кунга?..

РАУФ: Ҳаракат қиламан, қизим. Хўш, келдим ҳам дейлик. Нима қилишим керак?

УМИДА: Синфимиздаги Жаҳонгир айтадики, сиз бизни...

РАХИМА: (қизининг кўлидан ушлаб, қаттиқ силкийди) Овозингни ў chir, тентак! Маҳмадона!

(Умидга барапла йиглаб юборади).

РАУФ: Нега болага бақирасан? Нега... дилини оғритасан?

РАХИМА: Э-э, дили оғриб бўлган! Бундан баттар бўлмайди!

РАУФ: Қўй, ундан дема! Боланинг олдида-я. (Қизининг бошини силаб, юпатади). Қўй, қизим, йиглами. Мен ўзим бориб ўша Жаҳонгир билан яхшилаб гаплашиб қўяман.

УМИДА: Ростдан ҳам борасизми?

РАУФ: Бораман, қизим, бораман.

УМИДА: Қаҷон борасиз?

РАУФ: Хмм... хўш... ҳалиги...

РАХИМА: (секин шипшийди) Бунга энди... аниқ борсангиз ваъда беринг. Бўлмаса ҳар куни “Отам қаҷон келади?” деб мингирлаб еб қўяди.

РАУФ: Худо хоҳласа, кейинги шанба куни албатта бораман, қизим.

УМИДА: Тезроқ бора қолинг! Менинг ҳам отам бор, десам болалар ишонишмаяпти. Агар сиз борсангиз...

РАУФ: Бўпти, она қизим, албатта бораман.

УМИДА: Вой, қандай яхши! Урре! (Суюниб, отасини кучоқлади).

РАХИМА: Бўлди, ҳадеб отангнинг бўйнига осилаверма, чарчао келтганлар. Энди бориб ухлагин, қизим. Вакт ҳам кеч бўлди.

УМИДА: Йўқ, йўқ! Ухласам отам кетиб қолади.

РАУФ: Кетмайман, қизим. Майли, бориб ухлайқол.

(Умидга норози қиёфада чиқиб кетади).

**РАХИМА:** Ҳар куни отам қаочон келади, нега биз билан турмайды, деб безор қилади. Бола экан-да, ҳозирча алдаганга құнади. Назаримда, сизни мендан күра күпроқ яхши күради. Мана шунисига чидолмайман. Яна алам қылғани – “она” деб эмас, “ота” деб тил чиқарғанди. Тұғрисини айтсам, сиздан күнгінін советиш учун баъзан сизни ёмонлайман! Шунда у баттар үчакишиади. Ҳатто ишонсангиз, “Агар отамни ёмонлайверсангиз, сизни ташлаб, отам билан кетиб қоламан” дейишигача борди-да. Ўтирголиб роса үйгладим.

**РАУФ:** “Хотин кишининг хатти-харакатида ҳамиша мантиққа, соғлом ақлға тұғри келмайдиган нарсалар бўлади” деган экан биттаси. Ҳақ гап. Бунинг исботи – сен!.. Ишқилиб, Оллоҳ инсоф берсин!..

**РАХИМА:** Уфф... Яна мен... мен айборман!

**РАУФ:** Ахир, үзинг ўйлаб кўр, бола отасини яхши кўрса, бундан онанинг ғаши келса... (иккиланиб, тұхтаб қолади).

**РАХИМА:** Айтаверинг давомини, тортилманд. “Бундай онанинг боридан йўғи яхши!” демоқчисиз-да! Донолар шундай демаган эканми?

**РАУФ:** (уф тортиб) Мен бу ерга сен билан ади-бади айтишиш учун эмас, Умидани кўриш учун келаман. Биз сен билан тортишиб, уришиб бўлганимиз. Энди... нима ҳам дердим, яна ўша гап – ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин!

(Орага жимлик чўқади. Раҳима деворга осиғлиқ отасининг суратига яқинлашиб, узоқ тикилиб қолади).

**РАХИМА:** Раҳматли отам тирик бўлганида бу кўргиликлар йўқ эди.

**РАУФ:** Ҳа, раҳматли отанг яхши одам эди. Агар сен отангга тортганингда ҳәётимиз бутунлай бошқача бўлармиди...

**РАХИМА:** (жаҳл билан) Мен кимга тортибман?

**РАУФ:** Онангга тортгансан, шунинг учун...

**РАХИМА:** Онамга тил теккизман, сизга оғирлиги тушаётгани йўқ.

**РАУФ:** Худога минг қатла шукурки, энди оғирлиги тушмайди.

**РАХИМА:** Намунча ўлиб кетган онамнинг гўрига тош отасиз? Сизга нима ёмонлик қилувди?

**РАУФ:** Онангга хусуматим йўқ, у ҳам бир хом сут эмган банда эди! Фақат узоқ вақтгача унинг ким эканлигини, асл қиёфасини билмаган эдим. Онангнинг бир гал жанжалимиз устидан чиқиб қолиб айтган гапи эсингдами...

**ҚАЙНОНА:** (овози) “Сиз, күёвбола, кечагина битта жомадон билан шу табаррук хона-донга сифинди бўлиб келган, ялангоёқ бир бола эдингиз. Сиз Шожалиловлар хонадони билан ўйнашманг. Қадамингизни билиб босинг! Акс ҳолда, ўша осилиб келган поездингизда қишлоғингизга бадарға қилворамиз!”

**РАУФ:** Онангнинг оғиздан бемалол чиқиб кетган бу сўзларни эшлитиб, ҳанг-манг бўлиб қолганиман. Мен бўлсам, отангнинг қазосидан кейин ўзгариб қолганингни, хурмача қиликлип чиқарғанингни ойингга айтиб, насиҳат қилиб кўйишини илтимос қилмоқчи бўлиб юрудим. Онангнинг ҳалиги гапидан кейин билдимки, чучварани хом санаб юрган эканман. Агар билсанг, онанг ўша гапи билан отангнинг хотирасига ҳам ҳурматсизлик қилганди. Чунки отангнинг менга муносабатини, менга ихлоси баландлигини, келажагимга ишонишини яхши биларди. Аммо била туриб унинг фикри билан ҳисоблашмади, мени камситди. Мен ўша мажарода ҳатто ноҳақ бўлган тақдиримда ҳам онанг сенинг олдингда бундай демаслиги керак эди. Чунки... чунки мен ёмон бўлсам ҳам, сенга эр эдим! Онанг эрни хотини олдида қаро ер қилди. Менинг оиласидаги ўрнимни-даражамни кўрсатиб кўймоқчи бўлди. Ҳа, мен ўшанда ҳамма нарсани бирдан яққол тушуниб қолдим. Сен биринчи галда онангнинг қизи эдинг!

**РАХИМА:** Мен онамнинг қизи эканлигимдан фахрланаман, онам яхши аёл эди. Сизга ҳам ёмонлик қилмаган, сиз уни тушунмагансиз...

**РАУФ:** Ҳеч бир инсон, айниқса, аёл киши онасини ёмон деёлмайди. Шу боис сен онанг холис баҳо беролмайсан, сен унинг қизи эдинг. Халқимизда: “Отаси ёмон – биттаси ёмон, онаси ёмон – ҳаммаси ёмон!”, “Онасини кўриб қизини ол!” деган мақоллар бор. Афсуски, сен бу ҳикматларнинг маъносини тушунмайсан. Чунки сен, аввало, онангнинг таъсирида эдинг. Онанг эса сени катта ҳаётта, рўзгорга, оиласа тайёрлай олмаган. Ҳамма бало ана шунда!..

**РАХИМА:** Тұхмат қылманг! Бизнинг оилага ҳамма ҳавас қыларди. Онам маҳалланиң кайвониси, құни-қүшнилар ўртасида обрў-эътибори баланд зди.

**РАУФ:** Одамнинг оласи ичидә бўлади. Онангнинг ким эканлиги, ҳақиқий башараси, кейинчалик, сен билан яшаб, совунингга кир ювиб кўрганимда маълум бўлди.

**РАХИМА:** Демак, ҳамма мажароларга фақат онам сабабчи экан-да.

**РАУФ:** Афсуски, гап фақат онангда эмас, гап... (кўл силтайди) э-э, кўйсанг-чи энди, фойдаси йўқ. Тўй ўтган...

**РАХИМА:** Хўш, сизнингча, онамнинг асосий камчилиги нимада зди?

**РАУФ:** Асосий камчилиги... Эсингдами, мен уйда китоб, газета ўқисам, ғашинг келарди. "Ўқиган одамга кўп пул берарканми?" деб кесатардинг. Мен ўша китоблардан ўзимни қийнаётган саволларга жавоб қидирадим. Гоҳо жўяли жавобни топардим ҳам ва мавриди келганда бу ибратли ўғитларни кулогингта кўйиб туриш учун ён дафтаримга кўчириб ёзиб кўярдим. Ҳалиям ўша дафтарни ёнимда олиб юраман. Ишонмасанг мана, кўрсатишмум мүмкин. Истасанг, айримларини ўқиб бераман.

**РАХИМА:** (истар-истамас) Қани, эшитайлик-чи.

**РАУФ:** Майли, ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам эштиб кўй. (дафтардан ўқибди) "Фарзанднинг туп қўйиб, палак ёзадиган замини – она. Бола жисман, маънан оладиганининг тўқсон фоизини онасидан олади. Демак, зотнинг сифат унсурларини, асосан, оналар ташийдилар. Биз – тарбиячиларнинг энг зарур ишимиш ва ҳар кунги юмушимиз қиз бола тарбиясидир". (Ўқищдан бир зум тўхтаб, Раҳимага қараб кўяди). "Оналар қизларига ёруғ дунёдан қандай фойдаланишини ўргатишдан аввал дунёning баҳосини, унинг қадрини, энг буюк неъмат – инсон эканлигини, инсонни тушуниш ва унга ёкиш илмини ўргатиши ҳам фарз, ҳам қарзидир".

**РАХИМА:** (бир нуқтага тикилганча) "...инсонни тушуниш ва унга ёкиш илми"... Тавба, дунёда шунақа илим ҳам бўларкан-да!

**РАУФ:** Ҳа, бу энг мухим илим! Хўш, яна... ўқийверайми?

**РАХИМА:** (энсаси қотиб) Ўқинг, ўқийверинг.

**РАУФ:** "Қизимиз қошида ота-оналиктининг энг ширин, ибратли муносабатларини кўрсатайлик. Токи ундан иймони бой, нозик таъб сулолалар тарқалсин".

**РАХИМА:** Бас, етади. Мен ҳазм қиломайдиган, жуда... аклли гаплар экан. Қизик, шу гапларни ёзган одам ўзи шунга амал қиласкин?

**РАУФ:** Гап бунда эмас. Бу ҳикматларни биттан донишманд, аввало, онангга ўхшаган, сенга ўхшаганларга фойдаси тегармикин деб, куйиниб ёзган. Менимча, жуда мухим, керакли гаплар. Қаниди, ҳамма унга амал қиласа... Нима, сен бу гапларга... қўшилмайсанми?

(Раҳима индамайди).

**РАУФ:** Онанг, янглишмасам, умрининг сўнгги йилларида тақвога берилганди. Аммо у сенга "Хотин учун ибодатларнинг энг афзали эрига хизмат қилишдир" деган муқаддас ҳадисни айтганимди-йўқми, билмайман.

**РАХИМА:** Нима, мен хизматингизни қилмадими?

**РАУФ:** Қандай хизмат қилганингни яхши биласан. Хотин киши эрни писанд қилмадими – тамом. Бунақа сила омонат бўлади! Эсингдами, ўртамиздаги... англашиб-мовчилии деймизми... хуллас, ўртамиздаги кўнглисизлик тўйнинг эртасига ёк бошланган зди. Ўшанда зарталаб эрингта нонушта тайёрлаш сенга малол келганди. Ҳа, ҳа, малол келганди. Сенга ётиғи билан танбех берганимда айтган гапинг ҳам эсимда. "Мен сизнинг чўрингиз эмасман!" деворгансан таптортмай. Мен машъум, тузатилмас хатога йўл кўйганимни англаб, тилимни тишлаб қолганман. Аммо буниси ҳали ҳолва зди. Кейинчалик антиқа, хурмача қилиларинг бирин-кетин ошкор бўлаверди. Чунки энди... никобга ҳожат қолмаганди. Ниқоб йиртилганди...

**РАХИМА:** Ниқоб деганингиз яна нимаси?

**РАУФ:** Тўйгача қиз ҳам, йигит ҳам беихтиёр ўзининг асл қиёфасини яшириб, фақат яхши томонини кўрсатишга ҳаракат қиласди, демак, ниқобда юришади. Тўйдан кейин эса ниқобга ҳожат қолмайди, асл қиёфа қанчалик хаспўшланмасин, охири, барибир, ошкор бўлади.

**РАХИМА:** Демак, сизнингча, мен ҳам...

**РАУФ:** Ҳа, шундай. Асл қиёфанди яширгансан. Акс ҳолда...

**РАХИМА:** Акс ҳолда, сенга уйланмаган бўлардим демоқчисиз-да!

**РАУФ:** Худди шундай – уйланмаган бўлардим!

**РАХИМА:** Аввал ўзингга боқ – кейин ногора қоқ! Нима, сиз ўзингизни фаришта деб ҳисоблайсизми?

**РАУФ:** Мен фаришта эмасман, одамзод фаришта бўлолмайди. Ҳаммамиз хом сут эмган бандамиз.

**РАХИМА:** Бўпти-да! Унда нега фақат мени ёмонляяпсиз?

**РАУФ:** Ёмонлаётганим йўқ, тушунсанг-чи! Мен... оиласизнинг нима учун барбод бўлгани ҳақида... ўз фикримни айтаяпман, холос. Ҳаёт мураккаб нарса. У ҳаммани, ҳар лаҳза синовдан ўтказиб туради. Мундок қараганда, инсоннинг бутун умри синовлардан иборат.

**РАХИМА:** Нима учун биз бу синовдан ўтолмадик? Нега оиласизни сақлаб қололмадик?

**РАУФ:** Мен бу ҳақда жуда кўп ўйлаганман. Биз асрлар давомида шаклланган миллий урф-одатларимиздан, миллий қадриятларимиздан узоқлашдик. Айниқса, аёллар қуюшқондан чиқиб кетди. Оилашунос олимлар шундай бир сўровнома ўтказган экан. "Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш керакми?" деган саволга жавоб берган эркакларнинг тўқсон етти фоизи "Аёлнинг жамиятдаги ўрнини ошириш шарт эмас! Аёл уйга, оиласа, эрга эътиборини кучайтирасин!" дебди. Менимча, бу гапда жон бор. Ота-боболаримизнинг қандай умр кечиргани, қандай рўзгор тутгани бизга ибрат бўлиши керак эди. Афсуски, биз ўзимизни улардан кўра ақллироқ, билағонроқ ҳисоблаймиз. Мен болалик йилларимни яхши эслайман. Мабодо, отамнинг жаҳли чиқса, онам меҳри билан уни шаштидан туширган, тарозининг палласини тўғрилаб турган. Отам ишдан қайтишига онам овқатни тайёрлаб, дастурхонни чиройли ясатиб, йўлига кўз тикиб, кўчага термилиб ўтиради. Бу чиройли манзара ҳеч қачон кўз олдимдан кетмайди. Мен шундай мухитда ўстаман. Истасам-истамасам сени раҳматли онамга қиёслардим. Мен ишдан чарчаб келардим, сен кўпична уйда бўлмасдинг, кўни-кўшиналарникида гап сотиб ўтирадинг. Сени чақиришига мажбур бўлардим. Бу эса сенга ёқмасди, норози бўлиб, тўнгиллаб чиқиб, ноилож овқатга уринардинг. Пала-партиш қилинган, маза-матрасиз овқатинг томогимдан ўтмасди. Сен умуман овқат қилишга эринардинг. Шу боис овқати кўпроқ, биратўла уч-тўрт кунга етадиган қилиб тайёрлардинг. Эсингдами, бир куни Умидда ўша эски овқатингдан заҳарланиб, касалхонага тушиб қолган эди.

**РАХИМА:** Хўш, яна нималарим сизга ёқмасди? Айтаверинг, дардингиз ичингизда қолиб кетмасин.

**РАУФ:** Ҳа, айтаверсам ичимда дардим кўп. Ўзинг тилимни қичитиб қўйдинг. Энди эшитасан. Ўйга меҳмон келса, юрагим безиллаб турарди. Чунки сен меҳмонни ёқтиримасдинг. Айниқса, менинг қариндош-уругимни кўрсанг, энсанг қотарди. Уларнинг иззат-хурматини жойига кўймасдинг. "Хў-ўв инсон, меҳмон отангдан улуғ, бағрингни сал кенгроқ қил!" десам писанд қилмасдинг. "Бунаقا пайпоги сассиқ меҳмонлар менга керак эмас!" деб қишлоқдан келган қариндошларимни камситардинг. Сенинг авзойингни, қовоқ-тумшуғингни кўрган меҳмон шўрлик уйда кўп ўтирасди. У кетгандан кейин уй тозаланмас, идиш-товоқлар бир неча кунгача ювилмас эди. Покизалик, саранжом-саиштилик сенга ёт эди.

**РАХИМА:** Ахир, булар ҳаммаси майда гаплар-ку!

**РАУФ:** Йўқ, булар майда гап эмас! Агар билсанг...

**РАХИМА:** Тавба, шунақа камчиликларим бор экан, нега мен билан шунча йил чидаб яшадингиз? Нега? Сизни ким мажбурулади?

**РАУФ:** Фарзанд кутайтганимиздан кейин сен билан ажрашишга журъат қилолмадим. Она бўлганингдан кейин, зора, инсофга келиб, феълинг яхши томонга ўзгарса керак деб... умид қилувдим. Кейин, отангнинг хурмати...

**РАХИМА:** Отамнинг нима даҳли бор эди бизнинг можаромизга?

**РАУФ:** Раҳматли отанг мени ўғлидай кўрарди. Сиқилироқ юрганимни сезган шекили, бир куни мен билан очиқроқ гаплашди. "Биламан, ўғлим, қизим сал эркароқ ўсган, сизни бироз қийнаб кўйган бўлиши мумкин. Мен унга яхшилаб насиҳат қиласман, мана яқинда фарзанд кўрасизлар, ҳаммаси изга тушиб кетади" деган эди. Ростдан ҳам отангнинг таъсиридами, сал инсофга келиб қолгандай бўлувдинг. Афсуски, бу кўп давом этмади. Отангнинг қазосидан кейин яна асл қиёфантга қайтдинг.

**РАХИМА:** Наҳотки, мен отамнинг қазосидан кейин ўзгариб қолган бўлсам? Йўқ, йўқ, бу гапнинг ёлғон!

**РАУФ:** Далиллар ўжар бўлади! Майли, энди исботи билан гапираман. Хўш, қани айтичи, кўшнингнинг эри бозорда оддий паттачи бўлса-да, мендаقا ландавур, номи улуғ, супраси куруқ илмий ходимдан кўпроқ пул топишини юз марта юзимга согланинг ҳам ёлғонми? Мени тап тортмай "ландавур" дер эдинг! Ҳатто бир куни мени ҳеч ким танимаслигини, машхур одам эмаслигимни айтиб, таъна қилдинг. Бу ҳам ёлғонми? Шунаقا қуюшондан чиқиб кетганинга баъзан калтак ҳам еб турадинг.

**РАХИМА:** Кучнинг хотин кишига етарди-да...

**РАУФ:** Вей, мен ахир, эрман, эркакман! Ўзимга яраша ор-номусим бор, ҳамиятим бор! Ўшанда сени уриб ўлдириб қўймаганимга шукур қилгин!

**РАХИМА:** Ўшанда устингиздан шикоят қилиб, қаматвормаганимга шукур қилинг.

**РАУФ:** Қаматолмасдинг! Чунки сенга... номига бўлса ҳам эр керак эди. Чунки иккинчи марта турмуши бузилган аёлни ҳеч ким яхши демайди. Сен буни яхши билардинг. Азиз ўғай бўлса ҳам уни ўз ўғлимдек яхши кўрардим. Бир куни жанжал пайтида унга ўзинг "Бу сенинг отанг эмас!" деб оиласизнинг сирини очиб қўйдинг. Азиз эс тортиб қолганди. Боёқишига раҳм қилиб ўтирадинг. Ахир, мен ўғай бўлсам, сен ўз онаси эдинг-ку!

Ўшанда бу заҳарли сўзларингнинг оқибатини ўламадинг. Мен болаларимиз ўксимаслиги учун ҳам ҳаммасига чидағ келдим. Узоқ чидағим. Ўша – савдоғарлик қилиб, ҳаддингдан ошган, ишончни ўйкоттан пайтинггача чидағим. Аммо ҳамма нарсанинг чеки-чегараси бўлганидек, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бўларкан. Отангнинг вафотидан кейин масала ойдинлашиб қолувди. Сен ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан тап тортмай қўйдинг. Сен, ҳарқалай, отандан ҳайикардинг-у, аммо, барибир, онангнинг кучли таъсирида эдинг.

**РАХИМА:** Энди бу гапларнинг фойдаси йўқ. Тўй ўтди. Мен уйланинг деб бўйнингизга осилиб олмаганим. Ўзингиз... ёқтириб ўйлангансиз.

**РАУФ:** Ҳа, мен ўшанда кўр эдим. Муҳаббатдан кўру кар эдим. Сени бир кўришдаёк... севиб қолгандим. Мени оиласан ҳам, ўтмишинг ҳам мутлақо қизиқтирган. Мен учун фақат сен бор эдинг, холос. Ҳа, тоғмайман, сени ўшанда... чин юрақдан... севганман. Шоир айтганидек,

Алданган эдимми сенга, билмайман,  
Ё мени масхара қилгансан, чоги.  
Аммо онт ичаман, ўзим севганман,  
Қолди менда ўша муҳаббат доғи.

**РАХИМА:** Муҳаббат доғи... Наҳотки, муҳаббат тугаган жойдан нафрат бошланса?! Наҳотки, муҳаббат қайтадан алана олмаса? Қани, менга тўғрисини айтинг-чи, сиз ўшанда мени ростдан ҳам... севганмидингиз? Фақат... тўғрисини айтинг!

**РАУФ:** Тоғмайман – ўшанда сени қаттиқ севганман. Хаёлан ўтган кунларни эсласам, менинг ўшандаги хиссиятимни бундан бўлакча сўз билан ифодалаш қийин. Ҳа, мен сени жуда қаттиқ севгандим. Сени кўрган заҳотимоқ ҳаётимини сенсиз тасаввур этолмаганман. Ажабо, ўша аёл ростдан ҳам сенмидинг? У қани? У қаёқка гойиб бўлди?

**РАХИМА:** (ажабланиб) Мана мен – ёнингиздаман. Мен... ўша-ўшаман.

**РАУФ:** Йўқ, йўқ, сен – у эмассан, у – сен эмас. У – бутунлай бошиқа, у бошқа одам, бошқа олам эди... У энди йўк... Йўқ...

**РАХИМА:** Хўш, сиз-чи, сиз? Ҳоинаҳоӣ, сиз ҳам ўзингизни ўша-ўшаман деб ўйларсиз?

**РАУФ:** Мен... ҳарқалай, кўзингга илгаригидай ўт-олов бўлиб кўринмасам-да, ўша-ўшаман!

**РАХИМА:** О-о!.. Ўт-олов ҳам гапми?! Сиз менинг ҳаётим, қувончим, суюнган тоғим эдингиз. Учрашувларда айтган гапларингиз, суйиб-эркалашларингиз ҳали-ҳамон кулоқларим остида жаранглайди. Суратингизни тумор қилиб бўйнимга осиб олгандим. Менинг суюнчигим – баҳтим бўлган ўша йигит қани? Қани? (унсиз йиглайди)

**РАУФ:** (ҳайратда бир зум лол қолади) Демак, сен ҳам, демак...

(Рахима сўзсиз бош иргаб, кўзёшларини артади).

**РАУФ:** Демак, ҳаммаси сароб, ҳаммаси бир туш экан-да...

РАХИМА: Ҳа, ширин бир туш...

РАУФ: Ажабо, инсон бир умр илохий мұхаббатта талпиниб, топиниб яшайды. Бир умр... Аммо энди унга етдім деганда, ҳаммаси сароб бўлиб чиқади. Нега шундай бўлади? Нега?.. Нега ҳаёт бу қадар шафқатсиз?..

(Хонаға Умида кўғирчогини кўтариб киради).

УМИДА: Бобоси, бобоси, кўғирчогим ухламаяпти. Жуда бебош бўлиб кетяпти. Ўзингиз бир насиҳат қилиб кўйинг. Ёки эртак айтаб беринг, бобоси!

РАУФ: (ҳайрат ва завқ билан) Қизиқ, бобоси... дедингми?

УМИДА: Ахир, сиз менинг отаммисиз?

РАУФ: Ҳа, отангман.

УМИДА: Кўғирчоқ менинг қизимми?

РАУФ: (кулиб) Ҳа, шундай.

УМИДА: Үнда кўғирчоқ сизнинг неварангиз, сиз унга бобоси!

РАУФ: Бобоман! Бо-бо! Ҳо-ҳо-ҳо! Оббо қизим-ей! (қизини кўтариб, ўпид-эркалайди).

(Умида қиқирлаб кулади, сўнг отаси билан стол атрофида кувлашмачоқ ўйнайди. Бу машгулот анча давом этади. Ота-бала ўйнинг андармон бўлиб, бир четда уларни хомуш кузатиб турган онани унтишиади).

РАХИМА: Бўлди, қизим, бас қил. Отанг ишдан чарчаб келган, дам олиши керак.

РАУФ: (бирдан сергак тортади) Э, дарвоқе, мен... кетишим керак эди. (шошиб ўрнидан туради)

РАХИМА: Мени нотўғри тушундингиз. Сизни... ҳайдәётганим йўқ.

РАУФ: Йўқ, йўқ, тушунаман, тушунаман. Мен... ростдан ҳам кетишим керак, вақтим зик. Зарур ишларим бор.

УМИДА: (отасига йиглаб ёпишади) Отажон, кетманг! Кетманг! Ойижон, сиз айтинг – отам кетмасин!

РАУФ: (қизининг бошини силаб, столга беҳол ўтиради) Хўп, қизим, хўп...

УМИДА: (бирдан яна жонланиб) Отажон! Кетмайсиз-а? Кетмайсиз-а?

РАУФ: (оғир хўрсинади) Хўп дедим-ку! Кетмайман, кетмайман...

УМИДА: (кўғирчогига) Ана! Эшитдингми? Бобоси кетмас экан! Бобоси бизни яхши кўради.

РАХИМА: Отанг кетмайди, борақол, энди кўғирчогингни ухлат.

УМИДА: Ана, эшитдингми? Энди ухлашинг керак. Биз кетдик, бобоси!

(Умида хонадан чиқади).

РАУФ: (ҳаёлчан) Бобоси деди-я! Бобоси!.. Ҳа, ҳа, ростдан ҳам бобо бўладиган вақт ҳам узоқ эмас. Умр эса ўтиб боряпти, бесамар, беиз, бенишон... Аммо биз ҳеч қаён үлмайдигандек, худди дунёга устун бўладигандек яшаймиз. Умр эса ўтмоқда... Икирчикирлар, майда манфаатлар билан заҳарланган файзсиз умр ўтиб бормоқда. Балки инсоннинг энг катта фожиаси ҳам ана шунда – майда манфаатларнинг кули бўлиб қолганидадир. Энг ажойиб, бетакрор давр – ёшлиқ, навқиронлик ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Қараабсанки, бобо бўладиган ёшга кириб қолибсан

РАХИМА: Ташвиш чекмасангиз ҳам бўлади. Сиз ҳали-бери бобо бўлмайсиз. Сиз ҳали фунчасиз. Очилмаган, очилиш арафасида турган гунча!

РАУФ: Яна бошлайласанми? Илгари майли, тушунарли эди. Аммо энди...

РАХИМА: Тўғри, энди ҳаққим йўқ бундай дейишга. Энди... бегонаман. Энди номаҳрамман...

РАУФ: Гап бунда эмас. Сен ҳалиям мени озодликка эришиб, ўзинг айтганингдек, гунча бўлиб, яна биронтасига уйланиш учунгина ажралишди деб ўйлайсан, шекилли. Янгишасан!..

РАХИМА: Ҳарқалай, дунёдан сўлпайиб ўтмассиз. Баривир, бир кунмас бир кун ўйланасиз... Эркакка танмаҳрам керак, баривир. Уйланмай иложингиз йўқ. Албатта, менга ўҳшаган содда, лақма аёлга эмас.

РАУФ: Қўркма, энди... уйланмайман.

РАХИМА: Вой-вой, мен нега энди кўрқарканман? Қизиқ гапирдингиз-ку!

РАУФ: Бўлмаса, нега ҳадеб гунча-пунча деб бошимни қотиряпсан?

РАХИМА: Э, менга деса, мингтасига уйланиб, мингтасидан ажрашмайсизми?! Помумаешъ!..

РАУФ: Раҳмат! Ташаккур! Сен күзимни мөшдек очгансан! Агар хотин зоти шунақа бўладиган бўлса, бир умр уйланмайман! Фунчалигимча қолавераман. Сира-сира очилмайман. Билдингми?

РАҲИМА: (кесатиб) Чакки қиласиз. Ўзингизга қийин бўлади. Ёлғизлик – ёмон!..

РАУФ: Ҳа, тўғри айтасан – ёлғизлик ёмон! Аммо энг даҳшатли ёлғизлик нима – билсанми? Бу – ёнингда сени тушунмайдиган одам билан яшаб, ўзингни ёлғиз хис қилиш! Бу ҳаммасидан оғир! Тушундингми? Шунинг учун сен мен ҳақимда ортиқча ташвишланмасанг ҳам бўлади. Сен энди кўпроқ ўзингни ўйла. Ҳозир айни эрга тегадиган пайтинг. Кейинрок... кеч бўлиши мумкин.

РАҲИМА: Тўғри айтасиз. Иккита боласи билан икки марта эрдан чиқкан, ёши ўттиздан ошган хотинга кўзи учиб турғанлар кўп бўлса керак.

РАУФ: Жа-а унчалик эмас. Ўша икковимизни таниширган дугонангга айтсанг, яна биронтасини топар.

РАҲИМА: Э минг раҳмат! Мен ҳам худди ўзларига ўхшаб (бармоқларини томогига тирайди) роса тўйғанман! Эр шунақа бўладиган бўлса – бир елкамга водород, иккинчисига атом бомбасини кўйиб, турмуш курмасанг портлатвораман дейишса ҳам эр қилмайман!

РАУФ: Наҳотки, шунчалик... жонингдан тўйдирган бўлсам?!

РАҲИМА: Сиз нима деб ўйловдингиз? Қарс икки кўлдан! Эр-хотин – қўш хўқиз!

РАУФ: Эскиларнинг гапини ҳам ўзингнинг жайдари фалсафангга мослаб айтяпсан. Аслида, "Қўш хўқиз" дегани нима – биласанми?

РАҲИМА: Сиз билсангиз бўлди, биз – билмаймиз! Биз – тушунмаймиз!

РАУФ: (кинояга эътибор бермай) Қўш хўқиз дегани, нима десам экан, бу... бир умр бир-бирини тушуниш, ўла-ўлгунча бир-бирига ҳамдам, ҳамдард, сунчик бўла олиш дегани! Ахир, ота-боболаримизда қўйди-чики деган нарса мутлақо бўлмаган. Ваҳоланки, улар бир-бирини илк марта чимилдиқда кўришган, бизга ўхшаб севишиб, аҳду паймон ҳам қилишмаган. Мана, ўзингнинг ота-онанг қандай топишиб, қандай яшашганини биласанми?

РАҲИМА: Дадам катта раҳбар бўлган, катта ишларда ишлаган. Уруш-жанжалга вақти бўлмаган.

РАУФ: Яхшиям вақти бўлмаган! Агар вақти бўлганда борми, уруш-жанжал қўйди-чиқдига айланиб, сен туғилмаган ва биз... кўришмаган бўлардик. Аммо-лекин онанг... ўша суюкли онанг... сенинг туғилмаслигинг учун қаттиқ ҳаракат қылган. Ҳа, ҳа! Ажабланма! Онангнинг турфа хил, хурмача қилиқларига фақат отангга ўхшаган мўмин-қобил, ювош одамгина чидаши мумкин эди. Лекин раҳматли... узоқ чидай олмади. Онангдан ўлиб кутулди!..

РАҲИМА: (жаҳл билан) Оғзингизга қараб гапирин!

РАУФ: (хотиннинг жазавасига парво қилмай) Мен отангни ҳам, онангни ҳам айбламоқчи эмасман. Ҳаммамиз тасодиф фарзанди ва тасодиф курбонимиз! Мундок қараганда туғилишимиз ҳам, севги ва нафрратимиз ҳам тасодиф!

РАҲИМА: Тасодиф фарзанди!.. Қизик...

РАУФ: Ҳа, тасодиф! Ахир, биз туғилмаслигимиз ҳам мумкин эди-ку! Демак, мана шу ёруғ дунёга келганимизнинг ўзиёқ катта баҳт. Ҳа, бизга берилган ҳаётни ҳадя деб тушунсакгина у мазмун касб этади. Лекин биз буни жуда кеч англаймиз ёки ҳеч қаочон англаймиз. Энг катта фожиамиз – бизга ҳадя этилган ана шу олий баҳтни ўзимиз, ўз қўлимиз билан барбод қиласми! Ўзимиз!

(Улар хонага кириб, бир четда ҳайрон туриб қолган Умидани сезишмайди).

РАҲИМА: Анча ақлли, доно бўлиб қолибсиз. Илгари бунақа эмас эдингиз.

РАУФ: Одам оддий, маълум ҳақиқатларни ўзи учун қидириб топиши, ўзи учун кашф этиши керак экан. Лекин кўзнинг очилиши учун пешона деворга урилиб ёрилиши шарт эмас. Чунки умр жуда қисқа нарса. Яшашга улгурниш керак.

УМИДА: Отажон! Ойижон! Нега сизлар артистларга ўхшаб гапирипсизлар? Ёки... репе-ти-ция қиласпизларми?

РАУФ: Қанақа артистлар? Қанақа репетиция? Нималар деяпсан?

РАҲИМА: Бу гапни қаердан олдинг?

УМИДА: Синфдошим Муниранинг отаси билан онаси артист-ку! Кечалари мана шунақа биз тушунмайдиган гапларни айтиб, репетиция қилишаркан. Баъзан уришиб ҳам қолишаркан. Сизлар... уришмайсизлар-а?

**РАХИМА:** Биз... уришиб бўлганимиз, қизим.

**РАУФ:** (Рахимага ўқраяди) Биз... уришмаймиз, қизим. Бунақа гапларни кўй...

**УМИДА:** Отажон, арча байрамида кепадиган қорбобони артистлар йўнайдими?

**РАУФ:** Ҳмм... ҳалиги... сенга нима десам экан...

**УМИДА:** Арча байрамида мактабимизга келган қорбобо менга ёқмади.

**РАУФ:** Нега энди... ёқмади?

**УМИДА:** У артист экан. Биз уни чинакам қорбобо деб ўйловдик.

**РАУФ:** Артистлигини қаердан билдинг?

**УМИДА:** Билдим-да. Бошқа болалар ҳам билиб қолишиди.

**РАУФ:** Қорбобо сизларга совга бердими?

**УМИДА:** Берди. Олдин ўғил болаларга берди. Қиз болаларни яхши кўрмас экан.

**РАУФ:** Қорбобо ҳаммани яхши кўради.

**УМИДА:** Қизиқчилик қиласман деб баланд-баланд сакраб юборди.

**РАУФ:** Шуниси сенга ёқмадими?

**УМИДА:** Кулмаган болаларни уришиб берди. Кейин... сакраганда соқоли тушиб кетди. Шунда уни таниб қолдик. У қорбобо эмас, мактабимизнинг қоровули Сувонқул тоға экан. Сиз мени бошқа – чинакам қорбобога олиб боринг.

**РАУФ:** (оғир хўрсинади) Албатта олиб бораман.

**УМИДА:** (кувониб) Ҳайвонот боғига ҳам борамизми?

**РАУФ:** Борамиз, қизим, у ерга ҳам борамиз.

**УМИДА:** Қўғирчоқ театрига-чи?

**РАУФ:** Қўғирчоқ театрига ҳам борамиз.

**УМИДА:** Урре! Синфимиздаги болалар мақтанганда мен ҳам қаёққа борганимизни айтиб бераман. Отажоним олиб борди, менинг ҳам отам бор дейман!

(Девордаги соат жиринглайди. Рауф ўрнидан сапчиб туроди-ю, ўзига меҳр ва илинж билан тикилиб турган қизига қараб, туриб қолади).

**РАУФ:** Мен... кетишим керак. Қизим, сенинг ҳам энди ухлайдиган вақting бўлди, бориб дамингни ол!

**УМИДА:** (жон-жаҳди билан отанинг кучогига ташланади) Йўқ, йўқ! Кетмайсиз! Кетмайсиз!

**РАХИМА:** Отанг яна... келади.

**УМИДА:** Айтгандек, отажон, уй вазифамни текширмасдан кетиб қоласизми?

**РАУФ:** Уй вазифангни ойингнга кўрсатмадингми?

**УМИДА:** Ойим кўрдилар. Сиз ҳам кўришингиз керак. Чунки... чунки мен сиз ҳақингизда ёзувдим.

**РАУФ:** Мен ҳақимда? Қизик... Нималарни ёздинг мен ҳақимда?

**УМИДА:** Ўқитувчимиз ҳар ким ўз отаси ҳақида билганини ёзиб келсин деб топшириқ берувди. Мен ҳам ёзувдим, жуда қисқа бўлиб қолди. Бошқа сўз тополмай қолдим.

**РАУФ:** Қисқа бўлса ҳам... мазмуни яхши бўлса кифоя, қизим.

**УМИДА:** Майлими, ёзганларимни ўқиб берсам?..

**РАУФ:** Майли, ўқийқол.

(Рахима секин бошқа хонага чиқиб кетади. Умида сумкасидан дафтарини олиб, ўқий бошлайди).

**УМИДА:** "Мен отамни жуда яхши кўраман. Отам узоқ жойда ишлайдилар. Шунинг учун ҳозир биз билан яшамайдилар. Мен отамни доимо соғинаман. Соғинганимда отам тушимга киради. Ўйга узоқ келмай қолсалар, соғиниб йиглайман. Ойим мени юпатмоқчи бўлиб, ўзлари ҳам кўшилиб йиглайдилар. Мен отамнинг доимо биз билан яшашларини истайман".

(Рауф бир нуқтага тикилганча чукур ўйга толади. Рўмолчасини олиб, юз-кўзларини артади).

**УМИДА:** Отажон! Сизга ёқдими ёзганларим? Нега индамаяпсиз?

**РАУФ:** Яхши ёзибсан, қизим. Фақат... фақат... "ҳозир биз билан яшамайдилар" деган гапни ёзишинг шарт эмас эди.

**УМИДА:** Нега шарт эмас, отажон? Тўғри гапни ёзиш... мумкин эмасми?

**РАУФ:** Мумкин, қизим, мумкин. Майли, истасанг шундай қолаверсинг.

**УМИДА:** Отажон! Мен сизга яна бир нарса кўрсатсан майлими? Фақат ойим... (Умида ойиси кириб кетган эшикка хавотир билан қараб қўяди).

РАУФ: Хүш, яна нимани күрсатмоқчысан?

(Умидада кийим жавонидан эркакларнинг чиройли оқ күйлагини олади).

УМИДА: Мана бу күйлакни танияпсизми?

РАУФ: Танигандай бўляпман. Нимайди?

УМИДА: Бу – ойим билан тўйинглар бўлган куни сиз кийган кўйлак экан. Ойим уни тез-тез юваб, дазмолаб, яна авайлаб илиб кўядилар. Бир гал бувим уни кўриб қолиб, “Бу кўйлакда пол артиш керак!” деб ерга отиб юборган эканлар, ойим зўрга сақлаб қолибдилар.

РАУФ: (ҳайратланиб) Шунақа дегин?

УМИДА: Отажон! Ўша... тўйингларнинг видеога ёзилгани борми? Тўйинглар қандай ўтганини жудаям кўргим келади.

РАУФ: Бизнинг тўйимиз бўлганда видео деган нарса ҳали унчалик расм бўлмаганди, қизим. Худо хохласа, сенинг тўйингни яхшилаб видеога туширамиз. Зўр артистларни таклиф қиласиз.

УМИДА: (суюниб) Вой, қандай яхши!..

(Хонага Раҳима кириб келади).

РАУФ: (шошиб соатига қарайди) Энди мен қайта қолай. (ўрнидан қўзғалади)

УМИДА: Отажон! Ташқари совуқ-ку! Совқотасиз! Уйимиз иссиқ... Кетманг, отажон!.. Барибир, ҳозир ишга бормайсиз-ку!

РАУФ: Ишхонам бу ердан узоқ. Ҳозир бориб тайёргарлик кўришим керак.

УМИДА: Уфф!.. Шу ишингиз жудаям жонимга тегиб кетди-да! Қачон тугайди ўзи?

РАУФ: Яқинда... тугаб қолади.

УМИДА: Яқинроқ жойдан иш топсангиз бўлмайдими?

РАУФ: Мен... қидириб кўраман, қизим.

УМИДА: Топсангиз кейин доим биз билан яшайсизми?

РАУФ: Мен... ҳаракат қиласман, қизим. Энди хайрлашамиз. Бориб ухла. Соатни қара (девордаги соатга қарайди) ... кеч бўлиб қолди.

УМИДА: Ухласам кетиб қоласиз-да!

РАУФ: Майли, кетмай турман. Бўлди энди, борақол. Дарвоке, қўғирчогинг ухладими?

УМИДА: Йўқ, ухласам бобом кетиб қолади деб қўрқяпти.

РАУФ: Ҳо-ҳо-ҳо!.. Шунақами? Үндай бўлса, қўғирчогингга алла айтиб бергин, дарров ухлаб қолади. Алла айтишни биласанми?

УМИДА: Биласман, ойим ўргатганлар. Сиз-чи? Сиз биласизми?

РАУФ: Мен? Мен... айтиб кўрмаганман.

УМИДА: Отажон! Нега аллани факат оналар айтади?

РАУФ: (ўйланиб) Чунки... чунки оналар яхши айтади. Аллани оналарга чиқарган, қизим. Ҳамма оналар боласига алла айтади.

УМИДА: Сизнинг ҳам онангиз алла айтганми?

РАУФ: Албатта айтганлар.

УМИДА: Яхши айтармидилар?

РАУФ: Ие, қизик гапирдинг-ку! Мен унда чақалоқ бўлганман.

УМИДА: Вой, сиз ҳам чақалоқ бўлганимисиз?

РАУФ: (кулимсираб) Ҳамма туғилганида чақалоқ бўлади-да, қизим.

УМИДА: Сиз ойингизни кўпроқ яхши кўрармидингиз ёки отангизни?

РАУФ: Иккенини ҳам яхши кўрардим.

УМИДА: Сизнинг отангиз... кетиб қолмасмиди?

РАҲИМА: Қҳм... Энди борақол, алла айтиб, қўғирчогингни ухлат.

(Умидада норози қиёфада хонадан чиқа бошлаганда эшик қўнгирорги жиринглайди. Ота билан она бир-бирига ҳайрон тикилиб қоладилар. Парда ёпилади).

**Давоми келгуси сонда**

## Наср



**Аҳмад А'зам**

1949 йилда туғилған. Самарқанд Давлат университетининг ўзбек ва тоғсик филологияси факультетини битирған. “Ойнинг гардиши”, “Бу куннинг давоми”, “Асқартог томонларда”, “Со-ясими йўқотган одам”, “Ҳали ҳаёт бор” номли насрий асарлари, “Масъул сўз” номли адабий-танқидий мақолалар тўплами, “Ўзи уйланмаган совчи”, “Рўё ёхуд Гулистанга сафар” романлари чоп этилган.

# “ҲИКОЯ БЎЛМАЙДИГАН ВОҚЕАЛАР” туркумидан

**МАРЛЕН ДЕГАН ОДАМ**

Одам бу дунёда ёлгиз эмас. Кейин, у фақат ёмонлик ичидаги, ёмонлик кўриб яшамайди, унинг умр йўли яхшиликлар силсиласидан иборат.

Нукул ёмонлик ҳақида ўйлайдиган одам ўзига ёмонлик қилиб яшайди.

Мен бир оддий одамга учраб қолганимни қирқ йилдан бери ўйлайман. Қирқ йилдирки, шу одам хаёлимдан кетмайди, бир-икки марта ҳикоя ёзишига ҳам чоғландим, лекин ёzsам, худди тўқыйдигандек, атайлаб бўрттирадигандек, яъни “бадиий тус” берадигандек бўлавердим. Кейин, бу воқеани, барибир, ўзим ҳаётда ўқиганиман, шунинг учун ўзимдан ўзим кўчирмакашлик қиладигандек туюлаверди. Энди эсимда қолганича гапириб бераман.

Минг тўқиз юз етмиш учинчى йили, май ойида ҳарбий хизматдан қайтдим, укам мактабни аъло баҳолар билан битирған, ҳали аттестат олганича йўқ, лекин уни бирон олий ўқув юртига жойлашни ўйлаш керак, бу ташвиш мен – аканинг зиммасида; кекса отамизнинг дуо қилиб ўтиришдан бошқасига кучлари етмайди. Тўғри Самарқанд педагогика институтига бордим, домлам, раҳбаримга, университетда ўқиганимда ака-ука бўлиб кетганмиз, дардимни ёрдим, укам “отличний” битирди, шуни киритишга қарашиб юборсангиз, дедим. Домлам менга бир зум афсус билан қараб турди, кейин оғир сўлиш олиб, а, шу дардинг бор экан, февралнинг бошларигача айтмайсанми, ҳарбийдан хат ёзсанг ҳам бўлар эди-ку, энди кеч, рўйхатта уканг, калласи тилладан бўлса ҳам, киролмайди, умуман, Самарқандга овора бўлма, деди. Очиқ айтганига ҳам раҳмат, хай, хужжат топширсин-чи, кўрамиз, деганда алданиб юраверар эдим, Тошкентга келиб, яна Навоий музейида катта (лекин маоши жуда кичкина – етмиш сўм) лаборантлик ишимни бошладим. Каллада бир ўй, укамни қаерга жойлаштирасм? Э-э, тўхта, Жиззахда педагогика институти очилган-ку, ректори таниш, яхши одам, айтсанм йўқ демас, мен ҳам бир куни одам бўлиб, қилган яхшилик-

ларини қайтарарман, деган фикр келди ақпимга, шу доно ақпимга сүяниб Жиззахга от солдим.

Жуда қызиг-а, мактабни айло баҳолар билан битирган, ростдан ҳам айлога ўқиган пешқадам ўкувчининг ўзи институтга киролмаса! Ўзи киролмайди, вассалом! Үндан зўрлари ҳам бўлган-да, десангиз, ўқишига киргандан кейин шунаقا зўрларни кундуз куни чироқ ёқиб ахтарасиз. Қойилми? Йўқ, қойил бўлмай ќўйгансиз.

Шундоқ қилиб, етмиш учинчи йили, июн ойининг бошларида, укамнинг кўлига аттестат тегай деб туриби, лекин ВУЗларга ҳужжат топширадиган мавсум бошланган, Тошкент автовокзалидан чипта олиб, ўша бурун қонидек қип-қизил машхур "Икарус"га ўтиридим. Чиптага ёзилган жойим ойна томонда экан, ўтира кўлимдаги китобни очдим: Девид Жером Селинжер, музей кутубхонасига янги келган эди, муқоваси тўқ кўк, номи чиройли зарҳал билан босилган қалингина тўплам. Бир қараган одам унинг бу ердаги нашриётларда эмас, Московда босилганини англайди. Салобатли китоб, унча-мунча одамни сури босади. Мен ўзи китобхўрман, ҳарбийда бир ҳижжалаб, бир қайта – икки марта ўқиган бўлсан ҳам, яна ўқигим келиб юрган эди, бошимни кўтартмадим.

Ёнимга бир одам келиб ўтираётганда ўриндиқ силкинди, қарамай бошимни сил-кидим, саломим шу бўлди.

Узоқ йўлга китобдан яхши ҳамроҳ йўқ, "Над пропастью во ржи"дан кўз узолмайман. Ёнимдаги ҳамроҳим билан эса йўл бўйи гаплашмадик, ҳатто бундай юзига ҳам қараб қўймабман. Ука, ўқияпсизми, деди бир марта, ҳа, ўқияпман, деб ғудурлаб қўйдим, кўрмаяпсизми деган маънода. Жиззахга етиб боргунча ҳангомамиз шу бўлган бўлса керак, чунки сал-пал гурунг қурганимизда эсимда қолар эди. Бориб тушганимиздан кейин ҳам ёнингда ўтирган ҳамроҳинг ким эди, деб бирор сўраса, айтолмас эдим.

Гап чўзилди, узр, ўзи асосий воқеа шу, автобусдан тушгандан кейин бошланди. Жиззахга биринчи келишим, автобекатдан шаҳарга қайси автобусда боришини билмайман, шуни бир одамдан сўрасам, йўл бўйи ёнимда ўтириб келган ҳамроҳим экан, юринг мен билан, деб автобусга бошлади. Ўриндиқларга чўқдик, яна ёнма-ён, кўлимда, албатта, китоб. Ука, Жиззахга олдин келганимисиз, деб сўради яна шу одам. Мен йўқ, дедим. Унда қаерига, кимникуга борасиз, биласизми ўзи? – қизик, унга нима, сўрамаса туролмайди, шекилли. Лекин пединститут ётоқхонасида турадиган бир муҳбир жўрамникига боришмни айтдим. Бугун унинг олдида ётиб қолмоқчи, эртага ректорга учрашмоқчиман, буни айтмадим. Ётоқхона қаердалигини биласизми, олдин келмаган бўлсангиз, деб яна сўради. Бу одам нима, Жиззахга миргазабми, мунча суриштиради, деб энсам қотди. Сўраб-сўраб топаман-да, дедиму Селинжерни ўқиётганга солдим ўзимни. У одам ёқтиргмаганимни сездими, бошқа гапирмади. Анча юрганимиздан кейин автобус тўхтаган эди, ҳалиги одам ўринидан турди, мени ҳам турғизди, қани, шу ерда тушамиз, деди. Ётоққа етиб келибмиз-да, деб унга эргашиб тушдим. Қарасам, қатор ҳовлилар, одамларнинг уйлари, маҳалла, ётоқ бор жойга ўхшамайди. Юринг, юринг, деб қистади бу одам, ҳали борамиз шу ётоқхонага. Чор-ночор эргашдим. Анча юриб, бир уйнинг дарвозаси олдида тўхтадик... Йўқ, тўхтамадик, бу одам дарвозани очди. Қани, ичкарига, деди. Мен нима қиласман бу ерда деб тайсалладим. Ука, бир пасгинага, деб туриб олди бу одам. Оббо, бу ёғи қандоқ бўлди энди деб ноилож кирдим. Кейин, унча ёмон одамга ўхшамайди, кўлидан ёмонлик қилиш келмайди, лекин, барибир, мен бегонани нимага уйига бошлаб келди, ғалати.

Ховлиси каттагина, бир чеккадаги бостирма тагида "Волга" – ГАЗ-21 турибди, янги ҳам, эски ҳам эмас, у пайтлари бунаقا машина бир-да ярим отлиқида бор эди, холос, лекин ҳовли файзликкина бўлса-да, бойвачча турадиган жойга сира ўхшамади – бойлик нуқси урмаган. Машинасини бирор қўйиб туриби, шекилли.

Лекин қанақа бўлмасин, ўзимнинг нимага кераклигимни англамаяпман. Одам-

нинг калласига тайинли бир фикр келмаса, хаёли минг күчага кириб чиқаверар экан. Ҳалиги доно ақл иш бермай қолди.

Хай-э, нима бўлса бўлди деб, остона ҳатладим, яна йигит бошинг омон бўлса... деб кўрпачага чўқдим. Бу одамнинг аёли келди, сўрашди, дастурхон ёзи. Сал кўнглим тинчиди – эру хотиннинг муомаласи нимадир хотиржамлик берди. Лекин каллам тайинсиз ўйдан бўшагани йўқ, аксинча, кўзига жуда катта одам бўлиб кўриндиммикан, бирон масалада қўллаб юборишни сўрармикан ё газетага иши тушиб, мухбир жўрамга айттироқчими, бегона бир одамни қуруқдан қуруққа уйига олиб кириб, дастурхон ёзи... қилган тахминларимнинг биттаси ҳам тўғри келмайди, ҳатто кулгили, ойлиги етмиш сўм, кўлида китобидан бошқа ҳеч вақоси йўқдан қанақа катта одам чиқади, бирон нарсага арзийдими ўзи... Ука, ўйланманг, ҳаммасини қиласиз, ётоқ пединститутнинг ёнида, борамиз ҳам, дўстингизни топамиз ҳам, лекин олдин бир пиёла чой ичиб олайлик, хў хотин, атаганингни опке, ишимиз зарил, деди. Ана, энди баттар таажжубландим, нимага борамиз, нимага ишимиз, бу одам менга кўшилиб олмоқчими? Жуда ғалати бўляпти-ку!

Хай, аёлининг атагани муздеккина увра экан, иссиқ кунда, айни муддао, бир косадан уриб олдик. Энди, майли, турамиз, деди ака, худди икковимизнинг ҳам ишимиз битта бўлгандек. Ҳа, айтганча, аввал танишиб олайлик, менинг отим Марлен, йўқ, бошқа миллатдан эмас, ўзбекман, шу, отамиз анув қама-қама йиллари кўп азоб тортиб (шу ҳозир аниқ эсимда қолмабди, бобоси қамалиб йўқ бўлиб кетганми, отасими, ишқилиб, репрессияни бошидан ўтказган), ҳукуматга яхши кўринмасам бўлмайди деб, отимни Маркс билан Лениннинг қисқартмаси қилиб Марлен қўйган, сизнинг отингиз нима, деб сўради. Мен ҳам отимни айтдим. Ука, мен ўқитувчиман, деди Марлен ака, сўрамасам ҳам. Бўлмаса, ука, ҳозир ётоққа бориб жўрангизни топиб келамиз, деди. Мен ичимда, э-э, худога шукур-еї, бу бетайнлиқдан кутулар эканман-ку, лекин нимага жўрамни топиб бу ерга қайтиб келамиз, деган савол ўтди, хай, йўлига айтди-да деб, индамадим. Марлен акага эргашиб дарвозага юрдим. Шу ерда хайрлашсак керак, деб умид қилиб, қаёққа қараб юраман энди, десам, Марлен ака аввал дарвозани очайлик, деди, худди бунда ҳам бир ҳикмат бордек. Дарвозани очдик, Марлен ака, бир дақиқа, деди-да, ҳалиги "Волга"ни ҳайдаб чиқди. Чўзилиб мен томондаги эшигини очди-да, ўтиринг, деди. Э-ҳа, бу акамиз киракаш экан-у, зўр мижоз деб ўйлаб, қўлдан чиқаргиси келмаган, деб бир кўнглим ойдин бўлди-ю, чўнтақда бор-йўғи ўн етти сўм билан қанақа ҳам мижоз бўламан деб, кайфият тушиб кетди. Ўша вақти хаёлан такрор-такрор ҳисоблайверганимдан шу ўн етти сўм ҳалигача эсимда.

У вақтлари хусусий машина жуда ҳам тансиқ. Борда шалдираган "Москвич", "Жигули"нинг ҳали оти ҳам чиқмаган, "Волга" ГАЗ-24"ни энди-энди нуфузли корхоналар оляпти, шахсийга буткул йўқ. Бирда-ярим одамда "ГАЗ-21" учраб қолади. Лекин Марлен ака – оддий ўқитувчидан бўлиши мўъжиза, албатта, кечаю кундуз тинмай кира қилиб, пул топиб олган деган сал жўяли, лекин тамом саёз ўй калламда ўрнашиб қолди.

Ётоққа обориб қўйса, қанча сўрап экан? Уч сўмдир, Жиззах кичкина шаҳар-ку, хай, уврани ҳам кўшсак, устига икки сўм кўшиб берсам бўлади, шу билан кутуламан деган хаёлда боряпман машинада.

Ётоқхонага келдик. Тушдим, Марлен ака ҳам тушди, чўнтақни пайпаслаб, беш сўмликни тайёрлаб келаётган эдим, лекин кўлимни чиқараман десам, Марлен ака парвоига ҳам олмай, мени ичкарига бошлади. Яна ҳайрон бўлдим, пулни-ку ҳали айттар, лекин ўзига нима бор ётоқхонада? Ўртоқ менини бўлса, бу одам танимаса? Қани, жўрангизни топайлик-чи, уни ҳам олиб кетамиш, дейди! Яна уйига борар эмишмиз! Э-э астагфирулло, пул бериб ҳам кутулмайман, шекилли! Тавба, уйига олиб борди, утра ичкизди, олиб келиб қўйди, катта раҳмат, энди хизматининг ҳақини олиб кетавермайдими!

Йўқ, кетай демайди! Олдинга тушиб олди, хонама-хона бош суқиб, жўрам ётади-

ган жойни ҳам ўзи топди. Үнга думдек илашиб юравердим. Кирсак, жүрәвойнинг ўзи йўқ, унинг ўрнида бир қоп-қора турсичан тўнгиз ётибди, йўқ, у келадими, келмайдими, мен қайдан биламан, деди-да, тескари ўгирилди. Шунаقا одамлар ҳам бўлар экан-эй. Мен жўрамнинг келишини кутиб қолмоқчи эдим, Марлен ака енгимдан тортиб, ташқарига судради. Айтганча, ҳисоб-китоб қилиш керак-ку, қайтиб кираман, деб эргашиб чиқдим. Ука, кўрдингизми, а бу одам эмас-ку, шунинг олдига ташлаб кетамани сизни, дейди. Э-э тавба, мени тамом ўзиники қилиб олдими! Яна кетдик бизниги, кейин қайтиб келиб топамиз жўрангизни ё бошқа борадиган жойингиз йўқ-ку, эмиш. Эсимга тушиб қолди, бор, Али ака деган одам билан бирга ўқиганмиз, Ҳамид Олимжон колхозида туради, уйини билмайман, лекин топиб бораман ўзим, дедим. Шунаقا демайсизми, топамиз, ўтириңг, деди Марлен ака чехраси очилиб. Оббо, йўқ дейишнинг сира иложи йўқ, хай, тавакkal худога, начора, машинасига ўтиргмагана кўймаяпти.

“Волга” йўлга тушди. Яна кира пулини ҳисоблашга тушдим. Ҳамид Олимжон колхозига борамиз, Али аканинг уйини топамиз, бу одам мулойим-хунук, мени Али акамга топширади-да, энди, ука, “Волга”да ялло қилиб кезишнинг ўзи бўлмайди, бир ҳисоб-китоб қилиб қўяйлик, дейди. Бу ёғи чатоқ, Тошкентта қайтишга тўрт сўм қолармикан, Ҳамид Олимжони неча километр бўлса... Жа ноинсофлик қилиб катта сўраса, бирга ўқиганимизда мендан уч-тўрт ёш катта бўлса ҳам орамиз яқин эди, Али акадан сўраб турарман. У пайтлари таксида юриш қандайлиги эсингиздан чиқиб кетган-да. Шахсий “Волга”да юришни чидаганинг ҳам зўрига чиқарган эди.

Йўл бўйи хаёлим пулда бўлди, “Волга” гилдираги айлангани сайин чўнтакнинг йўқ баракаси ҳам учеб кетяпти. Тўхтатиб тушиб қолишнинг, албатта, иложи йўқ. Марлен акамнинг авзои тушганимга қўймайди.

Анчалар юрдик, неча кўчаларни айланиб, Али аканинг уйини топдик. Али ака уйида экан, чиқиб ҳайрон бўлди, кейин аянчли илжайиб ичкарига манзират қилди. Яна ҳалиги ҳисоб-китоблар хаёлида Марлен ака билан хўшлашай десам, у ҳам мен билан кирди. Энди ўзим ҳам бесаранжом бўлиб қолдим. Ўй ичи вағ-вуғ, болалар йигиси келяпти, ошхонадан қуюқ тутун чиқяпти, Али ака ўтириб туринглар, овқатим тагига оляпти, деб ошхонага чопди. Аёли кўринмади. Ташибишига ташвиш бўлиб келдим шекилли, устига устак, манави одам ҳам эшимчага қўшимча бўлиб опди, кетай демайди. Яна ўтириб олиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб бошини чайқайди, менга кетамиз, деб имо қиласди. Али ака қайтиб кирди. Аҳмаджон, хуш келибсиз, бир отамлашар эканмиз-да, лекин мен манов икки болани тинчтиб, хотинга бир пиёла ёвғон ташлаб келишим керак, уч кундан бери у банинцида, биз – бола боғча, хай, ҳеч бўлмаса, битта чой дамлай, деб Марлен аканинг биз турамиз, овора бўлманг, деганига қарамай чиқиб кетди; болалари шамоллаганми, ё қорни очган, тинмай йиглайди. Ука, турдик, бу ерда қололмайсиз, кўрятпиз-ку курсдошингизнинг аҳволини: болаларига қарасинми, хотинигами ёки сизгами, кетдик, деди Марлен ака. Ноилож, бу одамни ёмон кўриб қоляпман-у, лекин, барибир, Али аканикода қололмайман...

Қандай кирган бўлсак, шундай чиқдик. “Волга” юргандан кейин Марлен ака, энди бўлди, бугун бизникода меҳмон бўласиз, деди. Ҳа, бўлди, тамом! Бунга пул эмас, ўзим керакман, шекилли.

Ярим кундан бери бу одам овора, машинаси овора, менинг эсам каллам овора, чўнтагимни ўйлаб. Бу одамдан қандай кутупсам энди, нима истайди мендан?! Мақсади нима ўзи? Яна уйга олиб кетаман, дейди!

Жуда бўғилдим, лекин менга хўжайнимисиз, пулимнинг бори шу ўн етти сўм, шуни олинг-да, мени тинч қўйинг, деб бақири беролмайман-ку.

Ялиндим охири: жон ака, яна шу ётоқхонага борайлик, жўрам келиб қолган бўлиши мумкин, келмаса, унинг жойида тунайман. Йўқ, қанақа қилиб унинг ўрнида ётасиз, ёнидаги одамни кўрдингиз-ку, дейди.

Ётоққа борсак, буни қарангки, отини ҳам айтай, Сулаймон жўрам келган экан,

қүчөк очиб кутиб олди. Бўлди-ей, худога шукур, энди Марлен ака юз сўм сўраса ҳам қўрқмайман. Сулаймон ўзида бўлмаса, ер тагидан топиб беради.

Сулаймон уни танимаса ҳам бир пиёла чой ичиб кетасиз, деди. Марлен ака ҳам йўқ демай ўтириб олди. Чой дамланди. Бигизнинг устида ўтиргандек ўтирибман. Сулаймонни қандай қилиб четга тортиб, пул сўрасам? Кира ҳақи ҳам манов ерда эзликларга борди-ёв.

Ундан-бундан гаплашган бўлдик. Марлен ака, сезяпман, Сулаймонга разм соляпти. Ҳа, айтганча, ҳалиги совуқ қаёққадир чиқиб кетган экан. Марлен ака чойни ичиб пиёлани тўнтарди-да, энди, укалар, икковларинг ҳам туринглар, бизнинг уйдан бир пиёла чой ичасизлар, деди. Сулаймон нима дейишини билмай менга қаради. Мен, ўламан саттор, бормаймиз, деб туриб олдим. Хўп тортишдик, Марлен ака юринглар, дейди, мен йўқ дейман, Сулаймон ҳайрон, ким бу одам деб мендан сўраши нокулай. Нихоят, Марлен ака, – нихоят-эй! – “Аҳмаджон ука, мана, жўрангизни кўрдим, кўнглим жойига тушди, чин жўра экан, мен энди бемалол, кўнгилхотиржам сизни кўйиб кетсан бўлади. Бизга жавоб. Қани, омин!” деб фотиҳага кўл очди.

Елкамдан тоғ ағдарилди-я! Эшикка чиқаётib Сулаймонга “Бор пулингизни олиб олинг!” деб шивирладим. Сулаймон бошини иргади: бор пули чўнтағида, шекилли.

“Волга”га боргунча Марлен ака кўзимга яхши кўриниб қолди, шунча қилган хизматига минг сўм сўраса, албатта, ёнимда шу пул бўлса, кўш кўллаб тутқазар эдим. Беҳазил.

Биласизми, ҳозиргача ўзим ҳам тушунмайман, Марлен ака пул сўрамади, сўрашга яқин ҳам келтирмади, “Э-э, укалар, йўқ деяпсизлар-да, бир чақчақлашиб ўтирап эдик. Ҳали ҳам бўлса...”, деб ялиниди. Пул тутсам, бу одамни ерга урган бўлмаман, деган фикр келди нихоят калламга.

Ана шунаقا, бормадингиз – худо хоҳласа, яна кўришармиз, деб жуда очиқкўнгилда хайрлашдик.

- Ким бу одам? – деди Сулаймон Марлен ака кетиши билан.
- Билмайман, бугун танишдик, – дедим.
- Қанчага гаплашган эдингиз? Олдин бериб кўйганингиз етдими? – деб
- Сулаймон яна суриштириди, пул олиб олинг, деган эдим-ку.

– Хеч қанчага, – дедим. – Автобусда ёнма-ён ўтириб келдик, гаплашмадик, тушганимиздан кейин қаёққа борасиз, деб сўради, сизни айтдим, уйига олиб борди, увра ичирди, сизни излаб келдик, йўқ экансиз, хонангизда битта тўнгиз ётган экан, мени қолдиришга кўзи қиймай, Ҳамид Олимжон колхозига олиб борди, Али ака ўзи билан ўзи овора экан, яна уйига олиб кетмоқчи эди, мен кўнмадим, бу ёққа келдик, келсак, худога шукур, бор экансиз. Кун бўйи юрдик, – дедим.

Сулаймон жуда таажжубланди:

- Қуруқдан қуруққами? Йўқ, ишонмайман!
- Ўзим ҳам ишонмайман, – дедим.

Ростдан, ҳалигача ҳам ишонмайман. Фисабилло беғараз яхшилик қилишга ўрганмаган одам, қандай ҳам ишонай!

Майли, сиз ҳам ишонманг, ўҳшатиб айтолмагандирман, лекин бир оғиз ҳам ёлғони йўқ – шундай бўлган, нимага бу одам шундай қилди деб ўзим ҳам қирқ йилдан бери ўйлайман.

Айтганча, ректор билан ишимиз битмади, тушунасиз-ку, укам Тошкентга келиб институтга кириб кетди, қизиг-а, Самарқанду Жиззахга рўйхатга киролмаган бити-рувчи ўқувчи Ленин стипендияси олиб ўқиди, кейин фан номзоди бўлди. Тақдир тақозоси билан мен Жиззахдан ўйландим, бир куни қайногамнинг машинасида Марлен акани роса изладик, уйини тусмол қилиб топа олмадим. Кўп йиллар кейин бир одам Марлен ака уларга дарс берганини айтди, лекин у ҳам уйини билмас экан.

Бор гап шу.

## МИНГ ЎЛИМДАН ҚОЛИБ

Твда "Ўзлик" кўрсатуви тилга тушиб, одамлар берилиб кўрадиган вақтлар эди. Кабинетимга бир ёши улуғ киши кириб келди. Саксон икки ёшда экан, лекин кекса кўринмайди. Ўрта бўйли, юмалоқдан келган, гавдаси пишиқ, пешанаси думалоқ бўртиб туарди. Ўзининг қадрини биладиган, лекин кибри йўқ, одамохун, шу одам охунлигига ҳам ҳамсухбатини ўзига бўйсундирадиган нимадир камтарлиги бор эди. Ахмаджон, ўглим, аввал икковимиз битта чой ичиб олайлик, чой қўйиб юборинг, деб белига боғланган қийикчани ечиб, ундан битта кўқон патири, бир сиқим ёнғоқ магзи, бир ҳовуч парварда, бир ҳовуч майиз чиқариб терди. Қийикча устида жуда тартибли дастурхон бўлди... Мен ул-бул нарсадан totinib ўтиридим, у киши бемалол чойини ичиб олди, унгана айтарли гап айтмади, куттириди. Мен ҳам индамадим. Кейин се-кин бошлади. "Ўзлик"ни қолдирмай қўриб бора экан, шунча одам дард чеккан, лекин гапига озгина ёлғон араплаштирганлар ҳам чиқиб турар экан. Ўзини жаҳаннамга тушган қилиб кўрсатади, лекин тушмаган, мен биламан, у коннинг эшиги олдидағи будка – уччада тунука бўяб ўтирган, деди. Тунука бўягани нима десам, расм соглан, плакатларни бўяганд, рассом, қийинчилик кўрмаган, азобни, мана бизлар кўрганмиз, деди. Шошманг, амаки, гапирмай туринг, камерага айтасиз, дедим. Камера буортма қилдим, бор экан, кела колди. "Запис"ни бошладик. Отлари Обидими, Оқилими, эсимда қолмаган. Кўлёзма архивим ёниб кетган, келинг, майли, Обид ака, дейлик. Хуллас, Обид аканинг отаси мулла экан, ўзи мулла деди, диндор деган айб биланни ё бошқа сабаб қамалиб кетиб, оила патарот бўлиб, ўн саккиз яшар ўспирин кўчада қолиби. Андижонда. Афғонистонни эшитганми ё ўша ёқда бирон томири бўлганмии, ўзи ҳам билмайди, ишқилиб ўша ёққа борсан, кун қўриб кетаман деган хаёлда Тошкент вокзалига этиб келиб, афғон томонга юрадиган поездни пойлаб, ўриндида ухлаб қолган, кимдир бирор қаттиқ теглан, бу йигитча уйкусираф сакраб туриб, нимага тепасан, деб тепган одамни бир соглан, у одам чаппа ағдарилиб тушган, пальтоси очишлиб кетиб, тагидаги чарм курткаси билан нагани кўринид қолган – органнинг одами экан. Бу баҳти қаро органнинг одамига кўл кўтариб қўйган экан! НКВДми, ОГПУ-ми, ишқилиб, орган ходимига хужум қилинган!

Шу билан Обиджонни тутиб, қамаб, ўн йилга кесиб, этап қилиб юборишибди. Ўттиз тўққизинчи иили. "Скотний" вагонда кетяпмиз, очликдан ўлаётганлар бор, иккита рецидивист қўшилиб қолган экан бизга, нонимизни тортиб олади. Ҳеч ким финг дея олмайди. Очликдан ўлиб-ўлиб ўттиз олтита қолдик. Қарасам, ўзим ҳам ўламан. Бир чора топишим керак ўлмаслишка. Пийма (валенка)ни сувга шимдирдим-да, вагон туйнугидан чиқариб осиб қўйдим. Тошдай оғир бўлиб музлади. Пайт пойлаб, бор-э, нима бўлсан бўлдим, деб орқасидан бориб бирорининг миясидан солдим. Шилқ этиб тушиб ўлди. Иккинчиси ташланган эди, уни ҳам уриб йикитдим, ўлмади, бошқа маҳбуслар ёрдамга келиб, тепкилаб ўлдиришди. Энди ўзимни отиб ташлашса керак, деб кутган эдим, йўқ, кўриқчиларнинг ўзи бу рецидивистлардан безор экан, ўликларини вагондан улоқтириб ташлаб, ҳеч нарса бўлмагандай кетавердик. Яна мени шу вагонга бошлиқ қилиб қўйишиди. Вагонда тартиб қилиб, нонни расамади билан тақсимлаб, Владивостоккача биронта одамимни ўлдирмай етказиб бордим. Бошқа вагонларда одамлар қирилиб кетди. Владивостоқдан Находка деган жойга кетдик, ундан тилла конига. Кавлаб тоғ тагига кириб кетганмиз, зах, қорин тўймайди, касаллик кўп, иш эса ниҳоятда оғир. Бу ерда ҳам, булар жуфтлашиб юрадими, иккита рецидивист бор экан. Булар ҳам нонимизни тортиб олади, очдан ўлаётганнинг нонини ҳам олиб қўяди, бермайди, шунақа ноинсоф. Ўзлари ейди, биз оч, ўляпмиз. Нон ҳам ҳалиги чўрний, ржанойми, шунақа, бир бурда беради бир кунга, шундай кафтда сиқсангиз, вижиллаб суви чиқади, лойга ўхшайди. Шуни, биздан тортиб олган улушларни рецидивистлар юмалоқ буржуй печкада чирсиллатиб куритиб еб ўтиради, атрофидаги қирқ эллик одам нондан кўз узолмай мўлтираб тураверамиз. Бир-иккитасига айтиб қўрдим, буларга гапи-

райлик деб, күшилай демайды. Ўлаверади. Бу инсофи йўқлар ўлаётганга ҳам бир тишлам бермайды. Ўзим оёқда зўрга юраман, мажолим куриб кетяпти очлиқдан. Нима қылсам дейман, нимани қурол қылсам, деб кечао кундуз ўйлайман. Печканнинг бакувват темир косови бор эди, кочерга дейишади-ку. Ҳалиги иккови печкада нон куритиб ўтирганда, э-э, барибир, ўламан, ўчимни олиб ўлай-да бу ноинсофлардан деб, жоним борича бирорининг бошига урдим кочерга билан, зарбимдан ўзим ҳам йиқилиб тушдим. Буниси мени ўлдирса керак, деб турсам, йўқ, худо бошқа аристонларга юрак бериб, ҳаммаси ўша тирик қолганига ёпишиди, туриб яна кочерга билан урдим, ўлди, ишқилиб. Шу билан тинчидик. (Мен индамай эшитавердим, сизни жазолашмадими, кўшимча беришмадими, деб сўрамадим ҳам). Ука, ҳайрон бўлманд, бу бир тоғда, ер тагидаги кон, обориб ташладими, тамом, у ерда совет ҳукумати йўқ, сокчиларга ҳам лагернинг ичи тинч бўлса, одамлар ишлаб турса бўлди, ким ўлгани билан кимнинг иши бор. Ана шундай рецидивистлардан қутулиб, яна яшаб бошлаган эдик, бу ёқда уруш бошланиб қолди. Ҳамма уруш билан овора, бизлар билан алоқа йўқ, таъминот келмай қолди, овқат отига ҳам йўқ. Соқчию қўриқчилар ҳам урушга чақириб олиндими, бир-бир йўқолди. Ўз боши мизча безга қолдик. Қочишига жой йўқ, ташқарига чиқсан, совуқда, барибир, ўлиб кетамиз. Ана, энди қирилишни кўринг! Ўғлим, ишонасизми, уч минг аристондан ўлиб-ўлиб икки киши қолибмиз: мен билан бир жухуд. Икковимиз ётибмиз қачон узиламиз деб, атрофимизда бирон тирик жон қолмаган. Шу вақти денг, комиссия келиб қолса, нимага бу кондан отдача йўқ деб текширгани келган-да. Комиссиянинг оёғидан кучоқлаб олдик, бизни бундай ташлаб кетманг, бўлмаса, отиб ташланг деб, йигладик. Йўқ, инсофиллар экан, чой беришиди, атала ичиришиди. Ўзлари билан олиб кетиб, бошқа лагерга топширишиди. Бу ёқда ҳам ўлиб кетар эдим, лекин худо деган эканман, лагер бошлиги олдин Тошкентда хизмат қилиб, ўзимизнинг ош, шўрва, мантига ўхшаган овқатларни яхши кўриб қолган экан, қилишини билансими, деди, ҳа, дедим, мени ўзига ошпаз қилиб олди. Шу билан қолган беш йил унинг хизматида бўлиб, қамалганимдан ўн йил ўтиб, яъни "от звонка – до звонка" тўлиқ ўтириб қирқ тўққизинчи йили юртга қайтдим.

Бу киши билан сұхбатларимиз "Ўзлик"нинг иккита сонида берилган, лекин кўп гап сиғмаган. Одам ўлдирганини бермаганман. Шунча азоб тортган одамни яна қотил қилиб кўрсатишга кўнглим бормади. Лекин... лекин мардонаворлик, бардош, чидам ва инсон кўнглиниң кенгликлари деганда шу отахон ҳам кўз олдимга келаверади. Бу асли ҳикоя ҳам эмас, роман бўладиган тақдир, лекин мен у даврда яшаб қўрмаганман-ку, тўқиб ёзишга кўлим бормади. Буни ёзиш ҳам шарт эмас, шу мисол да ўйлаш керак.

Ҳа, дарвоқе, Андиконга, бир юзу тўртга кирган бир отахоннинг сұхбатини олишга кетаётib, Кўконда, Обид аканинг уйида тўхтаб ўтдик. (У киши кейин Кўконга келган, собиқ Ленин кўчаси, адашмасам, 101-уй эди). Борасиз, албатта, деб ваъдамни олган эдилар. Шинам, баҳаво, отахоннинг ўзига ўхшаган батартиб, озода ховли. Кирган одамнинг кўнгли ёришади, отам ҳам пешвоз чиқдилар ҳамма ёқни ёришириб...

## ЭРКАК

Хикоя

Эллик тұққыз. Отаси ҳам, акаси ҳам шу ёшда кетган. Кече у ҳам эллик тұққыз ёшини нишонлади. Агар у ҳам... үлімга етиб келдім?

Бошини ёстиқдан узіб олишга кучи етмади. Қуриб қолған томоги ғалати тиришиб оғрیر, худди вужудидан иркитлик таралаёттандай үзідан жирканди. Боз устига хотинининг шангиллаши лўққиллаёттан бошига гурзи билан ургандек бўлди. Келин олгандан бўён бошинин тепасига қўйиладиган бўлган чойнакка умидвор кўл узатди, муздай таҳир чойни ҳузур қилиб шимириди. Сал эпақага келгандай бўлди. Эзилган танасини аранг кўтариб ювениш хотасига ўтаркан, ошхонанинг ланг очиқ эшигидан бўйлаб каради: бақалоқ хотинининг ярим гавдаси музлаткич ичиди, ярми музлаткичдан хунук чиқиб турар, овози музлаткичининг гириллашига қўшилиб ириллаш бўлиб эшилтилар, келини қўлидаги тарелкани кафти билан сидирганча мулзам турарди. Бир хаёли индамай ўтиб кетай, аёлларнинг вағир-вугурига аралашмай деди-ю, бирок дафъатан қулоқларига урилиб бошини, наинки боши, бутун танасини зирқирататётган бу овозни ўчириш, музлаткич эшигига тиқилиб қолған бақалоқ гавдани бир ҳамла билан янчиди ташлаш истаги устун келди.

– Ҳа, – деди кўриниш бериб, – нима гап, эрталабдан шангиллайсан? Ҳе, энангни сени, палакат... – Хотинининг нимадир деб эътиroz билдиromoқчи бўлиб жуфтлаган оғзи ҳайратдан қўйшайган жойида ўдайгайлаб яна қамчи босди. – Ўчир, овозингни, бирорни боласини бунча эзасан. Ҳар куни шу аҳвол-а, индамасам ўзингдан кетдинг, – баҳонада минг йиллик аламзадалигини қусиб ташламоқчи бўлди – портлади, – ўзинг нимани қойиллатгансан, чўчқа?! Ўчир! Яна ғинг деган овозингни эшитай, энангни кўрсатаман! Аҳмоқ...

Хотинининг дум-думалоқ шардек гавдаси дами чиққан пуфақдек шалвиради, пишиллаш аралаш норози ғўнгиллаш ювениш хонасига эшитилганди, яна таҳдидли томоқ қирди, овоз ўчди. Ойна олдида бетига кўпик суреб соқол олишга тараффудланаркан, ўз ишидан мамнун илжайди. Ичидаги бадбўй кўйкани тўкиб ташлагандай бош оғриги ҳам йўқолган, аллақандай енгил тортганди.

Туғилган кун муносабати билан сотиб олган янги kostüm-шимиини кийиб чиқиб, "Йигитлардай қарсиллаб" жимжит ҳовли ўртасида бирлас нима қилишини билмай турди-да, "Йигитлардай қарсиллайсиз, зўрсиз, хўжайин!!" – деб қийшанглайдиган хотинига "зўр"лигини кўрсатгани эсига тушиб, индамай гаражга кирди. Кўпроқ ичгани сабаб қўйла қалтираб, боши айлангандай туюлди, машинасини ҳайдашга юраги дов бермади. Пойи пиёда ишга отланди. Кўча бошида бирорта танишига илашиб кетиш умидида қақайиб турганди, баҳтига "Матиз" ру-



Гулноза  
ЭРНАЗАРОВА

1969 йилда туғилган. ЎзМУ филология факультетини тамомлаган. "XX аср ўзбек шеъриятида миллий тафakkur ва унинг бадиий талқини (Чўлтон, Faғур Ғулом, Абдулла Оритош шеърияти мисолида)" мавзудида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

сумидаги машина секинлаб тұхтади, ойнаси тушиб, кулча юзли жувон жилмайиб тақаллуф қылди:

- Салом, құшни. Үтиринг, ташлаб күйаман.
- Ва алай... йүғе, овора бўлманг. Бир ўртоғимни кутаяпман, сиз бемалоп.
- Шунақами? Ўртоғингиз келадиган ўртоқми? – аёл жилмайды, юзида кулгичлари бор эди. Машина эшигига қўлини юборди-ю, умрида аёл киши бошқарган машинага чиқмагани учунми, яна қайтди:
- Узр, мен бошқа томонга бораётувдим.
- Ие, кўрқаяпизми? – Аёл хандон кулди. – Үтиринге, афанди экансиз-ку. Мен ҳалқ банкида ишлайман, сизлар билан ёнма-ён, борадиган манзилимиз бир ерда.
- Шунақами, яхши экан-да – деди гўлдираб. Энди баҳона қолмаганди. Ноилож орқа ўриндиққа чўқди. Аёлнинг чехрасига зидман тикилиб қаради, аввал кўрганини эсполмади, бироқ негадир бу чехра жуда таниш, тўғрироғи, қадрон туюлди, худди аввал жуда яқин бўлишгандай. Индамай кетишид. Ишхонаси олдида тушаркан, қўлини шиммининг чўнтағига сукди. Аёлнинг норози, оғринган назарини ҳис этиб, қўлини чўнтағидан сугурмай миннатдорчилик билдири:
- Раҳмат, машинани жуда чиройли ҳайдаркансиз, соғ бўлинг.

Аёл дилтортар жилмайиш ҳадя қилди-да, кетди. Тамом. Бор-йғи – шу. Бироқ уззу-кун аллақандай ғалати, тушунтириб бўлмайдиган кайфиятда юрди. Кимнидир соғинаётгандайми, кимдир уни чорлаётгандайми, ниманидир йўқотган-у, йўқотган нарсасининг нима эканлигини топа олмаётгандайми... бир файри, ажабтовур ҳолдан чиқа олмади. Уйига қайтаркан, йўлнинг нариги тарафидаги ҳашаматли бино олдида турган кўнгизмонанд машинани кўрди. Аёлнинг чехраси ёдига тушди.

Хотини ҳовлида кўринмади. Ошхонада тимирскланиб юрган келин ҳол сўради, овқат сузиб берди.

Ёнбошлаб телеканалларнинг бирини кўйиб, бирини кўздан кечираётганди, ўғли телевизор кўриш баҳонасида ёнига келиб үтирди, хотини дамлаб кирган чойни қайтарди. Ўглининг елкалари кенг, киприклари узун, чиройли кўзлари раҳматли амакисиникига ўхшайди, ҳатто чордана куриб үтирганда бот-бот тиззасини силаб қўйиш одати ҳам худди амакисиникидай. Чехраси ҳоргинми, нимадандир хафадайми, эзгин кўринди. “Ишинг яхшими? Қийналмаяпсанми? Ўрганиб кетдинми?” деб ҳол сўраган бўлди. Яхши экан. Телевизорга кўз тикканча гап-сўзсиз, ўз хаёлларига банди бўлиб үтиришид. Ўғли бир-икки бесаранжом қимирлаб қўйди, нимадир демоқча чогланди. Хўриллатиб чой ичаркан, ўглининг нима демоқилигини фахмал гашланди. Ўғли ингичка бармоқлари билан пиёлани ўйнаб үтирди-да, ниҳоят тилга кирди:

- Онамни давленияси... – Гапнинг давомини эшитишин истамади:
- Сен аралашма, баттар бўлсин. Эрталабдан шангиллайди, чарчамаганини... Ихм, аҳмоқ хотин... – Ўғли бароқ қошларини қимирди, отасининг гапини ёқтирмаётганини билдиримоқчи бўлиб, телевизорга қадалди, юз мускуллари учайтгани сезилди, “худди акамга ўхшайди, умри ўхшамасин, тез жаҳли чиқади... Зорланган олашақшақ. Энди бу кишим онасини отасидан ҳимоя қилаяптилар. Ҳе, сени ўша онангням...” Ота бўлиб ўғлига кўнгил ёрмаган, ўглининг ҳам кўнглига кўл солмаган одам негадир шу топда у билан дардлашгиси келиб қолди. Ўғли мўмин-қобил, ақлли, меҳрибон, балки тушунар: “Мен ана шу аёл билан сенларни деб бирга яшадим, кўнглим аслий бўлмаган, бефаросатлигио вайсақилиги билан ўзидан совутди. Семириб кеттаганини қара, келин олиб умуман қимирламай қўйди. Эркак бўлиб нима кўрдим, аёлнимга кўнгилсиз яшадим-а... пешонамнинг шўри бор экан. Мана эллик тўққиз ҳам келиб турипти...” Йўқ, бўлмади, ич-этини қемираётган минг йиллик норозилик дардини қамаган ҳумнинг оғзини очишга мадори ўқулигини сезди ва: – Бор, ўғлим, ухла, кеч бўлди, – деди ҳоргин уф тортиб. Ўғил эшик олдида бир оз тараддуланиб турди-да:
- Касалхонага ётқизаман, жуда мазалари йўқ, – деди минғирлаб. Индамади, телевизорга термилган кўйи бошини қимирлатиб қўйди.

Туш кўрипти. Йигирма йилча аввал Зулфия деган бир қиз амалиёт ўтагани ишхоналарига келганди. Ӯша қизни кўлидан ушлаб кетаётганиши. Бутунлай унунтиб юборган эди. Нега тушига кирди? Ёдига тушди: юзида кулгичлари бор эди. Кеча мулозамат кўрсатган аёлнинг кулгичларидай чиройли кулгичлари бор эди...

Машинасини қиздира туриб, хотини ётган хонага бош сукіб ҳол-аҳвол сўраш керакиди, деган ўй үтди кўнглидан ва ўша заҳоти хотинининг кўрглага ўранган гумбаз-

дай танаси күз олдига келди: "арзимайды, – деб ўйлади, – аразлашига бало борми, юравер ھеч нима бўлмагандай, териси юпқа бўлиб қоптими? Ҳийлагар! Озиш керак! Индамасам келинга оёгини ювдиради, жодугар! Ўзини касалга солади, энди ўғлини эшак қилиб минади бу, аслида, йигирма йил аввал эшикни бир тепиб чиқиб кетишим керак эди... Зулфия мени яхши кўрарди... Шундоқ сезилиб турарди, ичимга олов ёқкан ака-акалаб... болаларим, эл-уругум дедим-а?" Дарвозани тарақлатиб очди: – Келин, эшикни кулфлаб олинг, – деб бақирди, алами тарқамади, ошхонадан югуриб чиқсан келининг хотини эшитсин учун баланд-баланд гапириди: – Айтинг ана унга, ёт-масин маслиққа ўҳшаб, ўзи ҳиқилдогимга келиб юрпти, ёмон қиласман, ёлгон касал бўлавериб семириб кетди... Машинаси эшигини карслатиб ёпиб ўтиргандан то ишхонасигача ҳам ўқтинг-ўқтинг сўкниб борди. Ишхонаси олдига тўхтади-ю, кечаги аёлни кўриш истагида банк биноси олдиаги машиналарга разм солди. Кўринмади. Тушгача нари-бери ишлаган бўлди, хаёли ёшлини кўчаларида саргардан югурди. Отасининг амри билан узоқ қариндошнинг қизига уйлангани, унинг ھеч нарсага уқуви йўқлиги, маза-матрасиз гапларидан қочиб нуқул шаҳарга кетавергани, отаси келинини эргаштириб келиб, уришиб сўкиб ташлаб кетгани, ҳаёт шу экан деб яшаб кетаверганини эслади. Яна ёдига Зулфия тушди: Хат ёзганди-я, очиқ қилиб "яхши кўраман сизни, келинг, Чаманда бирга яшаймиз, архивда ишлайпман" деб. Ҳозир борса, қидирса топармикан? Топса топар, топмаса кўнглини ёзib келади-ку. Шу важоҳат билан тушлик ҳам қилмай машинасига ўтириди-ю, Чаман қайдасан деб йўлга тушди. Юз чақирим нима дегани, минг бўлса ҳам бораман деб шаҳд қилди. Кузнинг таровати, баҳорнинг нафасини эслатадиган ёқимли ҳаво, равон йўл кўнглига ором бергандай бўлди. Катта-катта ҳарфлар билан "Чаман" деб ёзилган шаҳар дарвозаси олдида тўхтади. Ўз ишидан завқи келди. "Нимага келдим? Йигирма йил аввал архивда ишлаганидан бошқа ھеч нимани билмасам, топсан ҳам мени танирмиди, йигирма йилдан ҳам кўп бўлдиёв... Бирор дарди бор деса керак... аввал топай-чи... топсан топдим, топмасам ҳам қайтиб кетавераман, бир кўнгилни чигилини ёздиди... Сайр ҳам саёҳат, саргардонлик ҳам саёҳат"... Сўраб суриштириб шаҳар архивини топди, кўримсизгина бино экан, атрофга аланглаб бирор киши чиқса сўрарман деб турди, ھеч ким кўринавермагач, "бор нима бўлса, бўлди", деб ичкарига кирди. Ичкари ташқаридан ҳам ағбор эди. Могор ва эски қофоз ҳиди димоғига урилди. Йўлак нимкоронги, одам борга ўҳшамайди. Олдинга илдамлади, орқадан шиппакнинг шиппиллашига ўҳшаш овоз келди, тўхтаб ортига қаради, ёш қиз чойнек кўтарган кўйи яқинлашарди. Саломлашди. "Қизим, шу ерда Зулфия деган аёл ишламайдими?" деб сўради унинг саволомуз нигоҳига жавобан, қизнинг юзидағи аломат ўзгармади, "кирқ-кирқ беш ўшларда" дея илова қилди.

– Битта Зулфия опа борлар, бошлиғимиз. – Қиз бухороча талаффузда гапиради:

- Зулфия Махмудовна, шу киши эмасми сўраётганингиз?
- Отасининг исмими билмайман, балки шудир, – деди шаҳди пасайиб.

– Ҳайло, ана у хона, – қўли билан йўлак охиридаги хонани кўрсатди. Негадир оёғи оғирлашди, ҳатто бирдан орқага қайтмоқчи ҳам бўлди, бироқ жойидан жилмай унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган қизнинг нигоҳлари таъқибидан қочиб илгарилашдан бошқа иложи қолмади. Эшикни ўзига тортиб, "мумкинми?" дея ичкарилади. Хона бинога ҳам, йўлакка ҳам тамоман тескари: кенг, ёруг ва озода эди. Чап тарафдаги катта-катта иккита деразадан куз қўёшининг нурлари тўклиниб турар, ўнг тарафдаги катта тувакда хитой атиргули қийғос очилган, тўрдаги дераза токчасига терилган турли гуллар барқ уриб яшнарди. Столга мук тушганча ўқиётган аёл бошини кўтармай: – Киринг, – деди. Бу Зулфия эмас эди. Зулфиянинг соchlари калта қилиб кесилган, ажабтовор турмақда, икки чеккасидаги зулфлари иякларига тегиб турарди. Бу аёл эса соchlарини силлиқ қилиб тараган, орқасига турмаклаган эди. Аёл ҳамон бошини кўтармас, ниманидир ҳижжалаб ўқирмиди, ямаётганимди, дикқатини чалғитишни истамади. Ҳижолат тортиди, индамай секин ортига чекинди, эшикни итариб очганди ҳамки: – Нима ишшийиз бор? – деган овоз келди ортидан. Ичи музлаб, тиззаси қалтираб кетти: бу Зулфия эди. У, фақат у худди шундай қилиб "ишшийиз" дерди. Үгирилди. Аёл бошини кўтарди. Таниди. Бир неча узундан узоқ дақиқалардан кейин аёл ўқдай отилди у томонга, у ҳам беихтиёр кучогини очди. Аёл унинг қарилек нуқси уриб пўрсиллай бошлаган юзларига ҳамон тароватини йўқотмаган лабларини

босиб-босиб ўпди, негадир йиғлади, күзёшлари лабларига тегди, аёлдан келаётган атир хидидан боши айланди. Ўтирилар, хол-ахвол сўрашдилар, одатдагидай болаларига қизиқдилар. Зулфиянинг эри тиш дўхтири, иккита қизлари бор экан. Шоша-пиша ҳаётидан боҳабар қилган бўлди, норозига ўхшамади. Бир оз тўлишибди, лекин бу тўлишиш ярашган, ҳаяжондан қизарган юзидағи кулгичлари уни яна ҳам зебо қилганди. Ботаётган куз қўёшининг қип-қизил нурлари деразалардан оқиб кирди, кетишига тараффудланди:

– Шу ерлардан ўтаётувдим, сизни кўриб кетай дедим, энди мен борай. – Зулфия аввал ҳам тортинчоқ эмас эди, энди яна ҳам шаддод бўлипти, қўлидан маҳкам ушлади:

– Сизни осонгина кўйвормайман, бир пиёла чой ичмасдан-а? Олдигинамида қаҳвахона бор, шу ерда ўтирамиз. Қачон мен кўйворсам кетасиз, – деди энтикиб. Бу илтифотдан юраги орзиқди, ўттиз ёшли ўқтам даврларига қайтгандай, ҳеч қачон ўлмайдигандай вужуди куч-ғайратга тўлди. Бир дона чироқ хира ёритган қоронги йўлақда аёлнинг кўлини маҳкам қисиб қўйди, у қўзларини сузиб жилмайди, кулгичлари дилини ўртади.

Қаҳвахона нимкоронги ва бир оз дим эди. Овқат буюрдилар. Илк бора учрашганиларига йигирма тўрт йил бўлипти, вақтни орқага қайтаришди. Кунма-кун ўша кунларни яшадилар гўё. Зулфия ҳам, у ҳам нолинишишади.

– Мени ҳеч эсладингизми? Соғиндингизми? – деб сўради аёл.

– Эслаганим, соғинганим учун шу ердаман-да, – деб ёлғон гапирди. Аёл миннатдор жилмайди. Қаҳвахона ёш-яланлар билан тўлди. Рангли чироқлар мусиқага монанд ўчиб ёна бошлади. Зулфия "исиб кетдим" деб кўйлаги устидан кийган енгил костюмини очди. Кўйлаги енгиз эди. Беихтиёр аёлнинг очик, оппок билакларига қаради. Бу билаклар тасавуридагидек таранг эмасди. Қаримсиқлаша бошлаган эти аллақандай сўлқиллаб, осилиб турарди. Негадир бирдан энасини эслади. Унинг бирор иш қилганда кенг енгларини шимарив олиши ва билакларининг эти худди шундай, тўғрироғи, бундан баттарроқ буришиб сўлқиллаб туриши ёдига тушди. Кўнгли ағдарилди. "Мен ҳозир", деди-ю, ташқарига чиқди. Тоза ҳавода бирлас турди. Эшик олдида уни пойлаб турган дастёрги чақириб, ҳисоб-китоб қилди-да, машинасига ўтиреди. Машинасини йўлга тўғирлаб сўнгги бор қаҳвахонага қаради: Зулфия қаҳвахонанинг катта ойнаси ортида унга маъюс жилмайиб турарди.

Йўл равон, ҳаво мусаффо эди. Майин шамол юзини силар, дилини аллаларди. Уйига қайтгиси келмас, бу йўл ҳеч қачон тугамаслигини истарди.





## ТИЛИМИЗ - ХАЗИНАМИЗ

# ДҮНЁ ВА ТУРКИЙ ТИЛ

**МУЛОҲАЗА, МҮҲОКАМА, МҮНОЗАРА**

Писанд құлмас олимлар бизни айтғон түркини,  
Маңнисига етғонлар бошдан олар бүркіни.

Ахмад Яссавий

Одам бу оламда онгли мавжудот бўлиб яралибдики, у ҳамиша ўзининг яралиш тарихини, борлиқнинг моҳиятини англашга интилади. Табиийки, бунда одамнинг иккى асосий куроли бўлмиш ақл ва тил унга холис ёрдамчи бўлади. Аҳамият беринг, арабча "ақл", "оқил", "нақр", "мақол" сўзлари ўзаро ўзақдош бўлиб, улар "уқил" ё "ўқил" маъносида, туркӣ "үқ" ва "ўқи" сўзлари билан ҳамоҳанг, балки ўзақдошдир. Зоро, туркӣ тилдаги -ил, -л кўшимчалари феълнинг мажхул нисбатини ясаш учун қўлланади. Бундан ташқари, туркӣ халқлардаги "оқин" сўзи "бахши, достон айтувчи" маъносида ишлатилиб, аввал-бошда "ўқин", яъни "достон ўқувчи" (худди "бўғин", "сотқин", "тўсин" сўзлари каби) бўлса, эҳтимол. Шу нарса аниқки, олам ҳақидаги чексиз билимни саноқли (бир, юз, минг ва ҳоказо) авлодлар уқиб-ўзлаштириши амалда мумкин эмас. Демак, ҳар бир авлод онг билан уқиб, тўплаган билимларни кейинги авлодга қолдириши, кейинги авлод у билимларни таҳлил қилиб-бойитиб, ўзидан кейинги авлодга етказиши лозим. Бу жараёнда, албатта, тил ва адабиётнинг аҳамияти ақл ва онг каби мухим ва ҳал қилувчидир. Диний манбаларда "Аввал сўз бўлган", деб бежиз айтимаган. Тўғри, тил ҳам худди одамнинг беш сезгиси каби онгта бўйсунади. Лекин тил маъ-



**Фарруҳ АТАЕВ**

1979 йилда туғилган.  
Трой Давлат университетининг (АҚШ)  
математика факультетидаги таҳсил олган.  
ЎзМУда магистратура босқичини тайомлаган. 2009 йилда инглиз тилида "Математика" ўқув қўлланмаси (ҳаммуалифликда)  
чоп этилган. Ҳозирда Тошкентдаги Ҳалқаро Вестминстер университетидаги математикадан дарс беради.

**Козоқбой МАҲМУДОВ,**  
**филология фанлари доктори,**  
**профессор**

## ҲАВАС ВА ИНТИЛИШ

Фарруҳ Атаевнинг ушбу маколаси умуминсоний тараққиётдаги тарихий жарайи, тил таракқиёти ва адабиётнинг инсон тарбияси ҳақидаги ўрни тўғрисида ҳаваскорлик асосида яратилган. Жумладан, туркӣ халқларнинг тарихига бағишланган фикрлар баён килинган. Туркӣ халқлар тарихида этрусларнинг узок даврдаги тарихий жараёнларига ҳамда тилига бағишланган мулоҳазалар айтиб ўтилган. Тарихий адабиётларда этрусларга бағишланган асарлар кам учрай-

лум маңнода онғдан ҳам күдратлироқ бўлиши мумкин. Масалан, тилда осонгина ўннинг юзинчи даражаси (инглиз тилида бу сон "гугл" дейилади) катталикин ёки триллиондан бир қисм кичикликни айтиб-ифодалашимиз мумкин, лекин буни онг билан англаш жуда қийин. Диний манбаларда айтилишича, Тангри Таоло борликин биргина "бўл" (русча "будь", инглизча "be [би]") сўзи билан яратган. Қизиги шундаки, бу қадим туркий сўз икки феълни англатади. Бири "юз бермоқ, амалга ошмоқ", иккинчиси "синдириб, қирқиб, ёриб ва бошқа йўл билан бутунни қисмларга ажратмоқ". XX асрнинг бошларида олимлар борлиқ "ката портлаш"дан яралганини, коинот борган сари кенгаяётганини илмий исботладилар. Буни қарангки, "бўл" сўзи ҳар икки маъносида ҳам Яратганинг хошишини ифодалаяти... Сўзнинг, тилнинг күдратини кўрсатувчи бундай миссолларни истаганча келтириш мумкин.

Маълумки, табиатдаги барча жонли ва жонсиз мавжудотлар жуфт-жуфт яратилган. Ибтидоий даврдан бошлаб табиатдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида тўплана бошланган билимлар авлоддан-авлодга ўтиб келади. Бу жараёнда эррак билан аёл ўзига хос мажбурият ва имкониятларга эга. Улар, авваламбор, ҳар бир ургунинг, жамоанинг, жамиятнинг энг кичик асоси — оиласда намоён бўлади. Аёл ва эрракнинг оиласдаги ўрни ва вазифалари уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий-рухий имкониятларидан келиб чиқади. Яъни, ота ҳам, она ҳам оиласнинг бошқарувчиси бўлиб, "қарс икки кўлдан чиқади" дегандек, бу борада ҳар бирининг ҳиссаси мухим. Турли даврларда, турли шароит ва вазиятларда ота ёки онанинг бошқарувчилик ваколати, имконияти, қолаверса, маънавий ҳақи бироз ошиши ёки камайиши мумкин. Бундан катъи назар, фарзандларга ҳар иккиси ҳам бошлиқ, ҳар иккиси ҳам таълим ва тарбия беришга масъул ва мажбурилар.

Агар ота-она фарзанд таълим-тарбиясига масъул бўлса, у ҳолда улар ўз билим ва кўнникмаларини болаларига қай шакlda беради, ота ва она оиласда бу вазифаларни қандай бўлишиб олишган, деган саволга тўхталашиблик. Қисқа жавоб берадиган бўлсан, она боланинг тилини чиқаришга, ота эса унинг нутқини ривожлантириша хизмат қиласди. Бошқача айтганда, бола онадан она тилини, отадан адабни ўрганади. Шу ўринда арабча "адаб" сўзи "ада", яъни "ота" сўзидан ясалган, дея фараз қилсан, мантикан тўрги бўлади. Маълумки, баъзи ҳарфлар алмашиниб туради. Масалан, б, п, м ҳарфлари: "бундай" – "мундай", "туб" – "туп". Худди шундай, "адам" – "адаб". Зоро, "адабиёт" сўзиниң "адамият", яъни "одамийлик" дея тушунса ҳам бўлади. "Одам" сўзининг туб маъноси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар фикрича "одам" сўзи "адим" – "рўйи замин пўсти" сўзидан, баъзилар "одама" – "буғдой рангли" деган сўздан олинган<sup>1</sup>. Юончча "дидактик", "академик", потинча "educate [эдю'кейт]", education [эдю'ке'йшн] (таълим бермоқ, таълим), "advice [эдва'йс] (маслаҳат, ўғит)", "адвокат" сўзлари ҳам "ада", "адам" сўзлари билан боғлиқ бўлса керак. Умуман олганда, тилшунослик ҳам, адабиёт ҳам ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бисрисиз яшай олмайди ва бир-бирини тўлдиради. Вазифасига кўра ҳам улар ҳамиша ённа-ён: тилшунослик тилнинг сўз ясалиши, сўз туркумларию гап бўлакларининг қоидаларини ўрганиш билан шугулланса, адабиёт сўзининг ифода күдрати, воқеликни турли шаклларда тасвирлаш, тилнинг инсонга таъсирини кучайти-

<sup>1</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: "Чўлпон", 1994. 17-бет.

ди. Заки Валидий Тўғоннинг кизи Валидева этруслар ҳақида илмий маълумотлар эълон килган. Бу мақола муаллифи Атаев ҳозирги кундан уч минг йил аввал этруслар шимолий Италияга ўрнашгани ҳақида маълумот берган. Этруслар ўрнашган регионни "Этрускан" деб атаганлар. "Этрускан" сўзининг охиридаги иккита грамматик кўрсаткич, яъни, "этрус" сўзининг охиридаги "с" товуши, аслида, қадимги туркий тилларга хос кўплик кўрсаткичидир. "С" ундоши, аслида, "з" бўлган. "З" ундоши эса туркий халкларнинг аждоди сак халкларида кўплик кўрсатувчи грамматик белгидир. Сўз охиридаги -кан қўшимчаси жўгрофий ном ясовчи қўшимчадир. Буни исботловчи туркий халклар ўлкаларида шахарлар: Абакан, Ўтикаш, Ўзган, Наманган, Антикан (Андижон), Чимган (Чимён), Таркан (Тошкент), Шибирган (Афғон), Талкон каби топонимлар "этрускан" сўзига нисбатан этруслар туркий қавмга мансуб эканлигини исботлайди.

риш йўллари, инсоннинг туйгуларини кўзгаш, хатти-харакатларини бирор йўналишга солиш усуллари билан шугулланади. Яна шуни таъкидлаш керакки, агар оиласда эр ва хотин турли миллат вакиллари бўлса (масалан, она рус, ота ўзбек ёки аксинча), у ҳолда бундай оиласада фарзандлар аксарият ҳолларда, ота қанчалик қаршилик қиласин, онасининг тилини ўрганади. Лекин она қанчалик ҳаракат қиласин, аксарият ҳолларда, фарзандлар кўпроқ отасининг дунёкарашини, адаб-одобини қонига сингдиради.

Маълумки, тил инсоннинг онгидаги фикрлари ва кўнглидаги туйгуларини ифодалаш воситасидир. Аёллар табиатан эркакларга нисбатан таъсиричароқ, юшшокроқ, кўнгилчароқ бўлишлари, эркакларнинг эса, аксинча, қаттиқўл, бардошли, қатъияти бўлишлари улар тилида ўз ифодасини топади. Яъни, аёллар аксарият ҳолларда онга нисбатан қалбларига кўпроқ кулоқ тутсалар, эркаклар қалдан кўра онга кўпроқ таянадилар. Гап қайси бири яхши ёки тўғрилигига эмас, албатта. Бу муайян вазиятга боғлик. Баъзида аёлларнинг, баъзида эркакларнинг қарори кутилган натижаларни бериши мумкин. Яна шуниси ҳам борки, худди оиласда эр ва хотиннинг бир-бирини тушуниши оиласининг мустаҳкамлиги ва хотиржамлигини таъминлаганидек, тилда ифодаланган фикр ва туйгуларнинг қай даражада ўзаро мос-мувофиқлиги ҳам инсоннинг бутунлиги ва хотиржамлигини таъминпайди. Акс ҳолда, ўзаро келишолмаган эр ва хотин ажралгани ва оила пароканда бўлгани каби, ўзаро келишолмаган онг ва кўнгил, ақл ва туйғу инсонни турли фожиаларга олиб келиши мумкин.

Инглиз (лотин) тилида “она тили” избораси “language [лэ'нгвіж]” ёки “mother tongue [ма'зэр танг]” ва “адабиёт” сўзи “literature [ли'терітчэ]” дейилади. Этимологик луғатлар ва тарихий манбаларда лотин тилидаги сўзлар, жумладан, “literature [ли'терітчэ]” сўзи ҳам, қадимги Этрускан (Etruscan) тили ва маданиятидан ўзлаштирилганни қайд қилинган<sup>2</sup>. Этрускан маданияти ҳозирги Италияning шимолий қисмидан эрамиздан аввалиг 900-396 йилларда мавжуд бўлган. Машхур Рим империяси эса эрамиздан аввалиг 500-300 йилларда хукмронлик қилиган<sup>3</sup>. Этрускан тили ҳарфлари билан лотин тили ҳарфлари ўзаро зид бўлган. Масалан, лотинча “B”, “C”, “D”, “E”, “F”, “K”, “L”, “R”, “S” ҳарфлар этрускан алифбосида тескари томонга қараб ёзилган. Қолаверса, этрускан алифбоси қадимги юон алифбоси билан деярли бир хилда бўлган. Баъзи манбаларда этрускан тили ва маданияти асли қадимги турк тили ва маданиятига яқинлиги айтилади. Бунга бироз аниқлик киритиш мақсадида этрускан тилидан лотин тилига ўтган айрим сўзларни таҳлил қилиб кўрайлик. Маълумки, лотин (итальян ва инглиз) тилларида баъзи ҳарфлар (“c”, “g”, “i”, “u”) икки-уч хил талаффуз қилинади. Масалан, “cinema” ([си'нема] кинотеатр), “cousin” ([қозн] жиян), “cello” ([чэлло] виолончел), “go” ([го] бормок), “gentleman” ([же'нталмен] соҳиб, жентльмен), “fjellsh” ([фиңиш] тугаш, тамом бўлиш), “finje” ([фа'йнайт] чекли, тугалланган), “rit” ([рут] кўймоқ), “cüt” ([қат] кесмоқ), “tube” ([ту'б] кувур) ва ҳоказо. Агар ушбу ҳарфларни мослаб талаффуз қилинса, лотин ва турк тилларининг ўйғунлигини пайқаш мумкин. Масалан, “cow” ([кай] сигир) сўзини

<sup>2</sup> The American Heritage College Dictionary. Houghton Mifflin Company. USA.: 1997. P. 779-792.

<sup>3</sup> Time Almanac 2000 with Information Please. Boston. USA.: 2000. P.: 120.

Муаллиф этруслар тилидан лотин тилига лингвист, лэнжвиж, литература каби сўзлар ўзлашган, деб кўрсатади. Бу каби лексик қатламни лотин тилига ўзлашганини исботлаш учун чукур илмий тадқикотлар олиб бориш талаб қилинади.

Тарихан туркий тилларда очик-ёпик бир бўғинли сўзлар ёрдамида жумла тузганлар...

Ушбу мақолада ҳавас ва интилиш билан ижтимоий ҳаётга оид кўп масалаларни олдинга сурган. Унда кўрсатилган кўпчилик ғоялар инсониятнинг манфаати учун хизмат килади деб, караймиз. Ва ҳаваскор ёш олим мазкур макола орқали ўз ғояларини жамоатчиликка етказишни истайди. Шунга кўра, макола нашр қилинса, жамоатчилик орасида ижобий мулоҳазалар уйғотали, деб ўлтаймиз.

"say" тарзида талаффуз қилинса, "сигир" сўзи "согир", яъни "сог" ўзагидан ясалганилиги билан яқин бўлади. Қолаверса, аҳамият беринг, лотин тилидаги "language", "lang", "lingua" сўзлари "tongue [танг]" (лотинчада "тил (тана аъзоси)"ни англатади) сўзидан ясалган<sup>4</sup>. Бироқ "т" харфи "л" харфига ўзариши эҳтимоли жуда кам. Ўйлашимча, лотин тилидаги "language [лэнгважк]", "lang [ланг]", "lingua [лингва]" сўзлари туркий "билиг", "билги", "бильга", "билиг-билигинж" сўзларидан келиб чиқкан. Ўз навбатида, "tongue" сўзи туркча "танглай" (офиз бўшлиғининг бурун бўшлигига туташган юқори қисми сўзига мос келади<sup>5</sup>. Лотинча "literature" (адабиёт) сўзи "letter [ле'тер]" (хат, нома) сўзидан олинган бўлиб, бу туркча "тил" (куйида лотин ва турк сўзлари ўзаро тескари бўлиб қолгани ҳакида фикр юритамиз) ўзагига мос келади. Қолаверса, итальянча "leggera" ([легре'ра] ўрганмок, билмоқ), "collège" ([ко'ллидж] билим юрти), "legal" ([ли'гл] конуний, билигли) сўзлари туркча "(би)лиг" ўзагига курилган. Шуни ҳисобга олиш керакки, итальян (лотин) тилидаги "leggere" сўзидаги "еге" кўшимича бўлиб, ўзбекча "бильмоқ" феълининг -моқ кўшимчасига мос келади. Яна бир мисол: итальянча (лотинча) "tegere", "tangere" сўзлари "тегмоқ, ўраб олмоқ" маъноларини англатади. Бу турк тилидаги "тег", "танғи" ўзак сўзларига айнан мос келади. Ҳозирда ҳалқаро (аксарияти лотин тилидан олинган) сўзлар дея эътироф этилаётган кўпгина сўзлар асли туркча ўзак сўзлар эканлигига амин бўлиш мумкин. Масалан, инглизча "тантенс (тегма, уринма)", "интеграция (тег, тегранинг бирлашиши)" ва ҳоказо. Бундан ташқари, "филология" сўзи ҳам асли "тил" ва "билиг" сўзларидан келиб чиқкан бўлса керак. Сабаби, юонча "фил – яхши кўрмоқ" сўзидаги "ф" харфи лотин алифбосида уч хил – "ph", "f" ва "th" харфлари орқали ифодаланади (масалан, phone [фон] телефон, fax [факс], Athena [аси'на] Афина). Лотин ҳарфлари бўлган "f" ва "t" ўзаро бир-бири билан алмашиб қолиши мумкин. Масалан, лотинча "four – тўрт", "fashion – ташин", "fantasy – танті, дандайси", "fang – танг(лай)", "ferrum – темир", "finish – тиниш" ва ҳоказо. Юонча "логос – фан, билим" сўзидаги "ос" шунчаки кўшимича бўлиб, "лог" ўзаги "(би)лиг", "(би)лоғ(он)" сўзларига мос келади.

Ана энди, келинг, тилнинг пайдо бўлишини яхшироқ англаш учун одамзод яралган илк даврни тасаввур қилиб кўрайлик. Одамзод ер юзида бир-бири билан илк алоқа қила бошлаганда узун-узун сўзларни ишлатмаганлиги табиий, албатта. Фараз қилиш мумкинки, улар кисқа сўзлар, яъни икки, уч, тўрт товуш (ҳарф)дан иборат сўзларни кўллаб, ўз фикрларини англатишган. Масалан, "ав", "ас", "ат", "ий", "ма", "ой", "ол", "ос", "ув", "уй", "уз", "ул", "ут", "эй", "эр", "эш", "аба", "ава", "ада", "айа", "ака", "ала", "ама", "ана", "ана", "ата", "ача", "ага", "афа", "бер", "бир", "бор", "бур", "таш", "теш", "тиш", "тош", "тӯш", "баба", "бубу", "бўбў", "дада", "куку", "мама", "папа" ва ҳоказо. Шундай экан, Одам Ато ва Момо Ҳаво исмлари асли "ада" ва "ава" бўлгандир. Шунинг учун лотин ва рус тилларида улар "Adam" (Адам) ва "Eve" (Ева) деб талаффуз қилинади. Араб тилидаги "ҳаво" сўзи туркий "ава" ("авайламоқ" феълининг ўзаги) сўзи олдига "ҳ" товуши (ҳарфи) кўшилиб ясалган. Ҳолаверса, туркий "ава" сўзи билан "айа" ("аямоқ" феълининг буйруқ майли) сўзи ўзаро синонимдир. Арабча "аёл" сўзининг ўзаги ҳам "айа" бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Сабаби, "-л" кўшимча бўлиб, у феълининг мажхул нисбатини англатади. Умуман, араб, форс ва рус тилларидағи кўпгина сўзлар асли туркий сўзлардир. Масалан, "лугат-(би)лиг", "аврат-авра, ўра", "башара-бош-ора", "бүрқа-бүрка(моқ)", "мутлақ-тўлиқ", "тарангтара(моқ)", "чунки-тушунки", "карашма-карашма", "оташ-ўт", "билет-билит (билир)", "ванна-ювин", "конкурс-кўш кураш", "коса, косилка-кесмоқ", "ступня-тўпик", "тоска-тушкун", "чучело-чўчит", "кочевник-кўчманчи" ва ҳоказо. Араб тили билан турк тилининг узвий алоқадорлигига доир яна бир мисол: ислом динида чақалоқ туғилгандага унинг кулоғига азон айтилиб, "Оллоҳу Акбар, Мұхаммадур расууллоҳ" дейилади. Туркий ва бир қатор бошқа ҳалклардаги онанинг ўз чақалогига алла (эътибор беринг, "Оллоҳ"га охангдош) айтиши унинг ўз боласига ўзига хос азони, Оллоҳни танитиши, дейиш мумкин. "Алла" сўзи инглиз тилида "lullaby [ла'лыбай]" дейилади. Аҳамият беринг: инглизчада "goodbye [гу'дбай]" хайр, яхши қолинг, худо ёр бўлсин" сўзи асли "God by (you) [Год бай ю] Худо сиз билан" деган иборадан келиб чиқкан. Яъни, "lullaby" сўзи ҳам "Allah by you – Оллоҳ сен билан" иборасидан олинган бўлса, эҳтимол. Шу ўринда яна бир фикр: туркий

<sup>4</sup> The American Heritage College Dictionary. Houghton Mifflin Company. USA.: 1997. P. 763.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. Москва, "Русский язык", 1981. 117-бет.

халқлар худони Тангри деб атайди. Манбаларда бу сўзниң келиб чиқиши хусусида турлича қарашлар мавжуд: 1) "денгиз" (мўғулча "тентиз") сўзидан; 2) туркча "тонг" ва миср тилидаги "ра (куёш)", яъни "тонгдаги күёш" сўзларидан; 3) туркча "тэнг", яъни "барчага тенг қаровчи"дан келиб чиқкан. Менинг ўйлашимча, "Тангри" сўзи бутунлай бошқа икки сўздан келиб чиқкан бўлиши мантиқан асослироқ. Булардан бирни туркӣ "танги" сўзи, иккинчиси туркий "тўғри" сўзи. Сабаби, туркий тилда -р, -ар, -ир кўшимчалари от, сифат ва феъл ясашда ишлатилади. Масалан, "отбоқ(ар) – отбоқувчи", "тур(ар) – турадиган", "чанди(р) – гўштнинг қаттиқ пай қисми, яъни чандийдиган, зич килиб бирлаштирувчи", "чиғир – юқорига сув чиқрадиган, яъни чиғайдиган қурилма". Худди шундай, "танғир", "танғири" сўзлари "танғийдиган", "ўрайдиган" деган маънони англатади. Дарҳақиат, Тангри бутун оламни яратиб, уни ўраб туради. Тангри борлиқнинг ҳар бир заррасида мавжуд деб қараш кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам Тангри ҳар бир жойда ҳозири нозир, барча нарсани кўргувчи ва билгувчи, дея улуғланади. Туркий халқларда кўёшни, осмонни Тангрига қиёслашнинг сабаби, худди Тангри каби күёш ҳам, осмон (кўк) ҳам дунёни ўраб, чулғаб, қамраб туради. Ўтмишда туркий халқларда кенг тарқалган оташ-парастлик, ўтга сизинишнинг сабаби олов қўёшнинг ердаги кўриниши, иссиқлик, ёруғлик манбаи бўлиб, нарсаларни ёритиб, чулғаб туради. Тарихда бутун Шарқи Фарбда ҳукм сурган уч Хун (олимларнинг таъқидлашича, бу сўз асли "кун" сўзидан келиб чиқкан, менинг фаразимга кўра, бу сўз, аслида, Нуҳ пайғамбар исми билан боғлиқ бўлиши мумкин) империясио ҳар икки Турк (Кўк ва Осмонли) империяси ҳам ўзларига Тангрининг кун, кўк, осмон каби сифатларини кўллаган...

Иккинчи сўз – "тўғри"га келсақ, Тангри Таолонинг энг бирламчи сифати, арабча айтганда "Ҳақ, Жаноби Ҳақ"dir. Туркчада эса бу ўз-ўзидан "Тўғри" бўлади. Сабаби, тилшуносликдан мъалумки, "r" ва "f" товушлари "нг" ва "нг" дифтонг (кўшалок) товушлари билан, "ў" ҳарфи "о" ва "а" ҳарфлари билан алмасиши ҳоллари кўп учрайди. Масалан, "вағирла-ванғирла", "зигирча-зингирча", "ўт-оташ". Аслини олганда, "тўғри" ва "эгри", "тўғри" ва "ўғри" тушунчалари ҳар қандай диннинг асосини ташкил қилиб, жуда қадим замонларга бориб тақалади. Ўйлашимча, яхудий динининг муқаддас китоби арабча "Таврот", ибронийча "Tўra, Tora" ҳам асли "тўғри (тўри, туври, туйри)" сўзидан келиб чиқкан. Сабаби, бу муқаддас китоб, асосан, тўғрилик хақида хабар беради. Сирасини олганда, яхудийлик дини энг қадимий дин ҳисобланган зардустийлик дини билан уйғун бўлиб, ҳар иккисида ҳам "тўғри" ва "эгри" тушунчалари етакчи ўринни эгаллайди. (Буни қуйида батафсил таҳлил қиласиз). Инглиз тилида "тўғри" сўзи "true [tru]" бўлиб, инглиз парламентида қадимдан иккита қараш – тори (консерватив, ўнг қараш) ва уиг (либерал, сўл қараш) мавжуд бўлиб келган. "Тори" ва "уиг" сўзларининг ҳам ўзаклари "тўғри (тўри)" ва "эгри" бўлиб, маълумки, консерватив қарашли кишилар анъаналарга содик қолиш, тўғри келаётган йўлдан оғмаслик тарафдори бўлса, либерал қарашли кишилар ислоҳот ва ўзгартириш, тўғри келаётган йўлдан оғиб, эгри йўлларни синааб кўриш тарафдорлари бўлади. Ҳатто, ўйлашимча, инглизча "God [год]" ва форсча "худо" сўзлари ҳам туркча "тўғри" сўзи билан ўзакдошdir. Чунки "тўғри" сўзини тескарисига ўқисангиз, инглизча "right [райт]" (тўғри, ҳақ, ўнг) сўзи ҳосил бўлади. Бу сўздан эса "Got, God (худо), good (яхши)" сўзлари келиб чиқкан. Қолаверса, "right" сўзи "унг" деган маънони ҳам англатади. "Сўл" сўзини аксига ўқисангиз эса, инглизча "paralysis [пэр'лисис] паралич, фалаж" сўзидан келиб чиқкан "left [лефт] чап" сўзи ҳосил бўлади.

Туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга, борингки, ибтидоий даврга бориб тақалиши келтирилган фикрлардан бир қадар англешилиб турибди. Юқорида биз турк тилининг жаҳондаги энг қадимги тиллардан бири, дея эътироф этилувчи лотин тилига узвий алоқадорлигини кўриб чиқдик. Қуйида ўзбек тилидаги баъзи сўзларнинг туб маъноларини таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. "Ота" ва "она" сўзларидан кейин, табиийки, "бала", "ўғил", "қиз" сўзлари келади. "Бала" сўзи "гўдак, фарзанд, қадимги туркий тилда ҳам шу маънони англатган бу от асли ба:ла тарзида талаф-фуз қилинган<sup>6</sup>. "Ўғил" сўзи эса "эр жинсидаги фарзанд, қадимги туркий тилдаги "пайдо кил" маъносини англатган оғ феълидан –(у)л кўшимчаси билан ясалган. Дастлаб "фарзанд" маъносини англатган, кейинчалик маънода торайиш юз бериб, фақат "эр жинсидаги

<sup>6</sup> Ш.Рахматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик лугати. – Т.: "Университет", 2000. 57-бет.

фарзанд"ни англата бошлаган". Менинг фикримча, "бала" сүзи ҳам, "үгил" сүзи ҳам асли "богла" сүзидан келиб чиққан. Маълумки, "үгил" сүзи "ул", "ули" тарзидә ҳам кўлланади. Ўз навбатида, "ул", "ула" сўзлари "богла" сўзига маънодощир. Сабаби, "бала"нинг, хусусан, "үгил"нинг биш вазифаси отани онага, ажходни авлодга боғлаш – улашдан иборат. Инглиз тилида ўғил бола "boy [бой]" дейилади, яъни бу сўз "бойла"нин қисқарган шакли бўлиши мумкин. Бундан ташқари, "богла" сўзини "бог бўл, ўзингдан кўпай" тарзидә ҳам тушиуни мумкин. Ўндан кейин, бола "бешик"ка "бела"нади. "Бела" сўзи "бешикка оёбог, кўлбог билан боғлаб ёткиз"<sup>7</sup>. "Бешик" сўзи "чақалоқни белаб ухлатиш учун ясалган, тебратиша мосланган рўзгор буюми, бу от қадимги туркӣ тилда мавжуд бўлиб, "йўргак" маъненинг англатган бе отига –ши кўшимчаси кўшиб ясалган феълдан –к кўшимчаси билан ясалган<sup>8</sup>. Назаримда, "бела", "бешик" сўзлари "богла" сўзидан "богла-бойла-бейла-бела", "боглаш(ик)-бепаш(ик)-бешик" тарзидә келиб чиққан.

Энди тилларнинг қандай ривожланиши ва қай тарзда ўлик ёхуд халқаро тилга айланиш шартларини таҳлил қиласлий. Авваламбор, диний ва илмий манбаларда кўрсатилишича, қадимда (тахминан эрамиздан аввалги учинчи минг йилларда) дунё тўфони бўлган<sup>10</sup>. Бу тўфондан фақат санокли одамлар, яъни Нуҳ пайғамбар, унинг уч ўғли Хом, Сом, Ёфас ва уларнинг хотинлари омон қолгани, булардан ҳозирги барча одамлар тарқагани айтилади. Қолаверса, илмий манбаларда бутун башарият уч ирқа (негроид, европоид ва монголоид) ажратилиб кўрсатилади. Бу ирқларнинг айни шундай номланиши шартли, албатта. Диний ва илмий манбаларга таяниб ўзимизча фараз қилишимиз мумкин, уч ирқ уч ўғилдан тарқаган. Ана шу уч ўғилнинг (илмийлик учун уларнинг исмларини вақтинча Хом, Сом, Ёфас демаймиз) исмларини бизгача етиб келган турли манбалар (халқ оғзаки ижоди, битиклар, ер ости-ер усти қолдиқлари ва хоказо)дан излаб кўрайлил.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сўз ясалиши илк даврда содда бўлган деган фикрга (аксиомага) таяниб, дунёдаги қайси тилларда содда сўзлар сақланиб қолганини тадқик қилиб кўрсан айни мудда боўлади. Ўзим ўзбек, рус ва инглиз тилларни чукур билганим ҳолда, турк, араб, форс-тоҷик ва бошқа тиллардан ҳам бир қадар хабардорман. Дунёдаги тиллар уч гурухга – флекстив (рус, инглиз ва ҳоказо), агглютинатив (олтой оиласидаги тиллар ва бошқа), аморфга (хитой, бирма ва бошқа) бўлинади. Флекстив тилларда бирдан ортиқ грамматик маъно биргина кўрсаткич орқали ифодаланади. Масалан, "я читаю книгу" гапидаги "читаю" сўзидаги "ю" кўшимчаси майл, замон ва шахс-сон маъноларини ифодалайди. Агглютинатив тилларда ҳар бир грамматик маъно алоҳида кўшимча (аффикс) билан ифодаланади. Масалан, "мен китоб ўқияпман" гапидаги "ўқи+яп+ман" сўзида аффикслар (кўшимчалар) замон ва шахс-сон маъноларини ифодалайди. Аморф тилларда гапда сўзлар бир-бири билан тўғридан-тўғри бирикib келади. Масалан, хитойчада "мен ҳозир китоб ўқиш/ўқимоқ" гапидаги "ўқишиш/ўқимоқ" сўзи умумий бўлиб, гап мазмунига қараб унинг мос маъноси англшилади. (Д.А.Муҳамедова, Д.Шодмоқулова) Негроид ва европоид тиллари, асосан, флекстив, монголоид тиллари эса агглютинатив ва аморф эканлигини таъкидлашимиз мумкин. Масалан, туркӣ тиллар агглютинатив бўлса, хитой тили аморф турга мансуб. Бу уч ирқнинг тиллари орасида негроид ва европоид тилларида икки, уч ё тўрт ҳарфдан иборат ўзак сўзлар кўп эмаслиги, монголоид тилларда эса, бундай ихчам ўзак сўзлар аксариёт кўплигини ҳисобга олсан, монголоид тиллари башариятнинг энг бошлангич даврига бориб тақалади, деб ҳулоса қилиш мумкин.

Энди юқорида айтилган ўша уч ўғил оталари Нуҳ алайҳиссалом билан бирга ягона оила бўлиб яшаганларида уларнинг тиллари умумий бўлган. Ўз шахсий ҳаётларини куриб алоҳида яшай бошлаганларида ҳам маълум муддат уларнинг тиллари умумий бўлган. Лекин ўн йиллар, асрлар ўтгани сайин аста-секин уларнинг тиллари фарқлана борган. Ҳаттоқи, сўз ва гап ясаш қоидалари ҳам ўзгарган, дейиш мумкин. Ана шунда икки ака-ука (негроид ва европоид) флекстив усуслари, учинчи ўғил (монголоид) агглютинатив усуслари танлаган бўлса эҳтимол. Маълумки, кўп тилларда "ада" ва "дада" сўзлари "ота" маъносида бўлиб, ўзбек тилида қариндошлар шунга оҳангдош қилиб айтилади. Масалан, "ата", "айа", "ака", "апа", "ага", "ама" ва ҳоказо. Ўхшаш нарсаларни оҳангдош

<sup>7</sup> Ўша асар. 449-бет.

<sup>8</sup> Ўша асар. 45-бет.

<sup>9</sup> Ўша асар. 47-бет.

<sup>10</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: "Чўлпон", 1994. 30-бет.

сўзлар билан номлаш унумли ва қулай-да. Ана шундай уч ҳарф-тovушдан иборат ўзак сўзлар монголоид тиллари бўлган ўзбек, хитой, корейс, япон ва бошқа тилларда аксарият кўпчиликни ташкил қилиши маълум.

Европадаги тиллар асосан роман-герман тиллари оиласалига мансуб. Хусусан, инглиз тили герман тиллари оиласига киради. Қадимги инглиз тили замонавий инглиз тилидан кескин фарқ қилиб, олмон тилига жуда яқин бўлган. Назаримда, роман тиллари ҳам, герман тиллари ҳам, туркӣ тиллар ҳам аввал-бошда бир бўлиб, умумий ёзув – руник ёзувни кўплаган. Ҳозирда Европада 5000 дан ортик руник ёзувдаги битиклар топилган. Шулардан 3000 – Швециядан, 500 – Даниядан, 600 – Норвегиядан, 140 – Британия оролларидан, 60 – Гренландиядан, 70 – Исландиядан, бир ҷанчаси – Россия, Латвия, Украина, Германия, Австрия, Франция, Греция, Руминия, Туркия, Нидерландиядан то-пилган. Айни чогда, маълумки, Осиёдан топилган Ўрхун-Энасой, Тўнюқуқ, Култегин ва бошқа кўплаб битиклар ҳам руник ёзувда бўлган. Бирок кейинчалик лотин, ундан сўнг кирил ёзуви яратилиб, роман-герман ва турк тиллари бир-биридан узоклаша бошланган. Шу даражада узоклашган, балки атайин узоклаштирилганки, натижада, роман-герман тилларида кўпгина сўзлар туркӣ тиллардаги сўзларни тескарисига ўқиш ва ёзиш орқали ҳосил қилинган. Бу жараённинг сабабларидан бирини қўйидагича тушунтириш мумкин. Маълумки, IX-XII асрлар Шарқ уйғониш даври, IX-XII асрлар Ғарб уйғониш даври сифатида эътироф этилади. Ғарб уйғониш даврида ҳинд, араб, турк, хитой тилларидаги кўпгина асарлар лотин тилига таржима қилинган. Таржима қилинаётган асарларнинг барчаси ўша даврнинг фан тили бўлган араб тилида яратилган, дейиш тўғри эмас. Сабаби, турк тилида, бирок араб ёзувида битилган асарлар ҳам кўп бўлган. Баъзи таржимонлар айрим сўзларни атайин тескарисига “таржима қилишган”. Масалан, инглиз тилидаги “right” ([райт] тўғри) сўзи “r”, “г” ва “т” ҳарфларидан тузилган. Инглиз тилида “r” ҳарфи йўқ бўлган сабабли, у “gh” орқали ифодаланган.

Туркӣ ва инглиз тилларининг синтаксиси ва морфологиясидағи ўхшашликларни таҳлил қилсак, уларнинг бир-бирига қанчалик яқин эканлигига амин бўламиз. Маълумки, феълнинг учта замони мавжуд. Туркӣ тилда феълнинг ўтган замонини ясаш учун сўзга “-ди”, “-ган” кўшимчалари кўшилса, инглиз тилида “-ид”, “-ан” кўшимчалари кўшилади. Масалан, “play” [плей] ўйнамок, ўтган замон: “played” [плэйд] ўйнади; “give” [гив] бермок, ўтган тугалланган замон: “given” [гивн] берган. Туркӣ тилда сифат ва равиш ясаш учун “-ли”, “-иш”, “-иши”, “-ал”, “-л”, “-ий” кўшимчалари ишлатилса, инглиз тилида ҳам шундай. Масалан, “day” [дей] кун, daily [дэйли] кунли(к), ҳар кунги; easy [и’зи] осон, easily [и’зили] осонли; “red” [ред] қизил, blue [блу] кўк, “reddish” [ре’диш] қизгиш, [блу’иш] кўкиш; finish [фи’ниш] тугаш, тугамок, final [фа’йнл] тугал, охирги; center [се’нтр] марказ, central [се’нтрл] марказий. Туркӣ тилда “сиз” бўлишсизлик кўшимчаси бўлса, инглиз тилида “-лесс” (худди “ли+сиз” қисқаргандек) кўшимчаси ишлатилади. Масалан, “pain” [пе’йн] оғриқ, “painless” [пе’йнлесс] оғриқсиз. Туркӣ тилда “-ин”, “-чи” от ясочи кўшимчалар бўлса, инглиз тилида “-инг”, “-чиан, -шиан” худди шундай. Масалан, “dance” [де’нс] ўйнамок, рақсга тушмок, “dancing” [де’нсинг] ўйин, рақс; music [мю’зик] мусиқа, musician [мюзи’шн] мусиқачи.

Турли манбаларда ёзув эрамиздан аввалги XII асрда кашф қилинган дейилади. Баъзи бир манбаларда эса, ундан ҳам аввал кашф қилингани айтилади. Масалан, эрамиздан 2 минг йил аввал яшаган шумерларнинг олтмишлиқ саноқ тизимидағи математик қоидалар ёзib қолдирган тахтачалари топилган. Бундай ёзма манбалардан қатъи назар, ҳалқ оғзаки ижоди одамзод тўплаган билимларни авлоддан авлодга ўтказиша ҳамиши энг ишончли ва унумли восита бўлган. Шундай экан, келинг, ҳалқ оғзаки ижодига мурожаат қилиб, ундаги айрим адабий қаҳрамонлар номларини ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга қиёсий таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Маълумки, Ҳўжа Насридин Афанди ўзбек ҳалқи ва, умуман, барча туркӣ ҳалқларнинг энг умрибокий адабий қаҳрамонларидан бири ҳисобланади. Энг бирламчи исми Афанди. Кейинчалик араблар таъсирида у Насридин, деб атала бошлангач, Афанди оти ўз-ўзидан сифатга айланган. Худди шундай 1999 йилда Ўзбекистонда 1000 йиллиги кенг нишонланган ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси – “Алномиш” достони ҳам араблар таъсирида қайта яратилган. Назаримда, диний-ёзма манбаларда келган Нуҳ пайғамбар – иккинчи Одам Атонинг учинчи ўғли Ёфас асли исми “Афа” бўлган. Сабаби Нуҳ пайғамбар ўз ўғлига Одам Атонинг исмига (“Ада”, “Адам”) оҳангдош қилиб исм берган, қолаверса, аввалги икки

ўғлига ҳам "Аха" ва "Аса" деб исм қўйган бўлса керак. Туркий тилдаги "-м" қўшимчаси ўзликни англатиб, "Ахам", "Асам" ва "Афам" тарзида талаффуз қилина бошланган. "Ахамоний", "Ассам", "Афанасий" (шу ўринда рус киносталари яратган "Афоня" бадиий фильмида бош қаҳрамон Афандиларча содда қилиб тасвирланганни бежиз эмас) сўзларининг ўзаклари ҳам юқоридаги уч исмга бориб тақалади. Хитойларнинг Конфуций (Кунфуций) (эрамиздан аввал VI асрда яшаган файласуф) исми ҳам "Кун Афас" сўзларидан тузилган бўлиши мумкин. Шунинг учун хитойлар унинг насиҳатларини худди ота ўғити сифатида қабул қилишади. Шу ўринда, панд-насиҳат, турли маслаҳат ва донишмандликлар "афоризм" дейилиши бежиз эмаслигини ҳам айтиш керак. Афандининг лофчилиги ва латифачилиги ҳам тасодиф эмас, албатта. Хитой кураш санъати "Кунфу", худди Афанди латифалариdek, яшаш учун, адолат учун кураш усули сифатида талқин қилинади. "Ўзбек тилининг изоҳи лугати"да<sup>11</sup> Афанди сўзи юнон тилидан олинганилиги қайд этилган. Бунга куйидагича изоҳ бериш мумкин. Ҳинд маърифатпарвари Жаваҳарльал Неру ўзининг уч оламшумул асаридан биррида ёзишича<sup>12</sup>, қадимда Юнонистон ва Ҳиндистонга шимолдан орйилар бостириб келишган. Натижада, Юнонистонда Афина, Спарта ва бошқа машҳур шаҳарлар вужудга келган. Ҳиндистонда эса орйилар санскрит тилини; Ведалар, Упанишадлар, "Рамаяна" ва "Махобҳорат" асарларини яратганлар<sup>13</sup>. АҚШда 2000 йилда чоп этилган йилномада<sup>14</sup> шу фикрлар яна бир карра тасдиқланиб, "Милоддан аввали 1500 йилларда Ҳиндистонни шимолий-ғарбдан келган орйилар истило қилишади, улар бу юртга санскрит тили ва хинду динига туртки бўлган ведик динини олиб киришади", деб ёзилган. Тарихдан маълумки, милоддан аввал 1500 йилда буюк Хун империяси вужудга келган ва у бутун Фарб билан Шарқда ҳукмронлик қилган. Ҳунларнинг туркий бўлганилиги турли манбаларда қайд қилинган.

Яна шу нарса ҳам маълумки, оташпарамастлик-зардуштийлик (зороастризм, юнон тиляда "астрон" сўзи "юлдуз" дегани) дини ҳам эрамиздан аввали XIV-XII асрларда пайдо (ёки мавжуд) бўлгани расмий манбаларда қайд қилинган. Эътибор беринг: эрамиздан аввали XIV асрда бутун Фарбу Шарқда буюк Хун империяси ҳукмронлик қилган. XIII асрда Мусо алайҳиссалом ўз халқини Фиръавн зулмидан озодликка олиб чиқсан... Зардустийлик дини ҳақида фундаментал тадқиқотлар муаллифи инглиз Мэри Бойс унинг бундан 3500 йиллар илгари Осиё чўлларидан пайдо бўлгани, бошқа динларнинг шаклланиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатгани, чунки ўз табиатига кўра гоят олижаноб, инсонпарвар дин эканлигини таъкидлайди. Ҳозирда олимлар зардустийлик динини ҳам самовий динлар қаторига кўшиб, уни монотеистик, яъни яккаҳудолика асосланган дин сифатида эътироф этимодалар. Бирок ҳозирга қадар бу диннинг муқаддас китоби ҳисобланган "Авесто" қайси тилда ёзилгани номаълум бўлиб, тарихий маълумотларга қараганда, эрамиздан аввали VII-VI асрларда у форс тилига ўғирилгани, эрамизнинг XI асрига келиб эса, у эски форс тилидан янги форс тилига ўғирилгани айтилади. Назаримда, худди ислом дини пайдо бўлганида форслар шиа мазҳабига асос согланадек, зардустийлик дини яратилганида форслар ўзларининг дунёкарашидан келиб чиқсан ҳолда уни ўзларига мослаштирган. "Авесто" сўзи қадимий маздапарастварларнинг ўзигагина мансуб бўлиб, "а" артикули ва "виста" феълидан иборат. "Виста" сўзининг ўзаги "вид", "ванд" бўлиб, маъноси "танимок", "бильмоқ", "топилмоқ", "кўринмоқ" кабидир. Ҳиндларнинг энг қадимий "Видо" (Веда) китобининг номи билан илдизи бир. Шу маънода "Авесто"ни "Огоҳнома" ё "Донишнома" маъносига тушуниш мумкин. Эҳтимол, зардустийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланган "Авесто" ҳам асли "Афасата", "Афасато" деб номлангандир. Турли тарихий манбаларда Ёфас алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлгани эътироф этилган<sup>15</sup>. "Авесто"да эзгулик ва ёвузлик, тўғрилик ва эгрилик ҳақида, одам ва олам тарихи, табиат ва жамият тузилиши ҳақида маълумотлар берилган. Китобда эзгулик ва ёвузлик тимсоллари авеста тилида "Ормузд" ва "Ангра Майню", пахлавий тилида "Ахура Мазда" ва "Ахриман" шаклида қайд қилинган. Ўилашимча,

<sup>11</sup> Джаваҳирлал Неру. Взгляд на всемирную историю: – М.: "Прогресс", 1989. С. 52-53.

<sup>12</sup> Уша асар. 61-62-бетлар.

<sup>13</sup> Time Almanac 2000 with Information Please. Boston. USA.: 2000. Р.: 232-233.

<sup>14</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: "Чўлпон", 1994. 34-35-бетлар.

<sup>15</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: "Чўлпон", 1994. 34-35-бетлар.

авеста тилидагиси "Тангри (түгри)" ва "Ангри (эгри)" маъносида, пахлавий тилидагиси "Ах (Ох) ур, маза" ва "Ах (Ох) ур, ёмон" сўзларидан тузилган. Оташпаратстлик динига кўра одамлар ўт-оловга сигинишади, дея таъкидланади. Буни шундай тушуниш мумкин. Юқорида айтганимиздек, "Тангри" сўзи "тангири", яъни "тангувчи, ўровчи, чулғаб олувчи" маъносида ишлатилади. Кўёш, осмон ана шу сифатга эга бўлгани учун қадимда туркий халқлар ва хитой халқи офтобни, кунни алоҳида қадрлашган. Шунинг учун "кун" сўзи "Тангри каби азиз ва мукаррам" деган маънода ишлатилган. Туркий тилда "кўкай" деган сўз одамнинг руҳини англатади. Худди осмон кўк дейилгани каби, одам кўкрагидаги руҳ, қалб, кўнгил қадим туркий тилимизда "кўкай" деб аталган. Бугун ҳам тилимизда кўлланувчи "Кўкайидан урди" деган ибора "юрагидан урди", "яхши кўриб қолди" деган маънони англатади. Ўзбек тилидаги "кўнгил" сўзи, баъзиларнинг фикрича, икки сўздан (кўн+гил) ясалган. Яъни Тангри Таоло одамни гилдан яратгач, ўз руҳини гилга киришга ундейди, "гилга киришга кўн", яъни "кўнгил" дейди, буни жозибали кўй ёрдамида амалга оширади. Менинг ўлашимича, кўнгил аввал-бошда "кунгил", яъни "гилдаги кун", "гил ичидаги зиёб, ёруғлик, нур" маъносида кўлланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасдир.

Маълумки, Ёфас исми юонон ва лотин тилларида "Яфет, Яфит" деб талаффуз қилинади. Эрамизнинг IV-V асрларида, яъни буюк Турк ҳоқонлиги ташкил топишидан бир муддат аввал Марказий Осиёда кудратли эфталитлар давлати хукмронлик қилган. Бу давлат ҳатто Хитойга ҳарбий юришлар уюштирган. "Эфталит" сўзи "Яфет эли" деган маънога эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, "Италия" сўзи ҳам айни шу ўзакка курилиб, аввал-бошда "Яф+итэли" бўлгандир, балки. Шунинг учун ҳам тарихда насрори динининг маркази бўлган Италия, қадимий Рим империяси Ёфас авлодлари ва туркий халқлар билан чамбарчас боғлиқ.

Турк халқининг ҳинд халқи ва Европа халқлари билан ўзаро алоқалари Нуҳ пайғамбар даврига бориб тақалиши табиий. Бунга яна қуйидаги далилларни ҳам келтирамиз. Ҳиндлар бирор кишига ҳурмат билан мурожаат қилганда "пандит", поляклар "пан" дейди. Бу "афанди" сўзига мос, айни сўзининг бироз ўзгарган шаклигина. Маълумки, "п" ва "ф" ҳарфлари ўзаро алмашинувчи ҳисобланади. Масалан, форс тилидаги "падар", "пари" сўзлари инглиз тилидаги "father [фа'зэр]", "fary [фе'йри]" сўзларига мос келади. Қолаверса, баъзida "афанди" сўзи тилимизда "апанди" деб талаффуз қилинишини яхши биламиз. Форс-тоҷик тилидан олинган "панд" сўзи "ӯгит, насиҳат" маъносини билдиради<sup>16</sup>, яъни "афанди-пандитнинг сўзи, ўгити" демақдир. Бундан ташқари, маълумки, Шарқда ота сўзи исмдан сўнг айтилади, масалан, "Олма ота", "Чўлпон ота", "Одам Ота" ва ҳоказо. Фарбда эса, аксинча, масалан, "ота Горацио", "ота Филипп", "Эдисон (Ада+сан, яъни Ота+ули) ва ҳоказо. Фаразимча, афсонавий "Эдип" (Шоҳ Эдип) сўзи "Ада+Апас", яъни, "Ада+Ёфас" сўзидан келип чиққан...

Маълумки, турк, хусусан ўзбек тилидаги феълларнинг аксарияти 2-3 товуш (ҳарф) дан иборат. Масалан, "ос, эс, ўс", "оз, эз, ўз", "ил, оп, юл, ўл", "от, ют, ўт", "теш, тош, туш", "сот, сит, сўт", "қир, қор, кур, қўр", "қич, қоч, қуч" ва ҳоказо. Тўрт ва ундан ортиқ товуш (ҳарф)дан иборат феълларнинг аксарияти 2-3 ҳарфли феъллардан ясалган. Масалан, "йирт – йир", "кеерт – кер", "кўнник – кўн", "сина – син", "сурка – сур", "сўра – сўр", "узай, узат, узан – уз", "чайқа, чайна – чай", "қизар, қизған – қиз", "қирқ, қиртишла, қирчи – қир", "қисқар, қиста – қис" ва ҳоказо. Энди ҳисоблайлик. Ўзбек тилининг лотин алифбосида жами 29 ҳарф бўлиб, икки ҳарфдан жами 400 га яқин сўз ҳосил қилиш мумкин. Шулардан ҳозирда атиги 100 га яқини, яъни 25 фоизи амалда фаол кўлланади. Худди шундай, уч ҳарфдан жами 4000 га яқин сўз ҳосил қилиш мумкин. Шулардан ҳозирда атиги 600 га яқини, яъни 15 фоизи амалда фаол кўлланади. Демоқимизки, янги ўзак сўзлар яратиш орқали (бунда қадим туркий тилдаги ўзак сўзларни тикилаш ҳам назарда тутилади) ҳам тилининг бойишига, ҳам тилни чет тилларидан кириб келаётган сўзлардан муҳофаза килишга эришамиз. Масалан, "чат", "чет", "чит", "чот", "чут" сўзлари фаол кўлланилади, худди шундай, "чут" сўзига ҳам бирор маъно юкласа бўлади.

Хуллас, ҳар бир инсон ўзлигини, ўтмишини, хаётдан мақсадини доимо англаши, ёдида тутиши керак. Бунда, табиийки, инсон онги ва ақлийнинг, хусусан, она тили ва адабиётнинг ўрни бекиёс. Зоро она тили ва адабиёт инсоният маънавиятининг кўзгуси

<sup>16</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. М.: "Русский язык", 1981. 570-бет.

ва уни шакллантирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Ҳудди жамиятда ҳар бир оиласининг равнаки ота ва онага боғлиқ бўлганидек, инсоният онгининг равнақи ҳам она тили ва адабиётга боғлиқ. Шундай экан, барчага тилни бузгувчилар, айирувчилар, йўқотувчилардан эмас, балки, аксинча, уни сақловчилар, бойитувчилар, уюштирувчилардан бўлишни тилаймиз.

## ТАҲРИРИЯТДАН

Фаррух Атаев – математик. Лекин тил ва адабиёт масалаларига қизиқади. Бадиий адабиёт таржимаси билан шугулланади. Шекспирнинг “Макбет”, “Қирол Лир”, “Юлий Цезарь”, “Венециялик савдогар”, “Жанжалкашнинг тийилиши”, “Бўрон” драмаларини инглиз тилидан ўзбек тилига, ёзувчи Отаулининг “Туркистон ҳақида афсона” асарини ўзбекчадан инглизчага таржима килган. Бу – илмий-ижодий ишларнинг барчаси унинг учун кўнгил иши: шундан завқланади, қалби ҳузур қиласди...

Яқинда Фаррух Атаев таҳриритимизга каттагина бир мақола билан кириб келди. Унинг бир қисми адабиёт, яна бир қисми тил ҳақида. Унда дунё тилларининг пайдо бўлиш омиллари, уларнинг муштарак жиҳатлари, бир қатор туркий сўзларнинг бошқа тиллардаги сўзларга асос бўлгани ҳақидаги мулоҳазалар илгари сурилган. Мақолада сўзларнинг этиологияси билан боғлиқ баҳслашадиган ўринлар анчагина. Шу боис ҳам, таҳририят мутахассисларга мурожаат қилди. Профессор Қозоқбой Маҳмудов Фаррух Атаев “ҳавас ва интилиш”ларини кўллаб-куватлади ва мақолани нашрга тавсия қилди. Профессор Бокижон Тўхлиев эса унга муносабатини таҳририят электрон почтаси орқали жўнатди: “Фаррух Атаевнинг мақоласи билан танишиб чиқдим. Мақолада янги ва яхши фикрлар анча. У журъатли таклифлари билан эътиборли. Фақат муаллифнинг филология соҳасидаги профессионал билимларининг етарли эмаслиги кўриниб қолган.

Мақолани жиддий тарзда таҳрир қилиб, қисқартирган ҳолда чоп этишни ўйлаб кўриш мумкин”.

Нихоят, таҳририят бироз “ўйлаб кўриш”лардан кейин ушбу мақолани қисқартирган ҳолда чоп этишга жазм этди. Лекин, бу дегани, Фаррух Атаевнинг кузатувларига тўла кўшилиш мумкин, дегани эмас. Мақолада баҳсталаб ўринлар кўп. Биз айнан шунинг учун ҳам уни эълон қилаяпмиз. Мақсад – журналхонларимизни мунозарага чорлаш. Ҳақиқат эса баҳсу мунозараларда қарор топади.



## Дурдона

Журнал мактабада тарбиятчилик салони  
Маркази ташаббус мактабада тарбиятчилик салони

### ҚУТАДГУ БИЛИГ (САОДАТГА ЭЛТУВЧИ БИЛИМ)

#### Парча

Билимни буюк бил, заковатни иўл,  
Улугдир икковин тута билган қўл.

Сўз дедим, исботи шундай келди мос,  
Мендан эшият уни, қулогингга ос:

Заковат кўрган ер, бўлур улугвор,  
Билим кимда бўлса, буюклиги бор.

Доно билур, идрок этади оқил,  
Билимли, оқилининг муроди ҳосил.


Билим маъносин бил, яхши билим ол,  
Билимни бил мушкул ерингда қурол.

Билимсизнинг бари дардлик бўлади,  
Дардин эмламаган киши ўлади.

Дардингга даво қил, келгил, эй нодон,  
Билимсиз – хор, доно – баҳтлидир, инон.

Билимдир бурундуқ, гар тутса одам,  
Тилакка етказар, этар муҳтарам.

Закийга каттадир законинг нафи,  
Билимдан ортаражак яна шарафи.



**Юсуф  
Хос Ҳожиб**

"Кутадгу билиг" (Саодатга элтувчи билим) номли туркий тилда ёзилган илк йирик ҳажмсли адабий-матърифий асар яратган шоир, давлат арбоби, дошишманд адабидир. У Боласогун шаҳрида тахминан XI асрнинг 20-йилларида туғилган. Юсуф Хос Ҳожиб замонасиning энг муҳим фанлари: тарих, бадиий адабиёт, астрономия, геометрия, математика, тиббиёт, география ҳамда форс, араб тилларини чукур ўрганганд. Вафот этган иили номаълум.

#### ТАҲРИРИЯТДАН

Фазлиддин Равшанов Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тутатган. Талабалик йилларидан мумтоз адабиётимизга, хусусан, Юсуф Хос Ҳожибининг "Кутадгу билиг" асарига меҳри тушган. Қаюмжон Каримов нашрага тайёрлаган ушбу асарнинг ҳар бир байти устида фикр юритган, уларни маъно-мағзини чақиши, ҳикматини туйишдан завқ олган.

90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фазлиддин Равшанов Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академиясида фаолият кўрсатган. 1999 иили докторантурага кириб, профессор Нажмиддин Комилов раҳбарлигига "Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари" мавзусида илмий иш бошлаган. Иш-

Үқүв бирла қылур бор иши-амалин,  
Билимдан бил, беклар баҳтиң, камолин.

Заковат, билимнинг таржимони – тил,  
Эрни улугловичи равон тил деб бил.

Тил ила эр улуг, бўлур баҳтиёр,  
Тил ила берқадр, гамга гирифтор.

Тил арслондир, боқ эшикда ётар,  
Маккору ваҳшийдир, бошинг йўқотар.

Тилдан озор топган, не дейди, эшишт,  
Бу сўзга амал қил, ўзингга эш эт:

Тил етказар менга жсуда кўп алам,  
Бошим кетмай, унга берайин барҳам.

Сўзингни тузатгил, бошинг кетмасин,  
Тилинг тий, тишингга кулфат етмасин.

Эсонлик тиласанг, ўзингга ўзинг,  
Тилингдан чиқарма яроқсиз сўзинг.

Биглиб, сўзланса сўз, зако саналар,  
Сўздан йўқотар бош нодон таналар.

Киши сўз-ла ўсди, бўлди шоҳ-малик,  
Кўп сўз – изза, қадни эгар ерчалик.

Гапдон тилни дерлар, эзма-сўзамол,  
Камган бўлса, яна, дейдилар, гунг-лол.

Холат бўлса шундай, ўртача йўл тут,  
Ўртача йўриқда баракаю қут.

Тилга ҳушёр бўлсанг, бошингдир омон,  
Яшарсан, сўзласанг қисқа, кўп замон.

Тилинг нафи талаӣ, шошмасанг бироз,  
Гоҳо сўқилар тил, гоҳ топар эъзоз.

НИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИДАН БИРИ “КУДАТГУ БИЛИГ” БЎЛГАН. 2007 ЙИЛДА УШБУ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ НАТИЖАСИ ҮЛАРОҚ ҚАЗАГА КЕЛГАН МОНОГРАФИЯСИ – “МИЛЛИЙ РАҲБАРШУНОСЛИК ТАРИХИ ВА ТАЖРИБА” (– Т.: “АКАДЕМИЯ”, 2007) ЧОП ЭТИЛГАН.

ФАЗЛИДДИН РАВШАНОВНИНГ “КУДАТГУ БИЛИГ”ГА БЎЛГАН МУҲАББАТИ ШУ БИЛАНГИНА ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАДИ. ОЛИМ УШБУ ҚОМУСИЙ АСАРНИ, БУГУНГИ ЎҚУВЧИННИНГ МАЪНАВИЙ МУЛКИГА АЙЛАНТИРИШ НИЯТИДА, ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ТИЛИГА МУВОФИКЛАШТИРДИ. БУ – МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ, АЙНИ ПАЙТДА, ШАРАФЛИ ХИЗМАТ ҲАМ. ШУ БОИС, БИЗ УШБУ АСАРДАН МАЪЛУМ БИР ПАРЧАНИ МУХТАРАМ ЖУРНАЛХОНЛАРИМИЗГА ИЛИНДИК.

Икки нарса билан қаримас киши,  
Бири – эзгу сүзи, бири – қылмии.

Кишидан кишига қолари сүздір,  
Мерос сүзни тұтсанғ, нағи юз-юздір.

Эй оқыл, қош тұгма, буқун күйманиб,  
Үзім узрим айтсам, тұрма ийманиб.

Тилак сүз әди, эй билагон, оқыл,  
Авлодларга қылсам, дегандым, нақл.

Идрок ўңг келди, күр, шиончим айттар,  
Хато сүз ҳамиша зарап-ла қайтар.

Сени сүзлар мудом әл тили ёмон,  
Ҳасадчилар бермас этингга омон.

Карасам, ғам-алам күп енгіл тортди,  
Виждоним, айт, деб, сүз тилимга ортди.

Не демакка ҳамки, бұлса у қодир,  
Сүзим айттай сенга, эй мард, баҳодір.

Яңглишимас киши ким, айтib бер менга,  
Яңглишар туман минг, айттайин сенга.

Билимсиз күп әди, заковатли кам,  
Үкүвсиз беқадр, доно муҳтарам.

Шундан, донишмандға ёв бүлди нодон,  
Билимлига қылди адоварат ёмон.

Кишидан кишининг талаі фарқи бор,  
Бу фарқиң билим этади ошкор.

Донога сүзладим, мен ушбу сүзим,  
Нодон тилин англай олмасман ўзим.

Билимсиз-ла, йүқдір, сүзим ҳеч менинг,  
Хизматингда бўлай, эй оқыл, сенинг.

Барча эзгуликлар билим туфайли,  
Билим сабаб бўлди, кўкка йўл хайли.

Ҳар не десанғ, сүзинг, билим-ла, сўйла,  
Кўпнинг билимини буюк, деб, ўйла.

Сүз бўз ерга кўм-кўк осмондан инди,  
Сүз-ла, инсон қадр таҳтига минди.

Киши күнгли денгиз каби бепоён,  
Билим-инжсу денгиз тубида, аён.

Чықармаса инжсу денгиздан киши,  
Инжуми, сой тоши, бефойда иши.

Билимли, билимин тилга ёр эттас,  
Йиллаб ётсип ҳамки, у ҳеч ёриттас.

Үқув, билим жуда эзгу нарса, соз,  
Етсанг ишлат, күкка айлагил парвоз...

*...Нима дер, эшиитгил, билимли одам,  
Етүк ёш, синаган дунё муқаддам:*

Билимсизга түрдән ўрин бўлса, боқ,  
Пойгак тўр саналар, тўр эса қирғоқ.

Агар доно олса пойгакдан бир жой,  
У пойгак топади тўрдан зўр чирой.

Билимга эрур бу эҳтиром бари,  
Фарқсиз: пойгакми, тўр дунё жойлари.

Кўргин, икки турли асл инсон бор,  
Ё донишманд, ё бек – етакчи, сардор.

Сен қайси бирисан, менга очиқ айт,  
Иккидан бири бўл, учинчидан қайт.

Тиг олди-бердиси элни тузатар,  
Қалам иши ёргу йўлга узатар.

Улардан келмоқда бор эзгу тузук,  
Бу мерос, билганлар бўлишар бузрук.

Мархұмлардан қолган ёдгор – сўздир ул,  
Панд насиҳат тутгин, нафи жуда мўл.

Билимсизлик аник, ожизликка тенг,  
Эй нодон, зулматни билим билан енг.

*Қадимги туркийдан замонавий  
ўзбек тилига уйгунаштирувчи  
Фазлиддин РАВШАНОВ*



## Жаңон адабиети таҳлил құзгусида

# ТУРК ҲИКОЯЧИЛИГИНИҢ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Маълумки, түрк ҳикоячилеги XIX асрнинг 70-йилларида вужудга келген бўлиб, бу жанрнинг дастлабки намуналари Аҳмад Митҳат, Эмин Ниҳат, Сами Пошозода Сезаи, Набизода Нозим, Режаизода Маҳмуд Экремлар ижодида кузатилиди. Иzlанишлар жараённан ушбу жанрнинг келиб чиқиши, шунингдек, ўша даврда ҳикоя ва роман жанри сифатида эътироф этилган асарлар ўтасидаги асосий тафовутни белгилаш мухим аҳамиятга эга.

Түрк ҳикоячилегини даврлаштириш масаласи түрк олимлари томонидан турли йұналишларда ўрганилган. Шу жиҳатдан қараганда, түрк ҳикоячилеги босиб ўтган йүлни шартли равишда күйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) изланишлар даври (1870-1891);
- 2) кашф этилиш даври (1891-1911);
- 3) ривожланыш даври (1911-1928);
- 4) 1928-1940 йиллар оралиғидаги давр;
- 5) 1940-1960 йиллар оралиғидаги давр;
- 6) 1960-1980 йиллар оралиғидаги давр;
- 7) 1980-2000 йиллар оралиғидаги давр.

1870-1891 йиллар ҳикоячилигига синчиклаб назар соладиган бўлсак, бу давр ҳикоялари адабий таъсирлар асосида шакллана бошлангани сезилади. Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурданапари ҳисобланган: "Минг бир кечә", "Карам билан Асли", "Дада Қўркут" битиклари, шунингдек, ёзма адабиётнинг нодир намуналари: Абулқосим Фирдавсийнинг "Шохнома" асари, Шайх Голибнинг "Хусни ишқ", Оҳийининг "Хусни дил", Шарқ анъанавий достончилигидаги "Лайли ва Мажнун" достонлари түрк ҳикоячилегининг вужудга келишида мухим манба бўлиб хизмат қилган. Бу йиллар "ҳикоя" жанрининг пайдо бўлиш даври ҳисоблансада, түрк адабиётида энг катта муаммо жанрларнинг қандай номланиши масаласи эди. Ёзувчилар бу даврда Farbga тақлид қилиб роман жанрини анъанавий ҳикоядан ажратишга қыналишарди. Шу сабабли роман жанри бу давр ёзувчилари томонидан "ҳикоя" атамаси билан қарши олинди. Бу давр ҳикоялари романтик йұналишда ёзилган бўлиб, жанрнинг дастлабки намуналари: Аҳмад Митҳат афанди, Эвангелиос Мисалидис, Эмин Ниҳат, Мехмет Желал, Монастирли Рифъат, Набизода Нозим, Режаизода



**Пошиажсон  
КЕНЖАЕВА**

1980 йилда туғилган. ТошДУнинг филология факультетини тамомлаган. Филология фанлари номзоди. "Жинлар орасида қолган қиз", "Кутимаган меҳмон" каби түрк тилидан таржималари чоп этилган. Қатор илмий-адабий мақолалар муаллифи.

Махмуд Экремлар томонидан яратылган. Ҳикоялар күпроқ ишқ, ошиқ ва маъшуқ, хижрон, изтироб мавзуларида бўлиб, улар комик ва драматик тарзда баён этилган.

1891-1911 йиллар турк адабиётида кичик ҳикояларнинг ёзилиши нуқтаи назаридан ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан сермаҳсул йиллар ҳисобланади. Илгари турк адабиётида ёзилган роман ва ҳикоялар борасидаги муаммолар ҳам айнан шу даврга келиб ўз ечимини топа бошлади. Бунда турк ёзувчилари Фарб адабиётидан қилинган таржима асарлар воситасида жанрларни бир-биридан фарқлай олиш тушунчасига эга бўлишиди. Мопассан, Алфонс Даудет, Эмиль Золя сингари француз адаблари ҳикояларининг туркчага таржима қилиниши, турк ҳикоянависларига француз ҳикоячилиги билан танишишга яқиндан ёрдам берди. Турк заминининг бир учи Европага, иккинчи учи Осиёга бориб тақалғанлиги сабабли бу мамлакатни ҳар икки қитъанинг адабий шамоллари четлаб ўтмаган. Ўша йилларда француз адабиётида катта воқеа бўлган ва Европанинг бошқа мамлакатларидағи китобхонлар томонидан ҳам севиб ўқилган Мопассан ҳикоялари Туркияning сарҳадларини ҳам кесиб ўтади. Адабиёт оламида қалам тебратиа бошлаган ёки бадиий ижодга майл қўйган турк ёшлари Мопассан ҳикоялари таъсирида ижод қила бошлайдилар. Ва турк адабиётида секин-аста реалистик ҳикоя жанри юзага келиб, турк китобхонларининг эътиборини ва меҳр-муҳаббатини қозонади. Дарҳақиқат, бу даврда турк реалистик ҳикояларининг дастлабки намуналари яратилди. Шу билан бирга, турк адабиётида "Сарвати Фунун" (1896-1901) ва "Фежри Оти" (1909-1912) каби адабий оқимлар пайдо бўлди. Бу давр ёзувчиларининг реализм ва натурализм йўналишларидан хабардорлиги турк ҳикоячилигини янада тараққий эттириди ва турк реалистик ҳикоячилигининг хусусиятлари намоён бўла бошлади. Кичик ҳажмли ҳикоялар ҳам шу даврда ёзилди. Олдинги давр ёзувчилари билан бир қаторда янги ҳикоянавислар адабий майдонга кириб келди. Бу давр Сами Пошозода Сезаи, Холид Зиё, Вәжихий, Ҳусайн Жоҳид, Савфети Зиё, Жемил Сулаймон, Меҳмет Рауф, Абубакр Нозим сингари истеъододли ёзувчиларни етиштириди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Холид Зиё ҳикоялари туфайли анъанавий ҳикоячилиқда янгиликлар кўрина бошлади. Ҳикоялар асосан инсон ички оламига қаратилди.

1911-1928 йиллар оралиғида ёзилган ҳикояларнинг аксарияти курилиш жиҳатдан Мопассан услубидаги хусусиятларни намоён этади. Шунингдек, ўша даврларда ҳикоялар ёза бошлаган Мамдуҳ Шавкат Эсендал ёшлигидан рус адабиётига катта қизиқиш билан қарайди ва Чехов ҳикояларини севиб ўқиди, улар унга илҳом багишилайди. Бу ҳақда адаб мактубларининг бирида шундай маълумот беради: "Охирги пайтларда Чехов ҳикояларини қўлдан қўймадим, тинимсиз равища Чеховни ўқирдим. Жуда катта бадиий маҳорат соҳиби бўлмасам-да, сенга кичик-кичик ҳикояларидан таржима қилиб берсам, қанийди. Сени ишонтириб айтаманки, Чеховнинг майда-майда асарлари, жуда катта ҳикоялардан, пъесалардан кўра юксак савияда ёзилган". Миллый адабиёт даври (1911-1923)да ва Жумхуриятнинг дастлабки йилларида ёзувчиларнинг ҳикоя жанрига эътибори олдинги даврлардан бироз фарқ қиласди. Траблусгарб ва Болқон урушлари мобайнида аланталганнан миллатпарварлик руҳи мазкур давр ҳикоячилигининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Аҳмад Ҳикмат, Холид Зиё, Мамдуҳ Шавкат Эсендал, Холида Адаб, Ҳусайн Раҳми, Умар Сайфиддин, Рафиқ Холид Қорай, Решат Нури, Ёкуб Қодри сингари ҳикоянавислар ўша даврнинг энг сара ҳикояларини яратишган. Миллатпарварлик оқими ва турли урушлар натижасида юзага келган муаммолар сабабли ҳикояларда ижтимоий мавзуларга кенг эътибор қаратила бошланди. Бу давр адабий маҳсулни, асосан ғоявийлиқдир. Ватан озодлиги учун бўлган курашлар ва жумхуриятнинг ташкил тошиши ҳикояларнинг янада сиёсийлашувига сабаб бўлади.

1928-1940 йиллар орасидаги ҳикоянавислар ижодида аста-секин мушоҳадага асосланган муносабат шакллангани кўзга ташланади. Бу давр ёзувчилари қарашларида санъатнинг жамиятда ўз вазифаси бўлиши кераклиги тушунчасининг ҳукмронлиги эътиборга сазовор. Ҳикоячилиқда, бир томондан, классик услубда ёзиш

шаклланиб борди, иккинчи томондан, Саид Фоиқ ҳикояларида бошланган кириш, асосий қисм, хотимаси бўлмаган руҳий кечинма акс этган реалистик ҳикояларнинг кенг ёйила бошлиши мазкур жанрда юзага келган ўзгаришларнинг илк қадами сифатида баҳоланади. Бу давр ҳикояларида воқеликка реалистик муносабат устун бўлгани учун ҳам романтикамага йўғрилган мавзуларга аҳамият берилмади. Бу давр турк реалистик ҳикоячилигига катта ҳисса кўшган адиллар Мамдух Шавкат Эсендал ва Умар Сайфиддиндир.

1940-1960 йилларда турк адабиётида жонланиш ва бурилиш кузатилади. Хусусан, ҳикоя жанри ва шеъриятда янгича изланишлар, газета ва журнallарда баҳс-мунозаралар асосида кун тартибиага чиқсан янгиланиш ҳолатлари эътиборга молиқидир. Анъанага айланган ва классик асарларга жавоб тариқасида реалистик йўналишдаги ҳикоялар ёзила бошланди. Бу ҳикоя жанрининг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан тамоман янгиланганидан далолат беради. Бу давр ёзувчилари асарларида шахснинг мураккаб ички олами, инсон руҳий ҳолатларини акс эттиришга қаратилган мавзуларга эътибор кучая бошлади. Умуман олганда, инсонлар ўртасидаги тушунмовчилик, руҳий изтироб ва кечинмалар янгиликни тарғиб қилувчи ҳикоянавислар асарларида бош мақсадга олиб чиқилгани кўзга ташланади. Ўша йилларда Альбер Камю, Жан-Поль Сартрнинг китоблари нашр этилди. Самуэл Беккет, Уильям Фолкнер ва Франц Кафка асарлари янгидан туркчага таржима қилина бошланди. Шу билан бирга Достоевский ижоди ҳам бу авлод ҳикоянавислари учун аҳамиятли илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи жаҳон уруши юзага келтирган сиёсий танглик зиёлиларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қўймади. Бу давр ҳикояларида жамиятнинг турли қатлам вакиллари бошидан кечирган кечинмалар, хаёлот олами, ички қарама-қаршиликлар, қийинклару изтироблар қаламга олинди. Шу билан бир қаторда, мавзулар хилмажиллиги ортиб боргани кузатилади. Хусусан, Сабоҳат Алиниңг “Овоз” ҳикоясидаги воқеалар асосан қишлоқ одамлари ҳаётидан олинган лавҳалар асосига қурилган. Ҳикоя ҳаҳрамони оддий қишлоқ йигити. Биз Али тимсолида оддий ҳалқ боласининг саводсизлигини, шу билан бирга, маданиятдан йироқда яшаётган истеъодд эгасини кўрамиз. Алиниң мусиқага иштиёқи баланд, овози ҳам ёқимли ва ширали, лекин у шаҳарга келиб, чолғу асбобларини кўриб ҳаяжонланиши, ҳайратланиши унинг мусиқа илмидан сабоқ олмаганини кўрсатади. Ёзувчи Али образи орқали ўша пайтда қишлоқ болаларининг ўқишига, савод чиқаришга имконият яратиб берилмаганини, шу боис ҳам ёш истеъоддларнинг иззиз дунёдан ўтишини таъкидламоқчи бўлади.

Даврнинг фаол ҳикоянавислари сирасига Сабоҳаддин Али, Саид Фоиқ, Решад Энис, Умран Назиф Йигитен, Ҳаликарнас Балиқчиси, Аҳмад Ҳамди Танпинар, Камол Билбашар, Ўрхон Камол, Самим Кўжагўз, Жевдет Қудрат, Камол Тоҳир, Яшар Камол, Азиз Несин, Демир Үзлу, Демирташ Жайхун, Эрдан Үз, Факир Бойкорт, Ферид Эдгу, Ҳалдун Танер, Илҳан Тарус, Наим Тирали, Нежати Жумали, Назиҳа Мерич, Ўқтой Акбал, Ўрхон Дуру, Сабоҳаддин Қудрат Аксал, Самед Оғағли, Таҳсин Южел, Тарик Бугро, Тарик Дурсун, Вусъат Бенер, Юсуф Отилганларни киритишимииз мумкин.

1960-1980 йиллар оралиғидаги давр эса ҳикоячилиқда мавзулар кўлламишининг кенглиги, тасвирнинг бўёқдорлиги билан ажralиб туради. Рамзий образлар ҳикоялар мазмунини, фалсафасини очишига қаратилади. Янги мавзулар, янги ҳаҳрамонлар кузатилади. Ҳикоя жанрининг мазмун ва шакл жиҳатдан янги қирралари намоён бўла бошлади. Билге Карасу ҳикоя тилининг бўёқдорлиги ва бадиийлигини бошлаб берган ҳикоянависидир, Селим Илери эса давр манзараларини кундالик ҳаёт тарзи асосида анъанавийлиқдан узилмаган ҳолда ҳикоя руҳини ҳассос тил билан бойитди.

Оламни, ҳаётни ҳикоянавис нуқтаи назари билан мушоҳада қилаолган мушоҳадагўй ёзувчи Мустафо Қутлудир. Мустафо Қутлу ўтган асрнинг 80-90 йиллар турк ҳикоячилигига ўзига хос ёзувчилардан бири ҳисобланади. У асарларида, асосан, рамзий воситалардан, ифодалардан самарали фойдаланади. Оддий рам-

зий восита орқали қаҳрамонлар оламига кириб боради ва ҳикоя моҳиятини очишига муваффақ бўлади. Ёзувчи ҳикоя мавзусини ҳам рамзлар орқали баён этишга ҳаракат қилади. Масалан, унинг "Эшик" ҳикоясини эсга олайлик. Ҳикоянинг "Эшик" деб номланиши бежизга эмас, чунки эшик ортида "турли ўйинлар, ҳийла-найранглар" бор, демоқчи ёзувчи. Рамзий маънода ҳар бир инсон мақсадига эришаётган бир пайтда, орзулари поймол бўлган ҳолатни эслатади.

Бу даврнинг Ойхон Бўзфират, Фирузан, Томрис Уяр, Севинч Чўкум, Селчуқ Баран, Адолат Оғағли, Назли Эрай, Пинар Кур, Тезер Ўзлу, Инжи Арал сингари аёл ҳикоянавислари ижодида янги мавзулар илдизини излаш, кашф этиш ва уни реалистик ҳикоя шаклига келтириш, хусусан аёллар руҳий оламини реал ва фантастик мазмунда тасвирлаш кузатилади.

Шавкат Булут, Усмон Шахин ва Нежати Гунгўрларнинг аксарият ҳикояларида чекка қишлоқ ҳаёти, соғдил одамлар қалбida кечеётган түғёнлар таъсиридан оҳангда етказиб берилгани кўзга ташланади. Ўғуз Атай, Фикрет Ургуп асарларида кўпроқ сюрреализм кўринишлари учрайди. Дурали Йилмаз вазият-ҳолатга асосланган ҳикояларида шахснинг ички оламидаги изтиробу аламларни ҳикоя қиласа, Недим Гурсел севги, айрилиқ, соғинч каби туйғуларни битиклари моҳиятига сингдиради. Дастрлабки ҳикояларида шаҳар одамларини, уларнинг ранг-баранг ҳаёт тасвирини қаламга олган Нежати Мерт, кейинги ҳикояларида тилнинг бўёғдорлиги, мазмун ва шакл бирлигига алоҳида аҳамият қаратади. Бу янгиланишлар турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойилларини асослаб берди. Ҳикоянавис адид Расим Ўзденорен ҳикоянинг туғилиши ҳақида шундай фикрни айтади: "Менинг ҳикоя ёзишим бироз ғалати кечади: хаёлимнинг бир бурчакларида булутсимон нарсалар сезилади: одам шарпаси, эски-туски нарсалар, ўчоқ, бетартиб хона... шулар асосида туғилган трагик ва драматик воқеалар... шулар воситасида юзага келган қандайдир хаёлий кўринишни бир жойга йигишим керак... бу жараённи на мақола, на бир тадқиқот ёки қандайдир формула билан изоҳлаш мушкул. У нарса фақат ҳикоя тили билангина изоҳланиши мумкин..."

1980-2000 йиллар оралиғидаги даврда ҳикоячиликтаги тараққиётнинг янада жадаллашгани кузатилади. Турк ҳикоячилигига бу давр – "Янги изланишлар даври" деб ном олди.

Бу даврнинг сермаҳсул ижодкорлари Яшар Каплан, Нурсел Дуруэл, Ҳусайн Су, Жемил Кавукчи, Ўзжан Карабулут, Айла Қутлу, Муратхон Мунган, Мөҳмәт Гурели, Али Ҳайдар Ҳаксал, Букец Узунер, Аҳмад Юрдақул, Содиқ Ёлсизучанлар, Моҳир Ўзтош, Куршат Башар, Комил Дўрук, Фарида Чичекўли, Айфер Тунч, Жемал Шакарлардир. Даврнинг пешқадам вакиллари ҳикоянинг мазмун-моҳиятига кучли ургу берга бошладилар. Шунингдек, ҳам фалсафий, ҳам руҳий мазмундаги ҳикоялар ёзишлиди ва шу аснода, давр манзаралари яққол акс эттирила бошланди.

Турк ҳикоячилигининг шаклланиш босқичи ва тараққиёт тамойилларини ўрганиш жараённида, ҳикояларда тасвирланган инсон руҳиятини бадиий ифодалаш усувларини таҳлил этиш, қаҳрамонлар руҳий оламида кечеётган ўзгаришларни тасвирлаш йўулларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.



## Шеърият

### *Исмини билан мәғноли дағдим*

\* \* \*

1. Сен кимсан, ҳейй? Қоракүз Қора,  
Кўпrik дунёларнинг четида  
Ҳазинегина ишглаб чақирган?

Биттагина сенга шондим,  
Сен учун келгандай дунёга,  
Борсан-ку, мен учун йўқ Шамол!

Хурни кўргандайман изингда,  
Иблис билан дон чўкишган Қуши,  
Онанг бунча ўхшар онамга?

Гўл оломон сирдош ҳабибинг,  
Табибни ҳеч туши кўрасанми?  
Ҳар кун йўқотаман навомни...


Нима излаяпсан? Арқоними?  
Олқишидан кибрга эшилган,  
Ахир, жуда мискин сагирсан...

Мажнунга Мажнундан даво йўқ.  
Ханжардай нигоҳинг шафакда  
Кўзимга ураман алаҳлаб...

2. Ёмғир билан ювдим хатингни...  
Ёлғоннинг остида чалажон  
Ўқийман васият дардингни.

Кўзим дўниб борар муз далаларга,  
Теграм кўнгли ўтган кимсалар...  
Марҳумлардан ошнам кўп менинг.

Нурнинг манглайида битик бўламан,  
Булут ўркачига гул ташлаб ўтар,  
Севиб тирик қолган бир тош кўрсайдим...



**Вафо  
ФАЙЗУЛЛОХ**

1963 йилда туғилган.  
Тошкент Давлат  
университетининг  
журналистика фа-  
культетидаги ҳамда  
Москвадаги Олий адабиёт  
курсида таҳсил  
олган. Ижодкорнинг  
“Хут”, “Хабарсиз се-  
вич”, “Мангу лаҳза”,  
“Жон йўли” шеърий  
тўпламлари ҳамда  
“Чақмоқ ёруғи” адаби-  
йи мақолалар китоби  
чоп этилган. Айни  
пайтда, “Шарқ” наши-  
риёт – матбаа акция-  
дорлик компанияси  
Боши таҳририятида  
шилайди.

\*\*\*

**ХАҚҚА ЭЛТГУВЧИ БИР ЙҮЛ БҮЛСАЙДИМ,**  
**Розиман, мұмінлар юргувчи.**  
**Розиман, йүлларда икілиб үлсайдим,**  
**Хузурида юзи ёргө бир йүлчи.**

**Канча карвон ўтди қошимдан:**  
**Тұхтамай, тұхтамай, тұхтамай...**  
**Еру осмон ҳиди келар күз ёшишдан,**  
**Ошигим, мен нетай, мен нетай...**

**Ростим шу, ҳовлиқдым билмасдан,**  
**Булутлар ёғар деб күз тұтдым.**  
**Сени бир зумгина ўйласам,**  
**Асрлар давомин унұтдым.**

**Садо бер, күз очай садодан,**  
**Бошланар охирдан йүл боши.**  
**Үзингә мұхтожман, гадоман,**  
**Үзоқ түн йүлсизнинг йүлдоши...**

\*\*\*

**СЕНИНГ СИЙРАТИНГНИ ҚАНЧА СОФИНДИМ,**  
**Ёмғириң үюрган йүллар адашган нишон...**  
**Карғаларнинг қорачиги билан овундим,**  
**Хеч ишонма менга, чумоли арқон...**

**Турна қанотига илинган хатми,**  
**Ниғұрт ұшын ұшын күни лолага соғчи.**  
**Исминг билан маңындар дардим**  
**Үқір таржимоним ниначи.**

**Дараҳт каби ботдым тұпроққа,**  
**Шарағым иүк сабрдан бұлак.**  
**Дүнени айланавер, ішіроқдан**  
**Ханжар уравергін, мен гұдак.**

**Кора ой бағрингни ёритар, ишон,**  
**Бағор күзларинеда тузалғанимда.**  
**Бахил рашиким билан қани, бир бор ён**  
**Үйғонарсан осмон бўзлаганида...**

\* \* \*

*ҚОР ЁҒДУСИ УЙГОТДИ МЕНИ,*  
*Үзөк үйлар күнгілімда ёнди.*  
*Севги билан кечган дамларим*  
*Севги билан яна уйғонди.*

*Йұлға чиқдім оліс баҳорға,*  
*Йұл бошида ёргу, ҳұр чехра*  
*Юраги әврилган қон гүлга,*  
*Орзықиб мәхрибон қазжорға.*

*Әритди түн, өзгір үйлімни,*  
*Күтганича күйик күнгілімни.*  
*Шамолойдан том олдым тенгсиз,*  
*Кор ёғдуси уйғотди мени.*

*Кароматтей садпора күнгілім*  
*Дүнё нима? Англаган мұтлақ.*  
*Мусони чорлаган алана,*  
*Чорлади яна ҳам ярқыроқ.*

*Чүкқида, жуда ҳам чүкқида,*  
*Юраги нишонда, құлы камонда,*  
*Юз үйларни хатлаб тұлғандым,*  
*Илохий бир илхомга қондым.*


\* \* \*

*КИМГАДИР ҚҮЛ СИЛКИТМОҚЧИ БҮЛГАНДАЙ ДАРЁ,*  
*Оқдым, нигоҳингни излаб ёнинедін.*  
*Мен гадо, шамолларнинг итига гадо,*  
*Тиландым, құним топмоқ истаб жонингда.*

*Изгидим, турналарнинг изида қасдим,*  
*Ложувард бир дүнё чин озорингда.*  
*Сотдинг юрагимни кимларга, дүстим,*  
*Ҳамон тентираіман құл бозоринда.*

*Бир кулмаган баҳор, ійл қайда менга?*  
*Новададаги томчы ойдін сүқмоқда*  
*Үрмон оқлигіда музлар-да, синган,*  
*Отаси адаштырған Зұмрад қайтмоқда...*

*Дараҳтларни ҳамон шамол тұқмоқлар,*  
*Ҳамон Қимматларнинг савдоси арzon...*  
*Балқи ҳеч ўтmasman ойдін сүқмоқдан,*  
*Сени излашдан ҳам тинmasman бир он...*



### Шодмонкул САЛОМ

1980 йилда туғилған. Термиз Дағлат университетинине кимё факультетини тамомлаган. “Юрак иқлими”, “Күнегіл китоби” шеърді китоблары чөп этилған. Ҳозирда “Ўзбекистон адабиёті ва санъати” газетасыда наам жаңыларни бўлими мухаррири вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

## Шамол най ғалаяпти

### Тун қоровули

I

Мен – бир тунги қоровулман, түннинг кўриқчисиман,  
Тонг ортилган тун карвонин кўриқлайман ўзимдан.  
Қора баркут кийган оптоқ тушларнинг соқчисиман,  
Гўдакларнинг ўйқусига бекитаман кўзимдан.

Мен – тунларга ёлланма-ю, қундузларга мусоғир,  
Вақтим эса синган тулдай беҳисоб-у, бечора.  
Танимайман, бу ерликмас ё бир қочоқ муҳожисир,  
Офтоб кўрмас, ўз соясин ҳеч кўрмаган оввора.

Мен – бир тунги қоровулман, түннинг карвонсаройи,  
Қоранорлар кўзгалганда түнни омон кўраман.  
Чироқларни ўчирмасдан, түннинг жойин банд этиб,  
Ўйқусида гапиринганларни ёмон кўраман.

II

Эй, қундузининг дәхқонлари, кечанинг меҳмонлари,  
Эй, орзу қопқонлари, хаёлнинг ўпқонлари,

Эй, меҳмонга парво қылмай, ухлаб ётган соддалар,  
Эй, ўлимдан минг бор қўрқкан, лек ҳаёти битталар,

Эй, биргача санашидан ҳеч нарига ўтмаганлар,  
Эй, минг бора меҳмон бўлиб, бир меҳмон кутмаганлар,

Умр бўйи қимор чийлаб, йўқ ғанимин ўшқанлар,  
Қачонлардир одамликдан нафақага чикқанлар,

Эй, ўзига ақли етмай, Оллоҳни кузатганлар,  
Эй, мотамда ийглашни ҳам тартиблаб, тузатганлар,

Эй, минг ўйллик бир кечани ўн соатга бўлганлар,  
Курсигами чиқиб, бўйим бунча баланд деганлар,

Эй, дунёга келмай туриб, мангу яшаб қолганлар,  
Эй, ҳар йили бир туғилиб, асли, туғилмаганлар,

Эй, қўлларда изтирофдан тўлиб турган қадаҳлар,  
Шу гуссадан минг бор ичиб, маст бўлмаган огоҳлар,

Эй, шу қадаңлар ортидан зөрилиб күринганлар,  
Алтомышдай сарватлари сөврилиб күринганлар,

Эй, Худони таниғанлар, эй, Худо таниғанлар,  
Эй, йүллари туғаб қолғач, йүлсозни яниганлар,

Сабр тиши лабларига ботиб кетған собирлар,  
Яловини юракларга илиб кетған ботирлар,

Эй, күкраги “ох”га тұла, кулиб турған ҳатимлар,  
Хақни күриб ўз-ўзига чүкаётган салимлар,

Үлуг сознинг наұрасини тулпор отдаі сезғанлар,  
Асрларнинг сиртмогиғи жисловини узғанлар,

Эй, Тангрининг қабулині қутыб турған қадамлар,  
Бир васлдан фариштага дүниб кетған санамлар,

Хұл қанотин құритай, деб, күкдан тушиб келғанлар,  
Қанотига ўт туташыб, шу ўтга исинганлар,

Эй, күнгилга маҳрам бұлыб азоб йүлін тутғанлар,  
Ва күксіда юрак билан юз күрмас бүп кетғанлар.

### III

Эй, кундузнинг имонлари, кечанинг гүмөнлари,  
Сиз күрмаган күп түшларнинг жұраб, йүриқчисиман.  
Тонгни сүйгән бандаларнинг менман кечабонлари,  
Мен – бир түнгі қоровулман, түннинг күриқчисиман.

### Онаңға

Тонгу шомнинг орасинда  
Сенинг умринг биғиз-сұзон.  
“Жоним берай соясинда,  
Куюк дилдан кетсін армон”.

Тонгу шомнинг орасинда  
Оққапчигай шовуллайди.  
Супаларда саҳар-саҳар  
Сарық итлар увуллайди.

“Итлар есін менинг күнгім  
Түшларымни сувлар олсин.  
Тонгдай болам, дарё болам,  
Шоир бұлсын, шоир бұлсын!”

Эна, эна, жоним энар,  
Сочларымдан товонимга.  
Бедил давра дардли бұлар,  
Олиб кирсам жақонимга.

Вужудингдан замингача  
Минг йил кезганаң үшшайман.  
Күзларингдан ёногингга  
Ешдай инганга үшшайман.

Жоним онам, күнглим онам,  
Бева Барчин<sup>1</sup> ииғлаб берсін.  
Чехранғдаги сұқмоқлардан  
Болалигим қайтиб келсин.

Үзи кетса сояси ҳам  
Бирға кетған онажоним.  
Шеър айтшини ўрганғанды,  
Күйіб кетді бор жаҳоним.

Тонгу шомнинг орасинда  
Симәғочлар “сүкіллайды”.  
– Жоним сенинг ичингідадир, –  
Бирор шомга ун гардлайды.

Менинг күнглим – күйған дара,  
Сенинг күнгелинг – ёлғиз ўтов.  
Дараларни туман құчды,  
Баҳорюрга тушиби қиоров.

Қайси шонни айтаяпсан,  
Менга қувонч әрғашарми?  
Сенинг армоннингдан кейин  
Оламга баҳт ярашарми?

Мангу богча боласидир,  
Бу дунёning шоурлари.  
Сүріларда урчуқ каби  
Эшилғандыр зүр шеърлари.

Тонгу шомнинг орасинда  
Күннің күклам, йишинг хазон.  
Бу оламда уч чин сүз бор:  
Сөгінч, Ҳижрон, кейин Армон.

Тонгу шомнинг орасинда  
Яшнаганман, оғриғанман.  
Гүдакларни авф этинглар,  
Мен онамни согинганман.

<sup>1</sup> Бева Барчин – достон номи.

**Алтомииш  
екан**

**1**

“Бу сағдолар ўтганда,  
Бу дүнёлар ёш эди”.<sup>1</sup>  
Үн минг никоҳ термұлған,  
Үн минг қабоқ-қою эди.  
Үн минг уйли Күнгірот  
Кеншии тогу тош эди.  
Үн минг уйли Күнгірот:  
Кон эди, қондоши эди.  
Парлы ёйдай титраган  
Күнгілларда ёш эди.  
Юракларда күлкәри  
Түйегулар талош эди.  
Чылбир чүлідан учған  
Армон деган қүш эди.  
Керагала осилған  
Үңг келмаган түш эди.  
Олтін табоқда ҳолол  
Күл тегмаган оши эди.  
Дил ҳұвшылаб ётарды,  
Дунё ҳали бүш эди.  
Изилдаган сингелдай  
Чанқовуз чирилларды.  
Дардин ютған отадай  
Кора уй ингилларды.  
Йұлда қолған бұтадай  
Етим өил изилларды.  
Бева қолған сулуудай  
Қамишлар шовилларды.  
Әгасиз қолған юртдай  
Шамоллар увишларды.  
Давоси келмас дарддай  
Жону тан симилларды.  
Ёғолмаган булаттадай  
Фасллар имилларды.  
Номардга мәглуб марддай  
Күкрагим ловилларды.  
Худо юборған шарттадай  
Чора ночор ийгелларды.  
Тугаёттган сукуттадай  
Дўмбира дүрілларды.  
Унинг битта торида  
Бир әл яшаб келарды.  
Унинг бошқа торида  
Чин дунё яраларды.

**2**

Дүнёнінг боши эди,  
Юрак сирдоши эди.  
Күнгіл зиндондай тेरан  
Сув тубида тош эди.

**3**

Фурсат тұхтаб тұрағды,  
Сурілмаған даврондай.  
Норлар гамдай чүкканды,  
Яшалмаған замондай.  
Қисмат құлғын қайириб,  
Чохға отған сұлтондай.  
Умид каби эшилиб,  
“Шарт” узилған арқондай.  
Етмиши иккى томири  
Әзілған Қоражондай.  
Тұқсан алған юрган ердай,  
Гозлар учған осмондай.  
Тұлпорлар сезған сирдай,  
Гофшілларға пінжондай.  
Номус узатған құлға –  
Күл узатған имондай.  
Тангри атаган шондай,  
Қодир қылған осондай.  
Бир дард тұлғиб келаяпты,  
Бир дард бұлғиб келаяпты,  
Қодир айтған достондай.  
Тош ўрга юмалаяпты  
Әртакдаги имкондай.  
Хақдан келған фармонаңай,  
Томирлардаги қондай,  
Чопарлар елаяпты.  
Шамол най қалаяпты.  
Нималар бұлайапты,  
Ким суюнч олаяпты?  
Мархұмлар ұлаяпты,  
Тириклар қолаяпты.  
Күнгіл сув тұла мешдай  
Оталар куляяпты.  
Оналарнан күксига  
Сөгінч сутти келаяпты.  
Қалдирғоч куляяпты,  
Ойбарчин тұлаяпты.  
Ватан Ватан бұлайапты,  
Ватан Ватан бұлайапты.  
Күксимда от елдириб,  
Алтомииш келаяпты!  
Алтомииш келаяпты!

<sup>1</sup>Қодир бахши сатрлары.

\*\*\*

Йүқ, ўттизга кирганим йүқ, бўлсан йигирмадаман,  
Яшолмаган кунлариму ботмай турган ойлар бор.  
Борлигимча сарф бўлмадим, қайтим, чегирмадаман,  
Уловимда тик турганлар ва бўши турган жойлар бор.

Йўқ, ўттизга киролмадим, йилларнинг эшиклари,  
Занглааб, музлаб қолганмиди ёки қўлим етмади.  
Юришмаса, йўл унарми — ойларнинг синиқлари,  
Оёғимни тилган эди, жароҳатим битмади.

Йўқ, ўттизга кирганим йўқ, ўғай эдим вақтга,  
Бировларнинг кунларини яшаб юрдим, адашдим.  
Бир лаҳзада чўе бор эди, қолиб кетдим йил бўйи,  
Шу лаҳзани бир йил яшаб, ўзим билан дардлашдим.

Вақтга тенг юролмадим — давоматим кўп ёмон,  
Хозир куз-у, лек айвонда қалдиргочли ҳаволар.  
Мени яниб ўлтирибди ойга игнасин қадаб,  
Мен тугулмай, мархум бўлиб, ўтиб кетган момолар.

Бир кунларим майпарастдир, бировлари гўдакдир,  
Иккиси ҳам талпанглайди: олдга-ортга юради.  
Мангу толе офтобига ўхшаб кетади отам,  
Ҳам ачиниб, ҳам огриниб, ботмай қараб туради.

Бир кунларим Кенжса ботир, бири эса ажсадаҳо,  
Бир кунларим Алтомишидир, иккинчиси Ултондир.  
Дарвеш бўлиб бир йилларим олам кезиб кетдилар,  
Бир лаҳзам бор, кўнгли ройши юрт сўраган султондир.

...Аммо ҳали яшамадим: ҳозирландим, чоғландим,  
Балки бир висол онда минг бор балқсан қуёшим.  
Ҳеч ишонманг, сочларимни тунга бўяб олганман,  
Лек ўттизга кирганим йўқ, балки мингададир ёшим.



## Наср

# ОЛТИН ФИШТ

Синергетик ҳикоя

Самарқанд. Чор атрофни чор қўшини босгач, очлик туфайли чорасиз дэхқон ва чорикорлар сомоннинг чорига ҳам қаноат қиласар эдилар. Осмондан қараганда пастда мувозанат бузилгандай бекарорлик, тартибсизлик кўринарди. Лекин бу тартибсизлик маълум бир тартиб асосида содир бўлар эди. Дастилаб ташқаридан келгандар маҳаллий кишилар яшаётган қалъани қамал қилди. Кейин ичкаридагилар отилиб, ситилиб озайтак, қочганлари қочиб, қочолмаганлари ҳалок бўлди. Тегирмон навбати билан дегандай мазаффар томон ичкарини, Регистондаги деярли барча қалъаларни эгаллаб опди. Лекин, кейин ўзлари қамалда қолдилар. Чунки ташқаридан маҳаллий кишиларга ёрдамчи кучлар етиб келган эди. Бу худди осмондан қараганда оқ ҳалқа қорамтири яшил ҳалқани ютиб юборгани, уни ортидан зангор ҳалқа сиқиб келгани ва ютиб юборилган ҳалқанинг ўрнига оқ ҳалқа тушиб қолганига ёки таркиби одамлардан иборат спираль ҳалқа ҳаракатига ўхшайди. Энди ичкаридагилардан онда-сонда ўлиб, қамал қилувчилар сафида кўпроқ одам ҳалок бўла бошлади.

### Бир ҳафта аввал

Генерал Назаров аскарларидан бирининг отган тўпи Регистондаги баланд девор тепасини кўчириб ташлади. Шу пайт "Саблуков, тепароқ от!" деган товуш эшилтилди. Ўтирилган гишт бўллаклари ўша ерда хотиржамгина мешини деворга суюб қўяётган Мустафо чоннинг устига ёғилди. Унинг бундан бирор туки ҳам қўмирилаб қўйгани йўқ. Девор тагида тирик жонлардан шу парвойи палак чолдан бошқа ҳеч ким йўқ. У ҳам бўлса чала жонларга, жони узилаётганларга саночда сув улашмоқда. Чол қўлини сув билан намлаб ҳатто сув ичолмайдиган ахволга келган жон талашаётганларнинг лабини ҳўлларди. Мустафога фарқи йўқ: душман томонми ёки ўзиникиларми...

### Олти кун аввал

Қалъа тепасида қўлининг ярасини боғлаётган зобитнинг олдига аскарлардан бири югуриб келди.

— Василий Василич, бўла қолинг, сиз чизадиган манзара чиқиб қолди...

— Ўпкангни босиб олиб гапирсанг-чи!

— Айтсам ишонмайсиз, шу ерлик бир чол ўқ ёмғиридан кўркмасдан жони узилаётган аскарларга, яъни бизникларга ҳам, сартларга ҳам сув ичириб юрибди.

— Ерунда! Нима қипти?!

— Нима қипти дейсиз-а?! Бунақа нарсага қизиқасиз деб ўйлагандим.



**Шукур ЖАББОР**

1975 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини таомомлаган. Узоқ ўйлардан бўён матбуотда хизмат қилиб келмоқда. "Ошиқман", "Мансур" Халлож сири, "Зиқна маҳсум" каби китоблари нашир этилган.

– Уни танийман. Ажалини қидириб юрибди шекилли. Икки ҳафта олдин Бухоро қамали пайти сув күтариб пайпаслаб юрганды. Ўша пайтда отиб ташласам бўларкан. Энди шу ерда отиб ташлайман ахмоқ чолни!

– Василий Василич нималар деяпсиз?! У одам ажратмай ҳаммага бирдек... Ахир уни ҳеч ким отишга журъат қиласяпти-ку! Мен буларни чизинг деб айтаяпман.

– Чизинг деб?! Гапингни қара-ю. Агар билсанг, бундай манзара ҳаёттий чиқмайди.

– Нега ҳаёттий чиқмайди. Ахир ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз-ку!

– Бунга Европа ишонмайди. Мени соғистра, фалсификаторга чиқариб қўйишлари мумкин. Бор, мен билан тортишмай ишининг қил!

– Ўзингиз биласиз, жаноб Верешчагин, Бухорода ҳам зўр манзарани чизмай ўтказиб юбордингиз!

– Зўр манзара! Нима шарманда бўлганимизни айтаяпсанми?! Ҳа, амирнинг ҳарамхонасини босқин қилиб, амир хотинларининг ялтири-юлтири иштонларини кийиб олиб мақтанган казакларнинг суратини чизишим керакмиди?! Кўзи оч мурдорлар! Заифона иштон кийган фаросатсизлар! Шарманда! Тфу!

### Беш кун аввал

Мустафо чол ҳамон чалажонларга сув улашиш билан овора. Бир соат олдин бу ерда очик, юзма-юз жанг бўлиб, энди ракиблар бир-бирини пана-пастқамларда мўлжалга олиб отарди. Отишма сийраклашиб қолди. Мустафо чол ердан бир гиштни олиб тўрvasига содди. У белидаги белбогини ечиб пешонасидаги терни обдан ҳафсала билан артди. Кейин бир мурдани кўтариб жанггоҳдан олиб чиқди. Одамларини қайта санаётган Мирзабойвачча Алимбек деган йигитга “Анави баччагар чолни берига келтир!” деб буюрди. Кейин бошқалардан “Уни танийсизларми?” деб сўради. Шопмўйлов Ҳазраткул ўз билганларини Мирзабойваччага изоҳлаб берди: “Ҳа, у Мустафо чол-ку! Ҳа аниқ Мустафо телба. Йўқ-йўқ жуҳудмас, ўзбак. Ўзи сал анавиндай... жинни. Уни нима қўимлоқчисиз?!. Уволига қоласиз. Ўзи шундоғам бир оёғи гўрда. Ўрисгами?! Ҳа, раҳами келип сув ичирди, шекилли. Жинни бўлмаса шунақа қиласдими... Уни ўлдириш мумкинмас. Чунким, у соҳиби узр ҳисобланади. Ана, сўранг, ичимида муллавачча Мубошир мадрасаса кўрган. Ҳой, Мубошир “соҳиби узр”ни тушунтиранг-чи. Ишқилиб, мени билганим “соҳиби узр”ларга нариги дунёда ҳам сўроқ-жавоб бўлмас экан. Йўқ, мен унинг гапларига қараб шунақа холосага келганман, холос. Гапига қараганда, у эсини еган чол худди бориб кўриб келгандай жаннатда ўзига олтиндан каср кураётганимиш. Ақли бор одам ишонадими шунга. Мен эсмими таниганимдан бери бу мешкобчи чол кўчада текинга сув улашиш “Жаннатдаги саройимга гишт қўйишиб юборинглар!” деб бақириб юради. “Гиштни қандай кўямиз?” деб сўрасак, “Шу яхдай сувни ичсангиз бўлди, гишт кўйган бўласиз!” дейди. Вах-ҳах-ҳа...

Бир зумда Мустафо чолни судраб олиб келишиди. Мирзабойвачча унга қараб бақирид:

– Қўйнингдаги нима?

– Фишт.

– Сен зиндик, чўқиндингми?! Нега ўрисгаем сув ичирасан?!

– Бешта қолди! – деб Мустафо чол ҳиринглаб кулиб беш бармоғини Мирзабойваччага суюниб кўрсади.

– Нима бешта?

– Беҳишити жовидондаги тилла қасримни битишига бешта гишт қолди! Чўпонотадаги боғдан ҳам афзал боғи бор! Атрофида тип-тиник ҳовуз бор! Бештагина қолди!

– Алимқул, буни кўзимдан йўқот!

### Тўрт кун аввал

– Алимқул, анави соҳиби узр чол нима деяпти?

– Тўртта қолди! дейди.

– Нима тўртта?

– Фишт.

– Қани ўзи?

– Ана юрибди, ўликларга сув ичирди.

– Қаршидан хабар борми?

– Йўқ ҳали.

– Хўп. Ўзи аллақачон қайтиб келиши керак эди-ку!

– Бирор кор-ҳол бўлмаганни деган гумондаман.

– Носвойинг борми?

– Бор, тақсир. Ман! Анави Маҳсибозордаги жуҳудлардан ҳасипим совуди. Мунака

иккиюзламачи одамларни күрмаганман. Тұппа-тұзук зұннор осиб юрган занғарлар күча үріс құлғаға үтгач, зұннорини өчиб, үрніга үріснің камарини тақиб, үрісга сажда қип юришибиди.

— Гапирма уларни! Шундоқ ҳам жиним күзіб турибди.

### Уч күн аввал

— Серов, фикримни ўзгартырдим. Анави мешкобчини ҳеч ким отиб қўймадими? Серов! Серов қанисан?

— ...

— Серов, ташқарида нима гап?

— Улар кучайиб кетди! Айтишларича, Шахрисабз деган жойдан мадад күч келганиши. Сартларда катта-катта милтиқлар пайдо бўлиби! Ўқи жуда катта экан, ҳар бири хўқизин кулатади.

— Ваҳима қиласанг-чи! Бунча бақиришади! Серов билмайсанми, сартларнинг "ур-ур" дегани нима дегани?

— Билмадим жаноб. Ҳа, жаноб сизни қалъя кутволи билан полковник Назаров йўқлаяпти!

— Оббо, манави порсиённинг сурати яна чала қоладиган бўлди!

— Форснинг сурати дейсизми?

— Ҳа. Афғон отряди билан борган вақтимдаги форснинг сурати! Камаримни узатвор!

— Василий Василич маъзур тутасиз-у, назаримда чизиб битириб бўлибсиз, шекилли.

— Ўша катта милтиқдаги ўқ кўзингта тегмаганми? Оёгини кўрмаяпсанми? Оёгини тутатмадим. Бўл, револьверимни олиб бер!

— Манг, жаноб!

— Штрандманга шунақа аҳвол керак. Ҳа, шу тўнкага шунақа вазият керак.

— Нега ундай дейсиз?

— Эсингдами, Каттақўргон деган жойда сартлар шаҳар дарвазасини тинчгина очиб таслим бўлишганида роса дарғазаб бўлган эди. "Садоқат изҳор этиб келган элчиларни менга топширинглар, мен уларга таслим бўлиш қанақалигини кўрсатиб қўяман!" деб бақириган эди.

— Нега жаноб?

— Нега бўларди, отряд жанг қиласаса, эшакнинг қулогидек нишонлар, мартаба ва унвонлар ҳам бой берилади-да.

### Икки күн аввал

#### Икки хил талқин

— Лаънат бўлсин, бунақа кунга! Гарнizonимизда тўрт юзта одам бор, уларда эса йигирма мингта! Милтиқларининг катталигини қара! Тумшугимга тирамасанги бу матоҳи! Дурбинсиз ҳам шундоқ кўриниб турибди-ку! Анави чол, Верещагиннинг жаҳлини чиқараётган чолми? Уни ҳеч ким отиб қўймасин, бунақа холис чопни кўрмаганман!

— Инжилни ўртага қўйиб айтаманки, шу ёшимгача мен ҳам бунақа одамни кўрмаганман.

— Шошма бу чол, кўзимга жуда таниш.

— Ҳа, албатта-да. Ўни Бухоро қамалида ҳам кўргансиз.

— Йўқ, у ердан бошқа жойда ҳам кўрганман. Қаерда бўлиши мумкин?! Бўлди, уни Каттақўргонда кўрганман. Эсингдами, Каттақўргонга яқинлашганда мен жаноб Головачёвнинг ёнида эдим. Штрандман билан казак отряди бизга этиб келиб кўшилишидан олдин бир воқеа бўлган. Полковник узоқдаги буқаларни кўриб "Нега бизнинг буқалар узоқда боқиляпти?" дейди. Ҳеч ким тушунмай қани-қани деб, талмовсирайди. Ҳамма "Қандай буқаларни айтаяпсиз жаноб олийлари?" дейди. У кўли билан Зарафшон томондаги сигирлар подасини кўрсатади. Кейин у "Гап қайтарилимасин, ҳозирок бу ёққа ҳайдаб келинсин!" дейди. Казаклар буқаларни ҳайдаб келиб уч-тўрттасини паққос туширишади. Буни эшитиб роса кулгандик...

— Ҳозир ўша буқалардан бирортаси бўлганда борми... Карам шўрва бадга урди.

— Гапимни бўлмасанг-чи, кейин ўша буқаларнинг эгалари генәралга шикоят қилиб кепишишади. Генерал тантлил қилиб буқа эгаларига товоң тўлади. Менимча, генерал кўркиб кетган. Буқа эгаси ёнида ана шу чол бор эди. Ўша куни у шундай кўрқинчли эди, мени ҳам кўрқинч қамраб олган эди. Ҳа, аниқ шу чол эди.

— Кауфман жаноби олийларига ҳам қойилмасман, бирорта истеҳком курмасдан

бизни ташлаб, Сирдарёсига кетди-коди. Кауфман жаноби олийларига хат-хабар жүннатиш керак, бўлмаса ҳаммамиз ўлиб кетамиз!

— Қамалнинг биринчи куниёқ хабар жүннатилган.

— Қандай қилиб?

— Узимизникилардан бирор кишини ташқарида кўришса ўлдиришади. Шунинг учун шу ерлик бир кишини сотиб олдик. Уни юз сўм пул ва турли имтиёзлар эвазига кўндиридик. Аллақачон хабар етган бўлса керак...

\*\*\*

— Алимкул, анави китоблик жўранг нега менга бўйруқ қиласди?! Нима мен унинг сарбозиманми?! "Тартиб" керакмиш, тартиби Китобда ўрнатсан эди! Менга ақл ўргатмасин, мен қўлимга милтиқ олганимда, булатинг оғзидан мушук-тупуги кетмаган бачалар эди.

— Айтаман, айтаман...

— Хомлик қипти, қизишманг огой. Бу чол сизларданми? Ана бўлмаса, мен бу чолни танимсан. Яқиндагина амаким Зарафшон ёқасида сигирларини ўрисга олдириб қўйганида шу чол ёрдам берган эди. Қасам ичишим мумкин, аниқ шу эди.

— Шу жинни чол-а?! Қандай қилиб?

— Амаким билан бу чол генерал олдига борганида ақалли бирорта подачи ҳамроҳ бўлмаган, сигирларидан умидларини узиб, кўрқиб-писиб ўтиришган. Чол билан амаким генералга шартта юзланиб, бўлган воқеани айтишади.

— Пайғамбар алайҳис саломнинг боблари Абдулмутталиб туяларини сўраб Абраҳамнинг олдинларига боргандай иш бўлиди-ку!

— Ҳа, Мубошир, келдинги, бу ёғини эшиш.

— Амакимнинг айтишига қараганда, ёнларидаги ҳамроҳини кўрган генералнинг ранги ўчиб кетибди. Кейин ҳамма нарсани қайтаришга бўйруқ берибди. Еб кўйилган буқаларнинг пулини ҳам тўлаган. Тавбандан кетай, бу ўша чол!

— Қайси чолни айтасизлар?

— Соҳиби узрни айтияпти. Соҳиби узр чол "Бугун иккита гишт қолди!" деб бақириб, курсанд бўлиб юрибди. Мубошир, "соҳиби узр"ни таъриф қилиб бер!

— Жим! Мен Мубоширни бошқа мақсадда жўнатганиман, чалғитмай турларинг! Нима гап экан?

— Таксир, кўчамиизда аҳвол чаток, умид билдириган йигитларингизнинг бирортасини қораси кўринмайди. Оқтепадаги форсийлар ташлаб қочган тиллаларни қидириш билан овора экан.

— Мубошир, бу гапни Салим чаланинг олдида бекор айтдинг. Буям тилла қидиришга кетади энди!

— Мени ким деб хиёл қилдинг, бачағар!

### Бир кун аввал

— Йигитлар, бўшашманг, пирим арвойи, улар тўкилиб бўлди. Биттагина ҳужум керак. Анави соҳиби узр чолга эхтиёт бўлинг!

— Ҳазратқул, ана шу чолнинг ўрнида бўлиб қолмадим-да.

— Hera?

— Девор тепасидаги ўрисларнинг боши, деярли ярим танаси чолнинг жойидан бемалол кўриниб турган. Чолнинг ўрнида бўлсам, чумчук боласини уриб туширгандай уларни битта-битта уриб туширадим.

— Бу ёқда дашти киёмат, қасрлар ҳаробага айланмақда, локин телбаси тушмагур чол жаннатда қаср куриб бўлди.

— Бе-е, эсимни танигандан бери шу чол у ёқка қаср қуриб юради. Бир йили Даҳбеддаги Солиҳбойнинг кўйларини кўрсатиб қасримнинг битишига шунча гишт қолди деганди. Буғunga келиб гишт оз қолди. Локин қасри ҳеч қачон битмади-битмади-да.

— Санашни ўрганиб олгандир-да.

— Жўралар бекорчи гапни кўйинглар, Мирзабойвачча билан китоблик йигитлар тортишиб қолибди. Шу пайдада шу керакмиди?

— Айтишларича, Кауфман бу ёқка қараб йўлга чиқибди. Нима қиламиз? Кауфман келгунича қалъани тўлиқ боссак ютуқ бизни. Ҳимояга яхши жойиди...

— Қалъагача келадиган кўчаларга ҳам чим ётқизиш керак! Жуҳудларнинг томи отиш учун жа кулагай!

— Алимкул, қанисан Алимкул!

– Нима гап?

– Китобликларнинг баъзилари аразлаб кетиб қолмоқда!

– Бошни қовуширадиган битта тузукроқ бош бўлмагандан кейин аҳвол шу-да!

## Бугун

Бугун одамлар тийр бўлди, булутлар тийра бўлди. Билмадим, қайси томон Мустафо чолни ерга қулатди. У кулашидан аввал “Қаср тайёр, куриб битирдим!” деб бақирди. Билмадим, дайди-бадар ўқ қайси томондан учиб келди? У йикилганда сувли қўли лой бўлди. Шунда лойли қўлини ёнидаги чалажоннинг оғзига тутуб хушдан айрилди.

Томонлар бирор шаштидан тушгач, кимдир Мустафо чолни саланг-саланг қўлиб кўтариб уйига ташлаб келди. Кампира чолни қаргади. Билмадим, қанча қаргади, ҳамма жойни чангтўзон қилиб Кауфман аскарлари билан етиб келганда ҳам кампир чолни қаргаётган эди: “Ер ютсин сизни! Бадтар бўлинг, жинни чол! Ажаб бўпти, хўл бўпти, пишириб кўйибдими жанггоҳда! Вой мени шўрим қуриб қолди, вой ким бор?! Ҳах, жаннатдаги қасрингизни ер ютсин! Шу кунлар ҳам бормиди бошимда?! Шу кунларинг ҳам бормиди?! Тўп отганлар тўпга учрасин! Илоё, тийри бўрон бўлсин! Мундок қилинг, жинни чол! Сувми бу, пешомби? Мундок қилинг, ўтирилинг, мундок! Фиштми бу, жинни?! Ўша жаннатдаги уйингизга бир умр тилла фишт кўйдингиз, бешта қолди, ўнта қолди, деб! Арпа унга зор бўлиб турганимизда, биттасини, акали биттасини шу дунё учун сўраганингизда ўлармидингиз? Ейишга кепак ҳам йўқ! А, жинни! Савдойилингизга бир умр чидаганим ҳурмати, битта тилла фиштни шу рўзгоримизга сўрасангиз ўлармидингиз! Ҳах, тўп отганлар тўпга учрасин, илоё!

Чол инграб назъ ҳолатига тушди. Хира тафаккурида ўтган амалларнинг айқаш-үйқаш сархишиби бошланди: “Солиҳбонинг қўйларини саногича қолди! Фиштларимнинг сонини билмайман, қасримга етказилмаган гиштларнинг сонини биламан! Ҳой, фаришталар, бу гиштлар саройимнинг арки учун! Ўн бешта қолди, Каттакўрғондаги одамлар гувоҳ, ўн бешта қолди! Мана санадим! Алимкулмиссан, бешта қолди! Тўртта қолди... Учта қолди... Иккита қолди... Битта қолди... Қаср тайёр, куриб битирдим!.. Мунча қаргамаса бу! Тўғри айтади, ташиган гиштларимнинг биттаси бу ёқда бўлиб қолмади-да. Ҳа, атиги биттаси бу ёқда бўлмади-да. Кампирга ҳолва беришга, тандирни, бостирмани бошқатдан куришга биттагина фишт бу ёқда бўлмади-да. Кампир ҳолвани яхши кўради. Мунча жаги тинмайди... Кампир тўғри айтади...”

## Барзах

Яна тартибсизлик ичида тартиб бошланди. Яшил ҳалқа оқ ҳалқани сиқиб қўйди. Кейин ташқаридан оқ ҳалқалар кўпайиб, йўғонлашиб яшил ҳалқани қиса бошлади. Ҳамма томонни чанг ва оқ булутлар тутди. Мустафо чол осмонга учди. У ҳам чанг тўёнзорлар орасидаги камайиб-кўпайган, бир-бирини сиқкан ҳалқаларни курди. Оқ ҳалқадаги одамлар йиқилганида кора тутун уларни ўраб олганини, яшил ҳалқа ичидағи кишилар йиқилганида уларнинг баъзисини оқ булат, баъзисини кора тутун тутганини кўрди. У янада юксалди. Бир маъвога етдилар. Уни остоносию арк, тоқлари, ҳамма-ҳаммаси типладан ясалган бир саройга кўйдилар. Сарой тепасида яшил кушлар чарх урадри. Чол тилла ҳовузни кўрди. Ўндан сув ичкиси, ичига тушиб чўмилгиси келди. Оёғидаги боди ҳам йўқолган, илдам ичкари хоналарга кирди, кўзи қамашди. Хобхонага кирди. Ёнбошлади. Ўзум шингилидан кўтариб олган бир күш унинг ёнига учиб келди. Лекин, қайдандир сал жунжиктирувчи шамол фириллаб кира бошлади. Мустафо чол аланглади. Кўрди. Бир хобхона деворида бир фишт йўқ эди. Шу жойдан шамол кираётган эди.

## Хулоса

Кампир дод солиб, ер муштлаб йиглавий бошлади. Қўшнилар югуриб чиқди. Уни юлатишиди. Кейин сал ўзига келгач, бир болани ювувчига жўнатдилар. Жаноза ўқишига имом топилмади. Нарзи имом кўч-кўронини йигиштириб қаёққадир қочиб кетибди эмиш. Ҳеч ким танимайдиган бир мусофири салом бериб келди. Устидан сафар аломатлари билиниб турарди. Тўплангандарга имомлик қилиб шу мусофири жанозани ўқиди.

Кампир остонасидан бир фишт топиб олди. Уни четга отиб юбормоқчи бўлган эди, устидаги тупроқ тўкилиб сарик ранг кўринди. Яхшилаб артди. “Ситин фишт!” Кўзларига ишонмади. Кампир суюнди. “Ким ташлади, бояги қочган форсийлар ташладимикан ё Иброй жуҳуд тушириб кетдимикан?! Ҳалолмикан ё бирорвнинг омонатими? Ундоқ десам остонаядан ичкарига тушадими? Кесакидан, девордан ичкарига тушган-ку!”

Кампир у ёқ-бу ёққа аланглаб, кўйлаганин кўтариб, олтин фиштни қуруқшаб қолган сийнасига босиб, ичкари хонага кириб кетди.

# Жараён



## ЯНГИ АВЛОД ОВОЗИ

**Сұхбат\***

**Дилмурод Куронов жавоблари:**



**Дилмурод КУРОНОВ**

1960 йылда туғылған. Филология фанлары доктори, профессор. Андижон Дағлат Тиллар педагогика институтини тамомлаған. Олимнинг "Руҳий дүнә таҳдиди", "Истиқлол дарди", "Адабиётшуносликка кириш", "Цўлтон нараси поэтикаси", "Адабиёт наидир?", "Гарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари" (хаммуалиф), "Адабий жараёнда мом синдроми", "Адабиётшунослик лугати" (хаммуалиф). "Завқимдан бир шингил" каби китоблари нацир этилган.

1. Сирасини айтсам, мен күпроқ "70-йиллар авлодидан кейин бизда адабий авлод шаклланмади" дегувчилар фикрига құшиламан. Бирок бу фикрни ёзгириқ охангида ёки адабиётимизга 70-йиллар авлодидан кейин кириб келгеннларни камситиш маъносида айтиш тўғри эмас, деб биламан. Назаримда, саволда XX аср ўзбек адабиётидаги адабий авлодлар жуда тўғри санаб ўтилган, ҳар бирининг ғоявий-эстетик мавқеи, ижодий кредитосини белгилаган асосий омил – давр доминант ижтимоий қайфияти моҳияти ҳам лўнда ифодаланган. Ҳақиқатан ҳам санаотган авлодлар ғоявий ва адабий-эстетик қарашлари жиҳатидан бир-биридан аниқ-тиник фарқланади. Савол туғиллади: мумтоз адабиётимизда ҳозир биз назарда тутаётган маънодаги "адабий авлод"лар борми? Ўллайманки, агарда йўқ десам, бирор эътироz қилимса кепрак. Демак, адабий авлод дегани муайян давр, шу давр юзага келтирган маълум шарт-шароитлар маҳсули экан-да! Фикримча, шундай: у шахс ижтимоийлашган, ўзининг моҳиятию тақдирини жамият билан бирлиқдагина идроғ қилиб, ижтимоийликни шахсийликдан устун қўйган давр маҳсули. Ҳозирги инсон эса, буни хоҳ Гарб таъсири денг ва хоҳ бошқа, тамомила бошқа олам: у турмушини яхшилаш, ўзи ва яқинларида мавжуд имконларни намоён этишу фаровон яшаш учун зарур шароитлар яратиши... каби оддий, кундалик ташвишлар билан андармон. Илоҳ қанча, яқин-яқинларгача адабиётимиз "мешчанча" дей коралаб келган турмуш ва тафаккур тарзи энди одатий нормага айлануб ултурганин тан олишига тўғри кепади. Айтмоқчиманки, "янги даврга хос бўлган қайфият", менимча, шунинг ўзидир. Тўғри, ич-ичимизда бу билан келишолмай турганимиз бор гап: ижтимоий фикрга кенг миқёсда таъсир қила оладиган адабиётни, нафақат бадиий, балки ижтимоий тафаккурнинг ҳам илгорида борадиган ижодкорларни – шу куннинг гапини айтадиган "адабий авлодни" ҳануз соғинаётганимиз шундан. Ҳолбуки, "янгиланган қайфиятни ўз асарларида акс эттирувчи авлод ҳам вояга етган", фақат ундан энди салафлари даги белгиларни излаш бефойда. Негаки, энди ижод аҳлининг барини бирдек ўртовчи умуммиллий дард йўқ, яъни бугун санъаткорнинг ижтимоий дардни шахсийлаштира олиши кифоя эмас, аксинча, шахсий дардни

\* Журналинизнинг ўтган сонида сұхбат саволлари ва уларға олимлару ёзувчилар томонидан берилган дастлаб-ки жавоблар өзлон килинган зди. Ваъдамизга биноан, сизнинг ҳам муносабатнингизни куттган холда, сұхбатни давом эттироқдамиз.

ижтимоий аҳамиятга молик даражада бадиий талқин қила олиш салоҳияти зарур. Энди бир ўйланг, бугунги санъаткор – умумнинг дардини эмас, аввало, ўзини ифодалаётган одам ҳамманинг дилига бирдек йўл топиши, ҳамманинг дилидагини айти олиши мумкинми? Фикримча, йўқ, унинг айтгандлари фақат бир қисмнинг кўнглидагина акс-садо беради, чунки оммадаги бадиий дид турфа, маънавий-руҳий эҳтиёжлар ҳам хилма-хил. Иккинчи томони, ижодкор бугун, аввало, ўзини ифодалаётган экан, демак, асарларда воқеланаётган шахсиятнинг даражаси, маънавий-руҳий имконлари-да турфа: бирида оламий муаммоларнинг ташвиши талқини, бошқасида кўнгилнинг олис пучмоқларида ботин – шаҳвоний ва ё ваҳшиёна майллар муҳри... Ижодкорларнинг кимиси атрофидаги нарса-ҳодиса ва ё воқеадан ҳикмат излайди, бошқаси тамом янги воқелик яратиш пайида, тағин бириси учун айтиридан кўра айтиш жараёнининг ўзи мухимроқ – сўзларни, рамзу тимсолларни ўйнатиш билан овора.

2. Аввало, агар хилма-хиллик бебаҳо бойлик дея эътироф этиларкан, бугун ўзининг гоявий-эстетик мавқеига эга адабий авлод шаклланмаяпти, дея койишимиз ўринсиз. Ижод эркинлиги масаласига келсак, у бугуннинг кун тартибидан олинган десак бўлаверади. Бироқ, назаримда, бошқа бир масала – эркинликнинг ҳадлари борми ё чек-чегарасизми деган масала долзарблаша бошлади. Сираси, ижод эркинлиги ҳам демократияга ўхшаш нарса: демократия хуқук ва бурч бирлигини назарда тутади, агар бурчлар инкор қилинса, анархия юзага келади. Шунга ўхшаш, ижодкор ҳам эркин, лекин у бурчини – миллый маданият вакили эканини, қадриятлар, урф-одат ва анъана-ларга хурмат билан қарашга бурчли эканини ич-ичидан хис килмоғи керак.

Ҳа, бугунги ранг-баранглиқ ижодда ижтимоийлик устувор бўлганд ХХ аср адабиёти билан боғлиқ шаклланган "адабий авлод" тушунчасини инкор қилиади. Энди адабиётимизнинг қўёфаси мозаикасимон эканини кўнишибиз, кўнишибиз лозим. Зоро, бу табиий ва қонуний бир ҳолдир. Шунақа экан, аввало, бугунги адабий жараёндаги ҳодисаларга муносабатни шунга мослаш, уни дунёни бадиий идрок қилиш бобидаги ҳар қандай гоявий, бадиий-услубий изланиш – яшашга ҳақиқи деган тамойилга куриш керак бўлади. Яъни турли "изм"лар ҳакида баланддан туриб, бурун жиририб гапириш тўғри эмас. Аксинча, адабиёт ривожи эндилиқда ўша "изм"лар орасидаги соглом рақобат мұхитини тақозо этади. Майли-да, ахир, бир-бирига яқин ижодкорлар ўз клублари, адабий мактабларини ташкил қўлсинлар, ижодий-эстетик дастурларини ишлаб чиқсанлар, ўзларининг матбуто ва интернет нашрларини таъсис этсингар... Равшанки, мавжуд шароит ижодий ўшмаларда ҳам шунга мос таркиби ўзгаришлар қилиш, уларнинг фаолиятини ўшмалар уюшмаси тарзида йўлга кўйиши заруратга айлантиради.

3. Саволнинг ўзида ички зиддият қўярпман: агарки адабиёт "мен"имиз экан, у "беш кунлик дунё"дан айро тушолмайди, негаки, "мен"имиз дунё билан муносабатдагина мавжуд. Бас, адабиёт ўша "мен"ни дунё билан узвий алоқада, яъни дунёдаги "мен"ни ёки "мен" орқали дунёни ўрганади. Шунақа экан, уларни бир-бирига бу қадар кескин қарши қўймаган маъқул кўринади. Ахир, бизга шу беш кунлик дунёнингина қисман билиш имкони берилган, буни Румийдан келтирилган фикр ҳам тасдиқлаб турибди. Тўғри, адабиётнинг воқеликка бадиий иллюстрация бўлиши ҳам, мафкура хизматчиси бўлиши ҳам нораво, лекин улардан буткул холи ҳам бўлолмайди. Зоро, ижодкор воқеликни бадиий идрок этаркан, у ҳақдаги муайян фикр-қарашларини ифода этади. Бас, жамиятда яшаб турган шахс сифатида ижодкорнинг фикр-қарашлари мавжуд мафкуралардан бирига яқин бўлиши ажабланарли эмас. Ҳа, биз шўроча андозадаги адабиёт ва мафкура муносабатидан задамиз, шунинг таъсирида иккисини бир-биридан тамом айришига ҳаракат қиласиз. Ҳолбуки, бир томони онг соҳаси бўлмиш адабиётнинг ички моҳиятидан келиб чиқувчи мафкуравийликни инкор қилиш зўрликнинг бошқача кўринишидир.

4. Ҳа, сиртдан қарангандо адабиёт ҳануз эзгулик томонида тургандек эса-да, афсуски, бу ташвища асос йўқ эмас... Ҳаммага маълум, бадиий асардаги ошкор дидактика – насиҳатбозлик қанчалик ғашга тегса, намойишкорона эзгулик байроқдори бўлиш ҳам шунчалик эриш туюлади. Мен сарик матбуот саҳифаларида урчигандан урчиб ётган "ибратли" ҳикояларни назарда тутяпман. Эҳтимол, ўзини шулардан фарқлаш учун чин адабиёт эзгулик учун курашишдан "улялиброк" турган бўлса бордир. Албатта, бу нотўғри, бу ўз мавқеини кўшқуллаб топшириш, жанггоҳдан ура қочишидан бошқа эмас. Умид қиламизки, чин адабиёт бу хатосини тез англайди ва яна ўз макеини эгаллайди. Бироқ бу ўринда масаланинг бошқа бир жихати мухимроқ кўринади. Айтайлик, жангари

фильмларни күп күрганмыз – уларда қаҳрамон ҳамиша зэгулик тарафида. Лекин зэгулик тантанаси кадр ортида қолади, томошабинни эса кадрдаги муштлашувлар, отишмалар, қон түкишлар, фаҳш саҳналар ўзига жалб этади... Албатта, бунинг инсон психологияси билан боғлиқ асослари бор, лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Гап шундаки, адабиётда ҳам шу ҳол бот-бот кўзга ташланиб қолаётир. Масалан, бирор фохиша ҳаётини қаламга олади-да, унда-да аввало, бир инсонни кўрмокни, тақдир дегани кутилмаган эврилишларга бойлигию инсон ҳаётининг ўё бу ўзандан кетишига атрофдагилар ҳам сабабчи бўлишларини кўрсатмоқчи бўлади. Ният-ку яхши, лекин шўрлик ният фаҳш саҳналар соясида кўмилуб кетади-да! Энг ёмони, аксар эпизодлар миллий руҳга озор етказади, бадий дидга ўтиришмайди. Қизиги, бирор буни беаёв танқид қилса, бошқаси шуни ўқимасдан адабиётшуносман, деб юрганларни койийди, тагин бириси буни Чўлпон бошлаган анъяналарнинг давоми дейди. Майли, Чўлпоннинг ёзганлари ўз даври учун жудай-ла ошкора, бунга қўшилайлик ҳам. Ҳолбуки, Чўлпон тасвиридаги фохиша ўзи тушиб қолган ботқоқдан чиқиш умидида пул йигиб, кун санағ юрган бир мазлума, Мирёкуб бўйса ўзидағи “итпик”дан кутулиб, одам бўлишга чоғланган инсон. Чўлпон фаҳшни та-наззул сабабларидан бири сифатида талқин қилади, энг муҳими, унинг ёзганлари инсоннинг шаҳвоний майлларига эмас, онг-тафаккурига қаратилган. Афусуки, ҳозирда яратиляётган айрим асарларга нисбатан бу гапни айтиб бўлмайди. Айтмоқчиманки, ижодкорнинг ўз олдига эзгу ният қўйганинг ўзи кам, бу ниятнинг қай йўсун амалга оширилиши пировард натижани – ўқувчидаги қандай таассурот қолдирилишини белгилайди.

5. Назаримда, адабиётимиздаги Фарб таъсири масаласи кўтарилаш ўзима оҳангидан ўз-ўзидан баланд пардага кўтарилиб кетаверадигандек туюлаверади менга. Умуман айтаман-да, ҳозир гап келиб қолди... Ойбекни эсланг: Блок шеърияти билан танишгач, шеърият ҳақидаги фикрларим буткул ўзгариб кетди, дея эътироф этганди у. Жумладан, шоир Блокдан рус символизмига хос ва кейинча импрессионизм мутлақлаштирган “оний лаҳзани” тасвирилаш манерасини ижодий ўзлаштириди, шунинг маҳсулни ўларо 20-йилларнинг охирларида пейзаж лирикасининг гўзал намуналари дегулил қатор бетакрор шеърларини яратди. Лекин бу билан Ойбек символист ҳам, импрессионист ҳам бўлиб қолмади – миллий шоиримизлигига қолди. Бир пайтлар Чўлпонга Фрейд таълимоти таъсири ҳақида ёзгандим: адаб психоанализга хос ёндашувни Мирёқуб руҳияти таҳлилида кўллади. Чўлпон ҳам бу билан Фрейдчи бўлиб қолмади – бор-йўғи миллий романчилигимизни бир одим илгарилатди, холос. Бунақа мисолларни яна келтиравериш мумкин, лекин бунга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Фақат айтмоқчиманки, миллий маданиятимиз ўзга маданиятлар билан алоқада ўзлигини йўқотар даражада фарид эмас, аксинча, ғоятда бой ва томирлари теран маданиятдир. Бас, маданиятларро мулоқот жараённида у ўзига сингишадиган, ЎЗИНИКИ бўлиб кета оладиган жиҳатларнингина олиб, бошқаларини сикиб чиқаришга қодир. Аминманки, постмодернизм ҳам бундан истисно эмас. Мазкур қонуниятнинг мудом амал қилиши учун кўп нарса талаб этилмайди – ижодкорларимиз миллий ўзлигини, қайси ва қандай маданият вакили эканларини унутмай қалам төбратсалар кифоя.

6. Йўқ, чамаси, бу масаладаги қарашим бирмунча оптимистикроқ ва у, аввало, инсоннинг, сониян, адабиётнинг табиатидан келиб чиқади. Инсон бир жиҳати ижтимоий маҳлуқ экан, унинг дардан мутлақа холи бўлишига кўзим етмайди. Модомики, дард бўлар экан, инсон изҳор эҳтиёжини тұяды. Изҳор воситарадан бири адабиёт бўлса, у инсон томонидан инсон учун яратилади ва ижтимоий муносабатлар тизимида яшайди. Шуларнинг ўзиёқ, фикримча, адабиётнинг кун келиб тамом ўйин бўлиб қолмаслигига кафилдир. Ўйинга келсак, у ижод табиатига ёт эмас, ўзингиз айтгандек, ижодда ўйин моменти қадимдан бор: сўз ўйнлари, ўткір қочирилмалар, турфа кўринишдаги шакл ўйнлари... Ижодкор учун булар бари – восита эди: фикр-хисни ўзига хос тарзда ифодалаш ва эстетик завқни куҷайтириш воситаси. Вақти келдики, постмодернчилар воситани мутлақлаштиридилар, унга тугал мақсад деб қарай бошладилар: уларнинг ижодий изланишлари боис ижоддаги ўйин кўлами, имконлари бағоят кенгайди. Бироқ бу ҳол, фикримча, мангу кололмайди: қазисан, қартасан – ўз асплингта қайтасан, деганларидек, ўйин яна восита мақомига қайтади. Зоро, ўзни ифодалаш эҳтиёжисиз ижод йўқ, бас, ўйин яна ўзни ифодалашга, постмодернчилар кенгайтирган имконлари билан энди янада самаралироқ хизмат қилади. Дарвоқе, бу кадар ишонч билан гапиришим бежиз эмас: бадий тафаккур тарихидаги фактлар шунга асос беради. Эсланг-а, шовқин-сурон билан майдонга чиқкан импрессионизм, экспрессионизм,

онг оқими, абсурд каби "изм"лар ўз даврида ниманидир мутлаклаштирган, ўшани асосга қойиб, адабиёт шундай бўлур деган даъвони ўртага ташлаган эди. Эътироф этиш керак, уларнинг ҳар бири ўзи асосга қўйган нарсанси юксак даражада ривожлантириди. Оқибат шу бўлдики, улар ривожлантирган нарса бадий тафаккурга сингиб кетди – адабиёт эса аслича қолди, фақат уларнинг ижодий изланишлари ҳисобига имконлари кенгайди, холос.

7. Менга қолса, гапнинг пўсткаласини айтиб, танқидчилигимиз бир жоїда депси-ниб қолгани тобора равшан бўлиб боряпти, у ўз миссиясини бажаролмай қолди, деган бўлардим. Майли, жавоби қанчалар нохуш бўлса ҳам, аввал мана бу саволларни қўйиб кўрайлик: "Бугун адабий танқидий асарлар ўқиляптими? Ўқилса, кимлар ўқияпти?" Афсус, биринчи саволга дадил "ҳа!" жавобини беришимиз мушкул. Сир эмас, адабий танқидий чиқишиларни, ассосан, мутахассислар ҳамда матбуотни мунтазам кузатиб бориша ўрганиб қолган айrim катта ёшли ўқувчилик "тарки одат – амри маҳол" қабилида ўқидилар. Мен бу гапларни педагогик фаoliyатим давомидаги кузатишлардан келиб чиқиб айттаётиман: эртага филолог мутахассис бўлиб етишадиган талабаларни оласизми ё малака оширишга келаётган тил-адабиёт ўқитувчилариними – адабий-танқидий материаллар чоп этиб бориладиган нашрларни ўқийдигандарни юздан бирни ҳам ташкил қўлмайди десам, лоф эмас. Мазкур шароитда "танқид омманинг бадий дидини тарбиялашга масъул" дегани қуруқ гап, негаки амалда "танқид – танқид учун" тамойили хукм сурмоқда. Тўғри, адабий танқидий ишларни чол этадиган нашрлар ҳам, уларнинг адади ҳам кам, боз устига, уларнинг талаблари ҳам танқидчиларни бироз чеклайди. Лекин бу асосий сабаб эмас. Фикримча, танқиднинг ўзи ўзгариши зарур. Биласиз, ҳозир танқидчи ўзини, аввало, адабиётшунос ўлароқ ҳис қиласди, ёзганларида ҳам олимнинг назари устувор. Балки, адабий танқидий асарларни кўпроқ мутахассислар ўқишининг сабаби шундадир?! Ҳолбуки, танқид ўқувчи омма билан мулоқот қилиши, уни адабий асар моҳиятига яқинлаштириши, муҳими, унда ўқиш эҳтиёжи ва ўқиш малакасини шакллантириши лозим. Бу эса, ўз навбатида, шу мақсадларга мос услугуб ва ифода тарзини тақозо этади. *Айтмоқчиманки, адабий танқидий асар илмий мақоладек эмас, адабий асар каби ўқишиши, бир сўз билан айтсан, ЎКИШЛИ бўлиши керак.* Айни чоғда, мунаққид ўз фикрларини пухта адабий-назарий асосда турган ҳолда ифодалashi лозим бўлади. Фикримча, танқидчилик шу талаблардан келиб чиқиб ўзини ўзгартирса, ундаги сиз айтган муммоплар ҳам навбати билан ҳал бўлади.

8. Ижод аҳли ботинида кечувчи "эски ва янги" кураши ҳамиша бўлган ва бўлади. Бу истеъоддининг табиати билан боғлиқ қонуний бир ҳолдир. Зоро, *истеъод табиатан янгиликка, оригиналликка интилади, иккинчи ёқдан, унинг фитратида аждодлар тўплаган тажрибанинг генлар орқали ўтиб келган қаймоги мужассамдир.* Яъни чин истеъод миссияси тафаккур имконидаги барча фикрлар айтилиб, кўнгилдан кечиши мумкин барча ҳислар ифодаланиб бўлган бир шароитда "ўз гали"ни айтмоқдирки, "эски ва янги" курашининг бардавомлиги шундан. Айни ҳол ҳатто бизга (ё ижодкорга) мутлақ янгилик туюлаётган нарса ҳам асли анъана заминида туришини таъминлайди. Демак, масала бизнинг ўша заминни кўра олаётганимиз ё кўра олмаётганимиз, ижодкорнинг буни эътироф этаётгани ётгаётганида, холос. Сираси, бизга ёқиш ё ёқмаслигидан қатъи назар, ўз "ижодий мени"ни юксак баҳолаш чин истеъодда хос хусусият: ундаги шу ҳис ва ўз сўзини айтиш эҳтиёжи бадий тафаккурни ривожлантируви асосий омиллардир. Ўзи яраттаётган янгилик шавқида истеъод анъана заминида турганини икрор қиласлиги ажаб эмас, зоро, ижодий изланишларига ўзини анъанага қарши қўйишдан кувват олади. Бундай қарши қўйиш, ботинда кечувчи "эски ва янги" кураши истеъод ижодий ўзлигини қарор топтиргачнина барҳам топади. Зоро, энди унинг ижодий изланишлари маҳсул – янгилик воқеланиб улгурган, анъанага бир зарра мисоли кўшилиб кетган бўлади... Ижодкор ботинида кечувчи "эски ва янги" курашини шундай тушунганим учун саволда тилга олинган бонгни эшитадиган қулоқларимиз том битмаслигига ишонгим келади.

9. Фуқаролик ва санъаткорлик бурчи деган тушунчаларни бир-биридан бу тарз ажратишда, назаримда, бироз сунъийлик бордек. Зоро, адабиёт ўзни ифодалаш шакли экан, асар ўзида яратувчисининг шахсини акс эттиради. Шахс дегани эса – бир бутун, унинг бу ҳисми фуқаро, буниси санъаткор дея айратиб бўлмайди. Ҳа, шеърларидан бирида Ш. Раҳмон "рубобий шеър"лар ёзиш ўрнига курашиб ўтгани учун ўкингани бор. Лекин бу, менимча, оний бир кайфият. Ҳақиқатда шоир қаршисида "рубобий шеърлар ёзсанми ва ё курашchan шеърлар?" тарзидаги танлов зарурати турган эмас. Йўқ,



### Рахимжон РАҲМАТ

1961 йилда туғилган. Шоир, ёзувчи ва адабиётшинос. Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Дала гуллари”, “Хасталик дафтари” каби адабий мақолалар, кузатишлар ва шеърий асарларни ўзида жамэтган тўпламлар муалифи.

у атиги ўзи тўғри деб билган равишда тўлақонли яшаган ва даврини кўнглида яшатгани ҳолда дилидагини изҳор қилган – қаламидан ўша сизу биз билган курашчан шеърлар тўклиган. Яъни шундай яшаш унинг бандалик тақдирига, шундай ёзиш шоирлик қисматига битилгандир... Савол ўзиғоят мураккаб, бунинг устига муайян йўриқ-тавсия беришни талаб қилаётгандек: жавоб беришга журъат етишмайди, бермасликка ҳам кўнгил бўлмайди. Фикримча, ижодкор инсоний комилликка интилиб, атрофидагиларни ҳам баркамолу жамиятни мукаммал кўриш истаги билан яшаса, айни шу ҳаётий мавқеи билан воқелик муносабатидан туғилган ўй-хисларини рўй-рост ва гўзал тарзда ифодаласа, бас – фуқаролик бурчини ҳам, санъаткорлик бурчини ҳам ўтаган бўлади.

10. Парадокс шундаки: бадиий тафаккур жиҳатидан адабиётимизда ўсиш бўлгани ҳолда китобхонлик даражаси тушиб боряпти. Афсуски, бу гап фақат “жиддий адабиёт”га нисбатан тўғри, чунки турфа номдаги оммавий нашрлар ҳам, уларнинг адади ҳам, демак, ўқувчилари ҳам ортиб бормоқда. Бу эса ўша “жиддий адабиёт” билан ўқувчи омма орасида жарлик каттариб бораётганидан дарактир. Албатта, бунинг кўплаб сабаблари бор, бу ҳақда кўп айтildи ва яна айтилади. Мен бу ўринда “жамият миқёсида жиддий адабиёт ҳакида қайғурмогимиз керак” деган фикрни кувватлайман. Мавжуд ахволни ўнглаш учун эса бир неча йўналишда иш олиб бориша тўғри келадики, шулардан энг муҳими, фикримча, адабий таълимидир. Менга қолса, илгари ҳам ёзганимдек, адабий таълимнинг пировард мақсадини аниқ ва лўнда килиб қуидагича белгилаган бўлардим: ўқувчи таълим мусассасини адабий асарни ўқиши, ўқиши, хис қилиши, ундан завклана билиши малакаларини эгаллаган, адабиёт ўқишини ўзи учун зарурат мақомидаги табии эҳтиёжга айлантирган ҳолда тарк этмоғи керак. Бу эса адабий таълимни шулардан келиб чиқсан ҳолда исплоҳ қилиш, шуларни назарда тутиб ўкув дастур ва режалари тузиш, дарсликлар, методик ишланмалар яратиш ва, муҳими, ҳар бир машғулотни шу мақсадларга мос ҳолда ташкил этишни талаб қиласди.

### Рахимжон РАҲМАТ жавоблари:

1. Ростини айтсам, ўтган йигирманчи асрда, жаҳон адабиёти мезонлари билан ўлчайдиган бўлсак, ўзбек насрода адабий-эстетик қимматга эга бўлган асарлар кўп яратилмади. Бунга сабаб узок йиллар адабиётимизда “соцреализм” деган сохта ва ўта зарарли методдининг хукмрон бўлишидир. Бу метод ёзувчини энг асосий куроли – кўнгилдан кечадиган рост кечинмаларни тасвирилаш имкониятидан маҳрум қилди. Албатта, истеъододли ёзувчи “соцреализм” деган метод кўйган чегараларни жуда осонлик билан бузиб ўтиб, кўнгли буюрган ва ўзи ҳақ деб билган фикр-тўйига ва тояларни қофозга тушириши мумкин. Аммо бу каби асар, биринчидан, ёруғлик юзини кўрмас эди. Иккинчидан эса, эркин фикрли ёзувчининг тақдири хавф остида қолиши ҳам ҳеч гап эмасди. Бир нарса тўгрисида чукурроқ ва инсонларга хос фикр юритиб кўрайлиш. Ўтган асрнинг 30-йиллар авлоди деб атайдиганимиз Абдулла Қаҳҳор, Faфур Ғулом, Мақсуд Шайхзода ва бошқалар 20-йиллардаги эркин фик-

рли ёзувчилар – Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Фитратларни айнан эркин фикрли ёзувчи бўлгланлиги учун жисмоний ўлимга маҳкум этилганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу нарса уларнинг кўнглида жуда катта кўркув ва эҳтиёткорлик пайдо қилиши шубҳасизdir. Биз 30-йиллар ёзувчиларининг қалби тубида қандай кўркув, вахима ва ҳадиклар пинҳонлигини фақат тасавур қилишимиз мумкин, холос. Иккинчидан эса, коммунистлар адабиёт ва санъатнинг жон томири бўлган дин ва фалсафани жамиятдан бутунлай кувиб чиқардилар. Ижод ахли учун партия съездларидағи қарорлар илҳом манбаи қилиб белгиланди. Бу деганимиз шуки, күшни кенг ва озод осмондан маҳрум қилишиб, у фақат қафаснинг ичидаги калта-калта парвоз қилиши мумкин эди, холос. Шундай шароитда ҳам, адабларимиз эътиборга лойиқ асарлар ёза билдилар. Fafur Fулом ва Абдулла Қаҳхор прозаси ўзбек насрининг яхшиигина намунасиdir. Ўтмишни ўзгартириб бўлмайди. Ҳар қанча эътироz билдиrsак-да, Абдулла Қаҳхор ёки Fafur Fулом қабрдан тирилиб келиб, бошқача асарлар ёза олмайдилар. Демак, ҳар қандай ижодкор ижодига баҳо бераётганда, у яшаган даврни ҳам алоҳида ҳисобга олиш керак. "Сароб" романни бадиий жиҳатдан жуда ҳам пишиқ, пухта. Асарнинг образлилиги жуда юксак. Аммо романнинг гояси анчайин суст, бўш. Ёзувчи ўз эрки билан эмас, балки ташқаридан бўладиган босим ва давр тақозосига кўра асар гоясими белгилаган.

Жангга кираётган аскарнинг қўлида сифатли ва замонавий қуроллар бўлиши лозим. Қуролсиз аскар душман учун тирик нишондир. Демак, ўтган асрнинг 30-йилларида адабиётга кириб келган истеъдодлар мавжуд шароитга кўра ўз истеъдодларидағи бир қатор сифатларни амалда ишлатишдан маҳрум этилган эди. Бир нарсага эътибор қаратиш керакки, бу даврда ёзувчиларимиз оддий севги изтиробини ҳам асарга айлантира олмас эди. Ўша давр – киши кўнглида кечадиган ишкӣ-интим кечинмаларни ҳам тан олмаган. Бир сўз билан айтсак, коммунистик мафкура инсоннинг ботиний оламига ҳам хўжайинчилик қилган. Шунингдек, оддий одамнинг сиёсий гояга алоқаси бўлмаган майший турмушидаги икир-чикир ҳодисалар тўғрисида ҳам ёзиш мумкин бўлмаган бу даврда.

Кейинги давр – 60-йиллар ўзбек носирлари ижодида коммунистик мафкуранинг сеziлар-сезилмас соясида бўлса ҳам, оддий инсоннинг майший ҳаёти ва инсоний севгилар тасвири кўзга ташланга бошлади. Ўзбек ўкувчиси ўзининг оддий турмуш тарзи акс этган, севгиси тилга олинган асарларни ростдан ҳам соғинган эди.

70-йилларга келиб, гарчи ўзбек бадиий тафаккурида инқилоблар содир бўлмаган бўлса-да, ёзувчилар ижодида коммунистик мафкура сояси бутунлай ғойиб бўлди. Адабларимиз асар ёзаётib даврнинг хукмрон мафкурасини тасодифан ёддан чиқариб кўйгандек эди. Ўзбек ҳаётининг майший ҳаёти, ишқ-муҳаббати, изтироблари, меҳроқибат, инсоф-диёнат каби мавзулар кенг кўламда қаламга олинди. Адабиётимизда турли қатлам вакилларининг образлари – янги персонажлар пайдо бўлди. Ҳатто шу даражага бориб етдики, айрим ёзувчилар ижодида коммунистик мафкура, хусусан, бу мафкуранинг посбонларига нисбатан беозор киноялар пайдо бўлди. Айрим ёзувчиларимиз эса, шакл ва мазмунда кескин ўзгаришлар ясашга ҳам уриниб кўришиди. Хуллас, 70-йилларда узоқ вақт асоратда ушлаб турилган, қафасга қамаб кўйилган ўзбек бадиий тафаккурида эркинлик, жонланиш тамойиллари сезилди.

Мустақиллик юз бергандан кейинги ўзбек насли эса самарали изланишлар жараёнини бошдан кечираётir. Янги авлод ёзувчилари йўқ ердан ёки бутунлай Европа адабиёти заминида пайдо бўлди, дея олмайман. Аксинча, уларнинг ижоди ўзбек насли замирида узоқ йиллардан бўён кечайётган ижобий ўзгаришларнинг ёрқин намунаси, мантикли давоми, кўнгилни умидлантирадиган бир босқичидir.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, кейинги қарийб юз йилликда ўзбек носирлари ўз даври берган имконият ва мавжуд эҳтиёжга яраша истеъдодларини намоён қилишиб, Бир даврнинг адаблари бошқа бир даврнинг носирларидан кўра истеъдодлироқ эди, деган фикрга умуман қўшилмайман. Ўзингиз таракорлаб юрибизз-ку: "ҳамма замонларда Навоий каби буюк истеъдод соҳиблари туғилади. Лекин бу истеъдодларнинг Навоий ёки Биноий бўлиб қолишини давр белгилайди", деб. Ҳудди шундай.

Юқорида айтдикки, кейинги юз йилда, ҳар ўн-йигирма йилда ижодий эркинлик кенгайиб, ёзувчини ўз имкониятларини тўлароқ намоён қилишга шароит яралиб келган. Бунгунги даврдаги ижодий эркинликни 70-йиллардаги ижодий эркинлик билан асло қиёслаб

бұлмайды. Хозирги кунда ёзувчиларимиз жақон адабиети тарихидаги мавжуд барча усул ва шакллардан фойдалаши, инсониятнинг барча жабхадаги тарихларини чуқур үрганиб, барча фанларни ўқиб ўзистеъдодларини тұла намоён қылышлари мүмкін.

2. Ижодий эркинлик – иқтисодий ернілік меваси эканлигини англаб өтиш зарур. Йигірманчы асрда ўзбек адебілари иқтисодий жиҳатдан сиёсий қокимиғият тұла қарама зди. Қарама ёзувчи эса ўзи яшаб турған хәётта холис ёндашиб асарлар ёзишга бироз қынналади. Айтишадиқи, иқтисодий эркинлик шароитида бадий тафаккур ривожланади деб. Хозир бизлар иқтисодий либерализм даврида яшаетпиз. Давр демократик тарапқыт ўйларни танлаган. Бу демак, ижодий эркинликдан бириңи навбатда жамиятнинг ўзи манфаатдор.

Хар қолда, ҳозирға даврда ўзбек адабиетида жиғдий асарлар юзага келиши учун объектив вазият мавжуд. Яны, бириңиңдан, сиёсат адабиётни мажбуран ўз измиға солишга қарқат қылаётгани йўқ. Чунки эркин фикрлилікден манфаатдор жамият ижод ахлининг тафаккур тарзига аралашмайды. Ва шундай бўлянти ҳам. Иккинчидан, бугунги ижодкор, давлатта иқтисодий қарамлиқдан кутилиб, яшаши учун керак бўлаётган неъматларни ўз меҳнати билан топяпти. Бу нарса ҳам унинг эркин фикрли ижодкор бўлишига катта бир имкониятдир. Бугунги кунда яратилаётган асарлар бириңи навбатда ҳеч қайси жиҳатдан бирон-бир кучга қарама бўлмаган, тафаккури эркин ва озод ижодкорнинг қалбида кечачётган тирик ҳодиса, жараён сифатида қымматга эгадир. Масалан, Назар Эшонқулнинг "Баҳовиддиннинг ити", Исајон Султоннинг "Қысмат", Улугбек Ҳамдамнинг "Бир пиёла сув" ҳикояларини ўқиётуб, бу асарларни қалби ва тафаккури тұла эркин ижодкор ёзганини ҳис қиласан. Икки йил бурун Назар Эшонқулнинг "Гўрўғли" романы кўлёзмасини ўқиб чиққандим. Асарда асли тирик одам жамиятда ўзининг тирик эканлигини исбот қиласман, деб роса уринади. Лекин унинг ҳар бир уринишидан кейин жамият унинг тирик эканлигини баттар тан олмайди. Менда жуда катта таассурот қолдирди бу асар. Инсон ўта мантиқсиз, ёвуз ва чигал тоғларнинг қурбони бўлиб кетиши мумкинлигини тушунгандек бўлгандим. Назар, аслида, бу романини ўтган асрнинг 90-йилларида ёзган зди.

Улугбекнинг 1996 йилда ёзиб улугурган "Ёлғизлик" қисссасига мен сўзбоши ёзгандим. Бу асарда инсон ботинида сезилар-сезилмас кечадиган, ҳеч қаочон тилга чиқмайдиган фикр-туйғулар акс этганилиги менга маъқұл келган зди. Аслида, кўнглимизнинг тубтубида содир бўладиган хиссий жараёнларни ўзимиз ҳам тұла-тўқис идрок эта олмаймиз. "Билмайман, қийнайдай қайси хотира" дейдай Абдулла Орипов.

Назар Эшонқулнинг "Гўрўғли" ва Исајон Султоннинг "Боқий дарбадар" романининг мазмун-ғоясида бир-бирига яқинлик сезаман. "Гўрўғли"да асар қаҳрамони ўзининг тирик эканлигини исботлай олмай ҳалак, "Боқий дарбадар" романыда эса ёзувчи инсон қисматининг моҳияти дарбадарлик эканлигини ургулайди. Муштарак маъно шуки, дарбадарлик ҳам тириклик эмас. "Ёлғизлик" қисссаси қаҳрамони хис-туйғуларида ҳам дарбадарлик, ўзининг тирик эканлигига шубҳалар сезилади.

Шу ўринда бир узримни айтаб ўтишим жоизки, ҳозирға кунда турли йўналиш ва жаңрларда асар ёзаётган адебиятимиз жуда кўпайиб кетди. Беш-олтитадан китоб нашр қилиб улугурган бир қатор ёзувчиларнинг номини ҳам эшифтмаганман. Баъзан китоб дўконига бош сўққанимда, адабиётимизда жуда кўп янги номлар пайдо бўлгандигини кўраман, холос. Яъникум, адабиётимизда пайдо бўлаётган ҳамма асарларни бир бошдан ўқиб, таҳлил қилиш имкониятим йўқ ҳисоби.

Бир нарсаны таъкидлаш керакки, дегенгиз кўпкисиз бўлмаганидек, бугунги кунда бачкана истеъдодсизлик модернизм деган жиғдий ҳодисани ўз айбини яшириш учун никоб қилишга қарқат қиляпти. Бир тикувчидан: "Хар хил кўйлаклардан чиқкан қийқимларни нима қиласан?" деб сўраганимда у: "Ташлаб юбораман" деб айтганди. Шунга ўшаган гаплар-да... Яна нима дейиш мумкин модернизмни ўйинчоқ қилмоқчи бўлаётганлар ҳақида. Европа модернизмі жамиятда содир бўлган улкан фожиалар, йўқотишлар, хўрлик ва хақоратлар таъсирида пайдо бўлгандигини ҳам унутмайлик. Европа модернист ёзувчилари аввал бириңи жақон урушида, кейинрок иккинчи жақон урушида инсоният қони дарё-дарё бўлиб оққанини ўз кўзлари билан кўрганлар. Уларнинг аксари бу фожиалардан шахсан жабр ҳам чеккан. Йигірманчы аср бошларида ахвол шу даражага бориб етганки, инсон зотини ҳаддан зиёд хўрланишини ўз кўзлари билан кўрган файласуф ва ёзувчилар "Худо ўлди" деб инсон тафаккурига кўйилган азалий ва муқаддас чегарани бузишга уринишган. Худо ўлди дегани, бу аслида, инсониятнинг рухий ва маънавий қадриятлари сарик чақалик қымматта зга эмас дегани.

3. Учинчи саволга нима деб жавоб беришни билмай бошим қотиб қолди. Илохий китобларнинг барида биз яшаб турган дунё ҳақиқий, бокий дунёнинг сояси эканлиги тўғрисида очик-ошкор далил, хужожатлар келтирилган. Пайғамбарлар, азиз-авлиёлар, донишманд ва файласуфлар, шоиру ёзувчиларнинг бари, аслида, идеал олам ҳақида мушоҳада қилишади. Тафаккурни ҳаракатга келтирадиган куч ҳам илохий оламга ишончдан бошка нарса эмас. Бу оламнинг омонат ва ўткинчи эканлигини ҳаммамиз биламиш. Ҳаёт ҳақиқати шуки, бу оламда бугун борсан, эртага йўқсан. Ҳақиқий адабиётда инсон, барибир, бу дунёда эмас, нариги дунёда ҳақиқий саодатга эришиади, деган ғоя тараннум қилинади. Совет адабиёти эса бу ҳақиқатини инкор этди, ўз навбатида ҳақиқат ҳам уларнинг ёзганларини инкор этиб боряпти. Шу пайтагча бирорта ижодкор "мен баҳтлиман" деган сезгини ҳатто шивирлаб айтмаган. Аксинча, Навоий ва Машраб, Пушкин ва Байрон ҳам кўпроқ инсон баҳтсизлигини мушоҳада қилишган.

Мен бадиий асарлардан чукур, кенг кўламли, бокий дунё нафаси сезилиб турадиган, инсоннинг олижаноб сифатлари улуғланган, руҳ ва тафаккур эркинлиги тараннум қилинган маъноларни излайман. Бадиий асарда кўриниб қоладиган яланоч ахлоқсизлик ғашимни келтиради. Алоҳида бир сиёсий ғоя бадиий воситаларда акс эттирилган китобларни ҳам унчалик ёқтирамайман. Бир одамнинг бармоқ излари ўхшамаганидек, ҳар бир ёзувчидаги бошқаларникига умуман ўхшамаган ўз услубларини кўргим келади. Тақлидий асарлар жаҳлимни чиқаради. Ахир, дейман тақлидчи ёзувчига, ўз қалбинга бирорванига ўхшамаган кувонч ва қайгуларнинг армому гуссаларинг бор, ана ўшаларни китоб қилиб ёссанг бўлмайдими?! Сен бўлсанг, ўз қалбингни инкор этиб, бирорванинг қайгу ва кувончини кўчириб асар қораламоқчи бўласан.

4. Эзгулик ва ёзувлук орасидаги кураш ҳамиша бўлган ва бундан кейин – қиёматгача давом этади. Инсоннинг биологик ва руҳоний табиити орасидаги зиддиятдан пайдо бўлади эзгулик ва ёзувлук орасидаги зиддият. Ажабки, ҳайвонлар орасида бу икки тушунча аҳамиятига эга эмас. Бўри гўшт емаса, очдан ўлади. Катта балиқлар кичик балиқларни ютиб турмаса, қорни тўймайди. Даражатлар ҳам кенглик ва нур талашиб бир-бирини куритишига қасд қиласди. Кишилик жамиятида эса барча давр ва ҳалклар учун ўзгармас бўлган муқаддас қонун – чекловлар бор. Аёллар, болалар, ногиронлар ва кексаларга шафқатли бўл, дейилади инсонлар жамиятида. Ҳатто бу нарсалар қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Дейлик, автобус ҳайдовчиси балоғатга етмаган болани ярим кечаси пулинг йўқ экан, деб автобусдан тушириб юборса, жиноят содир қылган ҳисобланади. Яъни у вояга етмаган болани мазмунан хавфда қолдириб кетаётган бўлади. Инсонни инсон қилиб турган миллионта руҳий-маънавий қадриятлар бор, уларнинг бари умумлашма ном билан эзгулик дейилади. Кейин эса, инсон табиатида уни ҳайвонга айланишга мажбурлаб турадиган миллионта иллатлар бор, булар эса бир сўз билан ёзувлук дейилади.

Ёзувчи деганлари, ўз-ўзидан эзгулик, юксак инсоний қадриятлар кўйичиси, ҳимоячисидир. Унутмайлик, Яратган, шайтонни ҳам бадиий истеъдоддан қисмаган... Яъниким, боши бузук одамга ҳам Худо ёзувчилик ёки шоирлик истеъодди ато этиши мумкин. Лекин боши бузук ижодкорнинг асарлари умуминсоний қадриятлар сафидан жой ола билмайди.

5. Мен азалдан "изм"ларга унчалик қизиқмайман. Лекин дўстимиз Дилмурод Куроновнинг адабиётшуносликка оид китобларидан барча измлар тўғрисидаги таърифларни ўқиб, билиб олганман. Модернизм ва постмодернизм тўғрисида рус ва Европа адабиётшуносларининг бир қатор тадқиқотларини ҳам кўздан кечирганман. Хосе Орtega-и-Гассетнинг модернизм эстетикасига оид ажойиб тадқиқоти билан ҳам танишман. Лекин, барибир, адабий асарларни ўз ақлу тажрибам билан "изм"ларга ажратишига қийналаман. Бизда адабиёт намуналарини "изм"ларга ажратиш унчалик урф бўлмаган. Шунингдек, ватанимизда адабий ўй-хаёлларнинг эркин бўлганига эндиғина йигирма йилдан жиндай ошди. Эски тузум пайти "соцреализм" деган соҳта ва заарарли методдан хорижда ижод қилиш ҳақида ҳатто орзу қилиб бўлмасди. Битта рост гапни айтиш лозимки, ўзбек прозасида "соцреализм"нинг асоратидан тўла-тўқис кутилиб улгрурган бир неча ҳикоя пайдо бўлди, холос. Шунинг учун прозамида алоҳида бир йўналиш пайдо бўлди, деб айтиш жуда қийин ҳали. "Соцреализм" асоратларидан халос бўлганимиз билан миллый менталитетимизда соғ бадиий тафаккурга ёт бўлган бошка иллатлар ҳам бор... Масалан, бизлар ёзувчи сифатида реал ҳаётта яқинроқ келишдан чўчмиймиз. Бизлар учун реал ҳаёт жаҳлдор бир ит, ёнига яқинлашгани кўрқамиш; нарса ва ҳодисаларни анча узоқдан кузатиб кўя қоламиш.

Аслида, реал ҳаётта яқынлашиш учун ишончли бир восита зарур. Ҳозирги кунда ёзувчилик римиз реал ҳаётта күркмай жуда яқын бориш учун ишончли восита топғандек бўляпти. Бу воситанинг номини символизм деймизми, метафора деймизми, хуллас, реал ҳаётта яқин келиш учун бир восита зарур. Реал ҳаёт деганимда, муайян даврдаги ижтимоий вазиятни назарда туваётганим йўқ, албатта. Инсоннинг тириклик-ҳаёти моҳиятини реалик, деб атаялман. Масалан, сюреалистлар инсон онги остидаги фикр-түйғуларни инсон табиатига хос ҳақиқи реалик деб билишган. Аслида ҳам, гапираётган гапингиз, қилаётган хатти-ҳаракатингиз эмас, балки кўнглингизда пинҳон фикрлар реал фикрлар эмасми? Қизиғи шуки, инсон ўзи онги остида нималар пинҳонлигини ўзи ҳам тузук-куруқ идрок эта олмайди. Фрейднинг онг ости жараёнлари тўғрисидаги назарияга таянган ҳолда юз йиллик адабиётимизни таҳлил қилиб чиқсан, бенихоя қизиқарли ва кутилмаган таҳлиллар қилиш мумкин. Бу усулда асар билан бирга, ёзувчи психологияси ҳам тенгма-тенг таҳлилга тортилади. Масалан, бундай усулда ўзбек совет ёзувчилари асарларида ижобий қаҳрамонларнинг, аслида, салбий қаҳрамонлар эканлигини фош қилиш мумкин.

6. Адабиёт, биринчи навбатда, бадиий санъатdir. Тўғри, дард ва изтиробсиз шеър ёки ҳикоя ёзишининг иложи йўқ. Айниқса, ғам-аламсиз бир мисра ҳам шеър ёзиб бўлмайди. Лекин биргина дарднинг ўзи билан ижодкор бўлиб, ўқувчига манзур асар яратолмайсиз. Дейлик ҳикояда ўқувчига айтадиган гапингиз нақадар муҳим бўлса-да, лекин айтадиганларингизга чиройли бадиий либос кийдирмасангиз, ёзганларингизнинг бари – бир пул. Дардсиз асар пайдо бўлмаганидек, асарда санъатсиз дард ҳам бекадрdir.

Яна бир гапки, бизда адабиётнинг ўйинга айланишига ҳали анча вақт бор. Керак бўлса, жиддий мавзуларга энди-энди кўл ура бошладик. Қачонки, мавзулар тугаса, ҳамма дардларимизни айтиб бўлсан, ана ундагина сўзларни бир-бирига уриштириб ўйин ўйнашимиз мумкин. Лекин "ўйин" ўйнашга имкон йўқ ҳали.

7. Бизда холис адабий танқид ҳозирча шаклланиб улгургани йўқ. Мен йигирма йилдан бўён, нақадар зерикарли бўлса-да, адабий танқидни кузатиб келаман. Бу соҳамиз холислик ва самимиятдан анча узоқ ҳали. Адабий танқидимизда ақл ва руҳ сезилмайди. Кўплаб отахон устозларимизнинг кўп йиллик меҳнатини бир оғиз гап билан йўқка чиқармоқчи эмасман, албатта.

Ҳозирги кунда адабий танқидда истеъододлар ғойиб бўлди. Ўтган асрнинг 90-йилларида ўш ва умидли олимларимиз жуда кўп эди. Афсуски, уларнинг барини турмуш деган аждарҳо ютиб ўборди. Умуман, бизда адабий танқидда танқид йўқлигини ҳам эътироф этиш жоиз. Бизлар адабий танқид воситасида бир-бirimizning кўнглимизни кўтариб, дўстона муносабатимизни билдириб қўямыз, холос. Адабий танқид билан шугулланиш жуда ҳам нокулай эканлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Менинг ўзим бундан иккى йил бурун ўзим тенги ёзувчиларнинг қатор ҳикояларини асосли танқид қилиб, битта мақола ёзгандим. Бу мақоламни матбуотду эълон қилишдан ҳалим чўйчиман. Чунки мақолам эълон қилинса, унда номи тилга олиниб, асарлари танқид қилинган ёзувчилар бирданига мени ёмон кўриб қолади. Айримлари қайсиadir шакла менга зарар етказишига ҳам уриниб кўриши мумкин, деб тахмин қиламан. Жасорат етишмайдими менда?.. Билмадим.

Узоқ вақт машхур адабиётчи олимларнинг ёнида юрган одамман. Устозларимиз росмана адабиётчи олим эмас, балки адабиётдаги дипломатлар эканлигини яхши биламан. Ҳаммамиз сентименталмиз, ҳали танқидга дуч келмай, кўзларимиз ёшланиб, овозларимиз ингичкаллашиб қолган.

Лекин танқидчи учун адабиётимизда иш жуда кўп. Ҳозирги кунда шоирман, ёзувчиман, бешта, ўнта китоб чиқардим дегувчи соҳта ижодкорлар армияси пайдо бўлди. Бу армия ўзининг кучи ва куроли билан омма дидини бенихоя пасайтириб юборяпти, керак бўлса, миллатимиз ахлоқига тажовуз қиласпти. Замонавий қўшиқчилик айтиётган ашулнинг матнига бир дикқат қилиб кўринг. Хонандалар одамнинг асабини кўзғаб, кўнглини айнитар даражадаги сўз қоришмаларини қўшиқ қилиб айтиётганини кўрасиз. Айниқса, замонавий қўшиқчиликда матнинг ўрни нолга тушиб қолди. Уялмайдиам-а, ҳеч қайсиси? Адабиётчи мутахассислар томонидан ижоди эътироф этилмаган, ҳатто тилга тушмаган ҳаваскор шоирлар байрамларда тўпланадиган санъат элитаси орасида қўриниб қоляпти. Айрим хонандалар ўта мантиқиз, ўта саёз, бемаъни алжирашларни катта давраларда қўшиқ қилиб куйлашмоқда. "Хой, адабий танқид, нега жимсан? Ярамас ва сурбет истеъододсизлик тўрга чиқиб, ялпайиб ўтириб олиби, ҳам ақл булиб бир нарсаларни гапиряпти. Бир ҳамла билан уни пойгакка тушириб

юборсанг бўлмайдими?". Адабиётимизда уятсиз ҳаваскорлар кўпайиб кетди. Адабиётдан узоқ кимсалар фақатгина пул ишлаб олиш мақсадида русча дедектив асарлардан кўчирмачилик қилиб ёстиқдек романлар яратиб ташлаяпти. Ҳамма нарсадан кўнгилхушлик излайдиган кимсалар жиддий фикрдан чўйидиган, қочадиган бўлиб қолди. Мумтоз меросимизни қизиқиб ўқидиган ўқувчилар бутунлай йўқолиб кетди. Гарчи тўртта-бешта шеърий китоб чоп этиб улгурган бўлса-да, Абдулла Қодирий билан Чўлпонни адаштириб юборадиган "шоирбачча"лар учриди. "Танқид саралашдир", дейилади. Лекин бугунги кунда танқид сараламаяпти. Танқиднинг ўзи йўқ бугун. Лекин жуда керакли нарса танқид...

8. Эски билан янги орасида ҳамма замонларда ва ҳамма жабҳада кураш тинмайди ва тўхтамайди. Хўш, бу нарса адабиётимизда қандай кўринишда намоён бўляяти? Масалан, прозамида майший ҳаётни қизиқарли йўсинда баён қилиб ҳикоя коралашни эски усул, деб биламан. Янги асарларда эса маънолар қатлами сезилиб туради. Бундай асарлар учун майший турмушдаги бирор ҳодиса мақсад эмас, балки воситадир. Баёнчилик услубида эса майший ҳаёт мақсад ўлароқ кўрилади.

"Эски" деган сўз билан атаётганимиз ўзбек насрода ёзувчи, иложи борича, макон ва замонга яқин келишга чиранарди. Янги прозамида эса макон ва замон мавҳумлашиб кетяпти, яъни ёзувчи ўзи мансуб бўлган макон ва замондан қочишига уриняпти. Эски давр прозамида адилларимиз тип ва характер яратишни ўз олдиларига катта мақсад қилиб олишар эди. Ҳозирда "янги" деб атаётганимиз ижод намуналарида бу нарса, яъни алоҳида бир персонажнинг қилиқ ва одатларига ургу бериб, характер ва тип яратиш одати сезилмайди.

Мана, бир ўхшатиш: иккита тангангиз бор, бири мис, иккинчиси тилло. Мис танга-га қараб ўйлайсиз: икки дона гугурт ва туз сотиб оламан. Тилло тангани кўлингизга олиб эса жуда кўп нарса ҳарид қилишингиз мумкинлиги ҳақида мушоҳада қиласиз. Ҳозирги кунда бир-бирларининг чегараларини аниқлаштираётган (делимитация ва демаркация) адабиёт намуналари орасидаги фарқ юкоридаги ўхшатишдаги ишорага ўхшайди. Ҳусусан, янги ҳикоячилик намуналари ўз бағридаги маъноларни ўқувчидан беркитишига, яширишга уринади. Оқида ва тарбияли қизлар дуч келган йигитнинг бағрига ўзини отмайди-ку! Улар йигитларнинг энг муносибига кўнглини очади. Янги ҳикоячилигимиз ҳам ўқувчини танлайди, саралайди. Нарсимизда кейинги пайтда ёзилган "Баҳовиддиннинг ити", "Бир пиёла сув" ҳикоялари, "Озод" романи Гассет айтмоқчи, ўқувчиларни икки гурухга бўлиб юборади: асарни тушундиганлар ва тушунмайдиганлар. Бу асарлар жамиятимизда элитар ўқувчиларни пайдо қиласиз.

Назар Эшонкулнинг "Баҳовиддиннинг ити" ҳикояси персонажи итга айланниб ёрига – саодатга эришяпти. Унинг инсон бўлиб юрган кезлардаги қалбини доимий эгаллаб юрадиган изтироб ва зерикишга диққат қилинг. Инсонликдан воз кечиб итга айлангач, қалбida минглаб илоҳий кувонч юлдузлари порплай бошлади. Инсоннинг итга айланниши жараёни жудаям қизиқарли ҳодиса. Бу ҳодиса замиридаги маъно қатламлари эса, ўқувчини мuloҳазага, мушоҳадага ундаиди. Юкорида айтдикки, ёзувчининг "Гўргули" романи қаҳрамони тирик бўла туриб, ўзининг тирик эканлигини исботлай олмаяпти. "Баҳовиддиннинг ити" ҳикоясида эса инсон итга айланганидан кейингина ўзининг инсон эканлигини сезяпти. Инсон икки марта – биринчисида физиологик, иккинчисида психологияк жиҳатдан туғилади. Жисмоний туғилишда одам она қорнини тарқ этиб, алоҳида мавжудликка айланяпти. Психологияк жиҳатдан қайта туғилиш эса, ўзгаларга фикрий-хиссий қарамлиқдан бутунлай халос бўлишdir. Абдулла Қаҳҳорнинг "Бошсиз одам" ҳикояси қаҳрамонида психологик туғилиш содир бўлмаган. "Баҳовиддиннинг ити" ҳикояси қаҳрамони эса психологик жиҳатдан қайта туғилиш лаззати накадар илоҳий бўлишини сезиб, саодатга эришяпти.

Улугбек Ҳамдамнинг "Бир пиёла сув" ҳикоясида, аслида, аробада сув олиб кетаётган кимса катта бир кўнағага бир пиёла сув ичгани киради. То бир пиёла сув ичиб ташқарига чиққунича йиллар ўтиб кетиб, чолга айланниб қоляпти. Ўндан ҳам қизиги шуки, аробада олиб кетаётган нарсаси сув эканлигини сезиб қоляпти. Ўқувчи сифатида мен ана шундай ҳикояларни ёқтираман. Бу ҳикоялар замирига чуқурроқ тушиб, инсон тақдирининг ўта сирли, оддий кўздан пинҳон жиҳатларини илғагим келади.

Яна бир гапки, ўзбек бадийи тафаккури ривожланишини, асарлари бутун дунёга машҳур бўладиган ўзбек ёзувчилари пайдо бўлишини жуда-жуда истаймиз. Биринчидан,

жиддий асарлар миллатимизнинг мухим тарбиячиларири. Иккинчидан эса, бадиий тафкурдаги юксалиш охир-оқибат ватанни юксалтиришга муносиб ҳисса құша олади.

9. Чин ижодкорнинг фуқаролик бурчи жуда ҳам буюк. Айниұса, бугунғи күнда донишманд, ватанпарвар, дүнәдә содир бўлаётган воқеа-ходисаларни кузатиб, моҳиятларини англайдиган адиллар жамиятимиз учун жуда зарурдир. Хусусан, ёшларимизни фитна ва фалокатлардан асрар, биринчи навбатда, адилларимизнинг мухим вазифаларири. Бугунғи күнда маданият никоби остида ватанимизга ахлоқсизлик бостириб киришга ҳаракат қиялпти. Бу нарса миллатимизга зарар келтиришини идрок этиб улгурмаган айрим ёзувчилар ўз ижодлари билан ахлоқимиз сарҳадларини бузшига уринаёттан ахлоқсизликка ёрдам берәтгандарини сезиб улгуршгани йўқ. Ахлоқсизлик охир-оқибат инсонни кўз кўриб, қулоқ ўшитмаган жиноятларга етаклайди. Бу балодан ҳазар қилиш керак.

Девонасифат, ароқхўр, "ижоддан бошқа нарсани тан олмайман", деб арzon ошхоналарда шотирлари даврасида бетамиз латифаларни айтиб юрадиган шоир ва ёзувчиларни умуман ёқтиромайман. Ижодкор шахсий ҳаёти ва ватанга мухаббати билан ҳам бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Глобализация шароитида ҳар турлги номақбул ғоялар ёшларимизга зарар етказишга ҳаракат қилаётганини кўриб турибмиз. Адилнинг сўзидан, асарларидан, ҳаёт тарзидан ҳалқнинг кўнглини илтадиган, ҳаёти дунёсини ёритадиган нур таралиб турсин. Классик шоирларимизнинг ҳеч бири ўзи яшаб турган жамиятдан ўзларини холи ҳис қилишмаган. Аксинча, улар сўзи ва фаолияти билан жамият ҳодисаларига фаол аралашиб, ватанга, ҳалққа наф келтиришган. Ёзувчи сўзининг салмоги катта.

Альбер Камюнинг асарлари билан бир қаторда, унинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳам менга маъкул келади. Лев Толстой ўз вақтда Россиянинг улкан виждонига айланган эди. Достоевскийнинг кундаликларини ўқиб, унинг ҳам ўз ватанининг ватанпарвар ёзувчиси бўлганлигига қойиллар қолганман. Чўлпон ва Абдулла Қодирийлар буюк Ватан гояси учун жонларини бериб ўборишид-ку! Лекин бизлардан ҳеч ким "Фалон гояга жонингни қўрбон қил", деяётгани йўқ! Бизлар юлдуз каби нур таратиб, ёшларимизнинг етук инсон ва ватанпарвар ўғил-қиз бўлишига ёрдам беришимиз керак, холос. Шунингдек, миллатимизнинг тиллога тенг ахлоқий қадриятларини кўриқчилари бўлишимиз позим.

10. Кундан кунга адабиёттинг табақалашаётгани яққол сезила бошлади. Омма ўз асарлари ва адилларини танлаб улгурди. Чуқур маъноларнинг қадрига ета биладиган элитар ўқувчилар ҳам ўзларини оммадан алоҳида қилиб олишяпти.

Яна ўн-йигирма йиллардан кейин адабиётдаги табақалашаиш аниқ юзага чиқади. Ҳозирги күнда ўта истеъоддли ижодкорларимизнинг омма орасида машхур эмаслиги, адабиётчи мутахассислар томонидан ижодкор сифатида умуман эътироф этилмаган, ҳатто тилга олинмаган айрим шоирларнинг омма орасида машхур бўлиб кетиши ҳам, адабиётимиздаги табақаланишнинг яққол белгисидир. Орtega-и-Гассет айтганидек, ҳамма жамиятларда юксак бадиий асарни чуқур тушунадиган алоҳида инсонлар мавжуд. Файласуф уларни тұғма аристократлар, деб атайди. Бизнинг жамиятимизда ҳам мана шундай аристократ қатлам шакллана бошлади.



## Мулоҳаза

### АБДУЛЛА ҚАҲХОРНИНГ "КАРТИНА" ҲИКОЯСИ, "МАФТУНИНГМАН" КИНОКАРТИНАСИ ВА КОНФЛИКТСИЗЛИК "НАЗАРИЯ"СИ

1949 йилда Абдулла Қаҳхор "Картина" ҳикоясини эълон қилди. Асар бошида кўнғизнусха бир автомобиль колхоз правлениеси олдига тўхтаб, ундан икки киши тушади. Бир шоир ва бир кинорежиссер кинокартина олиш учун "Пахтакор" колхозига келишган экан. Улар кечгача қишлоқ ҳаёти билан танишишади: ҳаёт – фаровон, турмуш – қийқирик, албатта. Уларнинг нияти ҳам қишлоқнинг ободлигини, одамларнинг баҳтли эканини кўрсатиш. Аммо, шу орада, муаммо пайдо бўлди. Картина учун каттами-кичикими, ишқилиб – бир воқеа керак, воқеа учун эса қарама-қаршилик бўлиши шарт. Қарама-қаршилик қидириб, картина ижодкорларининг ҳам, колхоз фаолларининг ҳам боши қотади, аммо қурғур конфликтни топиб бўлмайди: – Балки механизацияга қарши одамлар бордир? – Йўқ. – Лоақал чоллар-чи? – Улар бир маҳаллар қўйналиб кўш омоч билан ер ҳайдашган, шунинг учун механизация қадрни ёшлардан яхшироқ билишади...

Хуллас, қарама-қаршилик деган нарса йўқ бўлиб, патарат топиб кетган экан. Картинанинг олиниши даргумон бўлиб қолади. Чунки воқеа йўқ. Шунда Қундузхон деган донгдор звено бошлиги: "Мулла акалар, беадабчилик бўлса ҳам, менинг бир таклифим бор эди, колхозни кўрсатишга воқеа керак бўлса, шу келишларинг ўзи бир воқеа эмасми?" деб қолади. Ҳамма кулиб юборади, аммо, пировардида, шу таклиф асосида кинога сюжет топилади. Яъни орадан уч ойлар ўтиб, кинони суратга олиш бошланганида дастлабки кадрларда кўнғизнусха бир автомобиль колхоз правлениеси олдига келиб тўхтайди ва ундан икки ижодкор тушиб келади, улар колхоз ҳаёти билан обдан танишишади, кечқурун раис ва колхоз фаоллари билан бирга асарга конфликт ахтаришади, муаммо ҳеч ҳал бўлмагач, Қундузхон ёчим топиб беради...

Абдулла Қаҳхор ҳикоясидан тўққиз йил ўтиб, Йўлдош Аъзамовнинг "Мафтунингман" кинофильми экранларга чиқди. Ўзбек санъатининг бундан ярим аср аввалиг ютуқлари ёрқин акс эттан мазкур картина ҳаммага яхши таниш бўлгани учун тафсиллаб ўтирамаймиз. Аммо айни фильмнинг Абдулла Қаҳхор ҳикояси билан бир ўхшаш жиҳати бор: унисида ҳам, бунисида ҳам "ўзбек халқининг баҳтли ҳаёти", "ҳамма ўйнаб-кулиб ҳаёт кечираётгани", "ҳеч бир муаммо ва мажаронинг йўқлиги" асосий фоя сифатида келади, кино режиссерининг сафарга чиқиб сюжет қидириши эса, бу асар фабуласини ташкил этади. Яъни кино тафсилотлари эмас, шу тафсилотлар учун режиссернинг материал қидириш жараёни асар сюжетидир.



**Зуҳриддин  
ИСОМИДДИНОВ**

1953 йилда тугилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомомлаган. Филология фанлари номзоди. 200 га яқин илмий мақолалар муаллифи. "Туркӣ эпос ва таржими" номли илмий рисоласи чоп этилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида фаолият олиб боради.

“Мафтунингман” – биринчи ўзбек мусиқали кинокомедияси. Фильм сценарийсі шоир Туроб Тұла ва Михаил Мелкумов қаламында мансуб. Сценарийнинг қайсы қисмінің көзінің аниқлашы, ҳозир амри маҳол, албатта. Аммо бундан қатын назар, Абдулла Қаҳхорнинг “Картина” ҳикоясы мазкур кинофильм сюжетінің үзілешін хам иштегендегі вазифасын бажарғанын айтыш керак. Мазкур ҳикоя мутолаасидан кейин “Мафтунингман” киносиниң күрган ҳар бир киши бунга амин бўлади. Асада айнан кинофильм сюжеті ҳақида гап боради ва сюжет қидириш тағсилотларининг ўзи – тайёр сюжет экани таъкидланади. Бизнингча, бояги аёл тилидан айтилган гоя “Мафтунингман” сценарийсі муаллифлари турткы берган. Абдулла Қаҳхор ҳатто олинажак кинонинг жанрини ҳам белгилаб, “жуда қизиқ кинокомедия қилиш мумкин”, деб таъкидлаган эди. Чиндан ҳам эътибор берсангиз, Абдулла Қаҳхор “Картина” сида ҳам, “Мафтунингман” киносида ҳам айтарлы туғун ва шунга яраша ечим йўқ – бари асарнинг ичи – ўртасида, қидириш тағсилотларида.

Нега шунақа?

Бу кулгили ва қизиқ лавҳалар ортида қаттол тузумнинг қонли манзараплари акс этиб турибди десак, ҳозирги ёшлар ишонишармакин..

Ёдингизда бўлса, 1946 йилга келип адабиблар, санъаткорлар ва олимларни қатл этишдан хумори босилмаган давлат энди адабиёт ва санъатнинг ўзини қўргин қилишга киришди: август ойида “Звезда” ва “Ленинград” журнallари тўғрисида ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори чиқди. Унда рус адабиётининг икки забардаст вакили – машхур шоира Анна Ахматова билан ҳажвчи Михаил Зошченко икоди гоясизлик, тутуруқсизлиқда айланади. Орадан ўн кунча ўтиб ВКП(б) Марказий Комитетининг мазкур қарорига “лаббай” дея “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Шарқ юлдзузи” журнали ҳақида” деган мақола босилди. “Марказ”нинг бояги қарорида адабий-бадиий журналлар ва уларда чол этилган асарлар танқид қилингани боис, Ўзбекистонда ҳам ана шундай нашрларга “эътибор қаратиш” лозим бўлар эди. Аммо Республикада мунтазам чол этилиб турган адабий-бадиий журналнинг ўзи йўқ эди, уруш асоратлари ҳали босилмаганди. Нима қилиш керак? Ноилож, якинда таъсис этилган, бор-йўғи бешта сони босилиб чиқсан “Шарқ юлдзузи” журнali ҳужумга нишон бўлди. Мақолада, гёй “холислик” учун Ойбек ва Абдулла Қаҳхор асарлари “дуруст” дея типга олиб ўтилади, аммо Зулфия, Ўйғун, Собир Абдулла, Шукрулло, Ўтқир Рашид, Ҳомил Ёқубов каби адаби ва олимлар икоди вуљгар социологик “таҳлил” қилиниб, Ўзкомпартиянинг марказий нашри томонидан аёвсиз “урит” ташланди.

Мана, Ўйғуннинг севги мавзудаги лирик шеърлари ҳақидаги ҳукмни қаранг: “Совет воқелигига ҳам севгининг маъноси жуда кенг. Биз ҳаммадан бурун Ватан севгисини, ҳалқ севгисини куйлашимиш керак. Ёр севгиси Ватанга бўлган буюк севгимизнинг ажralмас бир бўлғи сифатида яшамоги лозим. Ўйғун каби шоиримизнинг куруқ, ҳаётдан, умумий курашимиздан ажралган ишқа бир эмас, тўртта шеър бағишлиши... китобхонларни таажкубга солмасдан қололмайди”.

Будавра келип адабиётда статистик ҳисобот қабилидаги мақолалар кўпайди. Уларда, айтайлик, бирон шоир ё икки квартал давомида металлургия ёхуд пахта ҳақида “нечта шеър бергани”ни айтиб, пўстагини қоюш етакчи ўринга чиқди. Бадиийлик, адаб маҳорати ҳисобга олинмас, асарга “гоявий соғлом”лигидан, қайсы темада неча юз мисра “маҳсулот” топширилганидан келип чиқиб баҳо берилар, адабиблар “тovуш борича” замона берган баҳту иқболни тараннум этиши лозим эди.

Кўрамизки, мамлакатда таъқиб ва тазиикнинг янги тўлқини ёпирилиб келди. 1937 йил қатағонидан, Иккинчи жаҳон уруши талотўларидан омон чиқиб, эндиғина кўкрагини кўтариб юра бошлаган ижодкорларнинг яна нафаси ичига тушиб кетди. Шуниси ҳам борки, даврни куйламай туриш ҳам шубҳа ўйғотар эди.

Мана шундай вазиятда адабиётшунослик ва умуман санъат соҳасида янги гоя ўйлаб топилди. Унга кўра, социализм галабаси кучайиб боргани сари ижтимоий ҳаётдаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар таг-томирни билан йўқолиб кетиши лозим эди. Бу шароитда бадиий ижодиа ижтимоий зиддиятларни рўйирост кўрсатадиган адабибларга қийин бўлди. Ундайлар бадбинлик ва нохолисликда, хориждаги душмандарнинг тегири-монига сув куйишида айбланар эдилар. Қатағонинг совуқ нафаси адабиёт bogигa хаizon фаслини бошлаб келди. Энг истеъододли адабиблар узлатта чекинишга мажбур бўлдилар. Боя айтганимиз, шоира Анна Ахматованинг номи хийлагача тилга ҳам олинмай қўйди; 35 яшарлигига олти жилдлик “Танланган асарлар”и чол бўлган Михаил Зошченкодай истеъододли ҳажвчи бадиий ижоддан кўл ювиб, очеркчилик ва таржима ишига ўтиб кет-

ди; номлари күлчилликка таниш бўлган неча ўнлаб ижодкорлар эса айнан шу даврда ичкилик ва машшат кўйидан ўзларига овунч ва тасалли қидирадиган бўлиб қолдилар. Уларнинг асарларида ҳам, азбаройи замонасоэлик учун, "Элимизниң толеига улуғ дохий омон бўлсин" йўсунидаги тилаклар изҳор этилар эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг "Картина" ҳикояси ана шу давр маҳсули бўлиб майдонга келди. Унда ўша йиллардаги бошқа асарлар каби, "баҳтли ҳаёт" тараёнум этилади, дафъатан нақ идиллия шароитини кўрасиз – ҳаммаёк боғ-бўстон, ҳамма бир-биридан мамнун, келажак эса янада фаровон ва ҳоказо. Аммо, назаримизда, атоқли адебнинг бу асари ботинида машъум конфликтсизлик "назария" сига қарши бир исен ҳам йўқ эмас. Асардаги бир қаҳрамон дангал қилиб: "Асар бўлиши учун бизга нима керак? Бизга воқеа керак. Воқеа бўлиши учун нима керак? Қарама-қаршилик керак", деб айтади.

Аммо... қарама-қаршилик йўқ эди. Ҳамманинг баҳти кулган эди. Тракторчилар, шофёрлар, зардўзлар, колхозчилар... сартарошгача – барча саодатманд. Трактор гулдуроси остида пахтакорлар ўйнаб-кулади, шоффёр йўлда ашула айтса, даладаги дехқонлар унга жўр бўлишади, зардўз қизлар иш ўрнига кўшиқ айтиб, рақсга тушадилар: гўё иш дегани – меҳнат эмас, бир байрам... Аммо бундай лавҳалар фирт сохта ва хўжакўрсинга тайёрланар, амалда эса одамлар каналлар қазиш, сув омборлари куриш, чўлларни обод қилиш, ботқоқ куритиб завод барпо этиш каби улкан экстенсив тадбирларга ёппа сафарбар қилиниб, оғир, ноинсоний шароитларда касалликларга чалиниб, пашшадай қирилар, кинофильмларда эса улар ўрнига энг хушбичим, латофатли артистлар қаҳрамонлик жасоратини амалга оширав, халқ гўё галабалардан галабаларга, байрамлардан байрамларга ўтиб бораётгандай тасвирланар эди. Аксар назариётчилар социализм галаба қилгач, "нафақат антагонистик, балки ноантағонистик қарама-қаршиликлар ҳам ҳаётдан йўқ бўлиб кетгани"ни зўр кувонч билан маълум қилардилар.

Тўғри, орадан камида ярим аср ўтди, бунақа қалбаки "ҳаёт лавҳалари" ҳам, уни ёқлайдиган гайриилемий ғоя ҳам ҳозир йўқ, улар ўтмиш ахлатхонасида қолиб кетди. Аммо ўша даврда даврон сурган бу хукмрон "назария" адабиётта, санъат ва маданият тараққиётига, матбуот равнагура кўп зиён етказиб, ана шундан кейин бартараф бўлди.

Шундайликка шундай. Аммо ҳаётни алвон рангларга бўяб кўрсатиш ўттизинчи эллигичи йилларгагина хос ҳодиса эмас экан. Қачонки сўз санъатида ялтоқланиш, хушишомад муҳити шакллансанса, мадхиябозлик яна пайдо бўларкан. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллар бошида бъяззи адиларнинг асарларида барча муаммолар ЦКнинг салобатли кабинетида, республика раҳбари томонидан энг одилона ҳал этилиши, бошида тегирмон тоши юргизилган жафокаш қаҳрамоннинг ҳаёти ўша онда 180 даражага ўзгариб, баҳту омад симфониялари чалиниб кетишини тасвирлаш удумга айланга бошлаган эди. Озод Шарафиддинов "Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси" деган мақола ёзил, уни кескин танқид қилиб чиққани, шундан кейин бу тенденция бир қадар пасайгани ёдимида.

"Бир қадар" деган калимани бежиз қўшмадик. Ҳаётни гулчамбар ичига солиб тасвирлаш тамоили бир мақола билан бартарафа бўлиб қолмас экан. Чунки конфликтсизлик – бу адабиёт шумғиясининг иккита ўқ томони бўларкан: бир илдизи подабузарликда айбланмаслик учун ҳадик-хавотир, иккинчиси эса "соғломғояли, чин ватанпарвар ижодкор" сифати билан танилиб, эътибор топишга бўлган таъма – илинж. Ҳар икки ҳолда ҳам ижод эркинлигига путур етади.

Шу ўринда, ёзувчининг эркинлиги ҳақида икки оғиз сўз юритсак. Ижодкор эркинлиги деганда, мен асар яратиш жараённида адебнинг ўзини тўла эркин хис қилиши, турли мавзуда, турли тарзда бемалол экспериментлар ўтказиш эркинлигини тушунаман. Ана шундай шароитда, адабиётда янги бадиий гоялар, янги оқимлар, янги жанрлар юзага келади ва миллий бадиий тафаккур дараражаси юксакка кўтарилади. Бироқ қайси мавзууда ёзиш мумкин ё йўқ, бу гапни шу тарзда ифодалаб бўлармискин, кимдир – бирор қарши чиқмасмискин, дея Чеховнинг "Филоф бандаси" қаҳрамонига ўхшаб, ҳадеб ўзни чеклаш, ҳаккадай ҳадиксираш нафақат асарни ва ижодкорни, балки бутун адабиётни боши берк кўчага киритиб кўяди. Зоро, табиий ўсаётган дараҳт аллеялардаги оғочлар сингари мақбуғ форма олиб эмас, бутун танаси бўйлаб шоҳ-бутоқлар чикариб, борлиғи билан гуллаб-яшнаб кулф уриб кўкаради-ку! Шуниси билан у – тирик дараҳт. Ҳеч бир дарёнинг ўзани нивелир билан тортилган каналга ўхшаб бир чизиқ бўйлаб эмас, минг хил буралиб, ададсиз қайрилишлар билан оқади ва теваракдаги борлиқка жон ато этади. Зоро, бусиз дарё – дарё эмас. Инчунун, адабиёт ҳам ЦК қарорлари асосида эмас, ўз ички

стихияси билан ривожланасынан күзларни яшнатувчи ям-яшил дарахтта, күнгилларга обишаёт етказувчи дарё азимга айланади.

Аммо иккинчи "үқ илдиз" – эътибор топишига интилиш мұлоҳазаталаб масала. Гап фақат орден-медаль, унвон ва мукофот таъмасида ижод қилиш ҳақида кетаётгани йўқ. Ҳар қандай соглом жамиятда нафакат ўта истеъоддли, балки ўртамиёна бир ёзувчи ҳам бошқа тирикчилек кўйига тушмасдан, бемалол бола-чақа боқиб, кун кўра олиши керак. Бунинг аксича, китобини чоп этириш учун адид квартирасини ё бир маҳаллар олган машинасини бозорга чиқаришга мажбур бўлса ва бу кундалик воқеликка айланса, ижодкор эртакдаги каби уч йўлдан бирини танлашга мажбур бўлади: у ё рўзгорини ўйлаб бошқа касб танлаши лозим ёхуд боя айтганимиздай, ичкиликка, сархушликка берилади ва ё "замонабоп" асарлар ёзib ўзини тақдим этишга ўтади. Бу эса машъум конфликтсизлик яна майдонга чиқди дегани, у организмда летент ҳолда яширин туриб, ниш урган хасталик сингари шароит юзага келиши билан таракор-такор кўрсата беради...

Кўрамизки, бадий заифлик конфликтсизликдан, конфликтсизлик эса хўжакўрсун ватанпарварлиқдан пайдо бўлар экан. Бу ҳолат баъзиларнинг "ўзгалар ишонса зора", дея соҳта ҳисларини ҳам изҳор этаверишига ўхшаб кетади. Чунончи, телевидение бот-бот на-мойиш қўладиган, давлат байроғи фонида "Вата-ан, вата-ан!" дея ҳайқираётган, аммо дили тубидаги "зора назарларга тушсак, зора хизмат кўрсатганимиз тақдирланса", деган илинжики аён сезилиб турган хонандаларнинг кўшиги одамларга таъсир қиласи, деб ўйлайсизми?..

Қишлоқлар ободончилигига, янги кўприкларга, довон йўллари, конлар очилишига атаб улкан адабий полотнолар яратиш мумкин, керак ҳам, аммо бунинг учун шу мавзу, шу объектнинг қаламга олинганининг ўзи кифоя эмас-да...

Яна "Мафтунингман" кинофильмiga қайтайлик. Бу картинани ҳамма яхши кўради. Чунки у гўё улкан бир панорама – ўзбек санъати энг ривож топган бир палла ҳақида зўр таассурот беради. Ҳар гал ба кинофильмни кўриб, шундай гўзал, бетакор санъатимиз борлигидан, шундай юксак маданиятга эга бўлган ҳалқнинг бир вакили эканимдан фахрланиб кетаман.

Аммо уни бу даражага кўтарган нарса сюжети эмас, балки "сюжет" ипига тизиб қўйилган санъат асарларининг ўзиридир, асар фабуласининг ўзида эса ҳеч қандай ўсиш – ўзгариш, кульминация ва ечим йўқ.

Холбуки, ўша даврда одамларнинг турмуши қандай қийинчиликлар, йўқотиш ва уқубатлар билан ўтаётган бўлмасин, ҳукмрон сиёсат ижодкорлардан фақат "баҳт шодиёнаси" бўлган асарлар яратишни беҳаётларча талаб қиласи эди. Оқибати эса – маълум. Даврнинг кўзи ва қулоги, сўзи ва овози бўлган бадий адабиёт, санъат, матбуот реал воқеликни кўрмаслик учун кўзларни юмби, қулогини беркитиб олса, номига овоз чиқариб, ҳеч ким ишонмайдиган тарзда "ҳаммаёк фаровон, ҳамма ишимиз беш" деб ўқтира берса, ҳатто инсоний севгини ҳам инкор этиб, "умумижтимоий севги"ни талаб қиласа, соҳта ватанпарварлиги ватанни севиш туйғусини одамнинг тумшугига тикиштира берса, шу адабиёт, шу санъатина эмас, ундан шуни талаб қиласан ҳукмрон тузумнинг ҳам таназзули тезлашиб кетар экан.

Чинакам адабиёт, асл санъат, ҳаққоний матбуот жамиятнинг санитари ўлароқ, ҳаётда юз бераётган нуқсону иллатларни рўйистор очади, хаспўшламайди, мадҳиябозлиқ қилмайди. Шундагина ижтимоий ҳаёт соглом, мўътадил равишда кечади. Ва бунинг аксича, айтайлик, жамиятда пораҳўрлик илдиз ота бошлиганини кўриб, ўз ҳаётий по-зициясидан чекинмаган ёзувчи, "Тобутдан товуш" ёки "Сўнги нусхалар" дея вазиятдан келиб чиқиб юмшатувчи номлар қўйиб бўлса-да, драма ёзса, ҳукмрон мафкура лаббайгўлари бунга жавобан "Абдулла Қаҳҳорнинг "Тобутдан товуши" тарзида ҳақоратомуз сарлавҳалар билан фельетонлар чиқариб, адабни оғидан чалишга киришса ва... бу ҳеч ким эътиroz қила олмайдиган одатий, ҳамма ўрганган бир ҳолга айланса, наинки адабиёт, балки шундай носоғлом мұхитни барпо этган тузумнинг ўзи ҳам тубидан уқаланиб-уваланиб кета бошлидай ва уни тўхтатадиган куч топилмай қоларкан.

Яқинда улуғ ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг "Картина" ҳикоясини таракор ўқидим. Интернет орқали "Мафтунингман" кинокартинасини яна бир бор томоша қўлдим. Ва шундай хуносага келдимки, асл санъат асарларида ҳаққоният ва гўзаллик бир-бирига пайваста бўлиб кетаркан. Шунинг учун ҳам бундай асарлар ўлмас экан. Зўраки, мадҳиясевар тузумлар, ўшандай давр-давронларни алқайдиган асарлар, уларга "илмий" асос бўлган соҳта "назария"лар эса совун кўлигичалик давр суриб, йўқликка юз тутиб кетавераркан.

Тарих – ибратдан иборат. Биз шунинг учун уни ўрганамиз. Бу ибрат биздан хур замонда теваракка очиг кўз билан назар ташлашни, юз бераётган катта-кичик ўзгаришлар мөхииятига терароқ кириб боришни ва уни бадий инкишоф этишни тақозо этади.



## Булоқ құз очди

### Фағыона ёшлағы ижодидан

#### Ватанни англиши

Лолазоринг шиширлалған хиromoини  
Менгізбап борар шаббадалар дудоглари.  
Кояларнинг гард юқмаган каломини  
Қаршилайды тонгларингнинг сүрголлари.

Қаққаңалар күзларингдә сиймоланар,  
Хүр лаңзада ҳүррияттінг овозаси.  
Яшиллуклар құчиб борган құксынг узра  
Меммон хушлар дил уйиннинг дарвазаси.

О, юрагим титкілалған оқ Ѽемгирлар  
Бұса олар ялтыз үнгап пешонанғдан.  
Күз түшганды дайдорингни таъми келар,  
Йилларингни қадр этгап остананғдан.

Чүчмомалар әрқалайди товонимни,  
Күзларимга адирлуклар құчиб келар.  
Кафтим очсам, тирногимга қадар сүйиб,  
Тупрогингни нағаслари құчиб келар.

Ватан, шиқынг бешигига бойланайин,  
Сени алқаб, сүз излайды гүл қарогым.  
Нигохингга нигохларим күчгап сайнин  
Остананеда күзин очмиши қызгалдогим.  
Ватан...



**Дилнавоз  
ҚҮЛДОШЕВА**


1990 йылда туғилған.  
Хозирда Фарғона Давлат университетінде  
тағысил олмоқда. 2007  
йылда "Хайраттар  
аиътори" номли шеър-  
лар түпласы чоп  
қилинганды. Зулфия номи-  
дагы Давлат мұкофо-  
ти сөвриндори.

#### Мовий шиқ

Мовий лаұзаларнинг қучокларидан  
Аста сизиб чиқар күм-күк хавотир.  
Жимжеттік ҳайықиб ҳайықириқлардан  
Мовий ҳаяжондан тұлғанаётір.

Бу тонгнинг ранглари оқылукдан әмас,  
Бүгун қүёшнінг-да, нурлари мовий.  
Мовий фалакларнинг кафтига жон-ла,  
Қайта ёнбошлалған ҳурлари мовий

Сәуле Нұржановна  
Алғашқы түннен  
тәркіт сөзінің  
Хар күндеңін  
Буланың күнінің  
Бүннен беріңінің



### **Гүзалой ЭРГАШЕВА**

1993 йылда туғылған.  
Фарғона Давлат уни-  
верситети талабаси.

Күзлар қадағанда әртіди замин,  
Баҳтни татий бошлар мовий ҳайратлар.  
Ҳайқот, оқыпкаларнинг ичида якто  
Мовий гулхонада мовий суратлар.

Умр ҳамон мамнун рангиллардан,  
Мовийлікка күчар беранд тилаклар.  
Энди ахтармайтын алғон онларни,  
Ишкни аңглай бошлар мовий юраклар.

Бу тонгнинг ранглари оқылқдан эмас,  
Бүгүн күйенинг-да, нұрлари мовий...

### **Замин саодатдир, осмон саодат**

Кимларга үшкайман бенаво, сұлгин,  
Инжис қадамларим кезинар қайдыа.  
Хира туманларга түйгүлар яқын,  
Чангланған іүлларим майды ва майды.

Күлбамда биргина бутунлик истаб,  
Бүс-бутун сабримнинг косасин туттдым.  
Үзимни әнг асов дарадан излаб,  
Үзимдан туғылған үзни унұттдым.

Яңғы шөвқинларга қайтаман энди,  
Изгиб юраманми үйқұлек дашитида.  
Баҳт сүзин айтшиға жуфталаб лабимни,  
Бир гуллаб оламан хаёл гаштида.

Кимларга тенглашиб яшадим илхак,  
Менгзалиш үйнида панд берди сабот.  
**Рұхсият** муборак, вұжыуд муаллақ,  
**Замин саодатдир, осмон саодат.**

**Гүзалой ЭРГАШЕВА**

### **Қишлоқ баҳори**

Суқунат синаған ҳайқуриқларда,  
Дүнени тұнтарыб ташлайди шамол.  
Булут аллагалан беланчакларда,  
Ойнинг үргогига илинган рұмол.

Осмонга туташиб кетған бүгдойзор,  
Гулларда муҳаббат, шиқ деган ранглар.  
Күёш юрагимга сингемокқа тайёр,  
Кетмөнлар товуши баланд жаранғлар.

Күкарған орзулар яна гуллади,  
Хаётнинг ҳидини сезяпман унда.  
Ой билан түгисиган эрка юлдузлар,  
Үрик гулларига айланар тунда.

Раққоса сабони ёнига чорлаб,  
Ёмегир қышык айтиб басталайди күй.  
Само атлас күйлак кийиб нозланар,  
Бунда гул илохий, гүнча илохий.

Күёвнавкар бўлиб турибди ана,  
Қийик бойлаб олган дўптили тоглар.  
Күчогин тўлдирап бинафшаларга,  
Келинликка тайёр сулув қишлоқлар.

Лайлак совчи бўлиб келган, эҳтимол,  
Табиат қошига ўсма қўймоқда.  
Тун юзиға туман суртади баҳор,  
Тонглар нурдан каиста тикар қушлоқда!

Тонглар нурдан каиста тикар қушлоқда!

### *Гуллар*

Дала. Күёши қизитар ёмон,  
Чангиган йўл ифорга ботар.  
Кенгликларнинг бир чеккасида  
Атиргуллар очилиб ётар.

Ўзи билан оввора ҳамма,  
Кўй-кўзилар ўтар сезмасдан.  
Бир бурчакка севгисин тўшаб,  
Кимдир ясад қўйган гулдаста.

Бахмал гуллар, о, олов-олов,  
Вужудимга алана ёқар.  
Бу гулзорда атиргулларнинг  
Юрак-бағри қон бўлиб оқар.

Күшлар юзин босиб ўтади,  
Атиргулнинг дудоқлариға.  
Асалари илиниб қолар,  
Қизил, сариқ балдоқларига.

Дала. Менсиз қолади яна,  
Күёши ҳориб, уфққа ботар.  
Кенгликларнинг бир бурчагида,  
Гуллар қонга бўялиб ётар.



**Абдубаннан  
МАНСУРОВ**

1992 йилда туғылған. Хозирда "Хамкор пресс" газетасыда адабий ходим вазиғасыда шыламоқда. "Орзулар чатымаси" шеңберін түплемі нашрдан чиққан. "Яңғы авлод", "Келажсак овози" күрик-тапловларининг республика босқичиғы болиби бұлған.

### Үйгөниш

Ашьорим – йүлөвчи, варокчалар – бекат, Күнглингиз кейинги бекаттардың балки. Вүжудим – қуёшга чанқаган әгат, Нафасим ҳайратдан уйгоқ ҳар галғи.

Тиң тегса титрамас, титроқлар караҳт, Жон берар ивиган девордай құлаб. Рұхым заминида юрагим дараҳт, Қайноқ ташбекұлардан ётибди гуллаб.

Ризқ топар тупроқнинг кошонасыдан, Декхоннинг кетмөнин ўпган ерлари. Шеърларым күнглиминг пешонасыдан Мехнатдан түқилиб түшінген терлари.

Дардманға улашдым дармонаримни, Харидорман баҳтнинг доналарига. Ташилаб кетдім әңдак армонаримни, Фурсатларнинг етим хоналарига.

Дунә – күтубхона. Китобхон күнглим, Вараклаб үқийман туйгуларимни. Плаҳзаларап дастанат құяды иқтим, Дилга қамаб қүйіб қайгуларимни.

Юрибман ҳасраттнинг бағрини ўйиб, Күксимга сиямасдан улғаяр юрак. Тұнда армонарни ухлатиб қүйіб, Тонгда қуёш бўлиб уйғотсан керак.

### Ватан манзаралари

Гүзіллік оламин забт этиб борар, О, хүшибүй райхондек осуда ҳаёт. Чечаклар қақраган тошларни ёрат, Хаёллар белига боғлайди қанот.

Булатлар самога солар пояндоz, Оқкушлар нок ишкіннің қүшисін айттар. Қалдирғоч күйлаб шұх, гоҳида мұмтоз, Бағорнинг кафтида ёнимга қайтар.

Бағридан қүймайды сүюк бу Ватан, Порлайды чүккіда ажиси бир виқор. Симёғочлар гуллаб юборар бирдан, Даражтлар бүйидан таралар ифор.

Хайқот, күнглим узра боладек чопдим, Ажиси бир түйгүни түйдим дағыттан. Хислар құчогидан бир дунә топдим, Бу сен – осмон қадар бепоён Ватан!

\* \* \*

Күлингә бир құчоқ гулларинг сенинг,  
Боқасан оламга беташвиши, хуррам,  
Сендан айрилишини истамағандек  
Изингдан изма-из әргашар дүррәм.

Сезмайсан, бокымайсан ортингга сира,  
Ахир, нафасимни учирар шамол.  
Гуноҳим бормиди қошингда ёки,  
Айтгин, рўмолимда нима қасдинг бор?

Мени-ку ҳижронга кўйганинг етар,  
Каммиди согинчдан кўзимдаги нам?!  
Қара, ҳар нарсани йиглатиб кетдинг,  
Милт-милт кўзёш тўкиб эримоқда шам.

Барибир, кетгансан, кетавер, майли,  
Кўлингә бир құчоқ гулларинг сенинг.  
Тоғларга урилди қолмай мадори...  
Сенга деб учирган киприкларимнинг.

Сенга деб учирган киприкларимнинг.



Гулзода  
САЙДУМАРОВА

1993 йил туғилган.  
Кўқон педагогика колле-  
жи талабаси.

\*\*\*

Хаёлимга яширдим сени,  
Тополмайди мендан ўзгалар.  
Юрагимда ўзгармас согинч,  
Фақатгина кунлар ўзгарар.

Нома ёзсам титроқлар билан,  
Юборолмам ҳузуринг қадар.  
Сен борлиқда янграган наво,  
Гарчи, сенсиз ҳаволар зарар.

Тунлар ўтар юлдузи йўқдай,  
Сен томонда порлайди улар.  
Англадингми? Фироқ тогларин  
Чўққисида унибди гуллар.

Имконим иўк, қодир эмасман  
Ва ҳеч қачон қисқармас иўллар.  
Ўзгармайди ҳеч қачон согинч,  
Азоб ўша... кунлар ўзгарар.

Фақатгина кунлар ўзгарар.



**Шоҳсанам  
НИШОННОВА**

1995 йилда туғилган.  
Хозирда Фарғона  
шахридаги 2-сонли ака-  
демик лицей талабаси.  
“Жилгалир қўшиги”  
тўпламида шеърлари  
чоп этилган.

### **Баҳор**

Баҳор. Қирлар баҳтили, баҳмал тўн кийиб,  
Бокира насимлар яна дил тортар  
Булбуллар кўйлаган Ўзбекистонда,  
Муҳаббат тонглари, баҳт тонги отар.

Бунда шеър отилиб чиқар юракдан,  
Бунда гўзаллашиб кетади борлиқ.  
Момом кўзга суртиб момақаймоқни,  
Болам, дер, омонлик-омонлик!

Менга ойлар ҳавас қилди, шубҳасиз,  
Сочимни қўрқ ўриб юрган маҳалим.  
Шодон қўшиқ айтиб қайнар сумалак,  
Бир ёқда тайёрлаб кўйилган ҳалим.

Энг буюк хислатни сўра Танғридан,  
Юртимиз бундан-да, нурларга тўлсин.  
Укажон, баландроқ учир варракни,  
Токи, у ҳурликининг байроги бўлсин.

Ҳаёт гўзаллигин англаб бораин,  
Барчага баҳт улаши ҳар битта онда,  
Баҳор, келишингни интизор қутди,  
Баҳорий юраклар Ўзбекистонда.

### **Тонг**

Осмон ечиб ташлар қоп-қора тўнин,  
Киру адирларга сачраб кетар нур.  
Янги чеҳраларда, янги ҳаяжон,  
Майсалар бўйнига тақиб олган дур.

Ҳайқирап ҳайриҳоҳ хўроздар бунида,  
Соатлар баҳт учун урмоқдадир бонг.  
Зеро, мана, шундай туннинг ортидан,  
Оппоқ орзу каби отиб борар тонг.

### Согинч

Булбулнинг согинчи баҳордан умид,  
Дараҳт куртаклари ҳаётдан илинж.  
Умрнинг сержисло саҳифаси ишиқ,  
Гоҳ алам, гоҳи дард қатраси согинч.

Қорли йўлкаларга гуллар тўшалсин,  
Осмон кўкрагида учсин оқкушлар.  
Мен учун баридан гўзал манзара  
Согинч адогини кўрсатар тушилар.

Телбалик, тонглардан тунлар тиланиб,  
Бунда дийдорлашимас киприклар буткул.  
Ҳар бир сонияга жонингни илиб  
Хазонли боғлардан кутган каби гул.

Дараҳт куртаклари гуллаши аниқ,  
Булбулнинг баҳорга етмоқлиги ҳам.  
Мен қалбимга ёрон бўлолсан керак,  
Сизни шу зайлда согинаверсам...

### Чинорларнинг қадди

Чинорларнинг қадди юксалиб борар,  
Осмон пештоқига қўйганча отлиқ.  
Юксак нигоҳларда ҳайрат уйгонар,  
Нақадар буюксан муқаддас борлиқ.

Сенда дарё бўлди сокин жислалар,  
Биёбон кўксида лолалар унди.  
Бағрида тиконлар жон сақлолмаган,  
Қирлар яногига лолалар қўнди.

Кўкда сузуб юрган булутлар эмас,  
Бобомнинг ниҳолга илган белбоги.  
Кеча шафақни туши кўрган ниҳоллар,  
Бугун буюкликнинг буюк байроби.

Шукр, асотирни элтдинг буғунга,  
Чинорлар кўксига баҳш этиб қувват.  
Бизга ўзлигимиз англатганинг-чун,  
Сенга минг ташаккур, она табиат...



**Шарофатхон  
ИСМОИЛОВА**

1994 йилда тугилган.  
Фарғона Олимпия  
захиралари коллежини  
битирган.

### *Капалак*



**Хонзода АІЗАМОВА**

1995 йылда туғылған.  
Фарғона шаҳридаги Ѓемозор академик лицеини  
талаабаси.

Капалаклар учиб юрса боғларда,  
Уларга ҳавасим келади бирам.  
Ғүнчага охиста қўнгган чөгларда,  
Энтикиб кетади қувончдан гул ҳам.

Қанчалар нафиссиз, қанчалар гўзал,  
Охиста кафтимда тутгум келади.  
Онтоқ қанотингиз узра мен ҳар гал,  
Қалбимни нурларга йўғрим келади.

Эрка капалаклар, тушларимдасиз,  
Қанийди, сизларга бўлолсан ҳамроҳ.  
Кайгадир қочасиз, тушларимда сиз,  
Юрагим меҳридан бўлмасдан озоҳ.

Ҳаёлларим сизга келмасин малол,  
Не қиласай, орзуга кўнгил тўймайди.  
Не сабаб, гўзалик бунчалар увол,  
Тонггача қолишига ҳаёт қўймайди...

### *Ишқ*

Ишқининг дарёсиман, қирғоқлари ийқ,  
Отилган тошларга тўладидир ичим.  
Нишинодир вужудим, тешиб ўтар ўй,  
Согинчли яшашига қолмади кучим.

Атайнин келмайсиз меҳрингиз бериб,  
Ҳижрон-ла, ичаман дардининг талхини.  
Вужудим ёнмоқда шамдаин эриб  
Ва, лекин, кўрмайсиз, мен қиз қалбини.

Висол деган қуш ҳам ҳаяллаб қолди,  
Сотилиб кетғанмиши озорингиздан.  
Дийдор қанча турар, эй савдоғарим,  
Мен ҳам сотиб олай бозорингиздан.

**Корамагиз қызы  
хакида шеър**

Корамагиз қызсан сен,  
Мехригүй, гаройиб.  
Күзларингни ўйласам,  
Юргим келар қорайиб.

Олис эмас кошонанг,  
Бир қадам орасидан.  
Яқинроқсан, ҳаттоки,  
Күзимнинг қорасидан.

Кўрмоқ истайман сени,  
Кўрсам-да ҳар кун юз бор.  
Гўнгуртранг сочларингни  
Тортгим келади тақрор.

Қизгонаман ҳаммадан,  
Юрак сиқмаса дейман.  
Отанг мени кўрганда,  
Ғаши келмаса дейман.

Кулча бўлар яногинг,  
Боқаманми – ўйқми, мен.  
Ялангоёқ, ялангтўш,  
Ёқаманми – ўйқми, мен.

Ёқамдан олишига-ку,  
Үканг ёшлик қиласди.  
Синглингга гап уқтирсам,  
Бағритошлик қиласди.

Корамагиз қызсан, сен,  
Мехригүй, гаройиб.  
Күзларингни ўйласам  
Юргим келар қорайиб...

Капалак тўсган каби,  
Йўлингни тўсолмайман.  
Тутқичи йўқ шамолдай  
Ўзимни босолмайман.

Кучогингга гулларни  
Тўлдириб қўйгим келар.  
Вайсақи кучугингни,  
Ўлдириб қўйгим келар.

Гарчи, кумуши-тиллолар  
Тақиб юради онанг.  
Таърифингни ҳаммага  
Чақиб юради онанг.

Шундогам совчиларинг  
Бўшамайди уйиндан.  
Ичи куйиб юрганлар  
Озми, ахир, қўйингда.

Дуч келганда ийманиб,  
Термиласан галати.  
Шеър ўқиб беринг, дейсан,  
Юрагимни қонатиб.

Қани эди, бир умр  
Сен учун тумор бўлсам.  
Мендайин гўр болада,  
Наҳот, кўнглинг бор бўлса?!

Корамагиз қызсан, сен,  
Мехригүй, гаройиб.  
Күзларингни ўйласам  
Юргим келар қорайиб...



**Иқбол ЮСУФ**

1992 йилда туғилган.  
“Рұғ қаталак” номли  
шеърий китоби нашир  
этилган.



**Маҳлиә  
ҮМРЗОҚОВА**

1993 йилда түгилган.  
Тошкент гидрометеорология касб-хунари  
коллекци талабаси.

### Oқ тонглар

Гунохларсиз уйғонган дил тонглар аро  
Ох урады шаббодалар кечмишидан.  
Сукутларнинг ҳасратидан бўлди яро,  
Даво топар оқ тонгларнинг ўтмишидан.

Майсаларнинг кўзларидан ёшин артиб,  
Куёш нури эркалади ҳаволарни.  
Уйқучи дил тушларидан илинж топиб,  
Малҳам бўлиб юракларни даволарди.

Ишк илинжин ундириарди вужудида,  
Битта чимдим кўлларимга берса эди.  
Кўчуб келса яшилликлар хуржунига,  
Чин юракдан оқ тонгларни севса эди.

Пардаларни очар дилда ҳайратлари,  
Хижронларнинг соясини олиб кетгин.  
Саф турганда елкангида гайратлари,  
Телбагинам, оқ тонгларни олиб келгин.

### Коялар

Кояларнинг ёстиклиарида  
Ёнбошлишиб ётибди гурур.  
Ер ва осмон чизикларида  
Тикилганди ўйноқи шуур.

Оёқлари уюсса агар,  
Туролмайди ўринларидан.  
Осмонлардан қулаб түшсам гар,  
Ушлаб қолай бўйинларидан.

Сенга издош бўлиб бир куни,  
Гурурлардан қураман макон.  
Ўрнашсан биламан буни,  
Илдизларинг узилмас бир он.

Саҳроларда саргайиб қолдим,  
Ярашимоқни истайди кўнгил.  
Шомларга дуч келмасдан олдин,  
Кояларга бўламан сингил...

Адабиёт харитасини ҳар бир ижодкор қалбидамакон топган түгилган түпрогининг манзараси шоён этади. У тажрибали ижодкорми ё эндиғина, адабиётга қалб ихлоси билан кириб келаётган иктидорли ёши, барибир, уларни битта нарса бирлаштиради. Бу – сўзининг жуғрофий ҳосиласи. Шу боис, журналимиз саҳифаларида ҳар бир вилоятда яшаб, ўша ерда ижод қилаётган ёшларнинг битикларидан алоҳида намуналар бериб боришни ният қилдик. Мазкур сирадаги илк намуналарни “Фарғона ёшлари ижодидан” бошладик.

**Тахририят**



## Ўзбек адабиёти дунё бўйлаб

### ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИ РУС ТИЛИДА

Дунё маданиятининг ўзаро таъсири ва ривожланишини таржима асарларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу – ҳар бир миллий адабиётга дахлдор сўз. Немис шоири Иоганнес Бехер ҳақли равища таъкидлаганидек, "юксак маданий таржимани яратиш, маълум миллий адабиётнинг бўй-бости, истеъоди, миллий хусусиятларини намоён этади".

Ўзбекистонда таржиманинг назарий асослари узоқ йиллар давомида шаклланган, бироқ асосий эътибор бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима қилиш масалалариға қаратилди.

Буғунги кунда эса ўзбек адабиётини бошқа тилларга таржима қилишдек энг долзарб ва муҳим масала турибди. Бу – тасодифий эмас.

Собиқ социалистик реализм занжирлари, шарт-шароитларидан озод, жамоатчилик фикри ва инсон қалбини тарбиялашда восита ролини ўйнашдан воз кечган ўзбек замонавий адабиёти юксалди, мураккаб, ўзига хос, кенг кўламли бадиий тизимга айланди. Бунда ўз конуниятлари, ривожланишини изланиш ва анъаналари, асрлар бўйи яшаб келаётган бебаҳо миллий адабиёт таҳрибалари синчилгап ўрганилган ҳолда, янги миллий, ижтимоий-маданий омиллар, жаҳон маданий жараёнларига мутаносиб муваффақиятларга эришилди.

Қайд этилгандарнинг туб негизида ўзбек замонавий ҳикоя-чилигига қизиқиши ва унинг кўтарилиш босқичлари кўринади. Барчага маълумки, шубҳасиз, адабий асар маҳсулдорлиги, қадр-қиммати нафақат бадиий матнларни шакллантиришга, балки асар моҳиятига қай даражада давр ижтимоий-маданий омилларини сингдиришга ҳам bogлиқ. Бу табиий равища янги дунёни ҳис қилишни, қадриятлар моҳияти, янги ижтимоий-маданий нуқталарни ўзида акс эттиради. Кичик жанр саналишига қарамай, салмоқли ўринга эга ҳикоячилик ҳамиша долзарблар нуқтаи назаридан бошча кенг кўламли насрый жанрлардан олдинда туради.

Замонавий ўзбек ҳикоячилигига "кенглик ва жанр майдонининг хилма-хиллиги, жанр билан муаллиф эркинлигининг ўзаро гармоник мослашуви характерлидир" (М.Бахтин), дунёкараш ва эстетик мувофиқлашув натижасида глобал янги тараққиёт қиёфасини ижтимоий-маданий идрок билан ифодалаш жуда кучли. Ўзбек замонавий ҳикоячилигининг муаллифлари тарихан шаклланган жанрнинг туб кўринишларини танлаб олишади, чунки улар ижодкорнинг асосий муддаосини ифодалаб беради ёки яратмоқчи бўлган ўзига хос йўлни моделлаштиради.

Янги бадиий тузилма, модель ва шаклларда янги мазмун-моҳият, рухият қирралари, анъанавий-маънавий қадриятларни баҳолаш, янги шахс концепцияси (бутунлиги, қарашлари, фикрлари) йўлида самарали изланишлар ўзбек замонавий ҳикоячилигининг бадиий тузилмаси, жанр кўламини бе-



**Клавдия  
ПАНЧЕНКО**

1946 йилда туғилган.  
Филология фанлари  
номзоди. Тошкентда  
Рус тили ва адабиёти  
институтида ўқиган,  
аспирантурани эса  
Козон университе-  
тида ўтаган. Узоқ  
йиллар рус ва жаҳон  
адабиётидан тала-  
баларга дарс берган.  
Хозирда "Звезда  
Востока" журна-  
лида Бош муҳаррир  
ўринбосари.

### РЕКА ДУШИ МОЕЙ



Сборник  
сказочных  
уставичных рассказов

зайди. Ҳаракат, трансформациялар, анъаналар ва жанр ривожланиш истиқболи ўзбек замонавий ёзувчиларининг Саодат Комилова томонидан рус тилига таржима қилинган ҳикоялари талқинида изчил, ўқишибол ҳолда "Кўнглимдаги дарё" тўпламида ўқувчилар кўлига бориб етди.

Тўпламга йигирма олтита ҳикоя киритилган, улар турли авлодга мансуб, турфа анъаналар ривожини ўз ичига олган ўзбек замонавий ҳикоячилигининг постсовет даврини акс эттирган адиблар қаламига мансуб. Аввало, мазкур ҳикоялар анъанавий жанр тузилемасига кўра, ўзбек мумтоз ҳикоячилигининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, юксалтириб кепмокда, зоро, уларнинг томирлари миллийликка бориб тақалади. Чунончи, бу даврда кўхна усул ва мазмун-моҳият акс эттан ҳикоялар билан бирга, теран замонавийликни ўзида сингдирган асарлар яратилди. Одил Ёқубовнинг "Қаердасан, Морико?", "Музқаймок", Хайридин Султоновнинг "Дунё сирлари", "Тўсиқ", Мухаммад Алининг "Кулча", "Алтаир юлдузи", Хуршид Дўстмуҳаммаддиннинг "Қичқириқ", "Васий", Собир Үнарнинг "Ақа-уқалар", "Тегирмончининг ўғли", Назар Эшонқулнинг "Маймун етаклаган одам", "Бахоуддиннинг ити", Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Алвидо, гўзаллик", "Муаммолар борми?", Зулфия Қуролбой қизинин "Аёл", Уйғун Рўзиевнинг "Тонгда қайтган кантарлар", "Нотинч қалб" каби ҳикоялари шулар жумласидан.

Тўпламга янги, ноанъанавий кўринишга эга ижодий изланишлар, намуналаридан ҳам киритилган: ҳикоя-ўй (Исақон Султон – "Сувдаги коса"), ҳикоя-оѓоҳлантириш ("Тунги довул"), ҳикоя-туш (Улуғбек Ҳамдам – "Бир пиёла сув"), ҳикоя-икор ("Кўнглимдаги дарё"), ҳикоя-хаёл (Зулфия Қуролбой қизи – "Икки қиёфа"), ҳикоя-онг оқими ёзишмалари (Рахимжон Раҳмат – "Миямнинг ичи", "Адашвой").

Бу ҳикоялар ўқувчини мустакил равишда изланишга, муаллифни ҳис этишга ундайди, ҳамда хаёлот ва мавжуд ҳаёт орасидаги зиддиятларининг янги бадиий модели янги модели яратилганига гувоҳлик беради. Бизнингча, таржимон ўзбек ҳикоячилигидаги поэтик оҳангни сақлаб қолган ҳолда, уларга янгича жозиба баҳш этишга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам.

Икки тилни (ўзбек ва рус) эркин эгаллаб, аслиятдаги халқ юрагини нозик ҳис этиб, миллий тарих, характер, тилнинг нозик жиҳатларини яхши билган ҳолда, рус тилида уйғунлик ифодасини тополган, жаранглата билган, зарурат туғилганда "ошириб ифодалаш"дан (тиллар тизимининг бир-бирига тушмаган, мос келмаган ҳолатларида) фойдаланган, бироқ аслиятдан узилмаган, унинг микдорини ҳам бузмасдан, рус тилида аслиятга мос тўлақонли бадиий таржималарни яратишга эришган. Аниқ таржима матнларининг таҳлили шуни кўрсатади, таржимада айнан ўхшашлик нафақат ташки мувофиқлик, балки ички чуқур мазмун-моҳият, бошقا тил воситалар орқали ифодалаш қобилиятини ҳам намоён этади, бунда аслиятда фойдаланилган бадиий усуллардан чекланмаслиқ лозим.

"Кўнглимдаги дарё"га киритилган таржималар шундан далолат беради, таржима жарайи – асар яратишдаги ижодий жараённинг маълум маънода қайтарилишидир. Зоро, таржима масалаларида ушбу тушунча таржимани санъат даражасига кўтаришнинг зарурый шарт-шароитлари ҳисобланади.

Таржимон ҳар бир ҳикояда муаллиф ўй-хаёлларига теран кириб бориб, деталма-деталь кўриб чиқиб, тафаккурнинг ўзига хос "сирлари", ҳар бир муаллифнинг тилини тушуниш, дунёни кўриш, бадиий воситаларнинг хилма-хиллиги ва ҳаётий материалларни акс эттириш усулларини қўллашни уddyалаган, дейиш мумкин. Таржималарда баъзан ўйлаб топилган шева сўзларининг аралашувига ўйл қўйилмаган, айни пайтда, таржимон инди-видуаллиги муаллиф индивидуаллигига суюниб қолмаган.

Айнан шундун таржималар асарларнинг "маданий майдони"га кириб боришга, аслиятнинг замон ва макон билан бирлашиб кетишига имконият яратади, ўзбек адабиётини яқин ва узоқдаги русийзабон ўқувчилар орасида оммавийлашувини таъминлайди ва, шубҳасиз, унинг дунё адабий жараёнларига жадал қўшилувида ўз таъсирини ўтказади.

*Рус тилидан Ойгул СУЮНДИҚОВА таржимаси*



## Меросимизни ўрганамиз

# АЛИШЕР НАВОЙИ ТАХМИСЛАРИ

Алишер Навоий йигитлик давридаёт шоир сифатида катта шуҳрат қозонган. Шоирнинг ўзи ҳали расмий де-вон тартиб беришига улгурмай, унинг шеърлари киритилган икки девон: бири Машҳадда ("Илк девон"), бири Шерозда ("Оқкуюнли ихлосмандлар девони") муҳлислар томонидан тузилиб, кўчирилганлиги ҳазрат Навоий шеърларига ҳамма даврларда, хусусан, ўз даврида ҳам юқори даражада эҳтиёж бўлганинигидан дарак беради. Адабиёт яратилибдики, ҳали жаҳон Алишер Навоийдек икки девони ихлосмандлари томонидан тартиб берилган иккинчи бир шоирни кўргани йўқ.

Алишер Навоий шеърияти жанрларга бойлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Унинг туркий тилда яратган шеърлари ўн олти жанрда бўлиб, ушбу ижод намуналари том маънода шакл ва мазмун бирлигининг юксак намунаси ҳамdir. Ушбу ўн олти жанр орасида мухаммас алоҳида ўрин тутади. Чунки ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, шоир ўз фазалларига мухаммас боғлашдек янги анъанага асос солтган экан.

"Ҳазойин ул-маоний" номли ийрик куллиётдан шоирнинг ўнта мухаммаси ўрин олган. Маълумки, мухаммас арабча "бешлик" маъносини билдириб, ҳар банди беш мисрадан иборат шеър шакли ҳисобланади. Мухаммаслар яратилиш хусусиятига кўра икки хил бўлади:

- 1) табъи худ, яъни мустақил мухаммас;
- 2) тахмис – газални бешлантириши асосида яратиладиган мухаммас.

Табъи худ мухаммасда барча мисралар бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор ўзга шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустақил равишда бешлик яратади. Тахмисда эса муаллиф ўзга шоир ёки батъизда (жуда кам ҳолларда) ўз фазалини асос – замин қилиб олиб, шу мавзуни давом эттиргани ҳолда, вазн, қоғия ва радифни сақлаб қолиб бешлик яратади. Бунда асос қилиб олинган ғазалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига уч мисра қўшилади. Мақтаъ бандада тахмис боғлаётган шоирнинг тахаллusi ҳам келтирилади.

Қизиги шундаки, Алишер Навоийнинг "Ҳазойин ул-маоний"га киритилган ўн мухаммасидан барчasi тахмис, яъни ғазални бешлантириши асосида вужудга келган мухаммас ҳисобланади. Буларнинг учтаси малик ул-калом Лутфийга, қолган еттитаси эса шоирнинг ўз ғазаллари асосида яратилганлиги билан характерланади. Мумтоз адабиётимиз тарихида ижодкорнинг ўз ғазалига тахмис битиш ҳодисаси кам учрайди.

Аввало, Алишер Навоий ўзининг ilk тахмисини қаҷон биттан ва у кимнинг ғазалига боғланган, деган савол устида



**Дилнавоз  
ЮСУПОВА**

1976 йилда туғилган. Филология фанлари номзоди. Мумтоз адабиёт тарихи ва адабиёт назариясига доир илмий мақолалар эълон қилган. "Алишер Навоий "Ҳамса" сидагази мазмун ва ритмнинг бадший уйгунилиги" номли монографияси ҳамда "Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври)" ўқув-қўлланмаси муаллифи..

қисқача тұхталсак. Профессор Ҳамид Сулаймон томонидан тайёрланған ва шоирнинг дастлабки шеърлари киритилген "Илк девон"нинг фотонусха наширида бир мухаммас мавжудларини күрамиз<sup>1</sup>. Бу мухаммас девоннинг 1376 -138a саҳифалардан ўрин олган бўлиб, мавлоно Лутфий ғазалига боғланған. Агар ушбу девоннинг 1465-1466 йилларда тузилганигини хисобга олсан, Алишер Навоий ўзининг илк тахмисини йигирма беш ёшига қадар яратиб бўлганлиги маълум бўлади. Мазкур тахмис қуидаги банд билан бошланади:

*Шарбати "юхийл изом" эрни майи нобиндадур,  
Сураи "вашибам" тафсири юзи бобиндадур,  
Шархи "мозогулбасар" наргислари хобиндадур,  
Лайлматул мөърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,  
Қоба қавсайн имтиҳоди қоши меҳробиндадур.*

Бунда ажратиб кўрсатилган мисралар Лутфий қаламига мансуб бўлиб, юқоридаги уч мисра Алишер Навоий томонидан битилган.

Ўзга шоир ғазалига тахмис боғлаш – бу гўё шу шоир билан ижодий ҳамкорлик ва муайян маънода адабий мусобақага киришишдир. Шунинг учун ҳам ижодкорлар, одатда, ўз тахмисларини маълум поэтик маҳоратга эга бўлганларидан кейин яратса бошлаганлар. Яна шуни унумаслик керакки, бунда ғазал муаллифи билан унга тахмис боғлаётган муаллиф ўртасида муштарак дунёкараш, эстетик идеал ҳамоҳанглиги ва гоявий яқинлик бўлиши зарур. Тахмис муаллифи ғазалда келтирилган фикрларни мантиқан ривожлантириб, уни ўз ижодий гоялари билан шундай тўлдириши ва бойитиши керакки, натижада, вужудга келган шеър унга асос бўлган ғазал билан уйғунашиб, бир муаллиф томонидан яратилгандек тасаввур ўйғотсин.

Шу ўринда савол туғилади: Нега Алишер Навоий ўзининг илк тахмисини айнан Лутфийнинг шу ғазалига bogлади? Саволга жавоб топиш учун Лутфий ғазалига эътибор қаратамиз. Ғазал қуидаги байт билан бошланади:

*Лайлматул мөърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,  
Қоба қавсайн имтиҳоди қоши меҳробиндадур.*

Матлаъдаёқ маълум бўладики, Лутфий ғазалининг лирик қаҳрамони гўзаллиқда тенгиз ёр. Унинг тундек қора сочи замирига мөържо кечасининг шарҳи яширинган, меҳробдек қоши эса қоба қавсайн – иккى ёй оралиғидаги масофани ёдга солади. Бу ўринда мавлоно Лутфий ёр тасвири асносида пайғамбарнинг мөържо тунида Холиқ хузурига кўтарилиши ва Яраттан билан расул орасидаги масофа икки қош оралиғидек яқин бўлганлиги ходисасига ишора қиласди. Ғазалнинг кейинги байтлари ҳам ёр гўзаллиги таърифи билан давом этиб, унинг ширин ва жонбахш лабидан салсабил (жаннат булоги) саргардон, Хизр ва Исо Масиҳлар хижолатда эканлиги таъкидланади. Шу тариқа ғазал байтлари ёр таърифи тавсифи тарзида давом этади.

Алишер Навоийнинг мазкур ғазалга мурожаат қилиши ҳам тасодифий бўлмай, муайян асосларга эга. Навоий шу йиллари буюк сўз устаси Абдураҳмон Жомий билан танишган ва устози таъсирида ваҳдат ул-вужуд (бутун борлиқнинг ягоналиги) таълимотига қизиқкан. Маълумки, Абдураҳмон Жомий ваҳдатул вужуд таълимотини нақшбандия тариқатига татбиқ қиласди<sup>2</sup>. Ўндаги гояга кўра, комил инсон – Яратганинг бир зарраси сифатида ҳам ташқи, ҳам ички гўзалликлар мажмудид. Комил инсон тимсолининг олий намунаси бўлган Пайғамбар (с.а.в)дан тортиб барча валий зотлар ҳам комил инсон тимсоли ҳисобланадилар. Лутфий ғазалида тавсифи келтирилган ёр муайян маънода комил инсон тимсолидир. Шу ўринда айтиш мумкинин, инсоннинг бутун "маҳлуқотларнинг тожи" сифатида улуглаган Алишер Навоий "малик ул-калом"нинг ушбу ғазалидан таъсириланиши ва ундаги гояни ривожлантириб, мазкур ғазалга тахмис боғлаши бежиз эмас эди. Навоий тахмиснинг биринчи бандида Лутфий ғазали матлаъсида келтирилган комил гўзаллик таърифига ҳамоҳанг тарзда иқтиbos санъатидан фойдаланиб, ҳар бир мисрада Куръон оятларидан жумла келтиради:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Илк девон (1466 йилда кўчирилган кўлләзманинг факсимил нашири) // Нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймонов. – Т.: Фан, 1968.

<sup>2</sup> Холмүминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Т.: Ўзбекистон Millий энциклопедияси, 2008.

*Шарбати "юҳийл изом" эрни майи нобиндадур,  
Сураи "еашишамс" тафсири юзи бобиндадур,  
Шарҳи "мозогулбасар" наргислари хобиндадур...*

Навоий талқинида ёрнинг лаби ўликларни тирилтирувчи тоза шарбат, Куръони Каимидаги "Ваш шамс" сурасининг изохи унинг юзида акс этади, "кўз алданмади" оятининг шарҳи унинг кўзларида намоён. Бу таъриф Лутфий қаламидан тўкилган соч ва қош таърифлари билан бирлашиб, мукаммал гўзаллик тасвирининг ёрқин намунаси вужудга келгандигини кўрамиз.

Одатда, ғазалга тахмис боғланаётганда унинг бандлари сони ғазал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига кўра, ғазалдаги айрим байтларга тахмис битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши мумкин. Айнан шу ҳолат юқоридаги тахмисда ҳам кузатилди. Тахмисга асос бўлган Лутфий ғазали, аспида, ҳажман етти байтдан иборат. Аммо тахмис боғланганда унинг икки байти қисқартирилиб, беш банд ҳолига келтирилган. Кўйидаги икки байт Навоий тахмисида учрамайди:

*Хомаи қудрат-ла битганда не мусҳафдур юзи-  
Ким, малоҳат ояти мажмуъ анинг бобиндадур...*

*Кўзлари ҳар гўша уйқудин кўпорур фитналар,  
Турфа маҳмуреки, чандон фитналар хобиндадур.*

Бунинг бир неча сабаблари бор. Юқоридаги икки байтга эътибор қаратсан, уларда юз ва кўз тасвирини кўрамиз. Биринчи байтда ёр юзи қудрат қалами ила битилган Мусҳаф, яъни Куръонга нисбат берилса, иккичи байтда унинг кўзлари уйқуда ҳам фитна қўзгатувчи маҳмур (маст)га ўҳшатилмоқда. Алишер Навоий ўз тахмисининг биринчи бандидаёқ юз ва кўз тасвирининг мукаммал тарздаги баёнини бериб бўлгандиги учун уни яна тақорлашга эҳтиёж қолмаяпти ва ўз-ўзидан энди бу икки байт мазмун жиҳатидан тахмис учун ортиқча эканлиги сезилади. Яна бир сабаб қофия талаби билан боғлиқ. Тушириб қолдирилган байтлардаги қофияларга эътибор қаратсан, улар "бобиндадур" ва "хобиндадур" тарзида эканлигини кўрамиз. Алишер Навоий тахмисининг матлаъ бандидаёқ ушбу қофиялардан фойдаланганлиги учун уларни тақорро ҳолда қўллашни истамаган ва шу тарзда тахмис беш банд ҳолига келган.

Филология фанлари доктори Афтондил Эркинов фанга маълум қилган ва шоирнинг муҳлислари тузган иккичи девони ҳисобланадиган "Оққуюнли ихлосмандлар девони"<sup>3</sup> таркибида уч муҳаммас мавжуд. Уларнинг барчаси Лутфий ғазалларига боғланган. Мазкур девоннинг 1471 йилда тузилганлиги ўттиз ёшли шоирнинг дастлабки тахмислари фақатгина устози Лутфий ғазаллари асосида яратилиётганлигини билдиради. Девондан ўрин олган кейинги тахмислар қўйидаги банд билан бошланади:

### 2-тахмис:

*Маснади ҳусн узра токум кўрмишам ул шоҳни,  
Тиўра айлабмен фигондин нилгун хиргоҳни,  
Эй сабо, арз айла ногаҳ кўрсанг ул дилҳоҳни,  
Кўктадур ҳар дам фигонум кўргали сен моҳни,  
Даъвии меҳрингга тонуқ тортадурмен оҳни.*

### 3-тахмис:

*Ҳалқайи зулғунгда кўнглум бўлғали ғам маҳрами,  
Ул қора қайгу билан саёдода чун ортар ғами,  
Дер санга девонаву шайдолигидин ҳар даме,  
Эй, сочинг шайдо кўнгулларнинг саёди аъзами,  
Ҳалқа-ҳалқа руҳнинг сарманзилидур ҳар ҳами.*

Ёш Навоийнинг дастлабки муҳаммасларини "малик ул-калом" ғазалларига боғлаётганлиги бежиз бўлмай, бу ҳолатни Лутфийнинг Навоийгача бўлган туркий адабиётда тутган ўксак мақоми, унинг бадиий жиҳатдан мукаммал шеърияти билан изоҳлаш мумкин.

Алишер Навоийнинг илк расмий девони "Бадоеъ ул-бидоя" 1470-1480 йиллар

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Эркинов А. Навоийнинг муҳлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012 йил, 1-сон.

оралиғида Султон Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан түзилган. Мазкур девон таркибига беш мұхаммас киритилған бўлиб, уларнинг дастлабки учтаси юқорида келтириб ўтганимиз – Лутфий ғазалларига битилган.

Аммо кейинги иккى тахмисни шоир айнан ўз ғазалларига боғлаганлыги масаланинг эътиборли жиҳати ҳисобланиб, бу алоҳида таҳлил қилиниши лозим бўлган нуқтадир. Диққатимизни девондаги "Жудо" радифли мұхаммасга қаратсак. Тахмис қўидаги банд билан бошланади:

Оҳқим, воламен ул сарви хиромондин жудо,  
Кўзларим гирёндур ул гулбарги хандондин жудо,  
Бенаводур жон доги ул хури ризвондин жудо,  
Не наво соз айлагай булбул гулистандин жудо,  
Айламас тўти тақаллум шаккаристондин жудо.

Агар "Бадоеъ ул-бидоя" таркиби ўрганиб чиқилса, мазкур тахмисга асос бўлган ғазал айнан шу девоннинг ўзида – эллик иккинчи ўринда келаётганинги кўриш мумкин. Демак, шоир мана шу ўрindan бошлаб, ўз қalamiga мансуб ғазалларга тахмис боғлашга киришлати. Яна ҳам эътиборни тортадиган жиҳати, тахмисга асос бўлган ғазал мұхлислар томонидан тартиб берилган "Илк девон"да (19-б сахифа) ҳам учрайди. Демак, кўринятикли, бу ғазал шоирнинг йигирма беш ёшгача бўлган даврида яратилган ва кейинрек, "Бадоеъ ул-бидоя" таркибига ҳам киритилган. Маълум бўлятикли, шоир ўзининг йигитлик даврида битган ғазалига алоҳида эътибор билан қарайти. Уни дастлабки расмий девонига ҳам киритиб, яна тахмис боғлаш учун ҳам танлаб оляпти. Бундан кўриш мумкинки, Алишер Навоий ўзининг ёшлик лирикасига мансуб ғазали мавзусига орадан вақт ўтгач яна қайтишга эҳтиёж сезган ва шу тариқа бу ғазалини мұхаммас ҳолига келтирган. Мазкур тахмис таркибини кузатадиган бўлслак, ундаги баъзи ўринлар ғазал матнидан бироз фарқланишини кузатамиз. Ҳусусан, мазмун талабига кўра, ғазалдаги тўртинчи ва бешинчи байтларнинг ўрин алмашган. Шунингдек, бешинчи байтдаги "гардун" сўзи қофия имкониятига қараб тахмис таркибида "даврон" сўзи билан алмаштирилган. Натижада, шоир "гардун" сўзининг ўрнига "жонон", "жон", "ҳижрон" сўzlари билан қофиядosh бўлиш имконига эга бўлган "даврон" сўзидан фойдаланган. Ғазал байтини тахмис мисралари билан қиёсласак:

Ғазал байти:

Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени  
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Энди бу байт тахмис таркибида қандай ҳолатда қўлланилганлыгини кўрамиз:

Қилғали маҳрум жоми васлдин жонон мени,  
Талхком этмиш тириклик бодасидин жон мени,  
Ҳар замоне ўлтутур гам заҳридин ҳижрон мени  
Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон, мени  
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

"Бадоеъ ул-бидоя"даги "Оқибат" радифли тахмисга асос бўлган ғазал ҳам айнан шу девон таркибида саксон иккинчи ўринда учрайди. Қолган тахмисларни ҳам ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, етти тахмисдан оптитасига асос бўлган ғазаллар шоирнинг ёшлик ва йигитлик даврларида яратилган бўлиб, улар "Хазойин ул-маоний"нинг муайян девонидан ўрин олиш билан бирга ундан илгариги девонлар таркибида ҳам учрайди. Ҳусусан, уларнинг биттаси "Илк девон"га, иккитаси "Бадоеъ ул-бидоя", учтаси "Наводир ун-ниҳоя"га киритилганлыгини кузатиш мумкин.

Навоий тахмисларининг "Хазойин ул-маоний"да жойлашиш ўрнини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Мұхаммас	"Ғаройиб ус-сигар"	"Наводир уш-шабоб"	"Бадоеъ ул-васат"	"Фавойид ул-кибар"
Лутфийга тахмис	1	1	1	0
Ўз ғазалларига тахмис	2	2	1	2
Жами	3	3	2	2

Шу ўрінде яна савол түгіләди: нима учун Алишер Навоий маълум бир ёшдан сүңг ўз тахмисларини бошқа шоирларнинг фазалларига боғламай, ўзининг фазаллары асосида мухаммас битишни маъқул күрятпі?

Маълумки, Алишер Навоий сүзге, хусусан, шеърга юксак талабчанлик билан ёндашган. У ҳар бир жанрнинг қонун-қоидаларини чукур билгани ҳолда мухаммас жанрига ҳам ижодкор фояларининг ифодаси сифатида қараган. Алишер Навоий танлаган фазалда буюк шоирнинг дарду дүнәсі, албатта, акс этиши шарт зди. Эхтимол, Алишер Навоий муайян бир ижодий салохиятта етишгандан сүңг түркій адабиёттә мана шундай шеър намунасига дуч келмагандир, бошқа шоирларнинг байтларыда ўз оламининг аксадосини хис этмагандир?! Бу эса бадий диди юксак бўлган Алишер Навоийнинг ўз фазалларига тахмис боғлашига олиб келган бўлиши мумкин.

Шу ўрінде яна куйидаги саволлар пайдо бўлиши табий: мумтоз адабиётимизда ўз фазалларига тахмис боғлаш ҳодисаси Алишер Навоийгача мавжудми? Бу ҳолат Алишер Навоийдан кейин қай даражада давом этди?

Ўз фазалларига тахмис боғлаш мумтоз адабиётимиз тарихида Алишер Навоийгача кузатилмаган. Навоийдан кейин эса бундай ҳолат баъзи шоирлар, хусусан Хива адабий мұхити ижодкорларида кўринади. Мұхаммад Раҳимхон Феруз давридаги XIX аср Хива адабий мұхитида темурийлар ва Алишер Навоий ижодига қызықиши ва эхтиром юксак даражада бўлиб, Ферузшо ўз фаолияти давомида Султон Ҳусайн Бойқарога тақлид қилишга уринган ва Алишер Навоий сингари ўз фазалларининг аксариятига ўзи тахмис боғлаган<sup>4</sup>. Ҳудди шу мұхитнинг яна бир йирик вакили Мұхаммад Ризо Оғажий ҳам Алишер Навоий, Фузулий каби улуг сўз усталигига мухаммас боғлагани ҳолда ўзининг ўнта фазалини бешлантириб, тахмис ҳолига келтирган<sup>5</sup>.

Хулоса сифатида айтиши мумкинки, Алишер Навоий ёшлик ва йигитлик чоғларига туркій шоирлардан Лутфий ижодига юксак эхтиром билан қараган ва туркігўй шоирлар орасидан айнан Лутфий фазалларига учта мухаммас боғлаган. Кейинчалик (ўттиз ёшдан кейин) ёзган тахмисларига эса ўз фазалларини асос қилиб олган. Тахмис учун танланган фазалларнинг деярли барчаси шоирнинг ёшлик ва йигитлик даврида яратилган бўлиб, уларнинг "Или-девон", "Бадоеъ ул-бидоя" ҳамда "Навоир ун-ниҳоя" да учраши бу фикрни исботлайди. Демак, шоир ўзининг ёшлик ва йигитлик чоғидаги ижодига алоҳида эътибор билан қараган ва бу даврда ёзган фазалларига ўз ижоди жараёнида қайта-қайта мурожаат этиб турган. Шоир муайян мавзуга доир фазал ёзаар экан, орадан вақт ўтиб, шу мавзуга қайтишга эхтиёж сезган ва шу тариқа ўз фазалларини мухаммас ҳолига келтирган бўлиши мумкин. Алишер Навоий ўз фазалига тахмис боғлаш натижасида мумтоз адабиётимизда мавжуд анъаналарга янгича руҳ баҳш этиб, ўзининг новаторлик салохиятини намоён этган. Шоир тахмис боғлаш учун ўз фазалларини танлар экан, улардаги руҳнинг ёшликка хос жўшқин ва шиддаткор эканлигига алоҳида эътибор қараттган. Натижада, биз мазкур тахмисларни ўқир эканмиз, ёши улгайиб бораётган Навоийнинг ички дунёси ва нақирион Алишернинг қайнон ҳиссиятлари санъаткорона уйғунлашганига гувоҳ бўламиз.

Ижод – сирли жараён. Юксак санъат намунаси бўла оладиган ижодий асарларнинг яратилиши мұхлислар учун ҳамиша қызик бўлиб келган. Мазкур хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий мухаммасларининг яратилиш хусусиятларини тадқиқ қилиш шоирнинг ижод ва илҳом ҳиссиятлари билан боғлиқ тасаввурларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Эркинов А. Культурный перфекционизм в хивинской придворной среде при Мухаммад Раҳим-хане II как способ противостояния режиму русского протектората//История и культура Центральной Азии.- Токио, 2012.

<sup>5</sup> Орзебеков Р. Оғажийнинг ўз фазалларига битган тахмислари сонини еттита, Р.Мажидий эса тўққизта деб келтиради (Қаранг: Орзебеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида фазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976. 94-бет; Мажидий Р. Оғажий лирикаси. – Т.: Фан, 1963. 87-бет). Биз юкоридаги қўрсаткични беришда С.Долимов томонидан 1972 йилда нашр этилган иккى жилдлик Оғажий "Девон"идан фойдаландик.

## Тахмислар



**Соҳиб МУЗАФФАР**

1939 йилда туғилған. ТошДұнинг журналистика фалықтытыда таҳсил олған. Ижод на- муналари вилюят ва марказий матбуюттарда дағындық жүргізгендегі көзіндеңдегі деңгеліктердең орталығынан шынайырылған. “Йиғлаётған дарахт” шеърий тұпламы чоп этилған.

### Отахий тағалила тахмис

Маев әттар зоҳирлан күзни, ботинан гирәнадур,  
Хар гиёхин бир сибизга, дема ерин таронадур,  
Офтоби алдоқчи шам бир, мохи синиқ шионадур.  
Даҳр касри ким ҳақиқатда, күхан вайронадур,  
Они ҳар ким маскан этмак истади девонадур.

Истасанғ сайр айламак, пайдо йүлінгіда ўтлы жар,  
Хавф солиб күнглингә у, сүнг, күзда гиренінг кутар,  
Бұлмаса ҳосил муроди, бошинга зардин түкәр,  
Сахфыда ер сарбасар, ондин ёгар гарди хатар,  
Амниятдан ійүк асар, вах, не ажаб кошонаадур?

Тортыб сани ғафлат сари, алдар чалиб юз нағмасин,  
Таҳлил этсанғ гар ониким, бошдан-оёғинда кин,  
Минг ишонки, очмас санғо, фитнага хұрда дилин,  
Фитна авғожи онинг сокинлари қасди учун,  
Тортыбон онда жафо тийгін мудом айлонадур.

Түн қапоқын остида, минг-минг таманно парчалар,  
Үйлама бул парчалар, шабда очилған гүнчалар,  
Даҳр үқидан, бөк танинда бул ҳисобсиз дарчалар,  
Онда ҳар шағымки равшан бұлғусидир кечалар,  
Қовригыб ўз ёғига бошдан-оёғи ёнаадур.


Боққы, бу сағнуга ғамнинг борму тене баҳо – нисбат,  
Борар ортиб күнба-күн бу сирлі манзилга ҳайрат,  
Келса ҳар кас, енгіб ҳайрат, дилиға иниб шавкат,  
Шуылаи хирмон аро чүркәнгесидур оқибат,  
Онда роҳат шағымига ҳар жон қуши парвонадур.

Аввало, бу күлбақа кошонаны тан айлади,  
Сүнг, сепиб мехран сувин дуру ғалтон айлади,  
Нур беріб ким дил күзидан, равшани жон айлади,  
Они ғафлатдан қаю хүш ким ишишимон айлади,  
Ҳайрат ашқидан онға билгілкі обу донаадур.

Күтмагил ҳарғыз күнгил ошишолардин сафо,  
Күй, аларнинг ҳар узвида тұлғонур захұм жафо,  
Ортадур ғамнің ва лек тафтинг босылмас мұтлақо,  
Ким онинг ахлиға бұлды ошино истар вафо,  
Тортыбон түрли жафолар жонидин бегонадур.

Минг урин, ким бермас илкин сенга аззат мүжисиби,  
Тегмага ким тийра бўлгай сенга давлат мүжисиби,  
Аззату давлат нари, йўқ, ҳатто, раҳмат мүжисиби,  
Таркини онинг кишиким билди роҳат мүжисиби,  
Оlam аҳли ичра они англа ким фарзонадур.

Йигламай ўтган киши тонг йўқ жаҳондин топилмас,  
Йиртиги бутган киши тонг йўқ жаҳондин топилмас,  
Соҳибо, ўтган киши тонг йўқ жаҳондин топилмас,  
Комиго етган киши тонг йўқ жаҳондин топилмас,  
Ким, бу олам Огаҳий бир кўхна ҳасратхонаадур.





Акром МАЛИК

1990 йилда туғилған. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети 2-курс талабаси. “Буюр, кўнгилжоним” ҳамда “Ўзликка талаб” шеърий тўпламлари наширдан чиққан.

## Навоий ғазалия тахмис

*Ҳар кимга баҳтин кулдириб, тақдир мени бир қилди кам,  
Гаҳ-гаҳ умиднинг гулханидин ёқди дилда тайра шам,  
Чехрамда гулгун шодлик, бу сувратим бир муҳташам,  
Ер узра тим-тим қон ёшим гўёки томмас дам-бадам  
Ким, нақди васлинг байъига кўзлар санар бир-бир дидар.*

*Саҳв ўлди йўлум узра чаҳ, қилдим жунунда кўп гунаҳ,  
Хуш, ақл бўлмай оғаҳ-у, кечикти тоат, тавба гаҳ,  
Майхонаудр мансизлаҳ-у, ўйимда васлинг дарди, маҳ,  
Ишқингда бўлгач хоки раҳ, бўлдум балокашларга шах,  
Фам хайтидин тортиб сипаҳ, оҳ ўтидин чектим алам.*

*Жоним берай, бир берса сас, кўнглумда шулдир мултамас,  
Ўлмак манга кўркув эмас, исмидин ўзга сўз абас,  
Дунё, ахир, бир хору хас, ҳолимга боқғил эй, бекас,  
Бир қатла кўрсанг они, бас, қатл этмагай эрдинг ҳавас,  
Ишқига, эйким, ҳар нафас бизни қулурсен муттаҳам.*

*Тиг урса – дардимга даво, ўлдурса, оҳ, топгум шифо,  
Ҳар зардаси хушиш сафо, куйдум кеча-кундуз, наво –  
Қилсан, азоб берсанг яно, кўнгүл деюр: шул муддао,  
Эй сарв қадди маҳлиқо, тенгри қачон кўргай рабо  
Мендин вафо узра вафо, сендин ситам узра ситам.*

*Соҳибиман майхонанинг, сultonиман гамхонанинг,  
Роҳибиман бутхонанинг, ошигиман жононанинг,  
Мақсадиман афсонанинг, сендин бўлак дурдананинг  
Йўқ фикри бу девонанинг, титрар ичи ҳамхонанинг  
Ким, сақфи бу вайронанинг ашиким суйидин бўлди нам.*

*Ҳар онни хуш айём тут, зикрида дардин сен унут,  
Ҳар сўзидин бир хайр кут, ҳам хайр бил қилса сукут,  
Ноланѓда гар кўринса дуд, ишқингда бўлгайму субут,  
Мутриб, навое ком тут, муг дайрида ором тут,  
Соқий, лаболаб жом тутким, қасди жоним қилди гам.*

Ишқинегда дил – нур махзани, кел, күр бу ёғдухонани,  
 Нур изміда ошиқ тани, Ҳақ севса бир құл банданы,  
 Қандоқ ажасаб, бу севгани, васлингни бир бор күргани  
 Берганга ғам дахри дани майхона басдур маскани  
 Ким, бода дафъ айлар ани, етса кишига ҳар алам.

Сенсиз бу оламдин сафар этсам, ахир, бу не самар,  
 Зикрингда бир мұжседа келар, сенинг билан йўқтур хатар,  
 Нуриңни тут, шамсул қамар, сенсиз мани зулмат кўмар,  
 Дайру ҳарамда сар-басар, ул юздин истарлар хабар,  
 Кўп ҳам низоъ этма агар ул дер самад, бу дер санам.

Кўзимда кўк, осмон иси, осмон иси – уммон иси,  
 Юзимда зар сомон иси, шулдир, Малик – ҳижрон иси,  
 Бу дайрнинг олтун, миси бир ён, келур комрон иси,  
 Дединг топиб жонон иси, топтим лабидин жон иси,  
 Келур бу сўздин қон иси, тинма, Навоий, асра дам.



## Еазал бўстони



**Эрмамат  
НУРМАТОВ**

1937 йилда тугилган. Наманган Давлат педагогика институтининг филология факультетини битирган. “Олмос”, “Боқий баҳт”, “Яхшилик”, “Мұхаббат богы”, “Сөгиниши”, “Оқ гүлдаста”, “Девон”, “Фарған”, “Оқ ва қора”, “Икки құтб”, “Әзгүлікдан умр чарогон”, “Сабоқ” каби китоблари нашар этилган.

### Сен табассум айлаат

\* \* \*

Тун кетиб, олам аро оламча нурлар келдилар,  
Нур билан дилларга ҳам нурдай суурлар келдилар.

На сурур, гулдай безай деб умримиз дафтарларин,  
Беғубор тонглар каби ёрқин шуурлар келдилар.

Рўбарў бўлса машаққат йўлда гунг тоглар мисол,  
Қаддини буқмоқ учун сабит гурурлар келдилар.

Сойга боқ, сойга туташган чашмалар ёнига боқ,  
Қўлда кўза, кўзда ишқ гилмону ҳурлар келдилар.

Эрмуҳаммад она юрт мадҳига тил чоғлар экан,  
Сўз эмас, сўз ўрнига гўёки дурлар келдилар.

\* \* \*

Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.

**Боубур**

Бу фазилат сарвари баҳт таҳтида сulton эрур,  
Шодумонлик қисмати, кўргай замондин яхшилиг.

Умр ўтиб олганда ҳам огушига мангу туроб,  
Ёди элда, қайтади ҳар бир омондин яхшилиг.

Субҳидам эрса дилинг, меҳринг тараалса нур каби,  
На башар, ҳатто, келур Аллоҳ томондин яхшилиг.

Хоби гафлат босмасин, юрма ёмонлик роҳидан,  
Ким кўрибдири то ҳануз тиги камондин яхшилиг.

Учраса аҳли жафо васли ҳидоятдан гапир,  
Иддао шул, турфа бўлсин бари жондин яхшилиг.

Ожизу бечорадир вақт олдида мулку манол,  
Йилни қўй, қолгай муқаррар яхши ондин яхшилиг.

Эрмуҳаммад, яхши исмин шеърга-да, сарлавҳа қил,  
Не учунким, чехра очгай ушибу номдин яхшилиг.

\* \* \*

Сен табассум айлагач, дилда қүёш уйғондику,  
Чашмаи шодлик мисол күзларда ёш уйғондику.

Ізларингга нур сепин ёймиши, ажыр, мұйыксизами,  
Жон олувчи ваядалар измида қою уйғондику.

Сүзга лаб очган әдине, булбұл ҳамоғанғ саіради,  
Кир-адирда ўт-ұлан, ҳаттоказ, тош уйғондику.

Биз саірга чиққан әрдік субхидам гүлшан аро,  
Тарқ этиб уйқуни, шунда кекса-ёш уйғондику.

Чин мұхаббат васлидан ортиқча бойлық қайда бор,  
Күйлабон васфин Наманған ҳамда Шош уйғондику.

\* \* \*

Күзларинг жеодуси борми, танға ўт солмииш, малак,  
Күзларым ҳам йўлларингга термулиб қолмииш, малак.

Барқ урибди унда ёғду ҳамда саркаш ваядалар,  
Ваядалар уммонауда сузмоқ шириң болмииш, малак.

Ошиқ аҳли айтадурки, ул санам сандыл эрүр,  
Кимки сандыл васлига хұммөр экан, толмииш, малак.

Бахт, ахир, чўпчак эмас, қасри вафо қурмоқ керак,  
Бу қаср боқийми, мұртми, имтиҳон олмииш малак.

Сенга таҳсин, негаки, зоглар ўзин булбул санағ –  
Сайраса гул қошида бу беибо ҳолмииш, малак.

Не синовинг бўлса собир Эрмуҳаммад тоабад,  
Тоабад ишқинг дилимда кўнгироқ қалмииш, малак.

Наманған

## Адабиётшунослик



**Йўлдош  
СОЛИЖНОВ**

*1940 йил тугилган.  
Филология фанлари  
доктори, профессор.  
Фарғона Давлат  
педагогика институ-  
тинг тарих-фило-  
логия факультетини  
тутгатган.*

*"ХХ асрнинг  
80-90-йилларида ўзбек  
насрида бадиий нутқ  
поэтикаси" мавzuida  
докторлик диссер-  
тациясини ёқлаган.  
"Улуз санъаткор",  
"Шеъриятнинг сирли  
жизвалари", "Тонг  
юлдузлари", "Нутқ  
ва услугуб", "Олимнинг  
олами", "Фарғона  
адиблари", "Сўз  
сехргари", "Зулмат-  
дан нур қидирганилар",  
"Мен сиздан сабоқ ол-  
дим", "Ҳақиқатнинг  
сингчков кўзлари",  
"Фарғона адабиёти"  
каби илмий асарлар  
муаллифи.*

## РУҲИЯТНИ ЁРИТГАН ШЕЪРИЯТ

**(Атоқли шоир Эркин Воҳидов  
портретига чизгилар)**

Одатда, улкан ва истеъододли санъаткорларнинг бутун бир ижодигина эмас, балки ҳар бир асари ўнлаб, юзлаб олимлар томонидан батафсил тадқиқ қилинади, синчилкаб ўрганилади. Мабодо, улар бир жойга жамлангудек бўлса, ажойиб бир тафаккур чаманзори дунёга келади. Ундаги бир-бирига мутлақо ўхшамаган ҳар битта гул ўз ранги ҳамда таровати билан кўнгилларга ором беради ва ижодкор гулзори-нинг турфалигини кўрсатувчи фазилатга айланади. Масалан, улуғ Алишер Навоий ижоди 500 йилдан бўён тадқиқ этияпти, бундан кейин ҳам ўрганилаверади. Бу билан Навоий ижоди ҳақида айтиладиган фикр қолмади, деган муаммо келиб чиқмайди. Аксинча, фикр фикрни уйғотади деганлари идеек, ижодкор услугини маҳоратининг янги-янги кирралари очилаверади. Чунки ҳақиқий истеъододли санъаткорнинг ижодий мероси уммонга ўхшайди. Унга шўнгиган favvос насибаси-га яраша дуру гавҳарларни териб чиқаверади, улар эса мутлақо тугамайди. Замонамизнинг истеъододли шоири Эркин Воҳидов ижоди ҳам ана шундай уммонлардан биридир. Агар шоир ижоди ҳақидаги или мақолалар матбуотда эълон қилинганига ярим асрдан ошганини инобатта олсан (Т.Тўла. "Шарқ юлдузи"ни вараклаб... "Совет Ўзбекистони" газ. 1961. О.Шарафиддинов. Талант ва масъулият. "Ўзбекистон маданияти" газ. 7.08.1962), ҳозиргача бу уммондан йигиб олинган жавоҳирот ҳазинасининг ҳисобига етиш мушкул эканлиги аён бўлади-қолади. Шундан бўён ўтган давр мобайнода бирон бир ўзбек адабиётшуноси йўқки, ўзининг илмий-тадқиқот ишларида, ҳеч курса, бир марта Эркин Воҳидов номини тилга олмаган, шоир ижодига хос янги бир фазилатни кашф этмаган бўлсин! Шунга қарамай, бу санъаткор ижодининг очилмаган қатламлари жуда сероб. Мен ҳам ана шу қатламлар қаърига кучим ва нағасим етганча шўнгигиб, Эркин Воҳидов шеъриятининг ўзим илғаган айрим фазилатлари ҳақида фикр юритмоқчи бўлдим.

Аввало, Эркин Воҳидов поэтик тафаккури ғоят кенг ва тиниқ шоир эканлигини таъкидлаш зарур. Ҳаётда рўй берадётган воеҳа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қараш, уларнинг туб моҳиятини англашга интилиш, қайси бири хайрли, қай бири сохталигини аниқлай олиш истаги шоирнинг илк ижодий қадамларидан бўён йўлдош бўлиб келаётир. Шоирнинг бадиий тафаккури доимий ҳаракатда бўлгани туфайли

ўзининг сархил меваларини тез ва мўл-кўл бера бошлади. Натижада, Э.Воҳидов ижоди жадал суръатлар билан камолот чўққисига кўтарилиди ва устоз адабиётшунос Умарали Норматов лутф қилганларидек, шоир қаламига мансуб ҳар бир сўз, ҳар бир сатр чиндан ҳам "Кўнгилларга кўчган шеърият"га айланди.

Жуда яхши эслайман: 1961 йилда Эркин Воҳидовнинг мўъжазигина "Тонг нафаси" деб аталган шеърлар тўплами босилиб чиқди ва тез орада кўлма-кўл бўлиб кетди. Айниқса, биз каби ёшлар (ўшандо 1-курс талабаси эдим) бу китобчадаги барча шеърларни ёдлаб олиб, давраларда, тўй-маърракаларда, қизлар билан учрашувларимизда "ўзимизники" қилиб ўқиб юрардик. Албатта, баъзан дакки ҳам эшитардик, негаки, ўша пайтда Эркин Воҳидовни ўқимаган одам йўқ эди-да! Лекин биз бу танбеҳлардан ранжи-масдик, сабаби Эркин Воҳидов деган шоир ўзимизнинг Олтиариқдан, демак, биз битта одаммиз деган юпанч бизга далда берган. Ҳа, Эркин ака биринчи шеърлар китоби биланоқ ўзимизники бўлиб қолган, унинг шеърлари бизнинг кўнглимига кўчиб кирган, ҳеччам чиқиб кетгиси келмасди ва ҳозиргача ҳам бемалол яшаяпти. Энди айтинг-чи, шоир учун бундан ортиқроқ баҳт, бундан буюқроқ тахт борми?

Мана, шундан бўён 50 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу даврда Эркин Воҳидов ижоди ҳам бўйига, ҳам энига, ҳам айланасига бекиёс даражада ўсади, вазни ва салмоғи ортди. Буғун Эркин Воҳидов ўзбек адабиётининг ёруғ юлдузи, катта ижодий мактаб яратган улкан санъаткор бўлиб танилди.

Маълумки, Эркин Воҳидов тенгдош бўлган авлод адабиётга ўтган асрнинг 60-йиларида кириб келди ва ўзбек шеъриягини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тубдан янгилади. Айнан шу йилларда кўлига қалам олган шоиру ёзувчилар юраги озодлик, эрк туйғуси билан тўлиб-тошган эди. Ҳурриятга, эркка интилган бу ижод аҳли ўз асарлари руҳига, энг аввало, миллатнинг қадр-кимматини улуғлашни, миллий ифтихор туйғусини сингдиришни истади ва бунга дадил киришди. Натижада, бу авлоднинг илк шеърлари ўша пайтдаги жамиятда чукур томир отган ёлғонга, сохталикка, баланд-парвозликка қарши исён сифатида жаранглади. Аммо бу исённи очик-ошкора баён этиши мумкин эмасди. Чунки яккаҳоқимликни бой бериб кўйишни истамаган коммунистик мағкура заҳарли тишларини қайраб туради. Хайриятки, шеъриятда фикрни рамзий тимсоллар орқали ифодалаш, тиконни гулга ўраб "тортиқ" қилишининг турли усуслари ва воситалари бор. 60-йиллар ижодкорлари ана шу усул ва воситалардан унумли фойдаланиб, одамлар юрагига кириб бордилар. "Менинг ҳам ўша йилларга мансуб шеърларимнинг ҳар учтадан биттасида жамиятдаги ёлғону алдовларга қарши исён туйғуси бор" дейди бу ҳадда Э.Воҳидов ("Бу обод кунларга етдик согомон..." Суҳбат. "Тафаккур" ж., 2011, 3-сон).

Аслида, бу авлоднинг хизмати шу билангина чекланмайди. Чунки улар ўз қутлуг қадами билан шеърият соҳасидагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий жабҳаларда ҳам, маънавий-маърифий майдонда ҳам туб ўзгаришларни вужудга келирди. Ҳар бир ижодкор кулликка маҳкум этилган халқ ўзининг аянчли турмуши моҳиятини чуқурроқ англасин, унга танқидий нуқтаи назардан қарасин, деган қутлуг ният билан кўлига қалам олди, бутун адабиёти, маънавияти, маърифати тарихида том маънода янги сахифалар очди. Улар бадиий сўз воситасида одамларнинг мудроқ қалбини уйғотди, онг-шуурида исён ясади.

Одамларга фақат шеъригина эмас, балки ўзи ҳам кераклигини чукур ҳис этиб яшаш истаги Эркин Воҳидовни ҳамиша ана шу авлоднинг олдинги сафида юришга ундали. Шоир ижодининг илк қадамларидан ижодкорлик ва фуқаролик масъулиятини чукур ҳис этиб, унинг залворли юкини онгли равишда зиммасига ортган ҳолда яшаб ва ижод қилиб келмоқда. Агар синчилаб қаралса, Эркин Воҳидов асарларида миллат шаънига мақтоз ёғдиришдан, унга ҳамду санолар ўқишидан кўра, кўпроқ инсоннинг ҳаёт олди-даги бурчни англаши, замон унинг елкасига ортаётган таҳқири юқдан қандай қилиб озод бўлиши йўлларини излаши лозимлиги тўғрисида ёзишини муҳимроқ деб билганини англаш қийин эмас. Шу боисдан, у бутун ҳаёти давомида ҳам ижодий, ҳам ижтимоий фаолиятини бир-бирига қўшиб олиб борди ва бу узвий боғлиқлик шоир шеърларига ўзига хос мазмун ҳамда ранг багишлади.

Эркин Воҳидов ҳар доим ижодининг бошланишида айтган:

Халқ – устозим, мен эса – толиб,  
Сүз дурларин термоқдир ишим.  
Одамларнинг ўзидан олиб,  
Одамларга бермоқдир ишим,

амал қилиб яшади ва ижод қилди. Бунинг натижаси ўларок, у чинакам халқ шоири сифатида тан олинди. Шоир бутун ижоди мобайнида ўзини "эркалаб бағрига босган, меҳнаткаш, бағри кенг, орзуларида улуғ халқи"нинг бекиёс фазилатларини, дардини күйлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам шоиримиз асарларида халқона рух, соддалик мудом устувор бўлиб келаётir.

Дадил айтиш мумкинки, Эркин Вохидовнинг нафақат ҳар бир шеъри, балки унданда ҳар бир сатри ҳам "тўлкин урган сирлар тўла уммон"дир. Чунки чин маънодаги "шоир ўз халқининг юрак парчаси" хисобланади. Бундай юрақда, шубҳасиз, исён туғилади. Исёнга дош бермоқ эса осонмас, бинобарин, исён бедор қалб инқиlobидир. Бундай қалб халқ дарди билангина нафас олади. Шу боисдан шоир "мен" и халқнинг тили ва дили, жигарбанди, фарзанди сифатида намоён бўлади. У яхшими, ёмонми, 30 миллионлик халқини ўз қалбига жо қилган, унинг ташвиши ва қувончи билан нафас олаётган тирик жондир. Ана шу халқининг дарди, сўзини ифода этмоқлик ижодкор ўзлигининг туб моҳиятини ташкил этади. Шоир томонидан мана бу мисралар бежиз ёзилмаган:

Сени сездим ҳарғиз ўзимда,  
Менда фикринг, ўйинг, тилагинг.  
Ҳар нафасда ёниқ кўксимда  
Уриб турар сенинг юрагинг.

Айнан ана шу халқининг юраги уриб турганлиги учун ҳам Эркин Вохидов шеърларида "баҳорий илиқлигу наҳорий тиниклик" барқарор.

Эркин Вохидовнинг ҳар бир шеърида даврнинг ёркин манзараси, халқнинг ўлмас руҳияти, миллатнинг монументал қиёфаси тўла акс этади. Шоир шеърларида илгари сураётган ғояни ўкувчига мажбур қилиб тушунтирмайди, сатрлар зиммасига оғир юк ортмайди. Иложи борича, оддийгина сўзлар ва лирик қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати орқали енгилгина тақдим этади. Куйидаги "Хожи ота Марғилоний сўзи"га қулоқ тутинг-а:

Етмииш йиллик умрим ўтди хорижда,  
Юздан ошган Ҳожи отанг бўламан.  
Тирик юрдим Истанбулда, Порижда,  
Она юртдан айру қандоқ ўламан?

Қандоқ кетай Ватанимни кўрмай ҳур,  
Илҳақлиқдан зўр дунёда ҳеч дард йўй.  
Мана, етдим муродимга, минг шукур,  
Энди, болам, ўладиган номард йўй!

Гувоҳ бўлиб турибсизки, бу шеърда ортиқча баландпарвоз сўзлар, ватанпарвар шахснинг эҳтиросли туйғулари, ташбеҳлару метафоралар, овозни кўтариб чиранишлар йўй. Оддийгина инсоннинг одмигина сұхбати. Бироқ сұхбат шу қадар самимий, соддаки, унда юз ўшдан ошган Ҳожи отанинг бутун қалби ярқ этиб кўриняпти. Ҳожи ота фикрини ифодалаш учун танланган сўзлар содда ва қаҳрамоннинг ёшига муносиблиги билан эътиборни тортади. Мисралардаги биронта сўз ўрнини алмаштириш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир сўзда унинг шу пайтгача тортган азоб-уқубатлари, Ватан соғинчи, шуқроналиги, юртини озод кўриш туйғусидан қоникиш ҳисси яққол сезилиб турибди. Ҳакиқий шеър шунаقا бўлади, ундаги ҳар бир сўз қалбни чўғдай жизиллатиб таъсир қиласди. Эркин Вохидов ижодига хос бундай фазилат унинг илк ижодий қадамларидан бошлаб ҳозиргача ҳамроҳ бўлиб келаётir.

Ҳеч иккilanmasdan айтиш мумкинки, истиқпол ғояси, мустақиллик учун кураш мавзусини XX асрнинг 60-йилларида ўзбек шеъриятига Эркин Вохидов олиб кирди. Шўро даврида ўсиб, тарбияланиб вояга етган авлод халқ иродаси, ўзига хос тарихи, миллатнинг шаъни, қадр-қиммати, жисмоний ва маънавий куч-кудрати ифодаланган, аждодларининг шон-шавкати улуғланган шеърларни иштиёқ билан ўқиши, ўқиганда

ҳам түгри қабул қилиши (яғни уқиши) бироз қийин зди. Шу боис ўша пайтда Эркин Вохидов томонидан яратылган "Ўзбегим" қасидаси одамлар онги-шуурига чақмоқдек урилди. Айримларни күйдирди, баъзиларни карахт қилиб қўйди. Лекин бу чақмоқ жуда кўпчиликнинг қалбидаги зулматни ёритиб юборди. Бунинг боиси "Ўзбегим" қасидаси ўз даврида миллатнинг маънавий эҳтиёжи тарзида дунёга келган ва халқнинг айни пайтдаги бироз бўлса-да, янгиланаётган хоҳиш-истагини ифодалаган зди. Қасида 60-йиллар бошларида эса бошлаган демократия шабадасидек миллатнинг биқиқ кўнглида бурксиб турган миллий ор-номус, миллий ифтихор туйғуси дарчасини очиб юборди. Натижада, бу шеър одамларда ўзига ишонч, қатъият, миллий ғурур пайдо қилди. Орадан озгина вақт ўтиб яратылган "Рұхлар исени" достони, "Инсон", "Бу кўллардир" каби қасидалари халқимизнинг ёришган рухиятини ишончли кураш йўлига олиб чиқди. Шу жиҳатдан 80-йиллар ўрталарида истиқол учун бошланган оммавий ҳаракатда ана шу шеърлари ва улар муаллифи Эркин Вохидовнинг катта хиссаси борлиги шубҳасизdir.

80-90-йилларда шоирнинг аввалиг шеърларига хос лирик оҳанг чекиниб, овози бирор дағаллашганлигини, фикри жiddийлашганлигини, хulosалари кескинлик касб этганлигини сезмиш мумкин. Аслида, буни ўз даври учун ижобий фазилат сифатида баҳолаш ўринлидир. Негаки, мазкур хусусиятлар жамиятда юз берадиган алғов-далғов ҳодисалар, Шўро ҳукуматининг халқи мэнсимиаслик, унинг эркини, ор-номусини топташга қаратылган амалдаги ҳаракатларига қарши норозиликнинг акс-садоси тарзида дунёга келган зди.

Оҳангдаги бундай сифат ўзгаришлари, айниқса, Эркин Вохидовнинг "Тирик сайё-ралар" китобидан ўрин олган кучли ижтимоий ҳарактердаги шеърлари, "Канада туркуми", "Донишвилоқ латифалари"да аниқ кўзга ташланди. Гарчи шоирнинг "Арслон ўргатувчи", "Кўча четидаги аёл", "Шарқий кирғоқ", "Келажакка мактуб" сингари шеърларидаги эрк муаммоси кучли ижтимоий руҳ билан сугорилган бўлса-да, рамзий тимсоллар орқали ифодаланган гоя бироз мискин кайфиятда ифодаланган зди.

80-йиллар охирларида Эркин Вохидов ижодига азалдан йўлдош бўлиб келган ҳажвиёт ҳам бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Ижодининг дастлабки йилларидаги ҳазилга мойиллик бора-бора таги зил foяларни илгари сурувчи жiddий кулгига асос яратди. Эътибор берилса, бу туйғу шоирнинг "Дўстларимни ҳайрон қолдириар...", "Тинглайман кўп ўзбек сўзларин...", "Шеър ҳақида шеър" сингари илк ҳазилларидаги бегараз, самимий кулги тарзида кўнгилга енгиллик бағишилган зди. 70-80-йилларга келиб бу йўналиш бироз жiddийлашди, кулгига заҳар моддаси қуюқлашди, муносабат билдирилаётган иллатни инкор этиш очиқ ва кескин тус олди. Бу жиҳатдан шоирнинг "Кулгу мушоиралари"дан иборат ғазаллари, "Донишвилоқ латифалари", "Канада туркуми"даги асарлари ҳарактерлидир. Масалан, "Кулгу мушоиралари"ни мутолаа қилган ўкувчи танқид қилинаётган қусурларни қатъий инкор этган ҳолда шоирнинг бегараз кулгисидан яйраса, "Донишвилоқ латифалари"ни ўқиб, дастлаб Матмусанинг девоналарча қилган қиликларидан қаҳ-қаҳ уриб кулади. Кейин эса бирдан чуқур ўйга толади. Чунки шоир Матмуса тушган вазиятнинг туб моҳиятини англамай кулаётган биздек нодонларга нимтабассум билан:

Аё, дўстлар, адашган  
Матмусадан кулмайлик.  
Матмусадек ўзимиз  
Тандир кийган бўлмайлик,

– деб танбех беради. Чиндан ҳам Матмуса ким? У, аслида, ўз даврида коммунистик мағкура тандирини кийиб олиб, кўзлаган манзил-макони, мақсад-муддаоси номаълум бўлган ўзимиз эмасми?

Дарвоқе, Эркин Вохидов латифаларидаги тандир, дутор, қалпоқ, лаган, эшак сингари деталлар Матмуса шахси билан ёнма-ён туриб, ривожлана бориб, қаҳрамон ҳаракатерини турли томонлардан ёритувчи образ даражасига кўтарилади.

Эркин Вохидовнинг чинакам санъаткор сифатидаги бош фазилатларидан яна бири – ўзининг халқ дардини англаш, бу дарду ташвишларни енгиллатиш учун унга ҳамкору ҳамдаст бўлиш анъанасига, мустақилликка эришилгандан кейин ҳам содик қолганлигидир. Яъни шоир айримларга ўхшаб, ўзининг бош мақсади – Ватани озод-

лилла эришганидан кейин ниятига етган фуқаро сингари ўзини четта олмади. Балки мустақилликни янада мустаҳкамлаш, уни асраб қолиш йўлида сабитқадамлик билан ҳам ижодий, ҳам амалий фаолиятда намуна кўрсатди.

*Хуррият – номус-ор, нафсониятдир,*

*Қадрин билган элга мангу ниятдир.*

*Хурриятнинг ўзи тайёр баҳт эмас,*

*Баҳт учун энг буюк имкониятдир.*

*Хурриятга ишонч, саботинг керак,*

*Журъатине, парвозинг, қанотине керак.*

*Ватан хуррияти учун ҳамиша*

*Фидоликка тайёр ҳаётинг керак.*

Чиндан ҳам шоирнинг ўзи айтганидек, “Адабиёт – мўмин-маъкул одамларнинг майдони эмас. Фақирона кўниувчанлик, ўз тинчини ўйлаш истеъдодни ҳалок этувчи омиллардир”. Бу билан Э.Воҳидов шеърият фақат ҳамду санолар воситаси эмас, балки унинг вазифаси мудроқ ҳалқнинг кўзини очиш, эришилган галабани асраб қолиш ва кўпайтиришдан иборат эканлигини амалда исботлай олди ва истиқлол шеъриятини одамлар йўлини ёритувчи машъалага айлантириди. Бу машъала ҳануз порлаб, ўз кутлуг вазифасини шараф билан бажариб келаёттир.

Эркин Воҳидов ижодининг аввали босқичларида учрамаган мурожаат усули “Оғрикли саволлар”, “Давлат иши”, “Шаҳарми бу, қишлоқми бу...”, “Сен менга тегма”, “Биздан кейин ҳеч бир авлод қайта қурмасин” сингари шеърларида аниқ кўзга ташлаади. Уларда шоир-лирик қаҳрамони ўқувчига тўғридан тўғри мурожаат қиласди, унга оғрикли саволлар бериб, мантиқли жавоблар кутади. Аммо дилини қониқтирадиган жавоб ололмай фарёд чекади. Бинобарин, Эркин Воҳидовнинг бу шеърлари инсон қалбига бевосита йўналтирилган, инсон шаъни учун курашадиган, инсон шахсига нисбатан меҳр билан сугорилган шеърият эканлигини исботлайди.

Эркин Воҳидов бундан кўп йиллар муқаддам:

*Шоирлик – бу ширин жондан кечмакдир,*

*Лиммо-лим фидолик жомин ичмакдир.*

*Шоирлик – жигарни минг пора этмак,*

*Багир қони билан сатрлар битмак.*

*Ўзни томчи-томчи, зарра ва зарра*

*Элга курбон қилиб, энг сўнгги карра –*

*Армон билан демак: “Эй, она юртим,*

*Кечир, хизматингни қилолмай ўтдим... – деб ёзган эди.*

Бугун шоирнинг улкан адабий меросидан баҳраманд бўлиш асносида тўла ҳуқук билан айтишимиз мумкинки, Эркин Воҳидов ҳалқига хизмат қила олгани учун ҳақли равища “Ўзбекистон Ҳалқ шоири” унвонини олди. “Лиммо-лим фидойилик жомини” ичгани ва бу йўлда намуна кўрсатгани учун муҳтарам Президентимиз ўз қўллари билан кўксига “Олтин юлдуз”ни қадаб “Ўзбекистон Қаҳрамони” деб эълон қилдилар. Ҳалқимиз ва Ватанимиз олдидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланиб келмоқда.

Хозир Эркин Воҳидов ижоди айнан ширага тўлган пайти. Бу фикримизни шоирнинг кейинги пайтда эълон қилган шеърлари, публицистик мақолалари, сұхбатлари тўла исботлаб турибди. Она ҳалқига, Ватанига чинакам меҳр қўймаган ижодкор ҳар қанча истеъдода эга бўлмасин бундай мавқега эриша олмайди. Меҳр-муҳаббати кучли, садоқати бекиёс бўлғанлиги туфайли Эркин Воҳидов ҳалқимизнинг чиндан ҳам ниҳоятда суюкли шоири бўлиб қолди. Шоир ўзбек шеъриятига янгича фикр, янги шакллар, янги образ, янгича оҳанг, янгича усул ва воситалар олиги кирди ва унинг тамоман янгиланишига муносиб ҳисса кўшди. Шоир шеърлари кўнгилларга ором, руҳимизга кўтарикилил, вужудимизга мадад бағишлиайди. Демак, шундай шоирни севмаслил, асарларини чин дилдан суйиб мутолаа қилмаслил мумкин эмас!

## "МЕНИ ШЕЪР БОҒИГА ЕТАКЛАГАН КИМ?"

Ҳар қайси давр адабиёти ёки муайян санъаткор ижодига турли нұқтаи назар ва мавқедан ёндашса бўлади. Адабиётшунослар кўпинча бадий ижоднинг етакчи пафосини, гоявий-эстетик маъно қирраларини, янада аниқроги, ижодкорнинг нимани айтаётганлиги ёки нима демоқчи бўлганлигини текширишга эътибор беришади. Лекин ҳар қандай даврдаги адабий жараённинг туб моҳиятини ёки муайян бир ижодкорни тўла-тўкис англаш учун шунинг ўзигина етарли эмас. Бадий ижод ҳодисаларига, адабий сиймоларга ҳаққоний баҳо бериш учун уларнинг генезисини, яъни келиб чиқиш ва вуждга келиш тарихини, адабий-маънавий сарчашмаларини, умуман, бадий таъсирланиш ва маънавий-руҳий озиқланиш манбаларини аниқлаш жудая зарурдир. Бунингиз исталған шоир ёки санъаткор тўгрисида тугал тасаввур ҳосил этиш мушкул. Мумтоз адабиёт намояндларига ҳам, замонавий ёзувчилар ижодига ҳам шу йўсунда ёндашилса, асл бадий ҳақиқатни англаб етиш бирмунча осон кўчади.

Миллпий сўз санъатимиз ва улкан санъаткорларимизнинг генатик моҳиятинини чукур билиш ҳамда ҳаққоний ёритиш, умуман, адабиётнинг тараққиёт хусусиятларини, бадий ижод сирлари ва қонуниятларини белгилашда кўл келишини маҳсус таъкидлаш мақсадга мувофиқидир. XX аср рус шеъриятининг буюк намояндларидан бири Осип Мандельштам машҳур мақолаларидан бирида айни шу масалага тўхталиб, қуйидагиларни айтиб ўтганди: "Шоирнинг адабий генезисини, адабий сарчашмаларини, унинг маънавий яқинларини ва келиб чиқишини аниқлаш бизни тўғри ўқ илдизга олиб боради. Мунаққид шоир нима демоқчи бўлган, деган саволга жавоб бермаслиги ҳам мумкинидир, бироқ унинг келиб чиқиш манбаларини айтишга бурчлидир".

Шуни алоҳида таъкидлашга тўғри келадики, шеъриятизмага оптмишинчи йилларда кириб кела бошлаган иқтидорли шоирлар, хусусан, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Маъруф Жалил каби забардаст ижодкорлар бадий оламига худди шу нұқтаи назардан ёндашилмаган. Бадий тафаккуримизнинг кейинги давлардаги ривожланиш йўлларини ва йўналишларини аниқ тасаввур этиш учун мазкур авлоднинг адабий-маънавий таржимаи ҳолини билиш мухимдир. Дастлабки қадамлари балан адабий жамоатчилик ва устоzlар назарига тушган ёш қаламкашларнинг ўз ижодий йўлларидан умиди, ўз истеъодлари тақдирига ишончи зўр эди. Абдулла Ориповнинг "Созим" (1967) деган фахриясида



**Яшар КОСИМ**

1954 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини битирган. "Уйгониши садолари" китоби чоп этилган. Филология фанлари номзоди.

ўша умидворлик, ўша орзу ва ўша навқирон ишонч дадил ифодаланғанды: "Мен шоирман, истасаңгиз шу, Үзимниң эрүр шу созим. Бирөвләрдән олмадым түйү, Үзгага ҳам бермам овозим. Мен күйлайман – гох дилда қадар, Гох севиниб шеър түкійман мен. Тингламаса ўзгалар агар, ўз-ўзимга шеър ўкійман мен". Ёш лирик қаҳрамоннинг шундай соғ ва беғубор шоирона ақида билан яшашы, эзгу мақсад билан қалам төбратиши қалбингизга бейхиқиер шукух бағишлайды. "Шеър кечаси" деган таъсирчан манзумасы да Эркин Вохидов ўз поэтик истиқболи хусусида күтарики рухда, ёшликка хос соғ бир самимият билан сүзлайды: "Шеърлар чамани кенг, Умрим ҳам узоқ, Гуллар теражакман күчөк ва күчөк. Аммо бир гул менинг юрагимдадар. Бир шеър ёзмоқ менинг тилагимдадир. Бу шеърни излайман ақпимни таниб, Бу шеърни күйлайман оташда ёниб. Бу шеър ишкү билан яшайман мудом, Бу шеър ишкү билан күнглимда илхом, Бу шеърга банд бутун эзгу хисларим... Мени маъзур тутинг, бу гал дүстларим, Кувноқ даврангизда ўқиб бергали Энг яхши шеъримни ёзмабман ҳали". Ана шу "энг яхши шеър" идеали ва аъмоли лирик "мен"ни бир зум тинч күймайды. Уни фаол маънавий фаолиятта, курашларга ундейди, юксак ижодий чүккілар сари етаклады.

Ёш лирик қаҳрамон эстетик дунёқарашы ва адабий орзулари Рауф Парфининг "Шеърият" номлы шеър-хитобида таъсирчан акс этган: "Юксак орзулари бордир шоирнинг. Шоирларда бўлар фақат эзгу ният. Қалам, қалам эмас – Бонгга зарб ила урилгувчи чўқмор, Үндан тараалгувчи садо ва акс-садо сен – шеърият!" Муаллиф шеърия-тимида туғилаётган янги садонинг куратига ва тақдирига, унинг давомли акс садоларга айланышига чин дилдан ишонади. Ёш шоир шеърият, сўз дунёси ҳақида шунчалар олижаноб, шу қадар юксак фикрда. Бу дунё унга қандайдир фавқулодда, беҳад маҳобатли туюлади. У шеъриятни дунёдаги энг эзгу ва энг курдатли овоз, деб билади. Замоннинг бошқа бир навқирон ижодкори Омон Матжон шеърият кошонаси қошида уятчан ва ўйчан кайфиятда турган ёш қаламкаш аҳволи-руҳиясини, унинг қалбидаги ийманиш ва илинж, муқаддас даргоҳ остонасидағи журъатсизлик ва ҳаяжон ҳисларини ҳамда кўнгилдаги узундан-узун дардмандлик, орзумандик туйғуларини ҳақоний, самимият билан тасвирлаган: "Кимнидир ахтардим, ахтардим узоқ, Кўзим панараб баъзан қуёшдан. Фидирак изидек узун тунларда Номин ҳай-хўйладим унинг тоғ-тошдан. Ва ниҳоят, бугун – истиқбол куни Кўриб қолдим уни оламдек равшан – Менинг қалбим эди у, дунё таниб Шеърият эшигин қоқарди ўйчан".

Юкорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар бир ижодкорнинг адабий-эстетик идеалини ўз асарларидан, яъни унинг ўз эътирофлари ва дил сўзларидан излаганимиз маъқулпроқ. Ёш шоирларнинг турли-туман фаҳриялари ва қадрон устоzlарга бағишловларида биз янги лирик қаҳрамоннинг маънавий озиқланиш ва таъсирланиш манбаларини, руҳий таянч ва суюнчиқларини, қайсирид маъноларда эса савқитабий интилиш мўлжалларини кузатамиз. Синчиклаб қаралса, авлоднинг адабий-маънавий куч олиш манбалари кенг кўламлилиги ва ранг-баранглиги билан диккатни тортади. Энг мұхими, ушбу авлоддошларнинг адабий-маънавий интилишлари силсиласида, айтиш мумкини, бирортаям ўтқинчи ёки тасодифий номлар йўқ.

Абдулла Ориповнинг "Сен Пушкиннинг севган малаги" деб бошланадаган ажойиб шеъри янги лирик қаҳрамон поэтик таржима ҳолини билишга бирмунча кўмаклашади: "Сен Пушкиннинг севган малаги, Сен Гёте орзу этган қиз. Сен Байроннинг ўтли юраги, Сен Гейнени ёндиригган юлдуз. Алишернинг Гулисисан сен, Сен Лутфийнинг сўлим фазали. Булбуисан Ҳофиз гулшанин Ва Хайёмнинг ширин асали Толеимда нозланаб турган, Эй сен менинг эрка гўзалим". Ёш шоирнинг ўзи ҳақидаги нозик фаҳриясида иккита мұхим фикр ифодаланғанини кўрамиз. Биринчидан, муаллиф фаҳриясида Шарқ Ғарб манбаларини маҳсус таъкидлаб, ўзига маънан ва руҳан яқин сўз даҳоларига алоҳида эътиборни қаратади. Иккинчидан эса ёш лирик қаҳрамон санъат дунёсида ўтқинчи ёки шунчаки меҳмон эмаслигини навқирон бир эҳтирос билан қайд этар экан, унинг: "Толеимда нозланаб турган, Эй сен менинг эрка гўзалим", дега ўз шеър илоҳасини чекиз бир севги билан күйлаши ва бу илоҳий гўзални Пушкиннинг севган малаги, Гёте орзулаган қиз, Байроннинг ўтли юраги, Гейнени ёндиригган юлдуз, Алишернинг Гулиси, Лутфийнинг сўлим фазали, Ҳофиз гулшанининг булбули, Хайёмнинг ширин асали, деб таърифлаши ва улар билан қиёслаши қалбингизга фараҳ, шукух бағишлайды. Айни

чогда, мазкур мисралар истеъдоднинг кудрати ва бадиий мўлжаллари ҳакида ҳам мұайян тасаввур беради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш даркорки, юқорида тилга олинган юксак ва улуғвор номлар, умуман, олтмишинчи йиллардаги шоирлар авлоди учун азиз ва мӯйтабар номлар эди. Улардан, айниқса, Навоийнинг авлод адабий-маънавий таржимаи ҳоли шаклпанишидаги ва келгуси тақдиридаги ўрни, ҳаётбахш таъсири теран ва эътиборга лойиқdir.

Абдулла Орипов "Алишер" номли шеърида Навоийга муносабатини янада теранроқ ифодалашга эришган. Муаллиф талқинича, Навоий ижоди фақат она тилидаги шеъриятнинг энг юксак чўққиси ёки бетакрор тимсолигина эмас. Балки миллий борлиқнинг энг ёрқин бошлангичи, миллий ўзликнинг энг муқаддас рамзиидир: "Жаҳонки муқаддас нени кўрибди – Барига онасан, эй қодир ҳаёт. Беш юз йил наридан боқиб турибди, Нурли бу юзларга нуроний бир зот. Шу буюк ўзлингни ардоқлаб дилдан, Халқим, таъзим этсам арзиди тамом. Унинг номи билан бирга битилган Дунё дафтарига ўзбек деган ном". Шеърда улуғ бобокалонимизнинг миллий маънавият ва маданиятимиздаги муаззам ўрни билан бирга, айни чогда, улуғ тарихий шахс сифатида бекиёслиги ҳам очиб берилган.

Олтмишинчи йиллар шоирларининг Навоий ҳазратлари билан маънавий мулокот ва унсиятидан сўзларкан, Эркин Воҳидов шеъриятида алломага бўлган ниҳоясиз муҳаббатни маҳсус тилга олиб ўтиш жоиздир. Эркин Воҳидовнинг лирик қаҳрамони ҳам Навоий санъатининг ўнлаб улкан ва ўзига хос, олис ва яқин акс-садоларидан бири сифатида ўша илоҳий ижодга адоқсиз меҳрдан туғилган, ўша муқаддас меросдан ранглар ва оҳанглар ўзлаштирган. Улуғ алломага чексиз ихлосини Эркин Воҳидов қатор шеърларида чин дилдан, ёниб-куйиб куйлаган. Навоий дунёсини ўз шоирона руҳининг азал-абад замини, куч-кувати ва маънавий озуқа олиш маскани, асосий таянч нұктаси, деб таърифлаган: "Фузулий девонин кўлимга олдим, у солди кўнглимга газал меҳрини... Кўп заҳмат сўнгига англаб етолдим Устоз Алишернинг буюк сехрини. Уни танидиму элимни билдим. Маҳкамроқ тургандай бўлдим заминда. Диёрим, сен билан ифтихор қилдим, Барча шавқу оташ шу боис менда". Ушбу мисраларда Навоий меросининг бунгли авлодлар учун адабий-бадиий, айни пайтда, миллий-маънавий Ватан эканлиги поэтик таъкидланган. Ёш шоир биргина сўзга меҳр эмас, балки элу юргта муҳаббат ҳам шу кутлуг шеърият туфайли қалбига кириб борганигини сидқидилдан эътироф этади. "Уни танидиму элимни билдим" мисрасининг маъно кўлами Навоий даҳосининг ёш калямкаш учун кимлигини тенгсиз миллий ифтихор рамзи, ҳаёт-мамот янглиг бир кудрат, яшаш ва яратишга чорловчи маънавий-руҳий манба эканлигини билдиради. Навоий Эркин Воҳидов наздида, миллий шеър санъатининг энг юксак тимсоли бўлибгина қолмай, шу билан бирга, она юрт, Ватан рамзи ҳамдир. "Ватан ва Навоий" ёки "Навоий ва Миллат" – улуғ устоз сўзининг "буюк сехрини" чин дилдан севган ва англаб етолган инсон – ижодкор учун ҳақиқатан ҳам ёндош ва жондош атамалар, синоним тушунчалардир. Зоро, миллат рамзига айланган улуғвор санъаткорлар ижодида шахснинг маънавий олами сарҳадлари муқаддас Ватан худудлари билан туташади, янада аниқроғи, тенглашади: "Шунинг-чун сўрсалар: – Илк устозинг ким? Сенга шеър асрорин ким этди ошкор? Дейман: – Қалам берди муқаддас юртим, Ватан меҳри этди мени шеърга ёр".

Авлоднинг Навоий даҳосига сунгсиз севгиси хусусида фикр юритганда, яна қатор шеърларни, айниқса, бир қанча унтутилмас мисраларни четлаб ўтиш қийин. Рауф Парфининг қуидидаги дилга яқин ва ёниқ сатрлари шулар жумласидандир:

Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат,  
Улуғ Алишернинг кутлуг тилида .

Бунда она тилимиз ҳамда улуғ Навоий теппа-тeng улуғланган. Аниқроғи, муаллиф уларни онгли равишда тенглаштирган. Яъни Навоийнинг "кутлуг тили" – бу она тилимизнинг ўзгинаси демақдир. Ушбу фоят ҳаётий ва ўринли муқоясада заррача муболага йўқ. Ҳақиқатан, она тилимизнинг бойиши, ривожи ва гуллаб-яшнаши, жаҳоннинг энг обрўли ва улуғвор адабий тилларидан бирига айланишида Навоий қадар меҳнат ва машаққат чеккан иккинчи бир сиймони топиш мушкул. Худди шу сабабли муаллиф юқоридаги сатрларда мазкур ҳақиқатни астойдил уқтиради. Айни чогда, ушбу таъ-

кинда ёш шоирнинг Навоий бадиий мўъжизасига чексиз муҳаббати ҳам акс этган. Ҳа, Рауф Парфи таърифида, улуг Алишер, "күтлуг тил" ижодкори ва бунёдкори, руҳимизни илоҳий бир тарзда янгратган мўъжизалар соҳиби сифатида эъзозланади.

Умуман, бадиий ижоднинг ёки айрим адабий авлодларнинг генезисини, яъни туғилиш ва келиб чиқиши жараёнини тадқиқ этиш ҳар доим жиддий илмий аҳамиятга молик масалалардан ҳисобланиб келган. Айни шу жиҳатдан олтмишинчи йиллар шоирлар авлодининг адабий-маънавий манбалари ҳақида фикр юритарканмиз, шуни алоҳида таъқидлаш керакки, ўша даврда адабиёт оламига кириб келган ёш қаламкашларнинг адабий сарчашмалари сирасида Faур Fулом ва унинг катта авлодининг мавқеи ва салмоги бутунлай бўлакчадир. Ҳақиқатан ҳам Faур Fулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Мақсад Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемирлар ёш шоирлар учун чин маънода намуна, тимсол эдилар. Улар ижодидаги устоз санъаткорларга аталган қатор шеърий асар ва достонлар, турли бағишливлар, ёлқинли мадҳиялару ёниқ марсиялар шундан далолат беради. Авлоднинг пешқадам вакилларидан Эркин Воҳидовнинг XX аср ўзбек шеъриятининг яловбардорларидан бири Ҳамид Олимжонга бағишлиланган қўйидаги самимий сатрлари юқоридаги мулоҳазаларимизни тасдиқлади.

Мени шеър bogiga etaklagan kim?  
Bu chaman aсрорин kим этди aён?  
Olamdan men faқат shodlik izladim,  
Menga ustoz bунда Ҳамид Олимжон.

Айтиш керакки, ёш шоирларнинг устозларга қизиқиши ва меҳри шунчаки оддий, одатий авлодларро муносабат билангана чегараланмайди. Бу тарихнинг фавқулодда ва менгзарсиз гардиши, замоннинг беомон эврилишлари боис туғилган бетакрор бир хис, ҳайратомуз бир муҳаббат эди. Олтмишинчи йиллар шоирлар авлодининг маънавий оламини ушбу муҳаббатсиз тасаввур этиш қийин. Зеро, ёш шоирларнинг Ватанга, миллатга, элу юртга оташин меҳри ана шу муҳаббат алангасида йўғрилган, десак адашмаймиз. Уларнинг инсон ва адабий шахс, ватандош ва санъаткор сингари ўсиб-улғайиши, шаклланиб вояга етиши бевосита устоз деб аталган муқаддас маънавий оталарнинг меҳри, далласи ёрдамида, ижодий сабоқлари таъсирида кечган, рӯёбга чиққанди.

Шоира Зулфияга бағишлиланган "Теранлик" шеърида Эркин Воҳидов устоз ва шоғирлар, катта ва ёш авлод ўртасидаги маънавий алоқаларни чиройли очиб берган: "Теранликни қидирмадим уммонлардан, Инсонлардан топдим уни, инсонлардан. Теранлик – бу нур ёғилган юзлардадир, Теранлик – бу ўйчан боқсан кўзлардадар, Теранлик – бу айтилмаган сўзлардадир". Муаллиф ихчамгина шеърда теранликни – не-не синовларга ва кўргиликларга, "машъум йиллар дилга соглан озор"ларга, "оналарнинг ҳасратию оҳ-зорлари"га замоннинг зилзила тўfonларига дош беролган буюк ва пок қалбларгина эришиши мумкин бўлган ахлоқий фазилат, руҳий баркамоллии сифатида таърифлайди: "Теранликнинг таърифига сўз бормикан? Машъум йиллар дилга соглан озоридан, Оналарнинг ҳасратидан, оҳ-зоридан Одамларнинг юрагида уммони бор, Уммонларнинг сокинлигу тўфони бор". Табиийки, бунда таъриф ва таҳлил этилаётган улуғвор ва бой умр йўли, серқирра ва сермаъно ҳаёт мазмуни билан бирга, ундан ёш шоир чиқарган хulosалар ҳам ибраторумздир: "Умидларда ҳаёт қадар теранлик бор. Кўнгилдаги сабот қадар теранлик бор. Теранликни қидирмадим уммонлардан. Инсонлардан топдим уни, инсонлардан". Дарҳақиқат, мана шундай нодир умр ва ижод сабоқлари эндиғина мустақил ҳаёт ва адабиёт остонасида турган навқирон қаламкашлар учун жудаям зарур ва бебаҳо эди. Олис манзилларни кўзлаган, олдинда не-не мураккаб ва зиддиятли ҳаёт, ижод довонлари кутиб турган ёш авлодга маънавий суюнчиқ ва таянчдай керакли ҳамда қимматли эди. Олтмишинчи йиллар шоирлари ўз муҳитларида худди шундай таянч нуқталарни топа олганлари, айни пайтда, уларга суюниб, маънавий-эстетик изланишларида улардан куч, мадад ола билганлари учун ҳам ўз олдиларига замон нуқтаи-назаридан муҳим гоявий-бадиий мадсадларни, зарурий вазифаларни қўйишга журъат қилдилар.

Устозлар босиб ўтган йўлдан ва улар қолдирган меросдан англанган ва чиқарилган маънолар, келинган хulosалар – бу уларнинг насллар маънавиятида яшashi демак-

дир. Бошқачароқ айтсак, ворисларга эга бўлиш, кейинги авлодлар ички эҳтаёжига айланиш – бу замонлараро робитанинг узилмаслиги белгисидир. Миллий бадий тафаккур тараққиётидаги шу нарса катта аҳамиятга моликдир.

Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парифлар мансуб тенгкүр қаламкашлар билан Ойбек, Ҳамид Олимжон, Fafur Ғуломлар авлодининг маънавий алоқалари катта тадқиқотларга мавзу бўлишга арзиди. Бу жиҳатдан ҳар иккала давр – авлод шеъриятининг билимдони, атоқли адабиётшунос олим Иброҳим Faфуронинг "Кўёшга" мақолосидаги кузатишларини эслаш жоиз кўринади: "Эркин Воҳидовнинг илк шеърларини ўқиган ва тинглаган одамлар қанчалар бирдан завқланиб кетганликларини ўзим кўп маротабалаб кўрган, кузатганман. У пайтлар Ўзбекистон ҳавосида Faфур Ғулом, Ойбек, Шайхзода сингари жўшиқин эҳтиросли, маърифатли шоир ва адилларнинг сўзлари, оҳанглари, қоғиялари, латифалари, доноликлари чарх уриб қанот қоқарди.

Ўша даврнинг урушдан базур омон чиқсан биз мурғак болаларини Faфур Ғуломнинг сўзлари тамомила ўзига ром қилиб олган эди. Унинг "Яша, дейман, ўғлим!", "Билиб қўйки, сени Ватан кутади", "Аввал ўқи", "Тонготар кўшиғи", "Кўёшчалар шеъри", "Бир гунча очилгунча", "Чароғларим-қароғларим" сингари энг олд шеърларини худди оятдай тақрорлаб юрар эдик. Эркин Воҳидов эса Faфур Ғулом шеърларини илоҳий бир даражада севар эди". Устоз авлодлар ижоди ва дунёқарашининг ўша давр ёш қаламкашларига кучли ва табиий таъсирини юқоридаги мулоҳазалар равшанроқ тушиуни ради деб ўйлайман. Ва ушбу таъсир ва маънавий мулоқот шунчаки бир ўткинчи ҳолат, қисқа фурсатли бир қизикиш эмасди. Катта авлоднинг ғоявий-эстетик олами ёшларнинг адабий изланишларида узоқ вақт акс-садо беради. Хусусан, уларнинг дастлабки асарларида ўрганиш майли, таъсирланиш ва тақлид кўлами анча кенг эди. Ёш шоирлар устозлар бадий оламига беғубор бир мұҳаббат билан талпинар эдилар. Тўғри, бир қанча фурсат ўтгач, ёш қаламкашлар уларнинг идеал ва ғоялари, замонага мос қарашларига шубҳа билан ёндашишга бошлидилар. Бундай фикр ва ғоялардан кутилиш заруратини ёш авлод зийраклик билан англаб етади. Бироқ устоз авлоднинг соғ инсоний ва шоирона дунёси, замонлар қолипига сиғмаган мангу эстетик қадриятлари, бадий қашф ва топилмалари ёш шоирлар учун бир умр қадрдан бўлиб қолади. "Тадқиқотчилар Эркин Воҳидовнинг ўша пайтдаги шеърларида, – деб ёзади Иброҳим Faфурор юқорида тилга олинган мақолосида, – Faфур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжоннинг оҳангларига эргашиб майли кучли, деб қайд этганлар. Бунда, албатта, маълум бир ҳақиқат йўқ эмас.

Лекин, билмадим, тўғри тахмин қиляпманми ё нотўгрими, ҳар ҳолда шоиримизнинг илк даврида ҳаётдан бўса олиб ёзиш, унинг найини чалиб ёзиш ва бир сўз билан айтганда, "кўёшча" бўлиб ёзиш устунлик қиласди. Улар ўзини кўёшча деб хис қилган ёш йигитча, бағри оламга кенг очилган, кулоги Faфур Ғуломнинг хузурбахш оҳанграбо аллаларига ўрганган зувалали шоирнинг шеърларидир. У Faфур Ғулом илгари сурган идеаллардаги инсондек яшашга чоғланган. Ҳаётдан, оламдан фақат тиницлик, сурур, мағрур юксалиши кўзлайди. Эркин Воҳидов Faфур Ғулом билан Ойбек қандай айтган бўлса, шундай илмлар тоглари ва чўққиларини забт этмоқ иштиёқи билан ҳаётга отлағади..." Мазкур мулоҳазалар оптмишинчи йиллар шоирлари авлодининг барча вакилларига у ёки бу даражада тааллуқли, деб бемалол айтиш мумкин.

Олтмишинчи йиллар ёшлар шеъриятида хилма-хил сабаблар ва маънавий эҳтиёж юзасидан устозлар меросига, анъаналарига мурожаатни эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Ўша мурожаатнинг муҳим кўринишларидан, масалан, турли эпиграф ва иқтибосларни, катта авлод ижодидаги етакчи мавзу ва мотивларга издошларча ёндашувни айтиш мумкин. Ёки ранг-барагн шеър ва манзумаларида ёш шоирлар устозлар шахсига ва ҳаёт йўлига, улар ижодининг ёрқин ва бетакрор кирраларига алоҳида урғу беришиади. Энг муҳими, ҳамиша устоз шоирлар адабий сабоқларига эҳтиёжманд ва орзуманд кўнглил кўзи билан қарайдилар.

Бу хусусда, Абдулла Ориповнинг бир қатор шеърларида ана шундай ёндашувнинг гувоҳи бўламиз. Жумладан, "Ўзбекистон" қасидасида Абдулла Орипов, табиий рашида, Faфур Ғулом билан Ҳамид Олимжонни эслайди. Ойбекни маҳсус тилга олиб ўтади. Сиз ўша мисраларни ўқиётib, бу ёдга олишлар шунчаки юз-хотир юзасидан

ёки номига эмаслигини чукур хис қиласиз. Ёш шоирнинг устозларни қандайдир соғинч ва меҳр билан эслашида чукур сабаблар мавжудлигини англайсиз. Ахир, она Ватанини ким ҳам улардай жўшкин илҳом, эҳтиросли ва баланд пардаларда куйлаганди? Ўзбекистон ҳақидаги энг дилбар достонларни, энг дилрабо кўшиқларни улар ёзмагани миди? "Сен кетарсан балки йирокқа, Фарғонада балки балқарсан. Балки чиқиб оқарган тоқقا. Чўпон бўлиб гулхан ёқарсан. Балки устоз Ойбекдек тўлиб ёзажаксан янги бир достон, Балки Ҳабиб Абдулла бўлиб, Саҳроларда очажаксан кон. Тупроғи зар, маъданим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним". Ишончимиз комилки, мазкур мисраларда устоз Ойбек эсламмаганида эди – муаллифнинг ҳам, бизнинг ҳам кўнглимиз уччалик тўлмаган бўларди. Зеро, бунда "бетимсол Ойбек" (Абдулла Орипов) фақатина бадиий образ тариқасида гавдаланмайди. Шу билан бирга, "устоз Ойбек" Ватан образининг ва тасаввурининг муҳим бир кирраси ҳамдир.

Қолаверса, Ватан образини яратишга, уни куйлашга бел боғлаган шогирднинг устозларни бир қур ёд этиши, шубҳасиз, чукур маънавий эҳтиёж, миннатдорлик, айни пайтда, адабий бурч ва қарздорлик туйғулари билан боғлик бўлса керак. Табиийки, бунда навқирон бир миллий ўзлик тасдиғи, фарзандларча гурур ва ифтиҳор туйғулари ҳам балқиб турибди: "Юрмасман ѡч беҳиштн излаб, Тополмасам чекмасман алам. Ўтирмасман эртаклар сўзлаб, Мусалло деб йўйнмасман қалам. Кўклимингдан олиб сурурни, Доворуқ солди устоз Олимжон.Faфур Ғулом туйған гурурни Қўлмок мумкин дуннёга достон. Олис тарих қадамим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним!". Абдулла Ориповнинг нозик ва лутфкор бадиий таҳлилида устоз шоирлар дунёсининг бетакор жиҳатлари, улар истеъоди ва ижодининг етакчи кирралари бўртиб акс этган, дейиш мумкин. Абдулла Ориповнинг поэтик таъриф ва талқинлари ўзининг беҳад ҳаётйлиги, ҳаққонийлиги билан диққатни жалб этади.

Агар таъбир жоиз бўлса, устоз шоирлардан Абдулла Ориповга руҳан жуда яқини алломайи замон Faфур Ғуломдир. Бу нарса ўқиши-ўрганишлар ва ҳар турли таъсира нишлар билан бирга, айни чоғда, истеъододлар табиати, бадиий тафаккур ва идроқдаги табиий түгма уйғунлик, азалий ўҳшашликлар ҳосиласидай тушунился ва талқин этилса, айни муддаодир. Кези келганда, куйидагача қиёслаш фикримизни равшанлаштиришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз: Эркин Воҳидов шеърияти ўз услубий йўналишига кўра ва руҳан Ҳамид Олимжонга; Рауф Парфи лирикаси ўз табиатига биноан Ойбек ва Усмон Носирга; Омон Матжон ва Маъруф Жалилнинг ҳаётий мазмун билан йўғрилган, воқеабанд шеърлари Миртемир домланинг содда, самимий, дилкаш ва донишманд шеъриятига; Чўлпон Эргашнинг гоят вазмин ва ўйчан тажрибалари Мақсад Шайхзоданинг фикрчан ва фалсафий лирикасига ҳамоҳанг туюлади. Ана шундай маънавий маҳрамлик, руҳий қондошлик, бадиий тахайюлнинг бепоёнлиги, "руҳий поённинг чек-сизлиги" жиҳатидан Абдулла Орипов замонамизнинг улуг санъаткорларидан Faфур Ғуломга яқинроқ туради. Ва биз, шу ўринда, устозу шогирлар ўртасидаги ўзаро муносабатни фақатина сийқаси чиқкан адабий таъсир омили билан чегаралаб қўйишни истамаймиз. Дарвоқе, шуни ҳам унутмаслик керакки, ёшлиқ ҷоғларида ижодий-руҳий изланиши жараённида ёпласига ҳамма-ҳаммадан эмас, балки түгма ўҳшаш, руҳан, табиатан яқин истеъододларигина ўзаро маънавий мулоқотга киришади. Хусусан, "Қандай чексиз эди руҳий поённинг" мисрасидан шуни англаш мумкинки, устоз Faфур Ғулом руҳий поённинг бепоёнлигини ѡч ким Абдулла Ориповдай аниқ ва равшан тасаввур қилолмаса керак.

Абдулла Ориповнинг "Баҳор" шеърида Шайхзода хаёлини васф этувчи маҳзун мисралар келади: "Бекиёс эди у шеър лочини! Хаёли бамисли Кўрагонийдек. Гар тарих эврилса, шуҳрат тожини Үнга кийизарди Султон Улуғбек. Балхдан ҳориб қайтган Алишер мисол Энди тўлғизганди чўккан давотин. Кетди пок бир сиймо. Теран бир хаёл Қолдириб дунёда ѡч ўчмас отин. Бақою бебақо аён буюклик ўтди сунғиги дамда бош эгиб куйи. Фақат билганидан қолмас Тириклик. Мана, гулга чўммиши Чигатой бўйи". Мақсад Шайхзоданинг ўз замонига сигмаган улкан иқтидорини ва бетакор ижодий қисматини акс эттирувчи мазкур мисралар таъсирчан поэтик мундарижаси туфайли хотирамизга ўрнашади. Табиийки, ушбу мисраларда ҳам самимий меҳр, ёлқинли мухаббат ўз ифодасини топган. Лекин ёш шоир устозга эҳтиром туйғуларини ифодалаш билангина

чекланмаган. Шайхзоданинг тенгсиз ижодий жасоратини ҳамда аччиқ қысматини бир неча ёрқин мисра ва эсда қоларлы деталлар орқали маҳорат билан умумлаштириши га эришган. Жудаям оғир ва мاشаққатли бир даврда унинг Мирзо Улугбек образини ва фожиасини дохиёна севги ва күйінчаклик билан яратишини ёш Абдулла Орипов тұлиб-тошиб, тұлқынлапиди күйлайди. Замонининг шафқатсиз чириғидан бир амал-лаб үттан ва беомон синовларга бардош берган санъаткор умрининг ва асарларининг асосий сабоқларини англашға ва англатишига интилади.

Устоз Абдулла Қаҳхорға бағишенгандын атиги саккыз сатрлы, бироқ жудаям теран фалсафий маңындар билан ійүргилған шеърида ҳам Абдулла Орипов поэтик умумлаш-малар яратыш ійүлидан боради:

Йүллар ортимизда қолар эдилар,  
Саҳролар қоларды чексиз, бетакрор.  
Нега улар чексиз, десам дедилар:  
Бу ердан үтганди Абдулла Қаҳхор.

Шеърда улуғ санъаткорнинг мураккаб ҳәёт ийүли ва ҳавас қылгудек ижодий толеи – умумхалқ мұхаббатига сазовор бўлган баҳтиёр ижодкор тақдиди рост ва ишонарли тасвирилган.

Абдулла Орипов буюк ёзувчи образининг халқ қалбидан қанчалар чукур жой олғанига ургу берган. Янада аникроғи, халқ ва Абдулла Қаҳхор муносабатларини чиройли ва таъсирчан акс эттирган. Яъни Ватан кенгілклари, она юрт саҳролари Абдулла Қаҳхор сўзи туфайли чексиз, белоён. Ватанимиз Чўққилари ҳам Абдулла Қаҳхор сўзининг қудратидан салобатли, сарбаланд, юксак!.. Гўзал ва ҳаққоний муболага, шундай эмасми?

Аён бўлдики, катта авлодга мансуб ёзувчи ва шоирлар образига мурожаат қиласар экан, уларнинг номини шунчаки улуғлашни мақсад қилиб қўймайди. Аксинча, устоз адилларнинг ўзига хос ва бетакрор қиёфаларини бадиий гавдалантиришга ҳаракат қиласади. Мазкур жиддий поэтик ниятни эса ёш издошлар устоз санъаткорлар ҳәёт ва ижод йўленинг бадиий-фалсафий таҳлили, уларнинг инсон сифатида ўзига хос хусусиятларини ва асарларнинг етакчи пафосини, мұхим қирраларини ҳаққоний ёритиш, маҳорат билан умумлаштириш орқали амалга оширади. Улар ҳақидаги теран мазмунли манзумалари оддий ва анъанавий бағишеловлардай таассурот колдирмайди.

Шоир мураккаб ва улуғвор умр йўлларининг нозик ва ҳассос поэтик таҳлилидан келажак учун зарурий хулосалар чиқаради. Умуман, 60-йиллар шоирлари, салафлар шеърияти ва шахсияти ушбу шоирлар авлодининг келгуси тақдирига, адабий-маънавий улғайиши ва камолотга етишида мана шундай ижодий сабоқлар ҳамда ҳәётий хулигасарларнинг умидбахш таъсири бекінеш эди.



### Доно БЕКЧАНОВА

1985 йылда туғилған. 2002-2006 йылдарда Урғанч Дағлат университетининг ўзбек филологиясы факультетини тамомлаған. 2011 йылда

Ўзбекистон Миллий университеттегі ўзбек филологиясы факультетининг магистратура босқичига қабул қылған.

Хозирда "Замонавий саёхатномаларнинг жаңир хусусияти" мавзусыда илмий ши олиб бормоқда.

## ИККИ ҲИКОЯГА БИР НАЗАР

Хозирги ўзбек ҳикоячилигида бадий тафаккурнинг күркі ва безаги сифатида қадрланадиган рамз, тимсол, мајоз каби бадий үнсурлар асосида яратылған ҳикояларнинг турлі шакларини күришимиз мүмкін.

Бугунғи кунда рамз асосиға курилған шундай ҳикоялар борки, улар баъзи бир ҳажман катта асарлар кўламидан-да кенгроқ бўлиб, бутун бошли инсон руҳиятидаги нозик товланишу чигал жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Шу жиҳатдан қараганда, кейинги йилларда Нуруллоҳ Мұхаммад Рауфхон ёзган ҳикоялар эътиборга лойиқ. "Тафаккур" журналининг 2009 йил 3-сонида адиднинг "Чилла" номли ҳикояси эълон қилинди. Ҳикоя қаҳрамони кирқдан ошар-ошмас, гуноҳ, разолат ва нодонларга тўла дунёдан чарчаб, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўзлигини англаш, қалби ва руҳини тозалаш, руҳий эркинликка эришиш, ҳеч кимга айта олмайдиган дардларидан фориг бўлиш, ҳаловатини йўқотган кўнглига таскин бериш мақсадида, ер тагини ўзига ошён қилди. Томирларида Аҳмад Яссавий қони гупираётган қаҳрамон: "Бу дунёга нега келди-ю, қандай савоб ва гуноҳ ишлар қилди?". Ушбу саволларга жавоб излади. Кўп китоблар ўқиди, таот-ибодатлар қилди. Ҳамма буюклар каби ҳаёт маъносини, яшашдан мақсад нелигини англашга интилди: "...Босиб ўтган ҳаёт йўлидан мазмун, қилган ишлардан мантиқ ахтаради, тақдирiga битилгандан ташқари ҳеч бир иш бўлмаслигини билади, бунга ишонади, лекин сочилиб кетган ўйларини бир жойга тўплай олмагани учунми, ойдин хуласалар чиқара олмайди".

Қаҳрамон ўзига макон қилган ўрасини "Чиллахона" деб номлайди. Чилла – рамзий поэтик образ бўлиб, маънан по-клик тимсолидир. Шарқ мумтоз адабиётida унга кўп мурожаат қилинади.

Нуруллоҳ Мұхаммад Рауфхон қаҳрамони: "Ҳақ йўлига кириб бўлмас, пок бўлмасанг" сўзларини ўзига шиор қилиб, чилла сақлади. Юмронқозиқдай ер юзидағи хавф-хатарни сезди, "ҳалокатдан" қочиб, ер тагини ўзига макон қилди.

Ҳикояда қаҳрамоннинг онги, юраги ва бутун борлигини эгаллаб олган бўйма илон – нафснинг оғир юкидир. Та-саввуфий адабиётда илон тимсоли – нафсни англатади. Аллома Нажмиддин Кубронинг қайд этишича: "Нафс ҳеч ўлмайдиган илондир. Афъо аталмиш заҳарли илон бунга яхши мисол бўла олади. Бу илон чопиб ташланса ҳам, боши кесилса ҳам, тўқмоқланса ҳам ёки териси бутунлай

шилиниб олинса, гүшти пиширилса ва ейилса-да, бир неча йил ўтгач, унинг терисига күёш нури тегиши ҳамон ҳаракатлана бошлайды. Нафс ҳам худди шундай. Ўлган нағсга ҳаво, шаҳват ва шайтонлик оташи хурж этса, дарров жонланиб, ҳаракат эта бошлайды".

Қаҳрамон тавба қилиб, ризога юз тутди. Нафс розилигидан чиқиб, Ҳақ розилигига кирди. Тоат-ибодат ва тавба-тазарруси ила ҳам қалбан, ҳам рухан покланди. Аммо, шундай бўлса-да, узоқ вақт чилла сақлаб аёли ва болаларини ёлғиз қолдиргани учун ўзини кечира олмади. Аёлининг машаққатларга тўла бўлган ҳаёти ва чеккан дардларида ўзини айблади: "...Шўрлик аёл бу йиллар ичида қишининг оппок совуқларига ҳам, ёзинг сап-сариқ иссиқларига ҳам дош берди, эзиб ёқсан қор ёмгириларни, дархтларни кўпоргурдай қаттиқ келган довулларни, тандир каби қиздирган саратонларни бошидан ўтказди..."

Фарзандларидан узр сўради, аёлига таскин берди: "Яна озгина сабр қил, Ҳурматли киши айтганидай, бир куни ўзим ер бетига – ҳузурингга чиқиб бораман, кутилганидай бўлмаса ҳам, сал янгиланиб-тозаланиб чиқаман, иккаламизнинг орзуларимиз яна бир-бири билан қовушади, ҳаётимиз яна изига тушиб кетади... ҳар кеччанинг наҳори бўлганидай, ҳар қишининг ҳам баҳори бор... биз ҳали баҳти бўламиз..."

Ҳикоя жумбоқли якунланади. Қаҳрамон ер устига чиқишга аҳд қилганида чиллахонасига тепадан шувилаб майн тупрок тўклида бошлайди... Жумбоқли якун ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундейди. Шунга кўра, фикр ва хуласалар ҳам турлича бўлади.

Муаллифнинг фикрича, инсон қалби ва руҳининг поклуги учун курашиши лозим, нафсни енгиш ва инсоний хислатлар илиа иймонга содик қолиб яшаш энг олий инсоний бурчdir. Эътиборга лойиқ жиҳати, ҳикоя Шарқ фалсафасига хос комилликни тарғиб этади. "Чилла" қаҳрамони моддий идеалга эмас, руҳоний идеалга интилади.

Нуруллоҳ Мұхаммад Рауфхоннинг "Шарқ юлдузи" журналининг 2010 йил 1-сонида эълон қилинган "Этакдаги кулба" ҳикояси эса "Чилла" дан анча фарғ қиласди. Ҳикояда бевосита муаллиф тилидан баёнлар, тавсифлар, изоҳлар берилади, тасвиirlар тे-ранлиги билан ажralиб туради.

Бадиий асарда қўлланилишига кўра рамзларнинг – рамз-образ, рамз-деталь, рамз-сюжет каби турлари фарқланади. "Этакдаги кулба" ҳикоясининг сюжети рамзлар асосига қурилгани билан эътиборли. Бир ўқишида яширин сирларини илғаш мушкул кечадиган бу ҳикоя – китобхонни чуқур мушоҳадага чорлайди.

Ҳикоя "жимжит" сўзи билан бошланади. Ва айнан ўша "жимжитлик"ка Девона ўзининг "ғалати", "шубҳали" ва "қўрқинчли" хитоби билан раҳна солди: "Уйи куйган ким бор?.. Моли куйган ким бор?.. Багри куйган ким бор?.."

"Қишлоқ сергак тортди, шубҳаланди. Зерикарли ва туссиз ҳаётига сал бўлса-да, бўлакча бир ҳаво киритиши мумкин бўлган бу сўздан қувонмади, аксинча, бироз қўрқинч босди, момакалдироқдек туйкус янграган бу товуш, албатта, уларга қўрқинчли ва шубҳали туюлди. "Ўлик", "гунг" ва "диққанафас" Қишлоқда Девонанинг товуши ке-зар, жимжитлик шовқинидан том биттан кулоқларга унинг товуши аллақандай ёқимли бир эпкин бўлиб кирап, ҳатто ширали эшитилар эди".

Ҳикоянинг ана шу жойида муаллиф фикрини уққандай бўласиз. Биринчи мұхабbatдаги ҳайрат, ундан қолиши мұқаррар бўлган қалб оғриги, ўзликни англаш, ижод қилиш иштиёки... Қуийлиб келаётган фикрлар ичидан энг тўғрисини айнан му-аллиф назарда тутаётган жумбоқни топмоқ мақсадида уларни саралай бошлайсиз.

Қишлоқ – қиши бўлса қора совуқдан дийдираf, ёз бўлса саратондан жизғанаги чиқиб, баҳор келса бир нафас олиб, кузда эса бир нафас чиқарип, келгиндиilarни кўриб қўнишиб кетган, беларволик билан зерикарли ҳаёт кечираётган рамзий ма-кон.

Девона – ғалати, далли бир образ. Ҳикояда бу образга куйидагича таъриф берилади: "Ким бўлди бу одам? Уста бўлиб устага ўшамайди, куйган ўйларни бутлаб берай деса? Бой бўлиб бойга ўшамайди, моли куйғанларга суюнчик бўлса? Табиб бўлиб табиға ўшамайди, куйган бағирларга дори кўйса? Ким, ахир?.. Фирт девона! Сўзи туришига, туриши сўзига уйғун келмайдиган дали!"

Адид асарларида девона образига кўп мурожаат қилди. "Чилла" ҳикоясида

қаҳрамон ўзини девона деб атайды. Дунё адабиётидаги каби Шарқ мұмтоз ва тасаввұф адабиётіда ҳам қадимдан "төлба", "девона", "дарвеш" сингари адабий образлар мавжуд бўлиб, бу образлар бошқаларга маънавий-маърифий илм улашувчи, ўзини Ҳақ йўлига бағишилаб, дунёдан юз ўйрган; бойликка беписанд қараб, инсоний шону шараф, ҳикмат ва маънавий тўқисликни ҳар қандай бойлиқдан афзал деб биладиган қаноатли, диённатли шахслардир.

Галати товуш ва ундан ҳам галати сўзларга, эски замонлардан бери шу Қишлоқда яшайдиган, нотаниш бегонанинг кутилмаган жавоби – одамларни сергак тортириди.

Бегонанинг асарга кириб келиши ва жимжитлик пардасини чок-чокидан сўкиб юборган кутилмаган "ғийқиллаш" фикрларингизни тумандай тарқатиб, боши берк кўчага олиб киради, кутилмаганда худди чорасизлик домига тушгандай ҳис қиласиз ўзингизни. Гўё жавобсиз саволлар ичida йўлини йўқотган ва бу йўлни қайта топмоқ энди душвордай. Нега бу "ғийқиллаш" Қишлоқ бошига кўрқинч солди, хавотирга кўйди? Бепарволикин ўзига сифат қилиб олган Қишлоқни нега бу "ғийқиллаш" сергак тортириди? Ҳикояни ўқиш давомида руҳингиз ва онгингизни курашга чорлаб қўйганингизни сезмай қоласиз.

Ғийқиллаган эшиқдан кўринган Бегонанинг жуссаси сизни янада ҳайратга солади, Бегонанинг қую тўр ичра йилтираб турган кўзларидан нималардир дегиси келаётганинг англаб, ҳикоз ичига яширинган маънони илғагандай бўласиз, "ўлиш осон ва текин бўлиб қолганидай", аввалги фикрлардан осонгина воз кечасиз, ундан худди аввал сизга тегиши бўлмаган галати туйғу ва гайришуурый фикрларни туясиш:

"Бегона худди гўрдан чиқиб келаётганга ўхшарди: тириш босган юзида қон асари йўқ, ўсиқ қошларидан кулоқларигача, кулоқларидан елкаларигача, елкаларидан бурнию патила соқол-мўйловигача ўргимчак ин тўқиб ташлаган, кийимлари ҳам илвироқ. Юрганида ўргимчак тўрларини авайлагандай, оёғидан бошқа жойини қимирлатмасликка тиришиб юради".

Бегона. Ким бўлди бу? Нега ҳовлisisдан ўзига гўр қазиб, уйини мозор қилиб олган? Қандай куч уни тилсиз-забонсиз қилиб, ювинмаёқ, кафанга ўранмаёқ, гўрга киришга мажбур қилди? Бегона. Асли шу қишлоқликми? Бегона – шу ерлик киши, шу қишлоқнинг одамидир, балки? Эски замонлардан бўён шу Қишлоқда яшаса-ю, ҳеч ким танимаса?! Бегона – кимлиги ҳатто ўзининг ҳам эсидан чиқсан, бир тирик мурда.

Ҳикоядаги образлар, деталлар, ҳатто девонанинг: "Уйи куйган ким бор?.. Моли куйган ким бор?.. Бағри куйган ким бор?.." – деган хитоби ҳам рамзий бўлиб, асарни кўп маъноли бўлиши учун хизмат қилади.

Бегонанинг танаси ўргимчак томонидан "асир" қилинган, рамзларни талқин қилған мутахассисларнинг фикрига кўра, тана – руҳ маркази, ҳаёт кучлари масканни хисобланса, бош – ақл-идрок, ҳокимият рамзидир. Кўл – ҳукмонлик, куч, садоқат рамзи. Бурун – номус, кулоқ – сергаклик, соч ва соқол – ҳаётий куч-қудрат, бойлик рамзлари хисобланади. Бутун бошли танани ўргимчак ўз уясига айлантириб, бирорвнинг ўйига, мулкига, ҳокимиятияга, эркию озодлигига рапхна солмоқда, маънавий юксалишдан соқит қилиш бош мақсади. Бегонанинг "оғзини хиёл очиши" унинг яшашга бўлган истагидан далолат беради, ўз эрк-ихтиёри билан яшаш...

Девона Бегонанинг гапиришини узоқ кутди, сас чиқавермагач, ўзи бир нималар деғандай бўлди. Қишлоқ унинг гапини эшитмади, яқинроқ келишга ва бу Девона билан бу Бегонанинг гапларига кулоқ солишига юраги бетламади. Хўш, Девона нима деди? Нега муаллиф Девона ва Бегона ўртасидаги сұхбатни сир бўлиб қолишини хоҳлади? Бу қандай гап эди? У гапдаги дард Девонаникими ёки Бегонаникி? Балки, Қишлоқ дарди, балки, инсоният дардидир?! Ҳикоя мазмунини очадиган калитни шу жойда йўқотиб қўясиз. Турли хил саволлар гирдобига ташлайдиган бу воқеа – жумбоқ. Сир фақат Девона ва Бегонага маълум. Ўқувчи эса фикрлашдан, мушоҳада юритишдан, турли хил ўй-хаёлларга берилиб, ҳикоянинг асл моҳиятини англашга бўлган ҳаракатдан чарчамайди.

Девонанинг Бегонани ис босган қулогига ўкириши ва ихтиёrsиз қимирлашидан чирт узилган ўргимчак тўрлари ечимсиз саволлар ва қарорсиз фикрларга калит ва-зифасини ўтайди. Аммо тағин, Бегонанинг ўз гўрига кириб кетиши, Қишлоқнинг яна

жимжитлик чукурига чўкиши ўқувчини тубсиз ўйлар қаърига ташлайди: "Девона кетди. Жар ҳам солмай қўйди, орқасига ҳам қарамади, Қишлоқда қандай тўсатдан ва билинтирмай пайдо бўлган бўлса, шундай тўсатдан ва билинтирмай йўқолди. Бегона яна эшигини фийқиллатиб... гўрига кириб кетди. Қишлоқ тагин жимжитлик чукурига чўқди. Бу сирли-жумбоқли манзара кўзлардан тез ўчгани сингари эслардан ҳам тез ўчди. Худди аслида бўлмагандай..."

Рамз асосига қурилган ҳикояларнинг афзаплиги, ундан ҳар бир ўқувчи ўзича, ўзининг ҳаётидан, дунёкарашидан келиб чиқиб, хулосалар қилишидадир. Ўқувчи муаллиф назарда тутган фикрларни англай олиши ёки англамаслиги ҳам мумкин.

Рамзий ҳикоялардаги хулосалар бир эмас, бир нечта бўлиши табиий. Девонанинг бу келиш ва кетишида инсоннинг туғилиш ва ўлиш орасидаги машаққатларга тўла ҳаёт йўли, кураши, фикр ва ғоялари акс этгандир, балки?! Балки ҳикояда ўтмишда зулмдан озор чеккан ҳалкларнинг ачниқ қисмати тасвирлангандир?!

Бадиий адабиётнинг зиммасига юклилган улкан вазифалардан бири – инсонлар кўнглини поклаш, руҳини губорлардан тозалашдир. Чунки покиза кўнгил ва тоза руҳ бўлган кишидагина эзгулика, яхшиликка, олийжанобликка майл юзага келади. Тоза руҳ ва покиза кўнгилни қарор топтириш, шакллантириш учун ҳар бир одам покланиш йўлини ўташи лозим. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон асарларининг бош гояси инсон кўнглини поклаш, маънавиятини юксалтириш, гўзал хислат ва фазилатлар эгаси бўлиб, яхшилик йўлидан юришдир. Адабининг "Чилла", "Этакдаги кулба" каби ҳикоялари бугунги адабий жараёнда ўзига хос, ноањанавий, бирбирига ўхшамаган ва бир-бирини такрорламаган гўзал асарларнинг майдонга келаётганини кўрсатади.





**Жағыл ҲАЗРАТҚУЛОВ**

1946 йилда туғилған. Тошкент Давлат университети Шарқ тилилари факультетини туғатған.

F.Соидийнинг  
“Даҳшат” повес-  
ти, М.Дидеварнинг  
“Сехрли Техрон” ро-  
маны ва яна бир қанча  
форс ёзувчи ҳамда  
олимларининг асар-  
ларини ўзбек тилига  
таржима қилган.  
1995 йилдан бўён  
Ўзбекистон ФА  
Шарқшунослик  
институтидаги  
форс тилида ёзилган  
қўлъёзмаларни ўзбек  
тилига ўғришида фаол  
иштирок этмоқда.

## АДИБНИНГ МУҲТАШАМ “УЛУФ САЛТАНАТ”И

Адабиётнинг бош мавзуси – Инсон эканлигини яхши биламиш. Шу нұқтаи назардан қарғанда, Ўзбекистон халқ ёзувчи, давлат мукофоти лауреати Мұхаммад Алиниң “Улуф салтанат” тетралогияси Сохибқирон Амир Темур мавзусини ёритиб беришга багишинган кенг қамровли бадиий полотнодир. Ушбу асарни ёзишига киришар экан, адип табаррук устозлар Виктор Юго, Лев Толстой, Абдулла Қодирий, Ойбек, Пиримқул Қодировларнинг ижодий тажрибаларидан фойдаланишга ҳаракат қиласи. Унинг олдида халқимизнинг буюк фарзандини ўзининг бутун мураккабликлари ва зиддијатлари билан тасвирлаб бериш вазифаси турарди. “У (яъни Амир Темур – Ж.Х.) ҳақда кўп кунт ва меҳнат сарф қилиб эзопея шаклидаги йирик асарнинг яратилиши ҳаёт талаби бўлиб қолди. Бу вазифани бажариш ёзувчи Мұхаммад Алиниң зиммасига тушди”, деб таъкидлайди академик Матёкуб Кўшжонов “Ёзувчи камолотидан далолат” номли мақолосида.

Тарихий шахс ҳали бадиий асар қаҳрамони дегани эмас. Амир Темур деганда, биз ҳамиша отда юрадиган, ҳарбий юришлар сохиби, фотих, йигирма етти мамлакатни мусаххар қилган, совуту дубулғара ўралган бир саркарда кўз олдимишга келади. Сохибқирон Амир Темур ҳақида жаҳонда ёзилган китобларда унинг сиймосига, асосан, мана шундай ракурсдан қаралади. Афсуски, бу Сохибқиронга бир ёқлама ёндашишлар натижасидир.

Мұхаммад Али Амир Темурга бундай қарашлардан ўзгача, яъни Сохибқироннинг мустақил Ватанида унинг тимсоли янгича талқин этилаётган нұқтаи назардан, яъни ҳақиқат (таъкид бизники – Ж.Х.) юзасидан ёндашишга ҳаракат қилди. Сохибқироннинг кам ёритилган оиласи ҳаёти, хонадони, фарзандлари, келинлари, ҳарам аҳли, улар орасидаги инсоний муносабатлар адабни жуда қизиқтиради, ўқувчини ҳам, албатта. Адабнинг ўз асарида Амир Темурни, аввало, Инсон сифатида кўрсатишишга бел боғлагани диккатта сазовордор. Бу адабиётимизда, ҳатто жаҳон адабиётида ҳам Амир Темур сиймосини бадиий талқин этишида мутлақо янгича йўл, янгишча ёндашиш намунасидир.

“Улуф салтанат” тарихий тетралогиясида (хозирча уч китоб – “Жаҳонгир Мирзо” – 2003, “Умаршайх Мирзо” – 2006, “Мироншоҳ Мирзо” – 2010 ўқувчилар кўлига етиб борди, уч китоб нашр этилгани улар ҳақида дастлабки хулоса сифатида фикр юритишишга бизга асос беради. “Шоҳруҳ Мирзо” номли тўрттинчи китобни ҳам яқинда тугалланганини эшитдик). Сохибқироннинг давлат тепасига келиши жарабёнлари,

давлаттнинг шаклланиши, Амир Темурнинг буюк шахс сифатида камол топиши, Турон салтанатининг курдатли давлатта айланиши, юрт муҳофазаси ташвишлари, шимолий сарҳадларни мустаҳкамлаш, қисқаси, милодий 1370-1399 йиллар воқеалари қамраб олинган. Романларда, иложи борича, юқорида айтиб ўтилганидек, Соҳибқироннинг оиласви ҳәётини ёритишига ҳаракат қилинган. Мақсад – унинг ибраттлы инсоний фазилатлари, намуна бўлгуглик ҳәёти лавҳаларини ўкувчиларимизга етказиб беришdir. Ахир, дунёда саркардалар, давлат арбоблари кам ўтганни, нега ҳануз Амир Темур шахси барча замонлар ва ҳалқларни ҳайратта солиб келади, унинг оҳанрабоси нимада, деган савол туғилади. Бунинг сабаби, фикримизча, бобомизнинг монанди йўқ жаҳонгирлигидан ташқари, “Буюк Инсон” деган тушунча – мезонга тўла жавоб бера олган сиймо эканлигидадир. Ёзувчи тетралогияда асосий дикқатни ана шу улуғ ғояга қаратади.

Одатда, тарихий мавзуда асар ёзадиган ёзувчининг икки хил ҳолатда қалам юргизиши мураккаб кечади. Биринчиси: агар ёзилаётган мавзу ҳақида манбалар, китоблар кам бўлса. Шу сабабли, тарихий манбалар ёритилаётган давр ҳақида етарли хуласа қилиш имконини бермайди. Иккинчиси: агар ёзилаётган мавзу ҳақида манбалар, китоблар, тадқиқотлар ҳаддан зиёд кўп бўлса...

Мұҳаммад Али айнан мана шу иккинчи ҳолатга рўбарў келди. Соҳибқирон ҳақида жаҳоннинг турли тилларида ёзилган манбалар, тадқиқотлар ва китоблар кўп. Буларнинг бари кўп мутолаани талаб этади. Уларнинг муҳимлари, албатта, Амир Темурнинг ўзи буюриб ёздирган ва қўриб маъқуллаган, Амир Темурнинг кутлуг назаридан ўтганилиги билан қимматли бўлган муаррих Гиёсиддин Алиниңг “Хиндистон ғазовоти қундалиги”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” китоблари. Улар бирламчи манбалар ҳисобланади. Кейин яратилган китобларнинг деярли барчаси мазкур икки асарга сяяниб ёзилган. Шарағидин Али Яздийнинг “Зафарнома” номли комус даражасидаги асари шу маънода жуда ибратлидир. Ёзувчи бу асарларни ўрганиш асносида, ҳалқимизнинг XIII-XV асрлар турмуш тарзига оид турли хил материаллар, этнография, айниқса, Турон, Хуресон, Эрон, Озарбайжондаги шаҳарлар географияси, тил мұаммолари, ҳарбий ва диний атамалар, кийим-кечаклар, маиший ҳәёт ҳақида хилма-хил маълумотларни тўплади ва ўз асарларида унумли фойдаланди. Муаллиф Соҳибқирон фатҳ этган 27 давлат тарихигина эмас, балки улар ҳукмдорларининг ҳаёти, уларнинг ўзаро алоқалари, турмушининг икир-чикрларини ҳам ўрганиб чиқди, бундай синчковлик тарихчиларни ҳам ҳайрон қолдиради. Адид ўз мақолаларидан бирида, тарихий мавзуда асар ёзиш – икки карра ёзувчи бўлиш демакдир, деб ёзган эди. Шу сабабдан ҳам, романларни ўқиганда, муаллифнинг тарихни қанчалар чукур билишига гувоҳ бўламиз.

Мұҳаммад Али ижод йўлиниң бошиданоқ тарих мавзусига меҳр қўйди. Соҳибқирон Амир Темур мавзусига ҳам ўша даврлардан бери мурожаат этиб келади. “Қадимги кўшиклиар” (1967-1968) туркумида шоир айрим шеърларини шу мавзуга багишлиганди. У пайтлар Соҳибқирон номига табу кўйилган бўлса ҳам, муаллиф Амир Темур ҳақида дадил фикрлар айта опди. Чунончи, “Гумбаздаги нур” (1967) достонида Амир Темур образи чизилди (Жаҳонгирнинг кўз ёшларин ҳам, Артиб қўяр ўзгалар энди...), Жаҳонгир мақбрасининг курилиш саналари, XV аср Самарқанд манзаралари эсда қоларли тасвирланган. 1989 йилда ёзилган “Сарбадорлар” роман-диалогиясида яратилган 24-30 ёшли Темурбек ўзбек бадий насрода Соҳибқироннинг биринчи тўлақонли образи эди. Маълум тажриба ортирилганидан сўнг, адабининг “Улуғ салтанат” тарихий эпопеясига кўл уриши табиий ҳол эди, албатта.

Амир Темур даври тарихимизнинг олтин даври бўлиб, жуда бой қатламдир. Уни даст кўтариб, туб-тубига назар солиши, қат-қатини синчиклаб кўриб чиқиш, роман концепцияси талаб қилган даражада образлар, воқеалар, шахсларни саралай билиш, ҳам тарихий ҳақиқатга, ҳам бадий ҳақиқатта мос равища ҳаммасини бир чизиқга тизиб, ягона сюжетта едириб юбориш ёзувчидан катта маҳоратни, улкан ёзувчига хос заҳматкашликни талаб этади. Бунга фақат ёзувчилик салоҳиятигина эмас, балки катта олимларга хос мушоҳада-тафаккур ҳам зарур. Мамнуният билан айтиш керакки, Мұҳаммад Али бу талабларга муваффақият билан жавоб бера олган. Романлар тили

жуда ҳам чиyrалиб ишланган, арабий-форсий ибораларни билиб ўз ўрнида құллайды, ўқыганда тишига тегадиган сўзлар қарийб учрамайды, айни пайтда, ўша давр колорити-ни яқол кўрсатиб беради, янгича тузилган иборалар, жуда кўп топилдик сўзлар, тиник тасвирлар ўқувчига завқ бағишлиайды. Ўқувчи уларни ўқиб, ўзини ўша замонларда юргандек, воеаларни эса ўз кўзи билан кўриб турғандек ҳис қиласди.

Аввало, асарларнинг архитектоникаси жуда ўзига хослигини айтиб ўтиш керак. Муаллиф Амир Темур мавзусини ёритишни мақсад қилас экан, унинг даврини тўртга бўлиб, ҳар бир даврга бир китоб бағишлиайды ва уларни Соҳибқироннинг ўғиллари номи билан атайди. Бунда, демак, мазкур асарлар бош қаҳрамонлари шу ўғиллар экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Ёзувчининг мақсади бўлак. Тетралогияда асосий диққат бош қаҳрамон Амир Темур сиймосига қаратилган.

Адид талқинида Амир Темур нафақат улуғ саркарда, айни пайтда, фаолияти халқимиз тарихи зарвақларини безаган табаррук Инсон, жуда ҳам мард, ҳақиқатни ёқлагувчи, адоплатпеша, ёлғонни ёмон кўрувчи, бир сўзли, оқибатли Шахс сифатида кўз олдимизда жонланади. У кечирмоқ ҳам Оллоҳнинг бир инояти, деб хисоблайдиган улуғ зот. Бирорга ёмонликни раво кўрмайдиган қалб эгаси. Шунинг учун ҳам у, "Тузуклар"да айтилганидек, ёмонлик қилганларни ўз ёмонликларига топширади ва бундайлар билан олишиб вақтни беҳуда кетказмайди. Масалан, Шибирғон ҳокими Зиндачашм Опардий тўрт марта хиёнат қилганида ҳам кечиради, яъни ёмон йўлдан қайтар, дўст бўлиб кетар, деб умид қиласди. Тўхтамишхонни ҳам тўрт марта кечириб, кўллаб-кувватлайди... Душманни ҳам дўстга айлантириш, Соҳибқироннинг эзгу одатларидан бири эканлиги тетралогияда ишонарли акс этирилган.

"Жаҳонгир Мирзо" романида ёзувчи юрт учун ҳам, салтанат учун ҳам, Соҳибқирон учун ҳам жуда нозик ва қалтис бўлган вазиятни усталик билан қalamга олади. Милодий 1376 йил. Вазият чиндан нозик: Соҳибқирон илк набирасининг, яъни валиаҳд Жаҳонгир Мирзо билан келини Хонзода хоним оиласида туғилажак зуриёттинг дунёга келишини интиқлик билан кутмоқда... Лекин шу палла Жаҳонгир Мирзонинг кутилмагандан бетоб бўлиб "азиз бошларини ёстиқдан ололмай" қолгани маълум бўлади. Бетоб Жаҳонгир Мирзо "Боги Нақши жаҳон"да ётиби, оғироёқ Хонзода хоним эса Сароймулхоним ҳузурида "Боги Чинор"да... Бунинг устига Қамариiddin деган мўгул амири ўз тўдалари билан Андиконга ногаҳонда бостириб кириб, вайронгарчиликка йўл қўяётгандарни хабарини етказадилар. Ёзувчи шундай танг вазиятда уч ўт ўртасида қолган Амир Темур руҳиятини ёрқин тасвирлашга эришади. Соҳибқироннинг бир тарафдан бетоб валиаҳд ўғлини, иккинчи тарафдан биринчи набира тухфа этгани кўз ёрай деб турган суюкли келинини шундай ҳолда ташлаб кетгиси келмайди. Лекин, Ватанга душман бостириб кирган эди: "...шу палла бирдан кўз олдида Қамариiddin одамларининг Андиконда қайфу сафо қилиб юрганлари жонланди.... Фавқулодда келган ғазабдан кўзларига қон қююла бошлади! Ёт ёёклар она тупроқни топтаб юрибди... **Ватан баридан муқаддас!** (Таъқид бизнику – Ж.Х.) Ҳа, душман изини қириб ташлаш керак!.. Жетага юриши қилиш зарур! Жетага! Жетага!..

Чоршанба куни Турон сultonни Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари бетоб Жаҳонгир Мирзони табибларга, табибларни эса Оллоҳга топшириб, катта кўшин бошида Самарқанддан жўнаб кетди.. "(Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Биринчи китоб. "Жаҳонгир Мирзо". 314-бет).

Бу ерда Амир Темурниң ватанпарварлик туйғулари сўз билан эмас, ҳолат, важоҳат тасвири билан кўрсатиб берилган. Адабиёттинг вазифаси ҳам – шу аслида. Жантга кетаётib, кўз ёриш арафасида турган келинини авайлаб, Жаҳонгир Мирзо бетоблигини ундан яширишни, келининга эса кўёвени жангта кетган қилиб кўрсатиши Сароймулхонимга тайинлаши ҳам Соҳибқироннинг нақадар меҳрибон инсон эканини намойиш этади. Умуман, Соҳибқирон образи романдан романга динамик равищда ривожланиб боради.

Ёзувчи темурий маликалар сиймоларини тасвирлашда ҳам моҳирлик кўрсатади. Шуни айтиш жоизки, жуда кўп тарихий шахслар, чунончи, Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Муҳаммад Султон, Султон Ҳусайн Мирзо, Соҳибқирон эгачиси Кутлуг Туркон оқа, хотинлари Туман оқа, Тағой Туркон оқа; қизи

Султон Бахт бегим, келини Хонзода хоним, Чүлпөн Мұлк оқа ва бошқалар мазкур тетралогия туфайли адабиётимизда илк бор бадий қаҳрамонлар сифатида намоён бўлдилар. Шу пайтгача уларнинг бадий образлари адабиётимизда яратилмаганди. Опа Қутлуғ Туркон оқа билан ука Амир Темур муносабатлари халқимизда мавжуд бўлган опа-уқалар ўртасидаги меҳрибончилик, қайишиш, авайлаш, бирбирига чексиз ҳурматга ёрқин мисолидир. Айниқса, бу нарса "Умаршайх Мирзо" романининг олтинчи бобида Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг оғир мусибатда қолган Амир Темурга эгачисининг берган дадалари, озор еган кўнглини кўтариб қилган насиҳатлари таърифларида яққол кўринади: "Оҳ, Жаҳонгир Мирзо ўғлим келгонида эрди, тожу таҳтини ҳам олсунлар эди мендан!.. Олсунлар эди!... Рози эдим!!! – деб юборди ҳасратда Амир Темур.

– Йўқ, Амир Соҳибқирон! Бу ношукурчилик бўладур, – Қутлуғ Туркон оқанинг бодом қовоқлари уюлди. – Таёба деб гапирмок керак, шукур қиммоқ керак. Бундай сўзларни сира айттмасунлар, сира айттмасунлар! Сизга ярашимайдур. Эсингиздаму, Куръони қаримда: "Оллоҳдан унинг ўзи қилғон иш ҳақида сўралмайдур...", дейилгон. Ҳамма нарса Оллоҳнинг мулки, бизлар оқиз бандалармиз, холос. Ҳудойимнинг ҳақири келиб бу куни мизни ҳам кўп кўрмасун тагин? Таёба деб гапирсунлар, шукур этсунлар!

– Таёба қилдим, таёба қилдим!.. – деб юборди Амир Темур маҳзун бир ҳолатда..." (Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Иккинчи китоб. "Умаршайх Мирзо". 59-65 бетлар).


Маҳди улё Сароймұлқоним ўзининг бутун умрини, ақлу заковатини, кўрку хуснини, роҳату фароғатини Амир Соҳибқиронга бағищлабан, салтанат ривожи йўлида фидо қилган мўътабар аёл тимсоли. У бутун сарой ҳаёти, турмуш тарзини идора этади, айтиш мумкинки, ҳамма нарсага масъул. Романда тасвирланишича, катта малика саройда бўладиган майда-чўйда нохушликларни Соҳибқиронга билдиримайди, набиралар тарбияси билан машғул бўлади.

Хоразм маликаси Хонзода хоним ажойиб тақдирли аёлларимиздан бири, у жудаям гўзал, ёрига меҳрибон, лекин ўн гулидан бир гули очилмай сўлган фаришта. Тетралогияда Амир Темурнинг келинига бўлган чексиз ҳурмати, уни авайлаши, кўнглига қараши, бошқаларнинг ранжитишига йўл кўймаслиги жуда ишонарли тасвирланган. Хонзода хоним ҳам Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин, менинг учун фақат Соҳибқирон билан маҳди улё хонимойим Сароймұлқоним бор, дейди ва уларга сунянади. Бу туйгу "Мироншоҳ Мирзо" романидан олинган кўйидаги парчада яққол кўринади. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин, етти йил ўтиб, ўзидан етти ёш кичик Мироншоҳ Мирзога узатилган Хонзода хоним ҳаёти машаққату укубатларда кечди. Мироншоҳ Мирzonинг ўринсиз даъволовларига, батъзан ҳақорат даражасида айтган сўзларига, малика шундай жавоб беради: "Нечоғлиқ ҳақорат сўзларини эшишсан ҳам, тақдиримдан нолимаймен! – деди кўз ёшлари бирдан қуриган Хонзода хоним мағрур бошини кўтариб. – Мен Хоразм маликаси, Султон Муҳаммад Ўзбекхоннинг набирасимен! Неки қипсам, мен учун дунёда энг азиз ва улуг зот муҳтарам Соҳибқирон ҳазратлари учун қилдим! Хор бўлсан ҳам, унинг учун хор бўлдим! Улуғ Амир қалбини қийнаган фарзанд догони кетказиш, Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин суюкли келини тақдирини ўйлаб, ҳеч кимга кўзи қиймай, ўз бағридан чиқаргуси келмай чеккан яширин азияту изтиробларини енгиллатай деб, ўн беш йилдирки, ўзимни шу қол-коронгу зинданга отдим! Била туриб, иложининг борича ўзимга жабр қилдим!.." (Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Учинчи китоб. "Мироншоҳ Мирзо". 413-414 бетлар).

Биз дарҳол баҳти юришмаган, фожиаю мусибатларга бўйин эгмаган, Соҳибқироннинг нуғузли келини Хонзода хонимнинг мағрур сиймосини тасаввур этамиз ва кўнглимизда унга нисбатан раҳмидиллиқдан кўра, кўпроқ юксак ҳурмат, эҳтиром туйгулари ўйғонганини сезамиз.

Тетралогияда қаҳрамонлар ё одати, ё сўзи, умуман характери билан бирбиридан ажралиб туради, уларни сира адаштириб юбормайсиз. Бу ёзувчининг ўз қаҳрамонларини характер, тип даражасига кўтаришга, образларни пухта ишлашга алоҳида аҳамият берганини кўрсатади.

# Гулқайчи



**Тұрсунбой  
БОЙМИРОВ**

1949 йылда туғылған. Қараша Давлат институтининг бошланған таълим методикаси факультетида таҳсил олғач, узоқ шылдар маориф соҳасыда хизмат қылған. Унинг “Изтироб” ҳикоялар түплами, “Балоу бад”, “Е, отамнинг құлы”, “Раиснинг ули”, “Дүстлар қаҳқаҳасы” (таржима) номлы ҳажсий китоблари нашир этилған.

## ОШҚОВОҚ

### Ҳајсия

— Энди тоза ҳавога чиқайлик, хона ичи қизиб кетди, — деди Неъмат ака ўтирганларга.

— Тұғри айтасиз, — Неъмат аканинг таклифини маңқуллади Йўлдошбек. — Устознинг богини томоша қиласылар. У ер анча салқын.

Бу гап дастурхон теварагида ўтирганларга ёқиб түшди. Ҳосилини күттаролмай турған аноялар, шафтотилар, нашватилар мәҳмонарнинг күнглини яйратди.

— Ҳам дәхқонсиз, ҳам боғбонсиз, Тұрсунбой. Бу ҳосиллар мәжнatsiz бўлмайди. Яшанг! Шунча еримиз бўлганда бозордан ҳеч нарса сотиб олмасдик. Бай-бай, яшанг! — деди ҳаяжонланган Неъмат ака.

— Еримиз унумсиз, тупроғи қизил ва шўр. Ёзда уч куннинг бирида сувлаб турмасангиз, ниҳолларнинг ҳолигавой. Ҳар баҳорда гўнг солишдан чарчамаймиз, — дедим мен нолиган бўлиб.

— Эҳ-ҳей! — Йўлдошбек томорқанинг бир четини эгаллаб ётган ошқовоқ палагига кўзи тушиб ҳайратланди.

— Нима бало, бозорни ошқовоққа тўлдирмоқчимисиз? Ҳай-ҳай, ғовлаб кетибди-ку?! Кўй кўрмаган бўлслак ҳам қий кўрганмиз. Бир холам бор, ошқовоқнинг пири. Ҳар тупидан етмиш, саксон дона ҳосил олади. Шундай ошқовоқ бўладики, бир киши кўттаролмайди. Ўша холанинг жиянимиз-да!

Йўлдошбекнинг гапида жон бор. Икки йилдан бери томорқага ошқовоқ уругини экиб, кўнгилдагигек ҳосил ололмаймиз. Дараҳтлар соясида бу йил янаем ғовлаб кетди.

— Эй ука, ўртантган юракни... Кўйинг, — дея нолишга ўтдим. — Ўтган йили ерни дорилаган эдик, шу зиён қилдими, билмадим, ҳосил тугунчаларидан нишон йўқ.

— Боваларимиздан қолган урф-одатларни ҳам эслаб турасизми? Яна, бош чайқайсиз. Урфларимизга ҳам озгина эътиқод қилиш керак. Ҳалиги ошқовоқнинг пири бўлган холам ерга уруг ташлаётганда, тошдек кўпайсин деб кўйини майда тошга тўлдириб олади. Сизам, бир ҳовуч майда тошни липага уриб, еганимдан ошиб қолсин, ошна-оғайни ташиб қолсин деб, тупроқка уругни кўммайсизми, — деди Йўлдошбек афсусланиб. —

Ҳали ҳам кеч эмас, урғодатнинг униси бўлмаса, буниси. Қариялар пайвандлаш дейдими-ей, "сол-сол" дейдими-ей. Шунақа қилиш керак.

Йўлдошбекнинг таклифи мени анча довдиратиб қўйди. Саксонга кирган онам бор. Алқисса, у кишидан ҳам шу тўғрида бир оғиз сўрамабман-а.

— Эй, бундай удумлар кўпдан унугилган эди. Ҳаёлга кептими. Урғо кўкарса, ҳосил беради деб ўйлаганмиз-да! — дедим юзта ошқовоқни дарёга оқизиб қўйган кишидек хижолат чекиб.

— Холамнинг бир ҳамсояси бор. У киши ҳам ошқовоқнинг пири. Палак гулга ўтиргач, исириқ тутунига лозимини тутиб, палак оралаб "сол-сол" қиласди. Кўрибсизки, қиша ошқовоғини уйга сиғдиролмай ётади, — деди Йўлдошбек ҳамроҳларига.

— Тўғри, — гапга қўшилди Неъмат ака, — "сол-сол" одатини оиланинг тўнғич қизи ёки кўп болали аёл ўтказди.

— Ака! — Йўлдошбек жонланди. — Бизнинг қишлоқда пайвандни эркаклар амалга оширади. Шу ишни мен қилсан, розимисиз?..

— Розиман, — дедим беихтиёр. — Ҳарқалай, икки юзта бўлмаса ҳам, ўттиз-қирқта ошқовоқ чиқса зиён қилмас.

— Э, менинг пайвандидан кейин роса бир мошин ошқовоқ чиқмаса, иккинчи бу ишни қилмайман, — деди Йўлдошбек файратланиб.

— Насиб денг, насиб денг, — дея Неъмат ака кўзойнагини арта туриб гапга арапашди. — Бу палакнинг юздан ошиқ навдаси-қўли боров. Бу тонна-тонна ошқовоқ деганими? Бозорга чиқарса, фалон пул.

Неъмат аканинг ҳаяжони менга ҳам кўчди.

— Бир мошин ошқовоқ сизники, — дедим Неъмат акага, — Шахрисабзга ўзим элтиб берганим бўлсин.

— Янгангиз хурсанд бўлади. Ошқовоқ сомсани ёқтиради. Ундан кейин витамингаям бой...

— Неъмат ака, — дедим ҳазилу чин арапаш, — мана қўшниларим ҳам кузатиб турибди. Йўлдошбек бу янгиликнинг муваффақиятига ишонтирса, шу бугун бутун қишлоққа жорий бўлади.

— Оббо, Турсунбой! Агар ошқовоқ эмас, ҳашак керак бўлса, бизлар уйга кирамиз. Ана палагингиз, — дея ранжиган бўлди Йўлдошбек.

Гўё юзлаб ошқовоқдан курук қолаётгандек, қўшниларим:

— Пайванд қилсин, пайванд қилсин, — деб чувиллашди.

Мен ҳам шоша-пиша:

— Шермат! Пичноқни олиб кел!.. — дедим.

— Пичноқ керак эмас, — эътиroz билдириди Йўлдошбек. — Мен суннат қилмоқчи эмасман. Этик борми?

— Этик билан ҳам пайванд қилиб бўларканми? — ҳайрон бўлди Неъмат ака.

— Йўлдошбек, "сол-сол" қилсангиз бўлмайдими? — деди Неъмат ака ошқовоқ палагининг пайванд бўлишига ишонкирамай.

— Ака, кўпчиликнинг олдида хафа қилманг... — деди Йўлдошбек салгина ранжиб.

— Айтинг, этикни олиб келишсин.

— Шермат! Этикни олиб кел!

Бошқа гапга ўрин қолмаган эди. Неъмат ака вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди:

— Қўйинг, Турсунбой, Йўлдошбек билан тортишманг. "Сол-сол" қиласдими, пайванд қиласдими, қилаверсин.

Бир чеккада Йўлдошбекнинг ишини томоша қилиб турдик. Айниқса, қишлоқдошларим қизиқиш билан кузатишарди. Йўлдошбек Эроннинг катта резин этигини кийиб, палак оралашга тушди. У ошқовоқ навдаларини резин этикнинг товони билан эзар экан, худди болаларга дарс берадигандек:

– Пайванд қилдим, эшитяпсизми, пайванд қилдим, – деб тақрорлаб турди.

Йўлдошбек терга ботиб палак орасидан чиқар экан:

– Неъмат ака айтганидек, худо насиб қилса, ҳосилини журт-жаҳонга сиғдиролмайсиз. Ҳали кўпларнинг ичи куяди... – дея кулиб қўйди.

Неъмат ака ҳам уйига бир мөшин ошқовоқ тушириб олган бозорчилик хурсанд.

Шу пайт хотиним чақириб қолди:

– Чалоб қилдим, уйга кирингизлар...

Орадан кун ўтмай ҳовлидаги ошқовоқ палагининг ранги кетиб, сўлий бошлади. Онам, хотиним ва болалар олдида ўғри мушукдай алланг-жалланг қиласидаги бўлиб қолдим. Гўё улар, назаримда, „ҳа, ошқовоқ бойвачча” дёётгандай. Гоҳ бехосдан кулиб юбораман. Хотинига ошқовоқнинг витаминга бойлиги ҳақида ҳикоя қилаётган Неъмат ака хаёлимда жонланади. Ох, Неъмат ака...

Уч кундан сўнг укам келди. Кайфияти муррик.

– Тинчлики? – хавотирланиб юзига боқдим.

– Шу шогирдингиз дўстми, душманми?

– Нимайди?

– Э, ошқовоқлар...

– Нима, сен ҳам пайванд қилганмидинг? – хавотир аралаш ҳайрон бўлиб унга қарадим.

– Битта мен эмас, бутун қишлоқ...


– А?

Мен унсиз кулар эдим. Укам менинг йиғлаётганимни ҳам, кулаётганимни ҳам англамасди, қошларини чимириб боқиб турарди.

Куз охирлаб қолганда Неъмат акадан хат кепди. Ҳол-аҳвол сўралгандан сўнг, ошқовоқ эслатилган эди. Янгам янги тандир курибди. Тўлиб-тошиб борсак, ошқовоқ сомса ёпиб берар эмиш.

– Ох, Неъмат акажон, эски ярамни янгиламанг...





## Абдурауф Фит慨


Шарқ адабиётининг ҳашаматли, рангли бир тарихи бор. Бу дабдабали тарихнинг олдидан ўтканда бу кунги Оврўпа адабиёти ҳам шапкасини олиб салом бериб ўтадир. Шунга ўзини мажсбур каби кўрадир. Шарқ тарихи адабияси бутун дунё адабиёти орасида сингирсиз, мисли йўқ бир боғчадир.

ЧОМИК

10022

# «O'QITUVCHI»

НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



Manzilimiz: 100206, O'zbekiston,  
Toshkent sh., Yangishahar ko'chasi, 1.

Tel.: (+99871) 224-04-12

E-mail: [info@oqituvchi.uz](mailto:info@oqituvchi.uz)

Web-site: [www.oqituvchi.uz](http://www.oqituvchi.uz)